

Рустам ШАРИПОВ . Феруза МУҲИДДИНОВА

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИ  
СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ  
ТАЪЛИМОТЛАРИ ТАРИХИ


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

**Рустам ШАРИПОВ Феруза МУҲИДДИНОВА**


# **ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИ СИЁСИЙ–ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИ ТАРИХИ**

(XIX аср охири – XX аср бошлари)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги қошидаги мувофиқлаштирувчи Кенгаш қарори  
билан олий ўқув юртлари талабалари учун тавсия этилган



6105



XX аср бошларида Туркистонда юз берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар жади́дчилик деб ном олган ҳаракат билан ҳамбарчас боғлиқдир. Мазкур ҳаракатнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, айниқса, унинг сиёсий, ҳуқуқий, маърифий жиҳатлари ва бугунги кундаги аҳамиятини очиқ бериш ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан муҳимдир. Қўлингиздаги тадқиқот Туркистон ҳудудларида жади́дчилик ҳаракатининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари, жади́д зиёлиларининг миллий ва мустақил давлат барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларининг сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатларини очиқ беришга бағишланган.

Мазкур тадқиқот "Ўзбек адабиёти", "Миллий уйғониш даври адабиёти", "Ўзбекистон тарихи", "Сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи" фанларидан маърузалар ўқийдиган муаллимлар ва шу соҳаларда таҳсил олаётган талабалар учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган бўлиб, миллий уйғониш даври муаммолари билан қизиққан барча китобхонлар учун ҳам мўлжалланган.

**Шарипов Р.Ҳ, Муҳиддинова Ф.**

**Ш26** Ўзбекистон халқлари сиёсий – ҳуқуқий таълимотлари тарихи (XIX аср охири – XX аср бошлари): Олий ўқув юртлири талабалари учун ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир: фалсафа фанлари доктори, профессор **Б.Ҳ. Эргашев**. – Т.: Тошкент Давлат юридик институти, 2004. –298 б.

Сарлавҳада: ЎзР Адлия вазирлиги, Тошкент Давлат юридик институти.

**ББК 63.3 (5У)я73Қ63.3 (2)5я73**

**Таҳрирчилар:** юридик фанлари доктори, профессор **З.М.Исломов**  
юридик фанлари номзоди **М.Эргашева**

**Муаллифлар:**

**Рустам Шарипов**, филология фанлари номзоди, доцент (Кириш, I боб 1, 2, 3 - фасллар, II боб 1, 2, 3 - фасллар, III боб 1, 2, 3 - фасллар, IV боб 1, 2, 3 - фасллар, хулоса);

**Феруза Муҳиддинова**, юридик фанлари номзоди (I боб 4, 5 - фасл, II боб 4 - фасл, III боб 4, 5 - фасллар)

## КИРИШ

Инсониятнинг тарихий тараққиётида XX аср алоҳида мавқени эгаллайди. Бу асрда шу қадар кўп оламшумул воқеалар рўй бердики, улар ўзининг мазмун-моҳияти билан бир неча асрларга татийди. Дарҳақиқат, XX аср – коммунистлар учун дунёни ларзага келтирган инқилоблар асри; олимлар учун буюк кашфиётлар ва илмий-техник тараққиёт асри; мустамлакачилик шароитида яшаб келган, моддий бойликлари талон-торож этилиб, халқи хор-зор этилган мамлакатлар учун эса истиқлол ва истиқбол асри.

Агар XX асрга бугунги кун нуқтаи назардан ёндошсак, бу аср Туркистон халқлари учун миллий уйғониш ҳаракати билан бошланди ва шу ҳаракатнинг ўз олдига қўйган улуғ мақсади асрнинг сўнгги ўн йиллигида, яъни, совет мустабид тузумининг инқирозга учраши ва СССРдек кудратли империянинг парчаланиши билан амалга ошди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши, ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини тавлаб, порлоқ келажак сари дадил боришида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг тарихий хизматлари гоёт каттадир.

И.А.Каримов қисқа вақт ичида мамлакатимизни жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторига олиб чиқди. Тарихий жараённинг возик ва ҳатто қалтис бир палласида бирдан-бир тўғри йўлни тавлаб, ўзбек халқи тақдирида оламшумул ўзгаришлар содир этди.

Ана шундай ўзгаришлардан бири мамлакат ва халқ тарихига ҳурмат билан қараб, ўзбек халқининг жаҳон тамаддунига муносиб ҳисса қўшган машҳур давлат арбоблари, саркарда ва олимлар, адабиёт ва санъат намояндalarининг муборак номларини абадийлаштиргани, шу билан тарихий ҳақиқат ва адолатни тиклаганидир.

Тарихни билмай ёки ўрганмай туриб келажак тўғрисида ўйлаш ва дадил қадам ташлаш мумкин эмас. Ўз ўтмишини



билган халқ ҳаётда учраши мумкин бўлган хатоларнинг олдини олади, бошқаларни ҳам маънавий жиҳатдан бойитиб боради. Антей она-заминдан куч-қувват бўганидек, тарихни билиш инсон зотига руҳий ва ақлий (интеллектуал) қувват бағишлайди.

Шунинг учун ҳам Президентимиз: «Тарихни яхши билмасдан туриб, юксак маънавиятга эришиш мумкинми? Албатта, мумкин эмас! Маънавиятини тиклаши, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак»<sup>1</sup>, дейдилар. Бу масалага мустақиллик даврида алоҳида эътибор берилётганининг сабабини тушунтира туриб, яна қуйидаги сўзларни таъкидлайдилар: «Шўролар замонида тарихий ҳақиқатни билиш рағбатлантирилмас эди, ҳукмрон мафкура манфаатларига хизмат қилмайдиган манбалар халқ кўзидан иложи борича йироқ сақланарди. Аҳвол шу даражага борган эдики, ўз тарихимизни ўзимиз ёзиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолдик. Бировлар томонидан яратилган тарих дарсликларини ўқир эдик»<sup>2</sup>.

Бировлар томонидан ёзилган ана шундай тарих дарсликларида совет мафкураси манфаатларига мос келмагани учун сохталаштирилган ва ҳатто бадном этилган масалалардан бири жаҳидчилик – маърифатчилик ҳаракатидир.

XIX аср охири - XX аср бошларида майдонга келган жаҳидчилик ҳаракати ва бу ҳаракатнинг кўзга кўринган барча намояндалари шаънига чор ҳокимияти қандай муносабат билдирган бўлса, советлар (большевиклар) даврида ҳам улар халқ манфаатларига зид ўлароқ ҳаракат қилган кишилар сифатида баҳоланди ва талқин этилди. Агар большевиклар бу ҳаракатнинг раҳбарларидан бири - Маҳмудхўжа Бехбудийни Бухоро амири қўли билан тутиб ўлдирган бўлсалар, 30-йилларда авж олган оммавий қатағонлар даврида

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Виз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - Б. 136.

<sup>2</sup> Ушш асар. - Б. 133.

уларнинг тирик қолган бошқа намоёндалари ҳам қатагонга учради. Шу билан бирга, улар қолдирган адабий, фалсафий ва педагогик мерос йўқ қилиб ташланди. Бунинг оқибатида авлодлар узоқ вақт мобайнида жадид маърифатпарварлари фаолиятини ўрганолмай, улар ҳақида етарли билимга эга бўлолмай келдилар. Ҳолбуки, жадидлар ижтимоий, адабий ва педагогик фаолиятининг мазмун-моҳияти бир қатор масалаларда ҳозирги давр талаблари билан уйғундир.

«XX аср бошидаги маърифатчилик ҳаракати ҳақида гапирдим, - деб ёзган эди И.А.Каримов. - Ўша ҳаракатнинг намоёндалари бойлик учун, шон-шухрат учун майдонга чиқишдими? Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори, Таваллоларга мактаб очганлари, халқни ўз ҳақ-ҳуқуқларини танишга даъват этганлари учун биров маош тўлаганми? Биров уларга ойлик берганми? Албатта, йўқ! Улар ўт билан ўйнашаётганини, истибодга қарши курашаётганлари учун аёвсиз жазоланишларини олдиндан билишган. Била туриб, онгли равишда мана шу йўлдан борганлар. Чунки, виждонлари, иймонлари шунга даъват этган»<sup>3</sup>.

Жадид маърифатпарварларининг қизиқиш ва фаолият доираси ғоят кенг бўлиб, уларнинг асосий мақсади халқни маърифат йўли орқали мустақилликка олиб чиқиш эди. Чунки, маърифатсиз, ўз тарихи ва инсоний ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида ҳеч нарса билмай, мустамлакачилик шароитида яшаш – халқнинг иродасини букиб ташлади. Шунинг учун ҳам улар янги усулдаги мактаблар очиб, тез суръатларда халқ оммасининг саводини чиқариш чораларини кўрдилар; илк матбуотга асос солиб, газета ва журналлар чоп этишди; янги давр ғояларини тарғиб этувчи, халқнинг ёпиқ кўзини очувчи асарлар яратдилар. Натижада жадид адабиёти майдонга келди ва театр труппалари пайдо бўлди. «Надарқуш», «Тўй», «Эски мактаб, янги мактаб», «Жувонбоз», «Кўкнори» сингари асарларнинг саҳнага қўйилиши билан миллий театр санъати

---

<sup>3</sup> Ўша асар. – Б. 136.

Ўз тарихини бошлади. Жадидлар ўзларининг тараққийпарвар гояларини мактаб-маърифат, адабиёт ва театр ёрдамида халқ оmmasига етказа бошладилар. Аммо, улар назарида, бу мафкура ва маънавият майдонлари, мамлакатнинг мустақилликка эришиши йўлида бир восита эди, холос.

Агар жадид маърифатпарварларининг бадиий асар ва публицистик мақолаларини диққат билан ўқисак, уларда жадидларнинг давлат қурилиши ҳақидаги муҳим сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари мужассамланганини кўрамиз.

Совет даври олимлари жадидларни маърифат масалалари билангина чекланганликда айблаб келди. Ўтган асрнинг 30-йилларида эса уларни советларга қарши аксилинқилобий ҳаракатда, бинобарин, амалий фаолиятда айблаб, қатағон этдилар ва отиб ташладилар. Ҳолбуки, жадидлар ҳатто Туркистон Мухторият ҳукуматини барпо этганларида ҳам уни дастлаб Россия тасарруфидаги автономия ҳуқуқларига эга давлат бўлади, деб ўйлаган эдилар. Шунинг учун ҳам жадидларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида тўла мустақил давлатнинг эмас, балки автономия мақомидаги, яъни. ўзбек халқининг, Ўзбекистонда яшовчи барча халқларнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилувчи давлат ҳақидаги тасаввурлари мужассамланган.

## I боб

### Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши ва шаклланиши

Тарихнинг ўз қонуниятлари бор. Ҳар бир жамият ўз тарихи давомида туғилиш, ўсиш, авж нуқтага эришиш ва секин-аста таназзулга юз тутиш жараёнларини бошдан кечиради. Кишилиқ жамияти тараққиётига хос бўлган бу жараённинг қатор объектив сабаблари бор. Бу сабаблардан бири ва балки биринчиси ижтимоий фикрнинг тўхтаб қолишидир.

Биз ўз олдимизга қўйган мақсаддан келиб чиққан ҳолда, қуйида жамият ва ижтимоий тафаккур масаласи атрофида баҳс юритмоқчимиз.

“Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз худудининг ҳолис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида гоят муҳим ўрин тутди”- деб ёзади юртбошимиз И.А.Каримов.<sup>4</sup>

Ўзбек халқи тарихи – бошқа халқлар тарихидек – турли қабила ва уруғларнинг бир беклик(князлик)ка, бекликларнинг эса хонликларга бирлашишидан, бу хонликларнинг муайян тарихий шароит ва муддатда яшаб, сўнг истило азобини татиб кўриши, ва ниҳоят, халқ қуллик кишанларини янчиб, ўз мустақиллигига эришишидан иборат. Бу формула халқимиз тарихи давомида турли шаклларда юз кўрсатиб келган. Ижтимоий-иқтисодий фикрнинг эскириши ва янги фикрнинг туғилиши ҳам худди шу жараён билан боғлиқ.

Олис даврларни тарихчиларга қолдириб, халқимизнинг кейинги беш-олти аср ичида босиб ўтган йўлига назар ташлайлик. Ўзбек давлатчилиги тарихида, халқимиз бир қадар бирлашиб, нафақат ҳарбий, балки ижтимоий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан ҳам қудратли салтанатни барпо этишида

<sup>4</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXІ аср бўсағасида: лавфисизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, - 1997. - Б. 140.

соҳибқирон Амир Темурнинг тарихий хизмати беқиёсдир. Амир Темур асос солган қудратли давлат тарих саҳнасига келгандан сўнг ўзбек халқининг жаҳон майдонидаги ўрни яққол кўриниб борди. Шу даврдан бошлаб жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий асослари вужудга келиб, ижтимоий, илмий ва бадиий тафаккур жараёнлари изчиллик билан шакллана бошлади. Булар ҳаммаси тарих саҳнасига кўтарилган шахснинг – Амир Темурнинг жамиятни янгилаш учун марказлашган давлатни барпо этиш, майда беклик ва хонликларни бирлаштириш, ички курашларга барҳам бериш орқали янги иқтисодий ва маданий ғояларни ҳаётга қўллашдаги беқиёс матонати билан боғлиқ.

Агар мўғуллар XIII асрда Хоразм шоҳларидан ғолиб чиқиб, туркий халқлар яшайдиган заминни забт этган бўлсалар, Амир Темур 1370 йилда чигатойлар ҳукмронлигига барҳам берди. Соҳибқирон Чиндан то Ўрта Ер денгизига қадар бўлган ҳудудда буюк бир салтанат бунёд этишга муваффақ бўлди. Афсуски, XV асрга келиб Туркистонда ўша буюк салтанатнинг айрим қолдиқлари (Хива ва Қўқон хонликлари ва Бухоро амирлиги) сақланиб қолган эди, холос.

Хива хонлиги XVII асрда Амударёдан Хуросонга қадар бўлган ҳудудни ўз ичига оларди. 1740-1747 йиллар орасида Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ қўли остида бўлган хонлик ниҳоят мустақилликка эришади, аммо узоқ вақт ички курашларга саҳна бўлиб қолади. Бу ҳол минтақада Россия ҳукмронлиги ўрнатилгунга қадар давом этади.

Амударёнинг ўнг соҳилидан тортиб то Хива хонлиги чегарасига қадар узанган Бухоро хонлиги эса, 1752 йилдан эътиборан манғит сулоласи вакили бўлмиш Муҳаммад Раҳимхон ҳукмронлиги остида яшади. Узоқ вақт давомида бу ерда ҳам тинчлик бўлмади. Фақат Шоҳ Мурод ҳукмронлиги даврида (1785-1800) амирликда бир қадар тинчлик ва осойишталик ҳукм сурди. Натижада, мадрасаларда таълим-тарбияга бўлган эътибор анча кучайгани ва ўша вақтда

Бухоро мадрасаларида ўттиз мингга яқин талаба таҳсил олгани тарихий ҳақиқатдир.

Қўқон хонлиги эса Амир Темурнинг невараси Умар Шайх томонидан 1467 йилда бунёд этилиб, Шарқда Кошғар, Фарбда Самарқанд, Жанубда Бадахшон тоғлари, Шимолда эса Олма-ота шаҳри билан чегарадош бўлган.

Уччала хонлик ҳам XIX асрга келиб, ўзаро келишмовчилик ва ички курашлар оқибатида ниҳоятда кучсиз бўлиб, парокандаликни бошдан кечирар ва ташқи душманга дош бера олмайдиган аҳволда эди.

Машҳур можор олими Арминий Вамбери (1832-1913) 1863 йилда дарвеш қиёфасида Эрон орқали Ўрта Осиёга келади. Хавф-хатарга тўла бу сафардан ватанига эсон-омон қайтгач, ўзининг машҳур саёҳатномасини ёзади. Унда олимнинг мазкур ҳудуд географияси, иқтисоди, тарихи, маданияти ва ижтимоий муносабатлари ҳақидаги муҳим кузатишлари ўз аксини топган. Шу билан бир қаторда, асрлар давомида Ислом дини ақидалари асосида бошқариб келинаётган ўлканинг ташқи оламдан ажралган ҳолда ривожланаётгани ҳам алоҳида таъкидланган.

Асар тез орада дунё олимлари назарига тушади ва бир неча тилларга таржима қилинади. Унинг илк таржимаси ушбу ҳудудда ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборган Чор Россияси ҳукумати томонидан амалга оширилади. Айрим маълумотларга қараганда, Чор ҳукумати ҳаракатдаги қўшнлар қўмондонларига Вамберининг асари билан яқиндан танишиб чиқиш юзасидан махсус кўрсатма ҳам берган. Шу тариқа можор олимнинг илмий-тарихий асари стратегик аҳамият касб этган.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Туркистон устидан умумий ҳукмронлик ўрнатиш учун Европанинг кучли давлатлари ўртасида рақобат бошланиб кетди. Инглизлар Афғонистон ва Жанубий Туркистон ҳудудлари билан яқиндан қизиқишларини яширмай, 1839 йилда Помирга қадар келадилар.

Улар Туркистоннинг жанубий чегаралари билан овора бўлиб турган пайтда, аниқроғи, шу йилнинг ўзида Россия Хивани қўлга киритишга астойдил ҳаракат қилади. Аммо генерал Перовский қўмондонлиги остидаги олти минг кишидан иборат бўлган чор қўшинлари муваффақиятсизликка учрайди. Сўнг-ра Қўқон сари ҳаракат бошланади. Қўқон хонлигига қарашли Сирдарё яқинида қад кўтарган Окмасжид қалъаси 1853 йилда забт этилса-да, рус қўшинларининг Туркистон ичкари-сига тезкорлик билан кириб келиши вақтинча тўхтайди.

1856 йилда Париж сулҳи имзоланганидан сўнг Россия ҳарбий ҳаракатлардан бўшаган қўшпинларини Кавказ ва Туркистонга ташлайди. 1858 йилда генерал Игнатъев (кейин-чалик Россиянинг Истанбулдаги элчиси) Бухорога элчи қилиб юборилади ва ўз фаолиятини Бухоро амирига тазйиқ ўтказиш асосида ташкил этади.

1860 йилда Еттисувдан ҳаракат бошлаган генерал Колпаковский Қўқон хонлиги қўшинларини мағлуб этади. Тўқмоқ ва Пишпек қалъаларини ишғол этиб, Шарқий Туркистонга кетган йўлларни ўз назорати остига олади. 1863 йилда Пруссия билан шартнома имзоланганидан сўнг, Россия Қўқон хонлигига қарши ҳарбий ҳаракатларини давом эттириб, 1864 йилда Авлиё ота, Туркистон (Ясси) ва Чимкент шаҳарларини забт этади. Бундан кейин генерал Кауфман уч минг беш юз аскар билан 1868 йилнинг 2 майида Туркистоннинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлган Самаркандга кириб келади. Бухоро ва Қўқон хонликлари шароит тақозоси билан Россия ҳимоясига ўтади. 1873 йил 12 августда Хива хонлиги ҳам шу ҳимояни қабул қилишга мажбур бўлади. 1876 йил 19 февралда эса Қўқон хонлиги ўрнида “Фарғона вилоя-ти” пайдо бўлади. 1880-1884 йилларда ҳозирги Туркманистон ҳудудлари ҳам ишғол қилинади. Босиб олинган ерларга босқинчи мамлакат фуқаролари кўчириб келтирилиб, кўп жойларда рус қишлоқлари барпо этилади. Оқибатда, Вамбери “ёпик ижтимоий тизим” сифатида таърифлаган жамяят янги

шаклга эга бўлади ва айна чоғда Чор Россияси мустамла-  
касига айланиб боради.

Хуллас, Чор ҳукумати мунтазам армиясининг қирқ йил  
давом этган босқинчилик юришлари оқибатида Ўрта Осиёда-  
ги уч ўзбек давлати – Қўқон ва Хива хонликлари ҳамда  
Бухоро амирлиги – қудратли Амир Темур салтанатининг  
сўнги парчалари ҳам тугатилади.

### **1-фасл. Тарихий шароит ва жадиdчилик ҳаракати юзга келишининг баъзи бир манбалари**

Қарийб қирқ йиллик мустамлакачилик даври халқнинг  
иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида изсиз кетмади.  
Хонлик ва амирликлар даврида ҳам оғир иқтисодий ҳаёт  
кечирган, ижтимоий онги ва маданий даражаси фақат надо-  
мат туйғуларинигина уйғотган халқ мустамлакачилик даври-  
да янада эзилди. Бу ҳол аҳолининг нафақат маданий ва  
ижтимоий жиҳатдан ўсиши, ҳатто кундалик рўзгорни тебра-  
тишида ҳам катга мушкулликларни келтириб чиқарди.

“Чор Россиясининг Ўрта Осиёда, шу жумладан, ҳозирги  
Ўзбекистон ҳудудида олиб борган сиёсати, деб ёзади юридик  
фанлари доктори Жўракул Тошқулов, - узоқ йиллар даво-  
мида ҳар томонлама пухта ўйланган, режалаштирилган –  
ўлканинг битмас-туганмас моддий ва маданий бойликларини  
шафқатсиз талаш, унинг меҳнатсевар халқларини эзиш,  
уларнинг меҳнати эвазига мустамлакачиларнинг бойишини  
таъминлашни мақсад қилиб қўйган босқинчилик сиёсати эди.  
Лекин бу сиёсатни амалга ошириш осонликча бўлмади. Ўрта  
Осиё халқлари чор қўшинлари босқинчилик юришларини  
бошлаган дастлабки дақиқалардан эътиборан ўз юртини душ-  
мандан ҳимоя қилиш, унинг мустақиллигини сақлаб қолиш  
учун жон-жаҳдлари билан курашдилар, ҳар бир қалъа, қиш-  
лок, ҳар бир қарич ер учун жон олиб, жон бердилар. Шунга  
қарамасдан, қуролланиш жиҳатидан устун бўлган чор



қўшинлари, юқорида баён қилганимиздек, Ўрта Осиёнинг шаҳар ва қишлоқларини бирин-кетин босиб олдилар, уларнинг кулини кўкка совурдилар, ҳимоячиларини ва тинч аҳолисини шафқатсиз қирдилар. Кейинги маълумотларга кўра, чор қўшинларининг Ўрта Осиёни босиб олиши жараёнида “қўшин ва тинч аҳоли орасидан жаъми 598 минг одам нобуд бўлган”.<sup>5</sup>

Муаллиф ўз фикрларини далиллашда сўнгги маълумотни “Ёшлик” журналининг 1991 йил 7-сонида босилган мақоладан олган. Қайта қуриш ва ошқоралик, айниқса, мустақиллик йилларида эълон қилинган бир қатор китоб, газета ва журнал мақолаларида мустамлакачи Чор ва Шўро ҳокимиятларининг ўзбек халқига келтирган жабрлари хусусида етарли фикрлар айтилди. Бу фикрларнинг бир қисми чоризм даврига оид бўлгани учун улар жаҳидчилик ҳаракатининг туғилишига сабаб бўлган ижтимоий омилларни таҳлил этишимизга ёрдам беради.

Шундай масалалардан бири руслаштиришдир. Биз руслаштириш деганда, биринчи навбатда, XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб Ички Русиядан кўтлаб кишиларни, жумладан, мужикларни Ўрта Осиёга кўчириб келтириш, уларга сувориладиган, унумли ернинг 55 фоизини маҳаллий халқдан тортиб олиб бериш, маҳаллий ҳокимият идораларини эса кўчириб келтирилган кишилар билан тўлдиришни назарда тутамиз. Зеро, бу нарса халқнинг баттар эзилишига сабабчи бўлди. Бозорлар ҳам секин-аста рус мануфактура саноати моллари билан тўла бошлаб, майда ҳунармандлар, масалан, бўзчилар, қосибларнинг бозори касод бўлди. Ишсизлик авж олди. Қишлоқ аҳолиси, айниқса, қашшоқлашиб, шаҳарга келиб, мардикорлик, чорикорлик билан шуғулланишга, талайгина деҳқонлар эса рус мужиклари қўлида корандалик қилишга мажбур бўлдилар.

<sup>5</sup> Тошқулов Жўракул. Ўзбекистон халқлари сиёсий-ҳуқуқий фикрлари тарихидан. - Тошкент. “Ўзбекистон”. - 1996. - Б. 43.

Тарих фанлари доктори Ҳайдарбек Бобобековнинг “Ўрта Осиё Россияга қўшиб олинганми?” деган мақоласида бир қанча мароқли фактлар билан бирга ўша даврдаги реал вазиятни яхши билган бир рус олимнинг қуйидаги фикри ҳам келтирилган:

“Ўлкани руслар эгаллагандан кейин аҳолининг аҳволи ваъда қилинган яхши имкониятлар ва қулайликлар, фаровонликлар ўрнига, аксинча, кундан-кунга ёмонлашиб ва огирлашиб борди... Аҳолидан биз кўп нарсани талаб қилмоқдамиз, улардан солиқ олишда эса биз юксакликка кўтарилмоқдамиз, лекин биз халққа нима қилдик? Биз унга тинчлик, осойишталик бердик, қўшинлар ўртасидаги талон-тарож урушларга чек қўйдик, ўлим жазосини муттасил камайтирганимиз аниқ, лекин биз шу билан чекландик. Тошкентда турли комиссияларда чиройли айтилган сўзлардан ташқари, халқ хўжалиги учун биз ҳеч нарса қилмадик.”<sup>6</sup>

Ушбу кўчирмада келтирилган фақат бир нарсага эътиборни қаратмоқчимиз. Бу – солиқлар масаласи. Афсуски, шу пайтгача на тарихчилар ва на бошқа соҳа вакиллари мустамлакачилик йилларида олинган солиқлар туфайли халқнинг иқтисодий шароити янада огирлашгани билан шуғулланишмаган ёки масаланинг бу муҳим тарафига эътибор беришмаган. Ҳолбуки, халқнинг қашшоқланиши, корандачилик, мардикорчиликнинг авж олиши, болаларнинг баччахоналарга, қизларнинг эса исловотхоналарга келиб тушиши, аввало, ана шу қашшоқланишнинг оқибати эди. Қўқон хонлиги ҳали тугатилмай туриб, Россияга катта-катта солиқларни хазина ҳисобига эмас, оддий халқни шилиш эвазига тўлаган. Ҳар иккала хонлик мустамлакага айлантирилиб, Бухоро амирлиги эса ярим вассал мақомида яшаганида Россия собиқ икки хонлик аҳолисидан бевосита ўзи солиқ олган ва янги солиқ тизимини ишлаб чиққан; Бухоро амирлиги ҳам Россияга тўлаши лозим бўлган солиқни халқдан йиққан.

<sup>6</sup> “Фан ва турмуш”, 1989, 10-сон. – Б. 14.

Бундай эъравонлик халқни эзиш, унинг қанотларини қайиришнинг бир йўли эди. Яна бир йўли эса уни камситиш, унинг миллий қадриятларини оёқости этиш, унинг тарихини назар-писанд қилмаслик, диний эътиқодига раҳна солишдир.

Биринчи ўзбек кинорежиссёри Сулаймон Хўжаевнинг “Тонг олдидан” деган фильми, шунингдек, Абдулла Қаҳҳорнинг “Томошабоғ” ҳикоясидан бизга шу ҳақиқат маълумки, Тошкент ва бошқа шаҳарларда бунёд этилган маданият ва истироҳат боғларига маҳаллий халқ вакиллари киритилмаган. Уларнинг губернаторликдаги бал ва бошқа расмий маросимларга кириши мумкин бўлмаган. Тошкент марказидаги собиқ чор томошабоғининг олдида эса “Сартам и собакам вход запрещается” (“Сартлар ва итларга кириш тақиқланади”) деган лавҳа осиглиқ турган.

Бошқа айрим манбаларда эса чор приставлари ўзларининг чексиз ҳақ-ҳуқуқлар эгаси эканликларини намойиш этип мақсадида масжидларга ҳам итлар билан кирганликлари ҳақида маълумотлар берилади. Яна шундай манбаларда Тошкентнинг катта кўчаларида маҳаллий халқнинг миллий либосларда юриши тақиқланган, трамвайларда эса уларнинг руслар билан ёнма-ён ўтирмаслиги учун махсус ўриндиқсиз майдончалар қурилган. Шу ўринда тарих фанлари доктори Ҳамид Зиёевнинг “Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш” деб номланган фактик материалга гоят бой китобига мурожаат этиш ўринлидир.

“Рус ҳукумати, - деб ёзади олим, - Туркистон ўлкасини уч қисмга бўлган ҳолда мустамлака бўғовида ушлаб турарди. Ўлкани бу тарзда парчалашдан мақсад ўзбеклар, тожиклар, қozoқлар, кирғизлар, туркманлар ва қорақалпоқларнинг бирдамлигига ва катта бир оиллага бирлашишларига йўл қўймасликдан иборат эди. Худди шу мақсадни кўзлаган ҳолда, босқинчилар миллий низо уруғларини сочиб турдилар. Ўлкада рус тилига давлат тили мақоми берилиб, миллий тиллар бурчакка сиқиб қўйилди. Оқибатда рус тилини тарғиб қилиш

ва ўрганиш зарурати тобора кучайди. Ўлкада рус-тузем мактаблари очилди. Уларда Россияга содиқ кишиларни тарбиялаб етиштириш вазифаси қўйилди.

Рус ҳукумати руслаштириш ва улуғдавлатчиликка асосланган сиёсат юргизди. Бу ҳақда Россия халқ маорифи вазириликнинг 1870 йилги кўрсатмасида: "Тубжой халқларни руслаштириш маорифнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим", деб таъкидлангани ҳам гувоҳлик беради. Шунинг учун рус ҳукумати имкони борича миллий тил ва миллий маданиятни ривожлантиришга онгли равишда тўсқинлик қилиб, мактаблар ва мадрасалар таъминотиغا маблағ ажратишни хаёлига ҳам келтирмади".<sup>7</sup>

Зулмнинг ана шундай рангба-ранг турлари халқнинг сабр косасини тўлдирмаслиги мумкин эмас эди. Ўқтин-ўқтин катта ва кичик қўзғолонлар кўтарилга бошланди. Бу қўзғолонларнинг биринчиси ҳали Ўрта Осиё тамоман забт этилмаган бир вақтда – 1856 йилда Сирдарё вилоятида кўтарилган бўлса, 1864 йили Еттисувда дунганларнинг, 1869 йили Самарқандда маҳаллий аҳолининг қўзғолонлари содир бўлди.

Бундай қўзғолонлар, айтиш мумкинки, бир-бирига уланиб турди ва мунтазам рус армияси томонидан шафқатсизлик билан бостирилаверди. Ҳар бир қўзғолон оловига сув сепилганидан кейин унинг фаол иштирокчилари ё дорга тортилди, ё Сибирга сургун қилинди. "Русский инвалид" журналининг 1898 йил 127-сонига келтирилган маълумотга кўра, биргина Дукчи эшон қўзғолони бостирилгандан кейин унинг қатнашчиларидан 777 киши ҳибсга олиниб, улардан 32 кишигина оқланди. 380 киши ўлим жазосига ҳукм қилинди, 1 киши умрбод қамоқ жазосига, 3 киши эса тарбия лагерига юборилди. "Русский инвалид" журнали шу санокдаги кишиларнинг маълум бир қисми оқ подшонинг марҳаматига муяссар бўлгани ҳақида ёзган. Аммо тергов жараёнида қанчадан-қанча кишиларнинг калтакланганлиги, қийноқлар остида

<sup>7</sup> Эзёев Ж. Туркистонда Россия талқонуви ва қўмирончилига қарши кураш. - Т.: Шарқ, 1998. - Б. 361.

ўлганлиги, рус маъмуриятининг буйруғи ва суд ҳукми билан Қутчи, Тожик ва Қашқар қишлоқларидаги туб аҳоли кўчирилиб, улар яшаган манзил култепага айлантирилгани ҳақида лом-мим демаган. Бундан ташқари, рус маъмурияти Мингтепа ва Андижон шаҳри оралигидаги кўзғолончиларга мадад берган 29 қишлоқни ер билан яқсон қилиш масаласини ҳам ўртага қўйган. Аммо чор ҳокимиятининг “марҳамат”и билан бу рақам қисқартирилиб, “атиғи” 700 хонадондан иборат беш қишлоқнинг кули кўкка созурилган. Дукчи эшон бошчилигидаги кўзғолон фаолларининг дорга осилиши мустамлака халқига сабоқ бўлсин учун 1898 йил 12 июнь куни шаҳар ва қишлоқ аҳолиси жазо майдонига мажбурий равишда тўплаб келтирилган. Ўлимга ҳукм қилинган кўзғолончилар шу куни юртдошларининг кўзлари олдида дорга осиб ўлдирилган ва жасадлари кўмилган жой текислаб юборилган. Чор амалдорлари ушбу манзара хотираларида бир умрга сақлаб қолиниши учун ёш болаларни ҳам олдириб келишган эди.

Шунга ўхшаш бир-биридан даҳшатли мисолларни мустамлакачилик давридан истаганча келтириш мумкин.

Ана шундай аҳволда яшаётган халқ ё мутелашиши, мўмин-қобил оммага айланиши, ё бўлмаса ўз ҳақ-ҳуқуқи ва зулм кишанларини янчиб ташлаш учун қудратли бир оқимга айланиб, кураш майдонига чиқиши лозим эди. Аммо нажотнинг бундай йўли халқ ва жамият тақдири учун ўта хавфли ҳисобланган: халқ бундай ҳаракат ва қуролли кўзғолонга тайёр бўлмаган.

Шу ўринда дин арбобларининг мавжуд вазиятда эгаллаган мавқелари тўғрисида ҳам бир оғиз сўзлаб ўтамиз.

Дин арбоблари қадим замонлардан бери ҳаётга ўз таъсирларини ўтказиб келганлар. Халқнинг тан олинган раҳнамоси дин арбоблари бўлганлиги сир эмас. Халқ уларга ишонган ва кўпинча уларнинг иродаси билан курашга чиққан. XIX аср охирлари - XX аср бошларидаги тарихий-ижтимоий

шароитда дин арбобларининг қандай роль ўйнаганлари тўғрисида, афсуски, нафақат махсус тадқиқотлар, балки газета мақолалари ҳам йўқ. Шунинг учун профессор Ҳамид Зиёевнинг тилга олинган китобидаги қуйидаги сўзлар эътиборга лойиқ:

“Маълумки, ислом дини кўп асрлар мобайнида жамият маънавиятининг асоси бўлиб келаётган эди. Дин пешволари ҳар қандай огир ва даҳшатли шароитларда ҳам олдинги сафларда туриб, умумхалқ манфаатларини ҳимоя қилганлар. Улар халқни босқинчиларга қарши курашга отлантиришда муҳим ўрин эгаллаб, мустақиллик ва динни сақлашга қаратилган барча чораларни кўрганлар. Уламоларнинг бундай ватанпарварлиги рус давлатининг тажовузлари вақтида ҳам ёрқин намоён бўлди. Шу боис рус ҳукумати вакиллари дин пешволарини энг хавфли душман ҳисоблаб, улар мавқеига қаттиқ зарба беришга интилдилар.

1877 йили Фарғона вилоятининг генерал-губернатори генерал Скобелев Кауфманга шундай деб ёзганди: “Маҳаллий халқнинг орасида хоннинг амалдорлари ва, айниқса, рухонийлар сингари бизнинг душманларимиз кўп. Биз келганимиздан кейин улар фақат собиқ мавқеларинигина эмас, балки яхши ҳаётни таъминловчи имкониятлардан ҳам айрилдилар. Ўша тоифадаги кишилар ўз жамиятининг руҳи ва заиф томонларини яхши билганликлари учун аввалги тартибларни тиклаш мақсадида халқни русларга қарши отлантиришга қодирдирлар”.

Рус маъмурияти буни яхши англаб, рухонийларни сиёсатдан четлаштириб, фаолиятини чегаралади, қаттиқ назорат остига олиб турди.”<sup>8</sup>

Таниқли олимнинг бу мулоҳазаларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, шуни айтиш жоизки, генерал Скобелев хат ёзган 1877 йил билан XIX асрнинг сўнги йиллари ўртасида катта фарқ бор эди. Бу даврга келиб, масжид ва мадрасалар рус

<sup>8</sup> Зиёев Ҳ. Кўрсатилган



маъмуриятининг назорати остига олинган, дин арбоблари билан чор маъмурлари ўртасида муросаи мадора ўрнатилган эди. Дастлаб руслар сиймосида кофирларни кўрган дин арбоблари секин-аста халқнинг диний эътиқодини оёқости қилмаслик лозимлигини тушунтирган, улар ҳам бу нозик масалада хатога йўл қўйиш мумкин эмаслигини сезган, сезибгина қолмай, шариат пешволари ёрдамида халқни мутеликда ушлаб туриш, улар ёрдамида ҳар қандай янгиликка қарши курашиш, янги қарашлар ва ғоялар билан чиқувчи кишиларни кофир деб эълон қилиш, халқни улардан узоқлаштириш мумкин эканлигини англаган эдилар. Бинобарин, мустамлакачилик сиёсатини давом эттиришда чор маъмурлари халқнинг руҳоний раҳбарлари сиймосида вақтинча бўлса-да ўз дўстларини кўрган эдилар.

Тўғри, бу даврда фаолият кўрсатган дин арбобларининг барчасини тарозининг бир палласига қўйиб бўлмайди. Улар ўзларининг ижтимоий қарашлари, биринчи навбатда, чор амалдорларининг босқинчилик сиёсатига бўлган муносабатларидан келиб чиқиб, икки оқимга – ўнг ва сўл оқимларга ажралиб чиқдилар. Агар “ўнг” оқим тарафдорлари оқ подшони ҳамма масалада қўллаб-қувватлаш тарафдори бўлган бўлсалар, “сўлчилар” миллий мустақиллик ҳақидаги ўз орзуларига хиёнат қилмадилар. Айни вақтда, уйғонаётган янгилик тарафдорларини бўғишга қаратилган кураш уларнинг ҳар иккала қанотини маълум даражада бирлаштириб турди, десак, хато қилмаган бўламиз.

Шу даврдаги дин арбобларининг турли ижтимоий масалаларга муносабати бизнинг шундай хулосага келишимизга тўла асос беради.

\* \* \*

Шундай мураккаб вазиятда, курашлар ичида яшаб ҳолдан тойган Туркистон ХХ аср бўсағасига етиб келди. Энди бу муқаддас заминга “жадидчилик” деб ном олган ҳаракат

уруғлари сочилган ва тарих ўзининг маърифатли фарзандларини интизорлик билан кутаётган эди.

Дарвоқе, мозийнинг қай лаҳзасига раъм солмайлик, инсон фаолиятининг диққат марказида доимо борлиқни билиш истаги ётганини кўрамыз. Билишгина эмас, балки олинган билим ва тажриба асосида уни ўзгартиришга интилиш жамият ҳаётидаги (ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маънавий соҳалардаги) янгиланишларга замин яратганининг шоҳиди бўламыз. Демак, инсоният тараққиётининг яна бир бош омили борлиқни билишга интилиш, уни чуқур таҳлил ва идрок этиш, олинган билимлар замирида ҳаётбахш хулосалар ясаш ва кашф этилган гоёларни ҳаётга тадбиқ этишдан иборатдир.

Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, "Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч – маърифатдир".<sup>9</sup> Дарҳақиқат, маърифат дунёни обод ва озод этишга, инсонни жаҳолат ва хурфот ботқоғидан олиб чиқиб кетишга, унинг маънавий иқтисодий муаммоларини қал этишга қодир бўлган ягона ва қудратли кучдир.

"Асримиз бошида Туркистонда кечган воқеаларни бир эсланг, – деб ёзади юртбошимиз. Нега бу ўлкада ўша йиллари маърифатчилик ҳаракати ҳар қачонгидан ҳам кучайиб кетди? Негаки, чор Россияси асоратига тушиб қолиб, буткул таназзулга юз тутган ўлкани уйғотишга, халқнинг кўзини очишга фақат маърифат орқалигина эришиш мумкин эди. Маърифатпарварлик биз учун бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам. Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимишга қўйган мақсадларга эриша оламыз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади".<sup>10</sup>

<sup>9</sup>Каримов И.А. Виза келажакловчи ўз қўлига билан курамыз. Т.7 – Т.:Ўзбекистон, 1999. – Б. 135.

<sup>10</sup> Каримов И.А. Кўрсатилган манба. 135 б.



Демак, маърифатпарварлик гоёсини авлод ва асрларни бир-бирига туташтириб турувчи ҳаётбахш кўприкка қиёс қилишимизга асос бор.

Туркистонда жадидчилик ҳаракати ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ, албатта. Унинг вужудга келиши учун маълум бир объектив шароит ва сабаблар мавжуд эди. XIX аср ўрталари ва XX аср бошларида жамиятда янгиланиш зарурати туғилди. Бир қатор ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий муаммолар пайдо бўлди. Уларни ҳал этиш учун бел боғлаган бир гуруҳ зиёлилар халқ орасида “жадидлар” номини олди.

Кишилик жамиятининг кўп асрлик тарихида хилма-хил ҳаракатлар, таълимот ва сиёсий оқимлар мавжуд бўлган. Буларнинг замирида адолатли, фуқароларнинг тенглиги асосига қурилган, инсонпарвар жамиятни юзага келтириш учун, зулм ва зўравонликдан, қуллик ва истибдоддан, тенгсизлик ва жаҳолатдан қутулиш учун тинимсиз изланиш истаги ётган. Жумладан, XIX асрда Ғарб мамлакатларида бошқа таълимотлар билан бир қаторда марксизм таълимоти ҳам туғилиб, унинг раҳнамолари асрлар давомида интилиб келинган ҳар жиҳатдан мукамал жамият қуриш орзусини рўёбга чиқариш учун илмий асослар ишлаб чиқишга ҳаракат қилганлар. Бу таълимот замирида синфий кураш назарияси ётарди. Марксизм таълимотига кўра, кишилик тарихи синфий курашлар тарихидан иборат бўлиб, идеал жамият мазлум омма - бойликлардан маҳрум этилган йўқсуллар (пролетариат)нинг ҳокимиятни ўз қўлига олишлари натижасида барпо этилади. Бу таълимотга суяниб қурилган совет жамияти XX асрнинг сўнгига келиб, ўзидан қонли из қолдирди, холос. Сабаби, пролетариатнинг раҳнамоси ҳисобланган коммунистлар фирқаси бошқа синф ва фирқаларни ўзининг душмани, деб билди ва уларни жисмонан йўқ қилишга киришди. Даҳшатли томони шундаки, бу таълимот жамиятнинг таркибий ҳужайраси бўлган оилада отанинг фарзандга, аканинг укага душман бўлиб қолишга шароит яратди. Маз-

кур таълимот тарафдорларининг амалий мезони “Агар душман таслим бўлмаса, уни янчиб ташлайдилар” сўзлари бўлиб, зўрлик, бедодлик одатий ҳаёт “талаб”ига айлантирилди. Бунинг натижасида, улар нафақат Туркистон ҳудудларида, балки бошқа республикаларда ҳам беҳисоб диёнатли кишиларнинг ҳаётига зомин бўлдилар.

“Феодал қолоқлик, - деб ёзади таниқли адабиётшунос олим Бойбўта Дўстқораев, - Шарқни Фарбдаги мустабидларга қарам бўлишга олиб келганидан миллий зулмдан қутулиш учун озодлик кураши асосий ҳодиса ҳисобланарди. Озодлик, мустақиллик, эркака феодал қолоқлик, жаҳолатдан қутулгандагина эришиш мумкин бўлган. Бунинг учун жамятдаги мавжуд тузумни тубдан ислоҳ қилиш лозим бўлиб, буни амалга оширувчилар қотиб қолган, дакки кучларга, яъни “қадим”(эски)ларга қарши турувчи “жадид”(янги)лар сифатида майдонга келди. Шу боис жадидлар Мисрда ҳам, Туркияда ҳам, Туркистонда ҳам сиёсий оқим сифатида пайдо бўлди. Тўғри, уларнинг шаклланганлик, тараққий топганлик даражаси бир хил эмасди. Чор Россияси томонидан босиб олинган ўлкаларда ҳам XIX аср охирига келиб миллий озодлик ҳаракатлари охир-оқибатда жадидларни тарих сахнасига чиқарди. Миллий истибод занжирига тушган халқ ва элатлар қудратли империя чангалидан фақат бирлашиб ҳаракат қилгандагина қутулишлари мумкин эди. Бунинг учун, энг аввало, миллий онгни уйғотиш, миллатнинг ўзлигини англаб етишувига эришиш лозим эди. Қулнинг қул эканлигини англаб, озодликка чиқиши учун унда ўз аҳволига онгли назар ташлаш қобилиятини ҳосил этиш талаб қилинарди”.<sup>11</sup>

Аммо шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, жадидчилик ҳаракати (чет эл олимлари уни ўз тадқиқотларида “янгила-ниш ҳаракати” деб ҳам юритадилар) фақат Туркистон учунгина хос бўлган ҳодиса эмас эди. Бу даврга келиб у анча кенг миқёсларда Туркия, Идил-Урал, Кавказ (Озарбайжон),

<sup>11</sup> Дўстқораев Б. Туркистон жадидларининг йиррик сиймоси. - “Жаҳон адабиёти”, 1998, 3-сон. Б. 146.

Туркистоннинг кенг ҳудудлари, ҳаттоки Россия мусулмонлари ўртасида ёйилиб улгурган эди.

Туркистоннинг шу даврдаги ҳаётига назар ташлашдан аввал биз бошқа ўлкаларда вужудга келган ҳаракатлар ҳақида ҳам бир оз маълумот бериб ўтишни истардик.

\* \* \*

ХІХ асрнинг иккинчи ярмида Кавказ ва Озарбайжонда жаҳидчилик ҳаракати вужудга келади. Бу ҳудудда, айниқса, нефть саноати тез суръатлар билан ривожланиб, дунё миқёсида машҳур “Нобель”, “Ротшильд”, “Сиенс” каби ширкатлар очилган, Кокорев, Шибает, Бенкендорф каби рус сармоядорлари ҳам ўз ишларини бошлаган эдилар. Бунинг натижасида, ҳудудга янги технология ва бошқа турдаги янгиликлар тез суръатда кириб келди. Натижада, 1897 йилда Озарбайжонда яшаган 1.805.788 аҳолидан 26.637 киши нефть саноатида хизмат қила бошлади.<sup>12</sup>

Вужудга келган янгиликлар ҳаракати дин аҳлининг кескин қаршилигига учради. Европа таъсирида етишган бир қанча Озарбайжон зиёлилари насронийликни тарғиб этишда айбландилар. Шунга қарамасдан, ХІХ асрнинг иккинчи ярмида Аббосқули Оға Боқихонли, Мирза Фатали Охундов, Ҳожи Сайид,

Азим Ширвоний ва Ҳасан Маликзода Зардобий каби маърифатпарвар сиймолар етишиб чиқдилар. Бу зиёлилар, биринчи навбатда, маориф, матбуот ва театр соҳаларида ислохотлар амалга оширишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйдилар ва шу йўналишда маълум бир муваффақиятларга ҳам эришдилар.

Энди ана шу сиймолар билан яқиндан таништирайлик:

**Аббосқули Оға Боқихонли** (1794-1848) машҳур Озарбайжон тарихчиси, ёзувчи ва файласуфи эди. У миллий юксалишни маориф ва янги усулдаги таълим тизими воси-

<sup>12</sup> Нодир Давлат. Россия туркларининг миллий кураши тарихи (1905-17). - Анкара, 1985. - Б. 21.

тасида амалга оширишга интилиб, бошланғич синфлар учун “Насихатнома” номли дарслик яратган.

**Мирза Фатали Оқундов** (1812-1878) дастлаб диний, сўнгра европача таҳсил олган зиёлилардан. У 1850-1852 йиллар орасида бешта драматик асар ёзиб, шуҳрат қозонади. Унинг “Ҳикояи Мулла Иброҳим Халили кимёгар” номли илк асари рус, немис, француз, инглиз ва форс тилларига таржима қилинади. 1857 йилда “Алданган юлдузлар” номли биринчи ҳикоясини ёзади. 1863 йилда Тифлистан Истанбулга келиб, араб ёзувига асослаган алифбо ислоҳоти ишларида фаол иштирок этади.

**Ҳожи Сайид Азим Ширвоний** (1835-1888) болалигидаёқ ота-онасидан етим қолиб, Доғистондаги буvasи қўлида тарбия топади. 1856 йилда Боғдода ўқийди. У ердан Сурия ва Мисрга келади. 1866 йилда Озарбайжоннинг Шимохи (ҳозирги Ширвон) қишлоғига келиб, “усули жаид” мактабини очади ва унда ўзи ҳам дарс бера бошлайди. Дарслик яратади. Шеърлар ёзиб, халқ орасида шуҳрат қозонади. Унинг икки жилддан иборат бўлган шеърлар китоби 1892 йилда Табриз (Эрон)да, 1902 йилда эса Бокуда нашр этилади.

**Ҳасан Маликзода Зардобий** (1837-1907) Москва университетининг табиат ва математика бўлимида таҳсил олади. Сўнгра Бокуда ўқитувчилик қилиб, бир қатор рус газета ва журналларида мақолалар эълон қилади. 1875 йилда “Экинчи” номли илк Озарбайжон газетасини чиқара бошлайди. Газета тез орада халқ орасида эътибор қозониб, 1877 йилдаёқ 400 га яқин обуначисига эга бўлади. Бир оздан кейин, яъни 1901 йилда Ҳожи Зайналобиддин Тағиевнинг таклифига биноан Россия ҳукуматининг руҳсати билан Озарбайжонда биринчи “Александрьевский” қизлар лицейини очади. Хотини Ҳанифаҳоним эса унга мудирлик қилади. Зардобий илк Озарбайжон педагоги, театр ташкилотчиси ва матбаачиси сифатида қардош халқлар тарихидан ўрин эгаллаган.

Агар Кавказ, хусусан, Озарбайжонда янгиланиш жараёни учун асосий иқтисодий ва маданий шароит етилган бўлса, ўзга ҳудудларда аҳвол бир оз бошқачароқ эди. Масалан, кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳаёт тарзига одатланган қозоқларда янги таълим тизимининг кириб келиши бир оз қийин бўлганини таъкидлаб ўтиш жоиз. XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб уларнинг турмуш тарзида Россиянинг таъсири сезила бошлайди. 1841 йили Ханская Ставка шахрида қозоқ болалари учун илк мактаб очилади. 1866 йилда эса бундай мактаблар сони саккизтага етади. Қозоқ жадидларидан энг кўзга кўринганлари Чўқон Валихонов, Иброҳим Алтинсарин ва Абай Қўнонбоев бўлиб, уларнинг фаолиятларига рус ва татар зиёлиларининг таъсири катта бўлганини ҳам айтиб ўтиш ўринлидир.

**Чўқон Валихонов** (1835-1865) бой қозоқ оиласидан бўлиб, у Омскдаги рус ҳарбий академиясида таҳсил олади. Мутахассислиги жуғрофия ва антропология бўлган Ч.Валихонов икки йил давомида Петербургда яшайди. Ф.М.Достоевский, П.П.Семёнов-Тяньшанский, Н.А.Некрасов, Н.Г.Чернышевский, тарихчи Костомаров каби ўз даврининг машҳур кишилари билан яқиндан дўстлашади, қозоқ халқининг маънавий қадриятлари ва адабий мероси борасида тадқиқотлар олиб боради. Қирғиз халқининг дурдона асари бўлмиш “Манас” эпосига жамоатчиликнинг эътиборини қаратган биринчи киши ҳам Ч.Валихонов эди. Қозоқ жамиятининг исломлашувига қарши чиқиб, миллий ғурурни байроқ қилиб кўтарган бу зиёли инсон ҳаётдан жуда эрта (30 ёшида) кетди, ammo унинг ғоялари кўплаб издошлари дунёқарашининг шаклланишига самарали таъсир кўрсатади.

**Иброҳим Алтинсарин** (1841-1899) халқ орасида Иброй номи билан ҳам танилиб, таълим соҳасида бир қатор ибратли ишларни амалга оширди. 1859 йилда Оренбургда “Қозоқ тили грамматикаси” китобини ёзган рус олими Ильминскийдан

кейин “Ўқиш китоби”ни яратади. Тарбиявий характердаги шеър ва ҳикоялардан иборат бўлган бу дарсликдан янги усулдаги мактабларда кенг фойдаланилди. Бундан ташқари, И.Алтинсарин қозоқ фольклори намуналарини тўплашда ҳам фаол иштирок этди.

**Абай Қўнонбоев** (1845-1904) қозоқ адабиётининг йирик вакилларидан бири бўлиб, илк бор Семипалатинск (Шамай) шаҳрида рус адабиёти ва зиёлилари билан яқиндан танишадди. Рус маданиятини тарғиб қилса-да, таълим-тарбияни қозоқ тилида олиб бориш ва янги усулдаги таълим тизимини жорий қилиш борасида қатор ишларни амалга оширади.

XIX асрнинг 90-йилларида бошланган жадидчилик ҳаракатининг тан олинган марказларидан бири, шубҳасиз, Волга бўйлари (Идил-Урал)дир. Бу ерда пайдо бўлган кучли маърифатпарварлик ҳаракати ислохотчилик интилишлари билан уйғунлашган ҳолда татар жадидчилик ҳаракатини юзага келтирди. Бошқа минтақаларда кўзга ташланганидек, жадидчилик бу ерда ҳам дастлаб мактаб таълим тизимини ислоҳ этишдан бошланди. Бу ташаббусни XIX асрнинг иккинчи ярмида Хусайн Файзхонов (“Мактаб ислоҳоти” дастури) ҳамда Шаҳобиддин Маржоний (шогирдларни ўқитишда ўзи тузган амалий дастур) билан бошлаб берди. Аммо уларнинг новаторона моҳиятга эга бўлган ғоялари ўз вақтида ҳаётга қисмангина тадбиқ этилди. Ш.Маржоний ғоялари муаллиф томонидан мадраса таълимининг янгиланишига ёрдам берган бўлса, иккинчи ғоя қоғоздагина қолди.

Шунга қарамай, таълим тизимининг ислоҳ этилиши XX аср бошларида татар руҳий ва маънавий маданиятида рўй берган уйғонишнинг бош омилidir. Татаристонда жадидлар билан қадимчилар ўртасида бошланган ҳаёт-мамот кураши, бир томондан, ёш татар маърифатпарварларининг Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистонга оқиб келишига сабабчи бўлган бўлса, иккинчи томондан, жадидларга матбуот, адабиёт ва театр ёрдами билан халқ оммасини ўз тарафига оғдириш, улардан

мадад олиш ва айна пайтда, улар ўртасида ўзларининг илгор гоёларини тарқатиш имконини берди. Қозондаги “Муҳаммадия”, Уфадаги “Олия” ва “Усмоғия”, Оренбургдаги “Ҳусайғия” мадрасалари орқали ҳам жадидчилик гоёлари кенг халқ оммаси ўртасида тарқала бошлади.

\* \* \*

ХІХ аср ўрталари - ХХ аср бошларида Россия, Туркистон, Кавказ (Озарбайжон), Идил-Урал ва Қримда янгилағнишга интилиш жараёғи қарийб оммавий тус олганини кузатиш мумкин. Биз бу жараённинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлмиш жадидларнинг айримлари ҳақидагина сўз юритдик, холос. Аммо ўз даврининг энг кўзга кўринган сиймоси, назарий ва амалий фаолияти билан жадидчилик ҳаракати шаклланиши ва ривожига беқиёс ҳисса қўшган Исмоилбей Гаспирали ҳақида гапирмаслик мумкин эмас.

Дастлаб, бу табаррук инсон дунёқарашини шакллантиришга хизмат қилган оғилларга назар ташлаш мақсадга мувофиқ бўлурди. И.Гаспиралининг ўзи устози Ш.Маржоний ижодидан самарали таъсир олгани ҳақида кўп ёзади. Дарҳақиқат, **Шаҳобиддин Маржоний** (1818-1889) ўз даврида исломийатнинг баъзи анъанавий қарашларига қарши чиққан жасоратли кишилардан эди. У Бухородаги “Мир Араб” ва Самарқанддаги “Шердор” мадрасаларида таҳсил олиб, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Ибн Рошид, Ал-Мааррий, Ибн Халдун каби оғиллар, Саъдий, Фирдавсий, Румий, Хайём, Низомий, Навоий каби шоирларнинг асарлари билан яқиндан танишади. 1849 йили ватанига қайтган Ш.Маржоний “Муҳаммадия” мадрасасида имом-хатиб ва мударрис бўлиб ишлайди. Йигирма икки йил мобайнида юзга яқин шогирд етиштириб, 24 та асар ёзади. Бундан ташқари, 1876 йил 12 сентябрда очилган рус-татар ўқитувчилар мактаби (русско-татарская учительская школа)да тўққиз йил муаллимлик қилади. “Мустафод ул-ахбор фи ахбоби Қозон ва булғор”

номли асари унга катта шуҳрат келтиради. Шаҳобиддин Маржонийдан аввал яшаб ижод қилган ва жади́дчилик гоялари тугилишига замин яратган яна бир сиймо Абдуносир Курсавий эди.

**Абдуносир Курсавий** (1771-1812) Миллий уйғониш ҳаракатининг йирик вакили сифатида майдонга чиқади. Бухоро ва Самарқанд кутубхоналарида мумтоз ислом олимлари ва файласуфларининг асарларини ўрганиб, бу илмнинг бир қатор догматик қарашларини инкор этади. Ўз фикрларини “Ал-иршоду лил-ибод” номли асарида баён қилади ва мулла-эшонлар қаршилигига учрайди.

Қозон татарлари ўртасида Миллий уйғониш ҳаракати вужудга келишига катта ҳисса қўшганлардан яна бири И. Халфиндир. **Иброҳим Халфин** (1778-1829) 1819 йилда ёзган “Аҳволи Чингизхон ва Темур” номли китоби билан довруғ қозонади. 1812 йилда Қозон университетига татар ва араб тиллари ўқитувчиси этиб тайинланган бу олим 1823 йилда Шарқ адабиёти профессори даражасига эришади.

Шаҳобиддин Маржонийнинг яна бир шогирди **Ҳусайн Файзхонийдир** (1828-1866). У Қозон университетига Шарқ тилларидан дарс бериб, 1853 йилдан бошлаб Петербургда яшай бошлайди ва бир оздан кейин Император Археология жамиятига аъзо этиб сайланади. У қадимий қабр тошларидаги булғорча ёзувни тадқиқ қиларкан, эски булғор тилининг чуваш тили билан бир илдиздан келиб чиққанини исботлаб беради. Устози Маржоний билан ҳамкорликда миллий маданият самараларини таҳлил этади. “Ислоҳи мадорис” номли рисоласида мадрасаларда дунёвий фанларни ўқитиш, оврупоча тизимдаги лицейларни очиш зарурлиги ҳақидаги фикрларни илгари суради.

Маржоний изидан борган зиёдилардан ташқари, 1789 йили Уфада Екатерина Иккинчи фармони олияси билан ташкил этилган “Руҳоний мажлис” (“Духовное собрание”)



аъзоси бўлган баъзи қозилар (масалан, қози Абдурашид Иброҳим, қози Ризоиддин Фаҳриддин) ҳам жадид эдилар.

**Ризоиддин Фаҳриддин** (1858-1936) номи йирик исломий файласуф, тарихчи ва маърифатпарвар сифатида нафақат татар ва бошқирд халқлари ўртасида, балки бутун мусулмонлар оламида ҳам машҳурдир. У 1906 йили “Руҳоний мажлис” қошидаги қозилик лавозимини тарк этиб, Оренбургда “Шўро” журналини нашр эта бошлайди. 1922 йили марҳум Олимжон Барудийнинг ўрнига муфтий этиб тайинлангач, ўзининг диний, педагогик ва тарихий асарлар ёзишга қаратилган фаолиятини янги куч билан давом эттиради. Шу даврдаги унинг асосий хизматларидан бири большевикларнинг атеистик хатти-ҳаракатларидан татар ва бошқирд мусулмонлари эътиқоди ва ахлоқини ҳимоя қилишидир.

Диний билим соҳибларидан Олимжон Барудий, Хайрулло Усманий, Ҳоди Мақсудий, Қозондаги рус-татар мактаби ўқитувчиси Шокиржон Тоҳирий, шу мактабдан етишиб чиққан Айёз Исҳоқий ҳам янгилашиш ҳаракатининг ташвиқотчилари сифатида таниладилар.

Татар жадидчилик ҳаракати ҳақида сўз борганида 1908 йил 10 январдан Оренбургда чоп этила бошлаган “Шўро” ижтимоий-маърифий, адабий-публицистик журналини тилга олиш жоиз. Олтин саноати билан шуғулланган таниқли татар шоири Зокир Ромиев (Дардманд) бу журналнинг ношири, Р.Фаҳриддин эса бош муҳаррири эди. Журналнинг таҳрир ҳайъатида ўзбек зиёлиларига яхши таниш Фотих Каримов, Кабир Бакир, Шариф Камол каби таниқли татар жадидлари ҳам бўлишган. Журналда фақат татар ва бошқирд ёзувчиларининг асарларигина босилмай, унинг саҳифаларида Ҳофиз, Умар Хайём, Саъдий, Абу Али Мааррий, Навоий, Низомий, Мирза Фатали Охундов, Фузулий, Махтумқули, Номиқ Камол ҳаёти ва ижодларига бағишланган мақолалар ҳам ўрин олган. Ўзбек журналистлари ва ёзувчилари ҳам журнал фаолиятида иштирок этганлар.

Журнал 14 та доимий рунга эга бўлиб, улар орасидаги: 1) машҳур сиймолар ва буюк воқеалар, 2) мақолалар, 3) диния масалалари, 4) тарбия ва маориф, 5) сихат-саломатлик, 6) археология обидалари, 7) адабиёт: назм ва наср, 8) библиография ва танқид ва ҳ.к. рунларда мусулмон оламини қизиқтирган жуда кўп масалалар ёритилган. Журналнинг гоъвий ва маърифий йўналиши ҳақида “Буюк кишиларнинг сўзлари” рункида берилган қуйидаги ҳикматли сўзлар орқали тасаввур ҳосил қилиш мумкин:

“Орзу нажот бермайди, фақат ҳаракат нажоткордир” (Г.Ибсен).

“Ҳаёт доимий ҳаракатдир” (Л.Н.Толстой).

“Мен фақат инсониятни деб жасорат кўрсатган кишиларнигина буюк кишилар, деб биламан” (Вольтер).

“Дунёда сўздан кўра кучли ва заиф нарса йўқ” (И.С.Тургенев).

Журнал ўз фаолияти билан жадидчилик ҳаракатининг Миллий уйғониш ҳаракатига айланишига катта ҳисса қўшди.

Татар зиёлилари “Шўро” журналининг туркий халқлар орасида катта муваффақият қозонганидан рағбатланиб, “Вақт” газетасини ҳам нашр эга бошладилар.

Энг эътиборлиси шундаки, юқорида номлари зикр этилган зиёлиларнинг аксарияти Бухоро, Самарқанд ёки Хива мадрасаларида таҳсил кўриб, Марказий Осиё ҳудудларида дунёга келган у ёки бу тариқат йўлини тутган эдилар. Уларга ўрта асрларда яшаб ўтган мутафаккирларимиз асарлари қанчалик маънавий озуқа берган бўлса, Исмоилбей Гаспирали ва унинг ҳамфикрлари илгари сурган гоълар ҳам шунчалик катта таъсир кўрсатди. Аммо фахр билан айта оламизки, XIX аср охирлари - XX аср бошларида Туркистонда вужудга келган маърифатпарварлик ҳаракатининг илдизлари ўз тупроғимизда ниш урган эди.

## 2-фасл. Жадидчиликнинг миллий илдиэлари

Бундан ташқари, Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг юзага келиш манбаларига оид яна бир омитни ёддан чиқармаслик лозим. Ўрта Осиё Россия томонидан истило этилиши билан ижтимоий ва маданий ҳаётга янги шабадалар кириб келди. Рус халқи ўзи билан бирга ўзга маданиятни, ўзгача ҳаёт тарзини бошлаб берди. Янги меъморий услубдаги бинолар қурилиб, темир йўл барпо этилди. Туркистонга кўчиб келган руслар, қисман татарлар ҳам тахта полли уйларда яшай бошладилар. "Туркистон вилоятининг газети" рус ҳаёт тарзини тарғиб этди. Ўлкага рус театр труппалари гастролга кела бошладилар. Сатторхон Абдуғаффоров сингари зиёлилар рус маданиятининг тарғиботчилари сифатида майдонга чиқдилар. Фурқат "Илм хосияти", "Гимназия", "Суворов" сингари манзумаларида ўз халқининг рус халқидан ибрат олиши, янги мактаблар очиб, адабиёт ва санъатнинг янги турларини яратиши лозимлиги каби масалаларни ўртага ташлади. Муқимий, Завқий, Аваз Ўтар каби шоирлар ижоди туфайли ҳажвий шеърият ривож топиб, халқ ва жамиятнинг ижтимоий, маиший ва маданий ҳаётидаги нуқсонлар шафқатсизлик билан очиб ташланди.

Энди ана шу миллий манбаларни ташкил этган айрим маърифатли кишилар тўғрисида баъзи бир маълумотларни бериш лозим кўринади.

**Сатторхон Абдуғаффоров** (1843-1902). XIX асрнинг иккинчи ярмида кўзга кўринган ўзбек зиёлиларидан бири Сатторхон Абдуғаффоров Чимкентда саводхон оилада дунёга келган. Дастлаб маълумотини бобоси қўлида олгач, 14 ёшида Тошкентга келиб, "Шукурхон" мадрасасида таҳсил кўради. Сўнг Чимкент ва Қўқон шаҳарларида муфтилик ва қозилик билан шуғулланади. 1883 йилдан бошлаб "Туркистон вилоятининг газети"да таржимон бўлиб ишлайди, Туркистон ўқитувчилар семинариясида форс ва ўзбек тиллари бўйича репе-

титор вазифасини адо этади. Бундан ташқари, таржимон сифатида турли идора ва комиссияларга жалб этилади. 1876 йили Петербургда бўлиб ўтган Шарқшуносларнинг III халқаро қурултойида иштирок этиб, маъруза қилади.

С.Абдугаффаров шарқшунос ва таржимон сифатида XII асрда ёзилган ва мусулмон ҳуқуқшунослиги асосларига бағишланган “Ал-ҳидоя”ни рус тилига таржима қилишда фаол қатнашади. Айни пайтда ўзи “Қўқон хонлиги ички ҳолатининг қисқача аҳволи”, “Мусулмон эшонлари”, “Билимни эгаллаш”, “Туркистондаги эшонлар ва халқни ўз-ўзини бошқариши ҳақида мулоҳазалар”, шунингдек, “Сатторхон мактублари” деган асарлар ёзиб, уларда сиёсий-ҳуқуқий қарашларини тарихий давр тажрибалари билан узвий алоқада баён этган. Нафақат араб ва форс тиллари, балки рус тилини ҳаммукаммал билган Сатторхон ўз асарларини рус тилида ёзган ва уларда ўзбек халқи тарихининг, хусусан, Қўқон хонлиги тарихининг нозик масалаларини пухта билишини намойиш этган. Унинг тилга олинган асарларида суд ва давлат тузилиши, порахўрликни, маҳаллийчиликни, ички низоларни йўқотиш каби хилма-хил масалалар юзасидан билдирган фикрлари ҳанузга қадар ўз қимматини йўқотмаган.

Сатторхон рус фани ва маданиятининг дастлабки тарғиботчиларидан бири сифатида майдонга чиқди. У “Туркистон вилоятининг газети”да эълон қилган мақолаларининг бирида (1890 йил 14 май сониди) бундай деб ёзган эди: “Биз рус халқи ёрдамида Оврупо халқлари билан алоқа ўрнатишимиз мумкин, бунинг натижасида биз умумбашарий ҳаёт ва илмий тараққиётнинг иштирокчиларига айланамиз”. Унинг бу сўзлари И.Гаспирали, М.Бехбудийнинг шу мавзудаги фикрлари билан уйғун бўлиб, улардан бир мунча вақт илгари баён этилгани билан, айниқса муҳимдир.

**Муҳаммад Аминулжа Муҳимий** (1850-1903). XIX асрнинг иккинчи ярмидаги Қўқон адабий муҳитининг ёрқин

намојандаси бўлган Муқимий ўзбек мумтоз адабиётининг сўнги вакиллари жумласига киради. Хат-саводини Қўқондаги мусулмон мактабида чиқарган Муҳаммад Аминқўжа дастлаб Қўқон, сўнгра Бухоро мадрасаларида таълим олди. 1876 йили Бухородан қайтгач, мажмада мирзалик қилди, Сирдарё ёқасида кемачи вазифасини бажарди. Шу тарзда халқ ҳаёти билан яхши танишган Муқимий мумтоз шеърият руҳидаги лирик газаллар билан бирга халқ турмушидаги ноқуш манзараларни, айрим кишиларнинг кирдикорларини кескин фош этувчи ҳажвий асарлар ёзди.

Муқимий номи билан боғлиқ ҳажвий лирика XIX асрнинг иккинчи ярмида шеърият халқ ижтимоий ва маиший ҳаётини тасвир этишга жиддий равишда киришганидан дарак беради. Муқимий ижодида ўз бадиий инъикосини топган ҳаёт, айрим шоирлар ижодида кўринганидек, замон ва макон билан узвий боғлиқ бўлмаган ҳаёт эмас, балки мустамлака шароитида яшаб, икки ёқлама зулм остида эзилган халқнинг ҳаётидир. Шунинг учун ҳам унинг асарлари халққа тез етиб борди, худди кўзгуга ўхшаб, шу халқнинг аянчли тақдирини ўзида акс эттирди.

Агар XIX асрнинг иккинчи ярмида зулмга қарши ўнлаб исёнлар кўтарилган бўлса, бу исёнкорлик туйғуси халқда Муқимий асарлари орқали ҳам уйғонди, десак хато бўлмайди. Шу маънода шоирнинг ҳажвий асарлари халқ ижтимоий онгининг уйғонишида, айниқса, муҳим роль ўйнади.

**Зокиржон Холмуҳаммад Ўғли Фурқат** (1858-1909) ҳам Қўқон адабий муҳитининг ёрқин юлдузларидан биридир. Бошланғич билимни, Муқимий сингари, Қўқондаги эски мактабда олган, сўнг мадрасада ўқиган Зокиржон, эҳтимол, дастлабки касби – савдо ишлари билан шуғулланганида дунёни кўпроқ кўрган ва дунё тўғрисидаги тасаввури янада бой бўлиши мумкин эди. Аммо у Марғилондан яна Қўқонга қайтгач, Муқимий ва Завқий билан танишиб, бадиий ижодга жиддий берилди.

У турли юмушлар билан Тошкент ва Самарқандга бориб, бу шаҳарларда яшади, ҳаж сафари муносабати билан Туркия, Юнонистон, Булгория, Миср, Арабистон, Ҳиндистон сингари мамлакатларни кўрди. Айниқса, Тошкент сафари унинг ҳаёти ва ижодида чуқур из қолдирди.

Фурқат, Муқимийдан фарқли ўлароқ, рус мустамлакачилик тузумининг мусбат томонларини кўрди. Унинг нозиктаъблигини, дўст-ёрлари ўртасида ҳурмат-эътиборга сазовор инсон эканини кўрган “Туркистон вилоятининг газети” муҳаррири Н.Остроумов шоирни ўз таъсир доирасига тортди. Фурқат, айрим манбаларга қараганда, бу рус миссионери ёрдами билан (сўнги маълумотлар буни рад этмоқда) Тошкентдаги рус гимназиясини, қишлоқ хўжалиги ва саноат кўргазмасини, генерал-губернатор ҳузурида бўлиб ўтган театр спектаклини кўрди. Ўзбек халқи ҳаётига ҳали кириб келмаган бу маданият янгиликлари Фурқатни лол қолдирди. У бутун шоирлик истеъдоди билан рус фани ва маданиятини тарғиб этишга киришди. Н.Остроумовга эса худди шу нарса керак эди. Аммо, адолат ҳаққи айтиш зарурки, ижтимоий ва маданий жиҳатдан қолоқ халқни маърифат чўққилари сари чорлаш, унинг қаршисида рус фани ва маданияти ютуқларини кўз-кўз қилиш, ундаги тараққиёт билан боғлиқ туйғуларни уйғотиш катта ижтимоий аҳамиятга эга эди. Фурқат ўзининг “Гимназия”, “Илм хусусида”, “Суворов” сингари маснавий йўлида ёзилган шеърлари билан шундай аҳамиятга молик ишларни бажарди. Фурқат ижодининг ўзбек жадиличлик ҳаракатининг пайдо бўлиши ва шаклланишига таъсир кўрсатган томонлари худди шунда эди.

**Дилшод Барно** (1800-1905). Агар XIX асрнинг биринчи ярмида ўзбек шеърляти Подира, Увайсий номлари билан безанган бўлса, шу асрнинг иккинчи ярмида улар ижодий ишини янги тарихий шароитда давом эттирган ижодкорлар орасида Дилшод Барно, алоҳида ўрин эгаллайди. У Ўратепада, ўз даврининг маърифатли кишилари оиласида туғилди.

Ота-онасидан жуда эрта етим қолган Дилшод Барно бувиси қўлида таълим ва тарбия олди. 1816 йили Қўқон хони сарбозлари томонидан асирликка олинган шоира замона зайли билан Умархонга тортиқ қилинади. Шундай кейин у Тошмуқум деган имомга турмушга чиқади. Унинг ана шу хонадондаги ҳаёти, ўз даврининг саводхон ва шеърхон аёлларидан бири бўлган қайнонасининг ижобий таъсири шоиранинг кейинги тақдирини белгилаб берди. У қайнонаси ташкил этган қизлар мактабида мактабдорликни давом эттиргани тўғрисида бундай сўзлар ёзиб қолдирган:

"Ҳамдам ва ҳамсуҳбатларим зеҳнли, соҳибназм қизлар бўлиб, эллик бир йил мактабдорлик қилдим. Мактабда доимо йигирма-ўттиз қиз таълим олар эдилар. Саккиз юз тўқсон бир қизни саводли қилиб чиқардим. Булардан яқин тўртдан бир қисми таъби назми бор шоира ва оқила қизлар эди."<sup>13</sup>

Дилшод ана шу саккиз юз тўқсон бир қиз орқали ўзининг илғор дунёқарашини, маърифат ҳақидаги фикрлари, инсонни, унинг ақл-заковатини улуғловчи шеърларини халқ ичига ёйди, десак, тўғри бўлади.

У мана бундай байтлари билан ўзбек ва тожик хотин-қизларини Ҳамзадан бир мунча вақт олдин очилишга, маърифат гулшанларидан гулдасталар теришга даъват этди:

Пардани очинг, чиройингиз кўринсун сакта аро,  
Шамъи рухсорингиза куйсун, кўруб, парвоналар.

Куйлангиз озодлик мазмунида сиз беибо,  
Тингласун Тошканд, Хўқанд, Хўжанд ҳам Фарғоналар.<sup>14</sup>

Дилшод Барно рус фани ва маданиятининг ижобий таъсири кўрганлиги ва ижодида акс эттирганлиги билан Фурқатга руҳан яқин шоирадир.

XIX асрнинг иккинчи ярмидаги маърифатпарварлик гоёлари билан суғорилган ҳаракат намояндалари икки тиллик

<sup>13</sup> Дилшод Барно ва мероси адабий. - Душанбе, 1970. - Б. 44.

<sup>14</sup> Зебунисо. Дилшод ва Анбар отинлар шеърятидан. - Т.: 1981 - Б. 91.

ижодкорлар бўлишган. Юқорида номлари тилга олинган шоирларнинг асарлари ҳам ўзбек ва форс-тожик тилларида ёзилган.

Бинобарин, айтиш мумкинки, бу даврда илғор гоёлар билан яшаган тожик ва ўзбек ёзувчилари ижодидан икки қўшни халқнинг китобхонлари баб-баравар баҳраманд бўлганлар.

Ҳа, ўзбек китобхонларининг пешқадам қисми Муқимий, Фурқат, Завқий сингари ўзбек шоирлари билан биргаликда форс-тожик адиблари ижоди билан ҳам яхши таниш эди. Ўзбек зиёлилари дунёқарашига таъсир кўрсатган ана шундай сиймолардан яна бири Аҳмад Донишдир.

**Аҳмад Дониш** (1827-1897). Бухорода руҳоний оиласида туғилган Аҳмад Маҳдум ибн Носир шу даврда етишиб чиққан ўрта осиелик мутафаккирлар орасида алоҳида ўрин эгаллайди. У эски мактабда ва Бухородаги мадрасаларнинг бирида таҳсил кўргач, фақат мадраса билими билан кифояланиш билимга чанқоқ ва ўз олдига катта мақсадларни қўйган киши учун етарли эмаслигини тушунди. Шундай қарашга эга бўлган Аҳмад Дониш тарих, фалсафа, астрономия, ҳатто математика ва геометрия сингари фанларни ҳам хусусий мутолаа йўли билан ўрганadi. Турли соҳалардан яхши хабардор бўлган ва бу соҳаларда муайян ютуқларга эришган Аҳмад Дониш Бухоро амири саройида ҳаттот ва бош меъмор вазифаларини адо этади. Унинг амир саройидаги фаолияти ҳаёти ва ижодининг муҳим бир воқеа билан музайян бўлишига сабабчидир. У 1857, 1869 ва 1873-1874 йилларда Бухоро амирлигининг элчилари билан бирга Петербургга сафар қилади. Худди шу ҳол унинг бош асари – “Наводир ул-вақое” китобининг майдонга келишига туртки берди.

Аҳмад Донишнинг бутун ҳаёти Бухорода кечди. У қози, кутубхона мудирини лавозимларида ҳам хизмат қилди. Ҳаётининг сўнгги йилларини эса илмий ишларга бағишлади ва адабиёт, тарих, фалсафа, ҳатто табиий фанларга оид ўнлаб



асарлар яратди. Бу асарлардан бири – “Бухоролик манғит амирларининг қисқача тарихи” бўлиб, унда адибнинг диний, ҳуқуқий, фалсафий қарашлари ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Аҳмад Дониш қаламига мансуб бўлган бошқа асарларни камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, унинг Петербург сафари билан боғлиқ хотиралар китоби айрича илмий ва маърифий аҳамиятга молик. Бу асарда у, Фурқат сингари, рус фани, маданияти, саноати эришган ютуқлар ҳақида ҳаяжон билан сўзлайди. Бухоро амирлиги, умуман, Туркистон халқларининг тарихий тараққиётда кечириб бўлмас даражада ортда қолгани сабабларини очишга ҳаракат қилган ва ўзининг маърифатпарварлик ғояларини дадил олға сурган.

Муқимий ва Фурқат пешқадам бўлган янги адабиёт намояндалари энди илгаригича яшаш уят эканини, фикрда, яшашда, либосда янгиликлар сари интилиш зарурлигини ёрқин бадиий образларда кўрсатиб бердилар.

Ҳозирги кунда жаҳидчилик билан шуғулланаётган айрим олимлар ўзбек адабиётида жаҳидчилик оқимини ҳатто Муқимий ва Фурқатдан бошлашни лозим, деб биладилар. Лекин том маънодаги жаҳидчилик ҳаракати ва унинг адабиёти билан Муқимий ва Фурқат ижодларининг йўналишида фарқловчи хусусиятлар оз бўлмагани учун уларни ўзбек жаҳид адабиётининг дастлабки манбалари сифатида талқин этиш тўғрироқдир.

Шундай қилиб, бир томондан, ўзбек жаҳидчилик ҳаракатига озик берган кучлар устоз Форобий, Беруний, Ибн Сино, Навоий сингари ўзбек илм-фани ва адабиётининг буюк намояндалари ижодидан рағбат олган ва бу манба ўзбек жаҳидлари учун ҳам доимо очик бўлган бўлса, иккинчи томондан, Муқимий ва Фурқатлар сиймосида ўзбек жаҳидчилигининг яқин миллий илдизлари ҳам, албатта, бор эди. Бироқ бу илдизлардан яралган дарахт қуёшга бўй чўзиб, Иймон, Миллий шуур ва Истиқлол куртақларини чиқаргунга

қадар машаққатли йўлни босиб ўтди ва кўп қурбонлар берди...

\* \* \*

Туркистон жадидчилик ҳаракатининг сиёсий-ижтимоий соҳадаги маҳсулларидан яна бири, шубҳасиз, асримиз бошларида вужудга келган миллий драматургия эди. Жадид драматурглари, биринчидан, ўз олдларига миллатни маърифатга, илмга етаклаш вазифасини қўйдилар. Бунинг учун ўз асарларида маърифатпарварлик ғояларини илгари сурдилар. Иккинчидан, XX аср бошларида Туркистон ўлкасининг турли бурчакларида очилаётган ва фаолият кўрсатаётган "усули савтия тадрижия" ("усули жадид") мактаблари учун маблағ ишлаб, "Жамияти хайрия" ёки "вақфлар" орқали шу мактаб ва маориф масканлари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратиш, мактабларни ўқув жиҳозлари билан таъминлаш, иқтидорли ёшларни тараққий этган мамлакатларга (кўпроқ Туркия, Олмония ва Марказий Россияга) ўқишга юбориш вазифасини қўйдилар. "Садои Туркистон", "Садои Фарғона" газеталари ҳамда "Ойина" журналларидаги ушбу масалага бағишланган мақолаларни кўздан кечирар эканмиз, театр томошаларидан тушган маблағнинг қандай мақсадларга сарф этилгани ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўламиз. "Ойина" журналининг 21-сонида самарқандлик театр ҳаваскорларининг Қўқон шаҳрида "усули жадид" мактаби фойдасига "Падаркуш" драмасининг намойиш этгани ҳақида маълумот берилади ва театр мудир Ақобир Мансурийнинг ушбу намойишдан тушган маблағ ҳақидаги ҳисоботи босилади. Маълум бўлишича, томошадан жами 1331 сўм 50 тийин тушган бўлиб, шундан 727 сўм 10 тийин турли хил харажатларга (рўйхати журналда илова қилинган) сарфланади. 604 сўм 40 тийин эса "усули жадид" мактаби фойдасига ўтказилади.

Ўзбек миллий драматургияси ҳамда миллий театри Маҳмудхўжа Бехбудийнинг "Падаркуш ёхуд Ўқимаган бола-

нинг ҳоли" номли драмаси билан бошланади. Драма биринчи марта 1914 йил 15 январда Самарқандда намоёиш этилиб, "Ойна" журналида бу ҳақда мақола эълон қилинди. 1914 йил 27 февралда Абдулла Авлоний ва Мунаввар қори Абдурашидхонов бошчилигидаги "Турон" театри гуруҳи Тошкент шаҳрининг ўша вақтлардаги энг катта театр-концерт биноси – ўз ичига икки минг кишини сиғдира оладиган "Коллизей"да спектаклни намоёиш этади. Бу эса маданиятимиз тарихида улкан воқеа бўлиб, замонавий миллий театрнинг тугилишидан далолат беради. Ушбу қутлуғ кунда ўзбек миллий театри саҳнасини очишдек шарафли вазифа Мунаввар қори Абдурашидхонов зиммасига тушди. Асарга нисбатан салбий фикрлар, ҳаваскорларга жисмоний таҳдидлар, кескин мунозаралар давом этиб турган бир пайтда Мунаввар қори икки минг кишилиқ залда театр санъатининг маънавиятимиз тараққиётида тугган ўрни ҳақида маъруза қилади.

Ҳар қандай янгилик халқ ҳаётига осонликча сингиб кетмаганидек, театр ҳам Туркистон ҳудудларида катта қаршилиқ ва тўсиқларга, ҳатто ҳужумларга дуч келди. Адабиётшунос олим Шухрат Ризаев ўзининг "Жадид драмаси"<sup>15</sup> китобида бу ҳақда алоҳида тўхталади. Унинг фикрича, бундай тўсиқларнинг энг каттаси мустамлакачи маъмурлар бўлиб, драматик асар босмадан чиқиб, то саҳна юзини кўргунга қадар цензуранинг минг чиғриғидан ўтиши керак эди. Бу жараёнда ҳар бир сўз ва жумлага алоҳида эътибор берилар, ногаҳон одамларнинг онгини уйғотиб юбориши ёки уларни ҳаракатга ундовчи ўринлар эса асардан олиб ташланарди.

Иккинчидан, "қадимчи" ва "жадидлар" ўртасидаги низо театр муносабати билан янада кескин тус олди. Ўз даврининг кўзга кўринган зиёлиларидан бири, чуқур замонавий ва диний билимга эга бўлган улуғ зот Саидахмад Васлий билан Маҳмудхўжа Беҳбудий ўртасида бўлиб ўтган катта мунозарани мисол тариқасида келтириш мумкин. Маълумки,

<sup>15</sup> Ризаев Ш. Жадид драмаси. - Т.: Шарк, 1997.

Васлийни "қадимчи" ёки "мутаассиб уламо", дейиш қийин. Чунки асримиз бошларида ҳеч бир зот мадрасалар, мактаблар ислоҳоти ҳақида унингчалик илғор фикрларни айтган эмас эди. Ҳамза Саидахмад Васлийни "Тараққиёт гулшанида миллат андалиби" деб бежиз атамаган. Дарҳақиқат, XX аср бошларида Туркистонда ижтимоий-сиёсий, фалсафий фикр тараққиётида Васлийнинг алоҳида ўрни бор. Саидахмад Васлийнинг "Садои Фарғона" газетасида эълон қилинган "Шариати исломия" мақоласига нисбатан илмий асосли фикр-ни фақат Маҳмудхўжа Беҳбудийгина айтиши мумкин эди.

Ўрни келганида Беҳбудийнинг ўз миллатининг ривожини йўлида амалга оширган бошқа ижтимоий-сиёсий ишларини ҳам эслаб ўтиш жоиздир. 1906 йил 6 сентябрда Мунаввар қори ва Маҳмудхўжа Беҳбудий бошчилигидаги бир гуруҳ жадидлар "Хуршид" газетасини чиқара бошлайдилар. Газетанинг 10 сони дунё юзини кўрганидан кейин у ҳукумат тарафидан ёпилади. 1913 йилнинг апрель ойида чиқа бошлаган "Самарқанд" газетасига муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий масъул муҳаррир этиб тайинланади. Ўзбек, форс ва рус тилларидаги мақолалар эълон қилинган бу газета саҳифаларида Мирзоҳид Мироқилов, Ақобир Мансур, Ҳожи Муин каби жадид зиёлиларнинг асарлари ҳам ўрин эгаллаган эди. Олти юзга яқин нусхада тарқалган бу газетанинг 45 сони чиққанидан кейин маблағ танқислиги сабабли ёпилади. 1913 йил 20 августдан эътиборан эса Беҳбудий ўзининг "Ойина" журналинини чиқара бошлайди. Унинг саҳифаларида Мунаввар қори, Маҳмуд Саттор, Ақобир Мансурларнинг бир қатор мақолалари ўрин эгаллаган бўлиб, журнал "Миллат, исломия саодат" шиорини кўтарган эди. Аммо "Ойина" журналининг ҳам 136 сони эълон қилинганидан кейин 1915 йил 15 июнда ёпилади.

Ёки 1916 йил воқеаларини эслайлик. Шу йилнинг февраль ойида Туркистондаги рус ахборот воситалари, жумладан, "Туркестанские ведомости" нашри Ўрта Осиё ҳудудла-

рида сафарбарлик эълон қилиш ҳақидаги Чор ҳукуматининг қарори борлигини билдиради. Ҳақиқатан ҳам, 1916 25 июнда Николай Иккинчи Жаҳон уруши фронтлари ортида хизмат қилиш учун Туркистондан 250 минг киши жалб қилиниши ҳақидаги Фармонга имзо чекади. "Туркестанские ведомости"да билдирилган хабардан кейин, 1916 йилнинг май ойида бир гуруҳ жадид зиёлилари Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг Самарқанддаги уйида яширинча тўпланадилар. Улар ичида Мунаввар қори, Паҳлавон Ниёз, Усмон Хўжа, Комил қори ва Обиджон Маҳмуд каби сиймолар бор эди. Йиғилишдан асосий мақсад Туркистонда сафарбарлик эълон қилинганидан кейин халқни исёнга даъват этиш ва шу йўл билан Туркистон истиқлолини қўлга киритиш эди. Бунинг учун қозоқларнинг "Алаш Ҷрда" фирқаси билан ҳамжиҳатликда фаолият олиб боришга қарор қилинади.

Машҳур шарқшунос олим Заки Валидий Тўғон ўзининг "Бутунги Турк эли (Туркистон) ва яқин тарихи" китобида 1917 йил апрель ойида Тошкентда бўлиб ўтган "Туркистон мусулмонларининг биринчи конгресси" ҳақида шундай маълумот беради: "Конгрессда зиёлиларнинг бир қисми (билхасса Чўқаев ва Шаҳиаҳмедов), Қозондан келган вакиллар (Оренбургда чиқаётган "Вақит" газетаси муҳаррири Кабир Бакир ва ҳукумат аъзоси сифатида Тошкентга келган Садри Максудийларнинг) таъсири остида Туркистоннинг бошқарув усули масаласида федерацион қурилиш фикрига муҳолиф бўлдилар. Мунаввар қори ва унинг айрим дўстлари ҳам тараддудда қолдилар. Фақат Маҳмудхўжа Беҳбудий билан мен автономия ва федерация фикрини ёқлаб, охиригача бу ишончимизда мустақил қолдик... Шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқчи-манки, анжумандаги энг гўзал нутқ Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг маърузаси бўлди (таржима – Р.Ш.)".<sup>16</sup>

<sup>16</sup> Тўғон З. В. Бутунги Туркэли (Туркистон) ва яқин тарихи. 2-нашр. - Истанбул, 1981.-Б. 357.

Дарҳақиқат, Бехбудийнинг миллат ва ўлка келажаги ҳақидаги сиёсий қарашлари унинг асарларида ўз аксини топди.

### **3-фасл. Жадидларнинг ички ва ташқи муҳолифларга қарши кураши ва ғолиб чиқиши**

Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши ва шаклланишида ички омиллар билан бир қаторда ташқи омиллар ҳам мавжуд эдики, улардан энг эътиборлиси Исмоилбей Гаспирали таълимотидир. Исмоилбей Гаспирали 1851 йилда Қримнинг Боқчасарой шаҳри яқинида дунёга келади. Москвада таҳсил олиб, кейинчалик Франция ва Туркияда яшайди. 1875-1881 йилларда Боқча-саройда ўқи-тувчилик қилади, ҳокимиятнинг раҳбар лавозимларида иш-лайди. 1881 йилда “Таврида” газетасида эълон қилган мақо-ласида у ўзининг амалий дастурини шундай ифода этади:

- Миллий маориф тизимини ислоҳ этиш;
- Миллий маориф тизимини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун “Жамияти хайрия”лар ташкил этиш;
- Туркий халкларнинг умумий миллий матбуотини ташкил этиш;
- Мусулмон хотин-қизларни озод этиш;
- Миллий мутахассис ва зиёлиларни етиштириш учун шароит яратиш.

Бу эса ўз вақтида сиёсий ва ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган асосий дастур ҳисобланган. Ушбу дастурда кўрсатилган вазифаларни Исмоилбей Гаспирали 1883 йилдан чиқа бошлаган “Таржимон” газетасида ҳам илгари суради. Назарий ва ҳуқуқий ғояларини ҳаётга тадбиқ этиб, 1884 йилда Боқча-саройда янги усулдаги биринчи мактабни очади.

Исмоилбей Гаспирали ғоялари ва амалий фаолияти катта ҳаётий таъсир кучига эга эди. “Таржимон” газетаси Россия ҳудудида нашр этилган биринчи туркий тилдаги газе-

та бўлишга қарамай, бир қатор халқлар тақдирида, миллий янгиликлар ҳаракати ривожда, ундан ўсиб чиққан миллий озодлик ҳаракати жараёнида тутган ўрни ва ўйнаган роли буюқдир. Чунки, 1883 йилдан 1916 йилгача 33 йил умр кўрган бу газета Қоҳирадан Қошғарга, Қозондан Ҳиндистонга қадар тарқалган ва ўз даврининг энг машҳур нашрларидан бирига айланган эди. Агар дастлаб газетанинг уч юз обуначиси бўлган бўлса, 1885 йилга келиб улар сони мингтага етди.

Юқорида айтганимиздек, Исмоилбей Гаспирали 1884 йилда Қримда илк “усули жаҳид” мактабини очиб, маориф тизимини ислоҳ этиш борасидаги ғояларини “Таржимон” газетасида эълон қила бошлади. Унинг фикрича, маориф тизими олдида қуйидаги вазифаларни ҳал этиш муаммоси турар эди:

- Мактаб мадрасадан ажралиб чиқиши керак;
- Бошланғич синфлар учун алоҳида ўқитувчилар тайёрланиши лозим;
- Ўқитувчи “садақа” эмас, ойлик маош билан таъминланиши зарур;
- Ўқиш ва ёзиш эски “ҳижжалама” йўли билан эмас, янги “Алифбо” китоблари воситасида ўргатилиши мақсадга мувофиқ;
- Фақатгина ўқиш эмас, шу билан бирга ёзишга ҳам аҳамият берилиши шарт;
- Қизлар учун ҳам алоҳида мактаблар очилиши, уларнинг ўқиш ва ёзишига алоҳида эътибор берилиши керак;
- Ўқитиш маълум бир дастур асосида ва дарсликлар воситасида олиб борилиши керак.

Кўришиб турибдики, Исмоилбей Гаспиралининг кўпгина фикрлари ҳаётий тажриба асосида тўпланган бўлиб, катта сиёсий-ижтимоий ва ҳуқуқий аҳамиятга эгадир.

Исмоилбей Гаспирали Қримда бошлаган “усули жаҳид” ҳаракати вақт ўтиши билан ўз меваларини бера бошлади. 1904 йилга келиб Россиянинг ўзида беш мингта яқин “усули

жадид” мактаблари очилади. Сўнгра бу ҳаракат Туркистонга ёйила бошлайди. Аммо Туркистон мустамлакаси волийси Кауфман янги маориф тизимини Чор ҳукумати учун таҳликали билиб, бу мактабларни ёпади ва икки (рус ва маҳаллий) тилларда таълим берадиган мактаблар очтиради. 1915 йилда улар сони тўқсонга етади, аммо бу мактабларда ўқиган ўқувчиларнинг 95 фоизи рус болалари эди. Нодир Давлатнинг ёзишича, 1879-1904 йиллар орасида “Тошкент ўқитувчилар мактаби”ни битирган 415 боладан 65 тасигина туркий миллат вакиллари (11 ўзбек, туркман ва татар, 54 таси эса қozoқ ва қирғиз) эди, холос.

Туркистон зиёлилари ва аҳолисининг катта қисми “усули жадид” мактаблари очилишининг тарафдори эди. Чунки бу - фарзандлар келажаги, ўлка истиқболи билан боғлиқ бўлган муҳим масала эди. Шунинг учун ҳам И.Гаспирали бир оз аввал барча назарий фикрларини қоғозга тушириб, бу ҳужжатни Россия ҳукуматига, нусхасини эса генерал-губернатор Н.О.Розенбахга юборади. Афсус, натижа кутгандай бўлиб чиқмайди. Гаспирали рад жавобини олади. Шундан кейин, ўзи билан дўстлик алоқаларида бўлган Бухоро амири Абдулаҳадга мурожаат этиб, янги усулдаги мактабларни Туркистоннинг бир қисми бўлган Бухорода очишга ружсат сўрайди. Амир Абдулаҳад 1893 йилнинг бошларида Россия зиёрати сирасида Боқчасаройга келиб, Исмоилбей Гаспирали билан танишади, у билан узоқ суҳбатда бўлади. Ўша учрашув чоғида у Исмоилбейни Бухорога таклиф этади.

Амир Абдулаҳаднинг таклифини мамнуният билан қабул қилган И.Гаспирали 1893 йил май ойининг охирларида Бухорога ташриф буюради. Сафари давомида Самарқанд ва Тошкентда ҳам бўлиб, бир қатор эски усулдаги мактабларни зиёрат қилади. У ерда мутасадди раҳбарлар, шу жумладан, Н.Остроумов билан Туркистондаги маориф тизими ҳақида суҳбатлашади.



Амир Абдулахаднинг Шаҳрисабздаги ёзги қароргоҳига келган Гаспирали самимий қарши олинади. Узундан-узун суҳбатлар чоғида ўз фикрларига хайрихоҳлик топади. Аммо шунга қарамасдан кўзланган натижага эриша олмайди. Сабоби, бу вақтга келиб, Бухоро амири Чор ҳукуматидан изн олмай туриб, бирор масалани ўзи хоҳлаганича ҳал этиш эркидан маҳрум бўлган эди.<sup>17</sup>

Албатта, Туркистонга Россия ҳукмронлиги билан бирга Европа таъсири ҳам кириб келганлигини инкор этиб бўлмайди. Бу таъсир турмушнинг барча жабҳаларида, иқтисодий, ижтимоий ва маданий муносабатларда ўз ифодасини топган. Натижада, ўша кезларда Туркистон ҳудудларида мавжуд бўлган мадраса таълими етарли эмаслиги, дунёвий илмларга ҳам кўпроқ эътибор қаратиш зарурати борлигига тушуниб қолинганди. Жаҳон илми ва маданияти билан узвий алоқа ўрнатиш лозимлиги ҳақидаги фикрлар айтила бошланган, энг муҳими, эслатиб ўтилганидек, Туркистонда бу ҳаракатнинг маълум бир илдизлари ҳам мавжуд эди. Бухоро ва Самарқанд ҳудудларида маориф тизими ислоҳ этилиши лозимлиги ҳақидаги масалани илк бор Аҳмад Дониш кўтаради. У Бухоро амирлиги чор қўшинлари томонидан ишғол этилганидан кейин бир неча марта Россияга бориб келиб, ислоҳот ҳақидаги гоъларини ўзининг “Наводир ул-вақоъ” ва “Таржимай аҳволи амирони Бухорои Шариф” асарларида баён қилган. Буцап ташқари, Туркистонда жадидчиликнинг шаклланишига И.Гаспиралининг “Таржимон” газетаси, Қозон ва Озарбайжондан келтирилган турли адабиётлар, “Ёш турклар” номли усмонли миллий ҳаракатнинг таъсири ҳам кучли бўлганини айтиб ўтиш лозим.

“Туркистон вилоятининг газети”га ўттиз беш йил давомида муҳаррирлик қилган Н.Остроумов ўз навбатида Россия ва Европа маданияти ҳамда ҳаёт тарзини тарғиб қилишга катта эътибор қаратди. Унинг газетасида Россия ва Европага

<sup>17</sup>Мехмет Сарой. Турк дунёсида маориф ислоҳоти ва Гаспирали Исмомилбей. - Анкара, 1987. - Б. 49.

саёҳат қилган бир қатор ўзбек тужжорлари ва зиёлиларининг саёҳатномалари мунтазам равишда эълон қилинди. Масалан, 1887 йилда Харьковда бўлиб ўтган қишлоқ хўжалиги кўргазмасида иштирок этган самарқандлик савдогар Мирза Бухариннинг Боку, Харьков, Москва ва Петербург таассуротлари (1888, №№ 4-7), тошкентлик савдогар Тожимуҳаммад Исамуҳамедовнинг 1900 йилда Боку-Истанбул йўли орқали Парижга қилган саёҳати (1900, №№ 44-45), газета муҳаррирларидан Сатторхон Абдуғаффоров (1893), шоир Зокиржон Фурқат (1891, №№ 22-28, 32), Худоёрхоннинг кичик ўғли Ибн Яминбек (1893, № 20), Тошкентлик савдогар Орифхўжанинг (1894, № 28) саёҳатнома ва хотиралари газета саҳифаларида эълон қилинди.<sup>18</sup>

XIX аср охирлари - XX аср бошларида Туркистондаги бошқарувчи куч Чор Россияси чиновниклари ва улар бошида турган генерал-губернатор бўлиб, мавжуд хонликлар уларга тобе эди. Маҳаллий зиёлилардан таркиб топган бир гуруҳ жадидлар Туркистон маориф тизимида ислохотлар ўтказиш, амирлик ва хонлик тузуми ўрнига миллий халқ жумҳуриятларини барпо этиш ғояси йўлида фаолият кўрсатмоқда эдилар. Қадимчилар эса мавжуд тузумни сақлаб қолиш тарафдори бўлишига қарамай уларнинг ҳаракати оммавий тус олмайди, аксинча, сарой аъёнлари ва яқинлари доирасида қолиб кетади. Бухоро амири ва Хива хони жадидларга қарши очиқ кураш эълон қилиб, улар фаолиятига барҳам бериш йўлида зобитлардан ёрдам сўрашдан ҳам тоймасдилар.

1898 йилда Қўқонда Салоҳиддин Мажидий, Самарқандда Маҳмудхўжа Бехбудий, 1904 йилда эса Тошкентда Мунаввар қори Абдурашидхоновлар томонидан янги “усули жадид” мактаблари ташкил этилади. 1900 йилда Бухорода Мулла Жўрабой асос солган мактабнинг очилиши учун амир Абдулаҳадхон дастлаб рухсат берган бўлса-да, лекин орадан уч ой ўтгандан сўнг унинг фаолияти тўхтатилади, муаллим-

<sup>18</sup> Тўғон Заки Валидий. Бугунги Турк эли (Туркистон) ва яқин тарихи. -Истанбул, 1981. -Б.502.

лари эса қувғинга учрайдилар. 1908 йили Бухорода Мирза Абдувоҳид томонидан “Таълим ўчоғи” номли яна бир мактаб очилади. Унга ҳам дастлаб рухсат берилган бўлса-да, бир ой ўтар-ўтмас таъқиқланиб, ўқитувчилари қамоққа олинади. Ўқитувчиларнинг қутулишга муваффақ бўлган бир қисми-гина Тошкент ва Самаркандга қочиб, жон сақлаб қолади. Бухоро амири Олимхон Қрим ва Туркиядан келадиган даврий нашр ва адабиётларни ман этади, жадидчилик гояларини илгари сурган маҳаллий матбуот фаолиятини тақиқлайди.

“Усули жадид” мактаблари кўз очиб юмгунча ёпилаётган бир вақтда Н.И.Ильминский усулида фаолият кўрсатадиган мактабларга Туркистон ҳудудларида кенг йўл очиб берилади. Уларнинг дастлабкиси 1894 йилда ташкил этилади, 1915 йилга келиб жами сони тўқсонга етади.

Профессор Николай Ильминский (1822-1891) Қозон университетида турк лаҳжалари ва илоҳиёт фанларидан дарс берган. У маориф ислоҳотчиси бўлмиш Исмоилбей Гаспиралининг энг ашаддий муҳолифларидан биридир. Профессорнинг фикрича, Россия ҳукмронлиги остида яшайдиган халқларни “руслаштириш”нинг ягона йўли шу ҳудудларда мактаблар очиб, ўқувчиларга рус тили ва маданиятини ўқитиш, шунингдек, православликни тарғиб этишдан иборат эди. Бу гоялар билан батафсил танишган Россия ҳукумати аъзолари, чунончи, у вақтлардаги маориф нозири Д.А.Толстой “Рус бўлмаган миллат вакиллари руслаштириш методи” яхши натижалар беришига ишонч ҳосил қилади ва уни ҳаётга тадбиқ этишга кенг йўл очиб беради. Бу ҳақда батафсил тўхталиб ўтиш лозим, деб ўйлаймиз.

Чор Россияси Қозон ва Астрахан хонликларини босиб олгач, маҳаллий аҳолининг тили, дини, тарихи, миллий анъаналари ва маданиятини унинг ҳаётидан, онг-шууридан буткул чиқариб ташлашга астойдил киришди. 1917 йилги тўнтарувдан кейин бу жараён янги поғонага кўтарилди. Бутун бошли бир механизм миллий ўзликни унуттириш, манқурт-

лаштиришнинг янги-янги тадбирларини қидира бошлади. Чор Россияси даврида бу сиёсатнинг бошида турганлардан бири, юқорида номини тилга олганимиз, Николай Иванович Ильминскийдир. У аслида “Бобурнома”, “Қисас ул-анбиё” сингари асарларни чоп эттириб, туркий тиллар бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борган олим эди. Босқинчи Россия ҳукумати учун унинг бу фаолиятдан кўра бошқа миллатларни руслаштириш, уларнинг ҳуқуқий асосларини поймол этиш ва мусулмонларни христианлаштириш хусусидаги фикрлари муҳим ҳисобланади. Ильминский Россия ҳукмронлиги остида яшаган, рус бўлмаган миллатларни руслаштиришнинг бирдан-бир йўли уларга рус тили ва христианликни чуқур ўргатиш, деб билади. У Қозон диний академияси ва Қозон университетидида дарс берганида ҳамда Қозон ўқувчилар семинариясида директорлик қилганида бу фикрларни сингдиришга ҳаракат қилган. Айни ўша вақтларда руслаштиришнинг Ильминский услуги деган тушунча пайдо бўлиб, шу асосда мактабларда дарслар ҳам олиб борилган.

Юқорида номи зикр этилган маориф нозири Д.А.Толстой Ильминский услубида дарс берилаётган мактабларнинг таълим тизимини атрофлича ўрганиб, пировард натижада, уни туркий халқлар истиқомат қилган ўлкаларда, жумладан, Туркистонда ҳам қўллаш зарур, деган фикрга келади. У маориф нозири Александр II га йўллаган мактубида ўзининг бу фикрлариши ифодалаб, “Рус бўлмаган миллатларни тарбиялаб саводли қилишнинг ва уларга руслик руҳини сингдиришнинг давлатимиз олиб бораётган сиёсат нуқтаи назаридан жуда аҳамиятли бўлганини англаяпман”, деб ёзган.

Мактубда бошқа миллат фарзандларини ўқитишда руслаштириш билан боғлиқ бошқа таклифлар ҳам баён этилган эди. Уларни маъқул топган чор ҳукумати 1870 йилда Ильминский услубида ўқитишни рус бўлмаган миллатлар таълимига тадбиқ қилиш тўғрисида қарор қабул қилади. Маориф ноzirлигининг ўша йилги буйруқлар тўпламида “Барча

бегона халқлар маорифининг пировард мақсади.. уларни, ҳеч шубҳасиз, руслаштириш ва рус халқи билан қўшиб юбориш бўлмоғи керак,” деган сўзлар ошқора ёзилган эди.

XIX асрнинг охирида Туркистонда очилган рус-тузем мактаблари ҳам шу мақсадда иш бошлагани сир эмас. Буни 1882 йилнинг 30 августида Н.Остроумов директорлик қилган Тошкентдаги ўқитувчилар семинариясида бўлиб ўтган бир анжуман қарори ҳам тасдиқлайди. Унда “Русиялик гайри-жинс мусулмонлар маорифининг асосини қандай тамойиллар белгилаши керак?” - деган масала муҳокама қилинган ва ўлкадаги маориф тизимининг асосий мақсади шундай белгиланган: “...мусулмонлар маорифи учун асос қилиб олиниши шарт бўлган асосий тамойил уларни руслаштириш,... иккинчи тамойил,.. исломни бузиш,.. қисқача айтганда, бизга ёт бўлган мусулмончиликнинг диний жиҳатларини бузишдир”.<sup>19</sup>

Туркистонда Ильминский усулидаги мактабларни жорий эта бошлаган чор маъмурлари учун “қадимчилар” ёқлаб чиқаётган эски усул мактаблари жиддий хавф туғдирмас эди. Уларга янги “усули жаид” мактабларигина жиддий таҳлика манбаи эди. Ильминскийнинг фикрича, “Тараққиёт сари юз тутиб, ислоҳ бўлаётган мусулмонлик Фарб маданияти келтириб чиқарган техник имкониятлардан фойдаланса, шу билан бирга, замонавий мактаблар очишга кучини сафарбар этса, у янги тарихий босқичга чиқади ва православлик учун жиддий хавф туғдиради. Шу сабабли, Гаспирали илгари сураётган жаидчилик оқимига қарши чиқишга мажбурмиз. Рус ҳукумати ва зиёлилари жаид мактабларининг очилишига рухсат бериш билан ўзлари ўтирган дарахт шохини кесмоқдалар.”<sup>20</sup>

Дарҳақиқат, Исмоилбей Гаспирали ва унинг ҳаётбахш гоълари мустамлака мафкураси йўлидаги гов эди. У масаланинг жиддий ва кўп қиррали эканлигини эътироф этган ҳолда, “туркий қавмлар, умуман, мусулмонлар бирлашиб, катта

<sup>19</sup> Бу ҳақда қараг: Худойбердиев Ж. Турк дунёси ва Ильминский. - “Миллий таълим”. - 1998, 29 декабрь.

<sup>20</sup> Мехиет Сарой. Турк дунёсида таълим ислоҳоти ва Гаспирали Исмоилбей. Анқара, - 1987. - Б. 30.

кучга айланишгандагина Россия империясидек қудратли ва маккор салтанат чапгалидан қутулиш мумкинлиги, бунинг учун асрий жаҳолатдан, феодал қоқоқликдан қутулиб, дунёвий илмларни, замонавий фан ва техникани эгаллаб, тараққий топган миллатлар даражасига кўтарилиш лозимлиги ғоясини илгари сурди. Шу боис ҳаракатни, энг аввало, кишилар дунёқарашини, савиясини шакллантирадиган таълим-тарбия тизимини ислоҳ этишдан бошлаш керак, деган қатъий қарорга келди. Натижада, мусулмон оламида янги бўлган “усули савтия тадрижия”ни жорий этишга киришди ва кутилган натижаларга эришди. Бу усулни у Кавказдагина эмас, Туркистонда, Волга бўйида ҳам жорий этишни ташвиқ қилди. Мазкур ўлкаларда унинг тарафдорлари, издошлари пайдо бўлди. Туркистонда Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулқодир Шакурий, Абдулла Авлоний ва бошқалар унинг ҳаммаслаклари эдилар...

\* \* \*

XX асрнинг 10-йилларига келиб, Туркистон жади́дчилик ҳаракати ҳар томонлама шаклланди. “Усули савтия” мактаблари қанот ёзиб, жади́д матбуоти, адабиёти ва театри майдонга келди. Аммо бу ҳали жади́дчиликнинг барча жабҳа ва минтақалардаги тўла ғалаба қозонганини англатмасди. Ислоҳ динининг Туркистондаги марказларидан бири - Бухорои шарифдаги вазият ва жади́дларнинг бу ердаги ҳаракат доираси нафақат Бухоро амирлигининг, балки ҳар қандай тараққиётга ва янгиликка қарши қаратилган сиёсати, шунингдек, дин арбобларининг қаршчилиги туфайли ҳам мураккаб бир ҳолда эди.

XX аср бошларида бутун мусулмон олами бўйлаб эса бошланган янги шабадалар гўё Бухорони четлаб ўтгандек эди. Ҳолбуки, бу вақтда Ҳиндистон (Калькутта), Миср (Қоҳира), Озарбайжон (Боку), Грузия (Тифлис), Татаристон (Қозон, Оренбург) ва Бошқирдистон (Уфа)да нашр этилган

газета ва журналлар Туркистон ёшларини жунбушга келтиради. Чунончи, Ҳамза 1909 йилда отасини ҳажга жўнатиш муносабати билан Наманганда бўлгани ва Жоме масжиди қошидаги мадрасада жаҳид газеталарини катта бир ҳавас билан ўқиганини айтган.

Бухоролик руҳонийлар амирликнинг кейинги тақдири масаласида кўп баҳс ва мунозара юритдилар. Ҳатто шу заминда улар икки қанотга ажралиб кетдилар. 1910-1920 йилларда амирликда қози калон вазифасини бажарган Бурҳониддин эскилик тарафдорлари бўлган гуруҳга, мударрис Мулла Икром эса либерал-демократик қанотга раҳбарлик қилдилар.

Асл исм-шарифи Муҳаммад Икром ибн Абдусалом бўлган Мулла Икром номи Ҳамза ва Садриддин Айнийнинг автобиографик асарлари орқали илм аҳлига яхши маълум. Ҳамза 1910 йили Бухорога шу мударрис қўлида араб тилини мукаммал ўрганиш учун борган. Мулла Икром Бухоро амирлигидаги энг кўзга кўринган сиймолардан бири эди. У руҳонийларнинг консерватив вакилларидан фарқли ўлароқ, амирликдаги нуқсонларни шафқатсиз равишда очиб ташлаб, амалдорларнинг ўзбошимчаликларини, амирликдаги адолатсизлик рўй берган ҳолатларни кескин фош этган. Шу билан бирга ўз дунёқарашини, теварак-атрофдаги воқеаларга бўлган муносабатини нафақат Бухоро руҳонийлари, ҳатто қушбеги ва амирдан ҳам яширмаган. У “усули савтия” мактабларининг тарафдори бўлиб, эски мактаб ва мадраса таълимидаги нуқсонларни аёвсиз танқид қилган. Шунинг учун ҳам Мулла Икром билан “қадимчи”лар ўртасида кўпин-ча тўқнашувлар бўлиб турган. У ўзига хос теран билими, дунёқарашини ва мантиқ кучи билан бундай тўқнашувларда голиб чиқишга қолмасдан, балки рақибларини ўз тарафига ҳам оғдирган. Шубҳасиз, Мулла Икромнинг шахси чор амалдорлари эътиборини тортмай қолмади.

Эски Бухоро полицияси бошлиғи Вильман 1914 йил 14 июнь санали рапортида Россиянинг Бухородаги сиёсий агентлигига бундай хабар йўллаган: "Жорий июнь ойининг дастлабки кунларида маҳаллий эшон Шояхсий (63 ёшга тўлиши муносабати билан) анъанавий тўй (зиёфат) берди. Бу тўй учун амир 15 минг тангани эҳсон қилди. Мазкур таптанада Бухородаги барча олий зотлар билан бирга руҳонийларнинг энг юқори қатламлари ҳам ҳозир бўлдилар. Қози калон, раис, миршаб, тўпчибоши, мулло-аскар ва бошқ., шу жумладан, Мулла Икром ҳам. Эътиборли меҳмонлар жойлашган меҳмонхонада бўлиб ўтган тантана пайтида қарийб барча меҳмонларнинг Мулла Икромча билан тўқнашувлари рўй берди. Мулла Икромча бу ердаги йиғилишдан фойдаланиб, "усулуқадим" тарафдорларини фош этувчи нутқ сўзлади".<sup>21</sup>

Шу сўزلардан кейин полиция бошлиғи Мулла Икром билан "усули қадим" тарафдорлари ўртасида бўлиб ўтган баҳсга ўз эътиборини қаратиб, унинг янги усулнинг афзаллигини исботлагани, эскиликдан юз ўгирган Туркия ва бошқа маърифатли мусулмон мамлакатларининг фақат маърифат орқасида ўз нуфузлари ҳамда мустақилликларини сақлаб қолганини қайд этган. Яна шу манбада кўрсатилишича, Мулла Икром ўз нутқида 4 ой мобайнида Яқин Шарқдаги мусулмон мамлакатларида бўлиб, 9 ой давомида Истанбулда мактаб ва маориф тизимини ўргангани айтилади.

Мулла Икромнинг нутқи қози калонда мунозара қилиш хоҳишини уйғотиб, у ўз мавқеи ва қарашларини тушунтиришга интилди ва "Бухоро юз йиллардан бери яшаб келмоқда, шу вақт орасида эски мактабдан қанчадан-қанча буюк олимлар ва жамоат арбоблари етишиб чиқди ва биз улар билан ҳақли равишда фахрланамиз, шунинг учун ҳам бу мактабни таг-туғи билан бузишга ҳеч қандай ҳожат йўқ", деди. Қози калоннинг бу сўзларини Мулла Икромдан бошқа барча ҳозир бўлганлар маъқуллашди. Аммо Мулла Икром

<sup>21</sup> ЎзР МДА. 3-фонд, 2-томсиф, 30-иш, - 19-варақ.



Ўзининг охирги сўзида қози калоннинг бу сўзларига жавобан бундай деди: "Ҳозир ҳам Бухоро ўз олимларига эга. Аммо булар ўз ҳаётини бутунлай илм-фанга бағишлаган ўн минглаб кишилар орасидан чиққан бахтли инсонлардир. Агар Бухорода бошқача шароит бўлганида бундай олимлар сони мишга ҳам етган бўларди. Нима учун биз ҳозир Бухоронинг гуллаб-яшнаши ва равнақи учун, Оврупо очикдан-очик уруш эълон қилган ислом учун ҳукуматдан эски усулни янгиси билан алмаштиришни талаб қилмоқдамиз? Мен, Икромча, амалдорлар билан руҳонийлар ўртасида ўзимга мадад топмайдиган бўлсам, муқаддас иш учун очик кураш майдонига кириб, жабр чекишга ва ўз ўлимимни қабул қилишга ҳам тайёрман".<sup>22</sup>

Вильманнинг хабар беришига қараганда, Мулла Икромнинг сўнги сўзи йиғилганларга кучли таъсир қилган; қози калон ер билан битта бўлиб, агар амир янги усулга ўтишга розилик берса, бу усул тарафдорлари сафига қўшилишга рози эканини айтган. Мулла Асқар эса Мулла Икромга қўшилишини очикдан-очик тан олиб, уни қўллаб-қувватлашга ваъда берган. Тантана охирида ҳатто Мулла Икром келтирган таклифлар асосида, амирдан янги усулга ўтишга рухсат беришини сўралсин, деган қарорга келинган.

Аммо мазкур қози калон бошчилигидаги эскича фикрли руҳонийларнинг янги усулга нисбатан салбий муносабатлари кейин ҳам давом этди. Шунинг учун амирлик ҳудудида очилган "усули савтия" мактаблари ўз фаолиятларини яширин тарзда олиб боришга мажбур бўлдилар.

Эскича фикрли руҳонийлар гуруҳининг XX аср бошларидаги мавқеи туфайли, хусусан, Бухоро амирлиги тасарруфида маориф тизимини янгилашга қаратилган ҳар қандай ташаббусни бўғиб келди. Қолбуки, ўз олдида катта мақсадларни қўйган жадидчилик ҳаракатининг "бисмилло"си эски йўналишдаги мактабларни янги асосда ислоҳ этиш эди.

---

<sup>22</sup> Кўрсатилган манба.

Жадидлар, бир томондан, рус мустамлакачилари, иккинчи томондан, маҳаллий ғоявий рақибларининг қаттиқ қаршилигини енгиб, Туркистон ҳудудларида мактаб тизимини услубий жиҳатдан янгилашга, ёш авлоднинг хатли-саводли бўлиши ва илм олиш жараёнини тезлаштиришга эришдилар.

Шу билан бир қаторда, янгилавиш ҳаракати маориф соҳасидаги ислоҳотлар билангина чекланиб қолмай, балки адабиёт, илм-фан, матбуот ва матбаачилиқда ҳам бир қатор ютуқлар қўлга киритилди. Бу ерда Маҳмудхўжа Бехбудий, Чўлпон, Фитрат, Садриддин Айний, Саййид Аҳмад Васлий, Ҳожи Муин каби шоир ва ёзувчиларнинг ҳаммага маълум ва машҳур асарларини санаб ўтиришга ҳожат йўқ.

Ўз вақтида Қозонда таҳсил олган зиёлилар, шу жумладан, Аҳмаджон Бектемиров, Шокир Мухторий, Шокир Сулаймон, Мухтор Бакир, қори Абдурахмон Тожи, Исмоил Обидов, Ғози Юнуслар ҳам Туркистонда катта ишларни амалга оширдилар. Шокир Сулаймоннинг тўрт қисмдан иборат бўлган “Ислом тарихи” ва Мухтор Бакирнинг (у бир вақтлар Хива хони Исфандиёрхон ҳузурида муаллимлик қилган) “Муфассал Туркистон жуғрофияси” китобларини, Абдурахмон Тожи (адабий таҳаллуси “Тикан”)нинг қатор гўзал шеърларини эслаб ўтиш кифоядир.

\* \* \*

Ўзбек жадидчилиги сарчашмалари тўғрисида сўз борганда, яна бир манбани унутмаслик лозим. Бу Туркиядаги ёш усмонлилар ҳаракати ва танзимат адабиётидир. Туркий халқларнинг ўзаро яқинлашишига тиш-тирноғи билан қаршилиқ кўрсатган Совет давлати ўзбек-турк илмий, маданий, ижтимоий ва савдо алоқаларининг кескин узилиши учун барча чораларни кўрди. Шунинг учун ҳам бу алоқаларнинг 1917 йилга қадар бўлган тарихи ҳам унутилаёзди. Ҳолбуки, ўзбек жадид адабиётининг асосчиларидан бири Фитрат 1909-1913 йилларда Туркияда бўлган вақтида ёш усмонлилар ҳаракати

ва адабиёти таъсирида ўзининг дастлабки асарларини ёзган ва бу асарлар жадид адабиётининг дастури ўлароқ хизмат қилган эди. Шубҳасиз, Фитратдан олдин ҳам, кейин ҳам кўплаб ўзбек ёшлари Туркияга бориб таҳсил олганлар ва уларнинг аксарияти ўз ватанларига қайтгач, жадид мактабларини очиб, жадид адабиёти ва театрига пойдевор қўйишда иштирок этганлар.

Туркия ва Туркистон ўртасидаги жадидчилик борасидаги алоқалар бир томонлама бўлмаган. Ўз навбатида ёш усмонлилар ҳам Туркистон ва Шарқий Туркистон (Қошғар)га ўз вакилларини жўнатиб, туркчилик ва жадидчилик ғояларини тарқатишга ҳаракат қилганлар.

Чингизхон ва Боту ҳақидаги тарихий асарлари билан ўзбек китобхонларига таниш бўлган В.Яннинг кўп бор тилга олинган кундаликларида бу ҳақда муҳим бир маълумот учрайди. У “Қатта совет энциклопедияси” учун Чўлпон ҳақида қисқача бир мақола ёзиш мақсадида 1933 йили Москвада яшаб, Шарқ халқлари марказий нашриётида ишлаган Чўлпон билан учрашган ва унга бир қанча саволлар билан мурожаат этган. Ана шундай саволлардан бирига жавоб берар экан, Чўлпон Андижонда Туркиядан Шарқий Туркистонга ёш усмонлилар ғояларини тарғиб этиш учун кетаётган ва маълум бир вақтга Фарғона водийсида тўхтаган икки турк билан танишганини айтган. Ўша пайтгача Сулаймон Юнус ўғли (Чўлпоннинг отаси) фарзандининг мударрис бўлишини истган ва уни шу мақсадда тарбия этаётган экан. Лекин жадидчилик ғоялари билан танишган Чўлпон ота орзусига қарши ўлароқ Тошкентга қочиб бориб, жадид ёзувчиси бўлиб етишган. Агар Чўлпоннинг Тошкентга 1914 йилда келганини инобатга олсак, унинг ёш усмонлилар таъсирига берилиши ҳам тахминан шу даврга тўғри келади.

Чўлпон тўғрисидаги хотираларини эълон қилган геодезист олим Фуломқодир Норхўжаев атоқли шоирнинг Тошкентдаги “Турон” кутубхонасида Туркияда нашр этилган

“Сарвати фунун” журналини, бошқа ёшлар қатори, мунтазам равишда ўқиб борганини айтади.

Ўша кезларда Тошкентдаги қатор мактабларда Туркияда таҳсил кўрган ўзбеклар ёки Туркиядан турли сабаблар билан Ўзбекистонга келиб қолган турклар сабоқ беришган ва улар ҳам ўз шогирдларини турк жадидчилик ҳаракати таъсирида тарбиялашга интилишган. Шундай кишилардан бири Тошкентлик Эсон афанди бўлиб, у Ойбекнинг шаклланишига озми-кўпми ўз ҳиссасини қўшган. Турк-ўзбек алоқалари тарихида 1914 йили рус-турк урушида асир тушган турк зобитлари алоҳида саҳифани ташкил этади.

Камина 1995-1997 йилларда Туркияда бир мунча муддат ишлаган чоғимда бу масалага доир бир неча мемуар характеридаги асарларни топиш ва улар ҳақида ўзбек китобхонига маълумот бериш имконига эришган эдим. Ўйлайманки, ушбу фаслда ўша материаллар ҳам текшириляётган масаланинг баъзи бир қирраларини ёритишга ёрдам беради.

Аввало шуни айтиш керакки, ўзбек маориф ва маданият ишларининг жонланиши ва истеъдодли зиёлилар авлодининг шаклланишида турк зобитларининг ҳиссаси кам эмас. Маълум бўлишича, улар Туркистонга кичик-кичик гуруҳ бўлиб, тўрт марта келганлар. Туркистонга келган тўртинчи гуруҳ анчагина катта бўлиб, унинг “аъзолар”и Биринчи жаҳон уруши йилларида Кавказортида асир тушган турк зобитларидир. Шулардан бири Рожи Чақирўздир. Унинг эсдаликлари ўзбек жадидчилик ҳаракатининг намояндаларидан бири Усмон Хўжанинг ўғли Темирхўжа томонидан ёзиб олиниб, “Турк дунёси тарихи” журналининг 1987 йил 1-12-сонларида эълон қилинган. Ушбу хотиралар 1914-1923 йилларда Туркистонда бўлиб ўтган бир қанча муҳим тарихий воқеалар ва шахслар ҳақида янги маълумотлар бериши билан аҳамиятлидир.

Хотиралардаги “Тошкент билан танишув” деб номланган фаслнинг баъзи бир лавҳаларини қуйида келтирамиз:

"...1918 йил январь ойининг бошларида Тошкент вокзалига етиб келдик. Поезддан тушибоқ икки шеригимизни "Улуғ Туркистон" газетаси идорасига жўнатдик. У вақтларда газета соҳиби (муҳаррири – Р.Ш.) Мухтор Бекир биздан бир мунча аввал Тошкентга келган турк зобитларининг манзилларини топишимизга ёрдам берди. Булар Зиёбей (Бойбурт қаймақоми – ижроқўм раиси), тўпчи Ҳайдар Шавқий, юзбоши Ғолиб, юзбоши Шукрий, Сулаймон Сомий, кичик зобит Саид Аҳрорий (асли Туркистоннинг Хўжанд шаҳридан) каби дўстларимиз эдилар.

Биз кўплашиб, улар турган "Ирфон" мактабига йўл олдик. Дўстларимиз билан кўришганимиздан сўнг бизни яқин ўртадаги бир ҳаммомга олиб боришди. Ҳаммом Истанбул ёки Онадўлидаги ҳаммомлардан деярли фарқ қилмас эди. Вагонларда узоқ вақт қилинган саёҳатдан кейин ҳаммом бизни дунёга янгидан келтиргандай бўлди. Дўстларимиз берган янги кийимларни кийиб олдик... Ўсиб кетган соч-соқолимиз ва эски кийимларимиз билан расмга тушмаганимизга қанузгача афсусланаман.

Аввал "Изҳор ул-ҳақ" идораси бўлган хонага етти киши жойлашдик. Қолган икки дўстимизга бошқа ер топдик. Йўлда оғир хасталанган Мехметни эса Эски шаҳардаги касалхонага ётқиздик...

Мехметбей зотилжам бўлган экан. Касалхонадан соғайиб чиқиши билан йўлимизда давом этмоқчи бўлдик, аммо Ашхобод йўли ёпилгани тўғрисидаги хабар бизни тўхтатди. Шимол томонни генерал Дутов қўшинлари эгаллаган бўлиб, қизиллар билан оқлар ўртасида жанглар давом этмоқда эди. Шу сабабли Тошкентда очила бошлаган мактабларда маълум муддат ўқитувчилик қилишга қарор қилдик. Бинобарин, Онадўлидан минглаб километр узоқликда жойлашган бу ўлкада ўқитувчилик қилиш пешонамизга ёзилган экан...

Дўстларимиздан Ҳайдар Шавқий Ҳадра-Кўкча маҳалласидаги 1-"Намуна" мактабида дарс бера бошлади. Ғолиб

Шайхантоҳур-Мерганча маҳалласидаги 6-“Турон” мактабида, юзбоши Шукрий “Мухторият” мактабида ишлаб, “Турон кучи” тўдасига раҳбарлик қила бошлади. Саид Аҳрорий эса Бешёғоч маҳалласидаги 12-“Турон” мактабида ишлар ва “Изчи” тўдасига раҳбар эди. Истанбулда таҳсил кўриб қайтган Абдураҳмонбей Ўрда маҳалласидаги 10-“Ирфон” мактабида ишлар ва “Тараққий” жамиятига раҳбарлик қилар эди.

Мени ҳам 6-“Турон” мактабига юборишди. Ишни мактаб қошида “Турк кучи” гуруҳини ташкил этишдан бошладим. Шундай қилиб, беш-олти синфдан иборат бўлган мактабларда туркистонлик ўқитувчилар билан бирга биз, Онадўлидан келган турк зобитлари ҳам дарс бера бошладик.

Гуруҳимиз ўз сафига ёшларни бирлаштирган жамият сифатида ташкил этилган бўлиб, унда жисмоний тарбия машқлари ва спорт мусобақалари ўтказилар эди. Ҳар бир гуруҳда кичик мусиқа оркестри бўлгани учун биз ҳам ўз ишимизга бир гуруҳ мусиқачиларни жалб этдик. Мен оҳанглари ни қоғозга туширишни билмаганим учун улар бир неча марш куйини менинг хиргойимда ёзиб олдилар. Шу тариқа бир қанча ҳарбий маршларнинг ноталари ҳам пайдо бўлди...”<sup>23</sup>

Маълумки, жадидчилик ҳаракати ўз тарихи давомида икки босқични босиб ўтди. 1917 йилдан кейин Туркистон жадидлари большевиклар диктатураси шароитида ишлашга мажбур бўлдилар. Большевиклар эса 1918 йил февралида Туркистон мухториятини қурол кучи билан тугатганларидан кейин мактаб ва маориф тизимига раҳбарлик қилишни ўз қўлларига олдилар. Шундай шароитда Туркистон жадидлари олдида турган асосий вазифа келажакда ўзбек халқини фожиа олиб бориши мумкин бўлган руслаштириш сиёсатига қарши курашиш, ёш авлодда миллий тил, тарих ва маданиятга ҳурмат туйғусини тарбиялаш, миллий урф-одатлар ва санъат турларини сақлаб қолиш ва яқин

<sup>23</sup> Рожи Чакирўз. Туркистонда турк субайлари (Хотиралар. 1914-1923 йиллар). - “Турк дунёси” журнали. - Истанбул, 1987. 4-сон. - Б. 40-41.

келажакда амалга ошиши лозим бўлган мустақиллик ҳақидаги орзуларни ёшлар шуурига сингдириш эди.

Турк зобитлари ана шундай тарихий вазиятда Туркистонга келиб, ўзбек биродарларига ёрдам бера бошладилар.

Яна Рожи Чақирўз хотираларига мурожаат этайлик:

”Биз Тошкентга келганимизда бу ерда жади́дчилик ҳаракати бошланиб кетган ва шаҳарнинг ҳар тарафига ёйилган эди. Баъзи ерларда эса “рус-тузем мактаблар”и очилиб (бундай мактаблар 17 йилгача бўлган даврда очилган – Р.Ш.), ерли аҳоли ўртасида рус маданияти уруғларини сочиш ҳаракати мавжуд эди. Бунга қарши қримлик Исмоилбей Гаспирали йўлини тутган бир гуруҳ туркистонлик зиёлилар янги усулдаги мактабларни очаётган эдилар (бундай мактаблар аввалроқ ҳам очилган – Р.Ш.). Жади́дчилик ҳаракати бошида Маҳмудхўжа Бехбудий, Усмон Хўжа ва Мунаввар қори Абдурашидхонов каби зиёлилар турар эдилар. Биз келган вақтда (1918 йил) бундай бошланғич, ўрта мактабларнинг сони етмиш иккига етган эди. Бирин-кетин очилаётган мактабларга ўқитувчи топиш қийин иш эди. Ҳаттоки, рус лицейларининг охириги синфларида ўқиётган туркистонлик ўқувчилардан бир қисми ҳам бу мактабларда дарс бериш учун жалб этила бошланди. Бундан ташқари, ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида уч ва олти ойлик “ўқитувчиларни тайёрлаш курслари” ҳам очилди...

Мен муаллимлик қилаётган “Турон” мактабида рус тили фанидан бир чех киши дарс берарди. У вақтда мен “Турк кучи” гуруҳини ташкил этиш билан машғул эдим. Мусулмон бўлмагани учун фаолиятимни бу чехнинг олдида олиб боришим баъзи бир мураккабликларни туғдирди. Бу ҳақда мактаб директори Мажид Қодирийга айтишга мажбур бўлдим. Унга: “Бу ерда ё у қолиши керак, ёки мен”- дедим. Шундан кейин уни бошқа мактабга юбордилар ва ўрнига Раънохоним деган

ёш туркистонлик қизни ишга олдилар. Раънохоним бу вақтда рус лицейининг битирувчи синфида ўқир эди.”<sup>24</sup>

Абдулла Қаҳҳорнинг таржимаи ҳолига доир мақолаларидан шу нарса маълум бўладики, турк зобитлари фақат Тошкентдаги мактабларда эмас, айти пайтда Қўқонда ва, эҳтимол, Фарғона водийсининг бошқа шаҳарларида ҳам маърифатпарварлик фаолияти билан шуғулланганлар. Тўғри, улар ўз фаолиятида туркчилик асосларини тарғиб этишга катта эътибор берганлар. Аммо шу билан бирга, ўша пайтда турк зобитлари кўлида тарбия кўрган ёшлар орасидан ўз халқига астойдил хизмат қилган Ойбек, Миркарим Осим, Абдулла Қаҳҳорнинг ўзи каби илғор зиёлилар етишиб чиққан.

Турк зобитлари хизмат қилган мактабларда ўқув-ўқитув ишларидан ташқари, “Турк кучи” сингари тўдалар ҳам ташкил этилиб, бу тўда аъзолари ҳарбий-ватанпарварлик машқлари, спорт турлари, мусиқа ва театр кечаларини ташкил этиш билан ҳам шуғулланганлар. Драма тўғараги қатнашчилари ижросида кичик-кичик сахна асарлари ўйналган ва бу талабалар спектакллари ўз даврининг маданий ҳаётига ҳам таъсир ўтказган. Тўдалар қошидаги оркестрлар эса турли сиёсий ва маданий тadbирларнинг юқори савияда ўтишига хизмат қилган.

Собиқ турк зобити хотираларида Ҳамзанинг театрчилик фаолияти билан боғлиқ мароқли фактлар ҳам учрайдики, улар илмий доираларга маълум бўлмагани учун кўчирма келтиришда давом этамиз:

“Фарғона водийсида Мусажон ва Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий томонидан ташкил этилган мусиқали театр труппаси бизнинг “Турк кучи” тўдаси билан бирлашиш истагини билдирди. Биз ҳам бунга рози бўлдик. Бу вақтда труппа Тошкентга келиб, ёзувчи Ҳамза Ҳакимзоданинг “Лошман фожеаси” номи пьесасини кўяётган эди. Унда чор Россиясининг Биринчи

<sup>24</sup> Кўрсатишган нашр. - Б. 55-56.



жаҳон уруши даврида туркистонликларга ўтказган зулми ҳақида ҳикоя қилинарди. Руслар қозоқ, қирғиз, ўзбек ва туркманларни фронт орқасида хизмат қилиш учун мажбурий равишда мардикорликка олиш ишларини бошлаб юборадилар. Ерли аҳоли бунга қарши чиққач, аскарлар қурол ишлатадилар. Натижанда, 1916 йили Туркистонда умумхалқ қўзғолони бошланади. Асарда ана шу қонли воқеалар ҳақида ҳикоя қилинган эди.

Ҳамза Ҳакимзода раҳбарлик қилган ушбу сайёр труппадаги эркак санъаткорларнинг аксарияти ўзбеклар эди. Улар орасида биргина татар аёл бор эди. Бизнинг тўдамиз билан бирлашганидан кейин труппага Фотима туташ деган яна бир татар қизи келиб қўшилди. “Туташ” сўзи татарчада “эрга тегмаган қиз, бокира” деган маънони билдиради. Ўзбеклар у вақтларда қизларининг театрга кириб ишлашларига рухсат бермас эдилар. Шунинг учун ҳам театрнинг аёл санъаткорларга бўлган эҳтиёжи татар, арман ва яҳудий хонимларни саҳнага жалб этиш йўли билан қондирилар эди...

Гуруҳларимизнинг бирлашиши таътанали бир маросимда амалга оширилди. Ҳамзанинг театр труппаси мусиқа садолари остида Тошкентнинг Янги шаҳар қисмидан, бизнинг “Турон кучи” гуруҳимиз эса махсус тикилган либосларда ва оркестр садолари остида Эски шаҳардан йўлга чиқдик. Бир оздан кейин гуруҳлар Ўрда оғзи деган ерда учрашиб, биргаликда “Турон” мактабига томон йўл олдилар. Театрлаштирилган юриш давомида ҳар иккала гуруҳ мусиқачилари “Эски дўст” (аслида олмонларнинг “Alte Kamarat”) номли маршини чалиб бордилар. “Турон” мактаби ҳовлисида Муҳиддин қори (сўз Қори Ёқубов ҳақида бормоқда – Р.Ш.) томонидан мавлуд ўқилди ва дастурхонларга ош тортилди.

Ўзувчи Ҳамза Ҳакимзодага мактабдаги бўш хоналардан бири ажратиб берилди. У ҳар сафар Тошкентга келганида шу

ерда истиқомат қиладиган бўлди. Бирлашган театр труппасига ҳам Ҳамзанинг ўзи раҳбарлик қила бошлади.”<sup>25</sup>

Бир қарашда бу хотираларнинг жадиदчилик ҳаракати сарчашмаларига алоқаси йўқдек кўриниши мумкин. Аммо аср бошида ўзбек-турк маданий алоқалари шунга яқин манзаралардан иборат бўлган бўлиши, дастлабки ўзбек театрининг очилиши ё газетасининг чоп этилиши маросими ҳам шундай тантанавор кечган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бундан ташқари, ҳар ҳолда ўзбек ёшларининг, Фитрат сингари, Туркияга “қип-қизил мусулмон фарзанди” сифатида бориб, сўнг “кофир” ва “жадид” бўлиб қайтиши ўзбек жадиदчилик ҳаракатининг оёққа туришида “Туркия омили” ҳам муҳим аҳамиятга молик бўлганини кўрсатади. Адабиёт-шуноқ олимларнинг Чўлпон ижодига Яҳё Камол, Тавфиқ Фикрат, Муҳаммад Амин сингари турк шоирларининг таъсир кўрсатгани, ҳатто 20-йилларнинг бошларида шеъриятга кириб келган Ойбек ижоди ҳам бу таъсирдан четда шакллан-магани фактлари бу омилни ҳали олимлар махсус ўрга-нишлари лозим эканидан дарак беради.

1905 йил инқилобидан кейинги даврда миллий матбуот дунёга келди ва бир қатор янги нашрлар чиқа бошлади. “Тараққий” (1906-1907, Тошкент, муҳаррири Исмоил Обидов), “Хуршид” (1906-1907, Тошкент, муҳаррири Мунаввар қори), “Шухрат” (1907-1908, Тошкент, муҳаррири Абдулла Авлоний), “Осиё” (1908, Тошкент, муҳаррири Аҳмаджон Бектемиров), “Бухорои Шариф” (1912-1913, форсчада, Бухоро, муҳаррири - Мирзо Жалол Юсуфзода, ношири Мирбадалов), “Турон” (1912, ўзбек тилида, Бухоро, муҳаррири Мирбадалов), “Самарқанд” (1914, Самарқанд, муҳаррири Маҳмудхўжа Бехбудий), “Садои Фаргона” (1914-1915, Қўқон, муҳаррири Ашурали Зоҳирий, ношири Обиджон Маҳмудов), “Садои Туркистон” (1914-1915, Тошкент, муҳаррирлари Мунаввар

<sup>25</sup> Кўрсатишган нашр. - Б. 34.

қори ва Убайдулло Хўжаев) газеталари шулар жумласидандир.

1920 йилда Бокуда нашр этилган “Фуқаро фуюзато” журналида эълон қилинган “Туркистонда матбуот” номли мақоласида Чўлпон маҳаллий матбуот фаолияти, унинг халқ ҳаёти ва сиёсий воқеликда тутган ўрнига шундай баҳо берган эди:

”Эски вақтларда: “Матбуот еттинчи давлатдир”, дерлар эди. Бу сўз, бу даъво энди-да аҳамиятини йитирмабдир. Бу кунда-да матбуотнинг аҳамияти буюқдир. Хусусан, Шарқ халқи бу кун матбуотнинг аҳамиятини тушунмишдир. Буюк инқилоб оламининг кетишидан беҳабар ётган шарқликларни уйғотмиш, қонсиз томирларига қон, “яшамак учун мубораза эдажак” муқаддас қон савк этмишдир. Қамокда матбуотни ажнабийларга - хорижликларга махсус бир “шай” билан шарқлилар буюк уни излар, топар, унинг устида мулоҳаза юритарлар. Оламнинг тугул, ҳатто шаҳарнинг ҳаётига-да кўзининг ичи билан боққан кўйли, қандли бу кун кўйнинг ташқарисида, йироқларда тантанали, муборазали ва ўзига ҳам тааллуқли бўлган ҳаётни билмоқ ва ўрганмоқ истаб таъқиб этадилар”.

Чўлпоннинг мазкур мақоласи билан бир қаторда “Шарқ исёни” шеърининг ҳам Озарбайжон матбуотида эълон қилиниши 1920 йилнинг сентябрь ойи бошларида Бокуда бўлиб ўтган Шарқ халқларининг тарихий қурултойи билан боғлиқдир. Маълумки, Чўлпон ҳам бу қурултойда Туркистондан борган бир гуруҳ вакиллар қаторида қатнашган эди. Шу пайтгача бизга ўзбек журналистикаси тарихи ҳақида ёзилган илк асарлар сифатида Абдулла Авлонийнинг “Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи” (“Туркистон” газетаси, 1924 йил, 295-сон) ҳамда Зиё Саиднинг 1927 йилда босилиб чиққан “Ўзбек вақтли матбуотига материаллар” китоби маълум эди. Айниқса, кейинги рисола большевистик мафкура руҳида ёзилган бўлишига қарамай, ўзбек вақтли матбуоти тарихини

Ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Чўлпоннинг “Туркистонда матбуот” мақоласи эса, ёзилиш санасига кўра, бу мавзудаги дастлабки иш бўлиши билан бирга, ўзбек вақтли матбуоти тарихида нашр этилган газета ва журналларнинг ўз даврида миллатимизга қай даражада хизмат қилганини, Совет ҳокимияти шароитида ҳаққоний ва ҳолисона баҳолаган иш сифатида ҳам қимматлидир.

Тошкент ва Бухорода бу вақтга келиб мусулмон матбаа (босмаҳона)лари ҳам фаолият кўрсата бошлайди. Тошкентлик бойлардан Фулом Ҳасан Орифжонов матбаасида бир қатор форс ва ўзбек тилларидаги асарлар литография усулида чоп этила бошланди. Тошкентдаги Порцов ва Бухородаги Ливнин матбаалари тарих ва адабиётга оид бир қатор асарларни, жумладан, Алишер Навоийнинг “Ҳамса” асарини, Аҳмад Яссавийнинг “Девон”ини, “Або Муслим ривоятлари”, “Темурнома”, “Шоҳнома” каби асарларни чоп этди. Тошкентда янги асарларни нашр этиш мақсадида “Туркистон” номли нашриёт ширкати ҳам ташкил этилди.

Кўриб ўтганимиздек, XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида Туркистон анча оғир ва зиддиятли, аммо шу билан бирга умидбахш босқични бошдан кечирди. Туркистон, Кавказ (Озарбайжон), Идил-Урал каби ҳудудларда вужудга келган янгиланиш ҳаракати кескин мафкуравий кураш тўлқинларида кечди. Бу жараёнда иштирок этган ҳар бир мўътабар сиймо ҳаёти умуминсоний кадриятлар, ўз халқи манфаатлари учун онгли равишда олиб борилган курашдан иборат бўлди.

Шундай қилиб, XIX асрнинг сўнгги йилларида Туркистонда майдонга келган тарихий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий вазият бу ҳудудда яшовчи халқлар ҳаётини тубдан ўзгартириш, ўлканинг ижтимоий ва маданий ҳаётида ислохотлар ўтказишни тақозо этди. Халқнинг илғор қисми бўлган зиёлилар бу тарихий заруратни ўз вақтида тушуниб етдилар. Улар дунёқарашининг шаклланиши, мамлакатни қайси бир

Йўналишда олға етаклаш лозимлигини тушунишлари учун, биринчи навбатда, Исмоил Гаспиралининг Боқча-саройда чоп этган “Таржимон” газетаси, шунингдек, Татаристон, Озарбайжон, Миср, Ҳиндистон сингари ўлка ва мамлакатлардан келтирилган даврий нашрлар катта роль ўйнади. Иккинчи-дан, татар маърифатпарварларининг Туркистонга келиб, ўзбек ҳамкасблари билан ёнма-ён туриб, усули жадин мактабларини очишлари, учинчидан, истеъдодли ёшларнинг хорижга, биринчи навбатда, Туркияга ўқишга юборилиши янги фикрли кадрларнинг вужудга келиши учун зарур шарт-шароитлар тайёрлади. Тўртинчидан, Туркистонда миллий матбуотнинг майдонга келиши, жадин ёзувчилари қаламига мансуб асарларнинг пайдо бўлиши жадинчилик ғояларининг кенг халқ оммаси орасига кириб боришига имконият яратди. Ниҳоят, бешинчидан, рус, татар, озарбайжон театрлари таъсирида миллий ўзбек театри туғилиб, бу ғояларни бевосита сахна орқали халққа етказиш иложи туғилди. Ана шу тилга олинган ҳолатлар Туркистонда жадинчилик ҳаракатининг юзага келиши ва шаклланишида ҳал қилувчи омиллар бўлиб қолди.

#### **4-фасл. Жадинчилик ғояларининг ижтимоий-сиёсий ҳаракатларда акс этиши**

XX асрнинг дастлабки йилларида Туркистон халқларининг мустақиллик учун кураш ғоялари кучайиб борганлиги характерлидир. Мана шу даврда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим ўзгаришлар рўй берди.

Улар орасида жадинчилик деб ном олган ҳаракат алоҳида ўрин тутарди. Мазкур ўқув қўлланмада ушбу давр етакчилари бўлмиш жадинларнинг сиёсий-ҳуқуқий таълимотларида илгари сурилган ғоялар ёритилади.

Жадидлар ҳаракати Туркистон ўлкасининг сиёсий, маданий ҳаётида алоҳида из қолдирган бўлиб, бу ҳаракат халқни мустақиллик учун курашга даъват этар экан, энг аввало, жамиятни ислоҳ қилиш оммани маърифатли қилишга интиланган зиёлилар ҳаракати эди.

Марказий Осиё жадидчилигига Туркия ва 1905-1911 йиллардаги Эрон инқилобларининг ҳам таъсири бўлган<sup>26</sup>.

Бу мамлакатлардаги миллий зиёлилар вакиллари монарх ҳокимиятининг конституцион доирада чекланишига, миллий буржуазиянинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш учун шарт-шароитларни қўлга киритишга эришишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар.

Жадидлар ўз гоёларини амалга ошириш учун, энг аввало, ижтимоий ҳаракатлар, ташкилотлар, сиёсий партиялар туза бошлашган.

Жадидларнинг мустақилликка эришиш ва ҳокимиятни тўла қўлга киритиш масаласи «Эрк» партиясининг ҳам асосий гоёси бўлган. Ушбу партиянинг дастури ҳақида фикр юритар эканмиз, Аҳмад Заки Валидий томонидан «Эрк» ва жадид тараққийпарварлари партиясининг дастурлари ишлаб чиқилгани, ҳамда дастурнинг мазмуни, аҳамияти ҳақида ҳам тўхталишни лозимдир.<sup>27</sup>

Партия аъзоларининг комил ишончига кўра, партияни шўро интернационалга кириши Туркистоннинг мустақилликка эришишидаги муҳим шарт ҳисобланади. “Эрк” фирқаси (партияси) дейилади дастурда – шўро интернационалнинг ҳал қилувчи жаҳон сиёсий кучига айланишига ва эзилган халқларнинг манфаатларини ифодалашга, бу ташкилотга инсониятни давлатга эмас, балки миллатга бўлиш асос қилиб олинишига, унда эзилган мустамлака халқлар шўро партияларни ҳам ўзларига муносиб ўринни эгаллашлари ва ҳақиқий аҳамиятга эга бўлишларига ва “Эрк” партияси ҳам бундай

<sup>26</sup> Жадидчилик: ислоҳот, янгилавиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Т. Университет. 1999.40-бет.

<sup>27</sup> Аҳмад Заки Валидий Тўғон. Хотиралар. Шарқ Юлдузи.7-8 сон.1993. 176-бет.

интернационалда бошқа социалист партиялар, бошқа мустамлака ва эзилган халқлар вакиллари сингари фойдали бўлишига ишонади.

“Эрк” партияси дастурининг иккинчи, яъни амалий қисмида гап Туркистонни тўла мустақилликка эришишидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий заминларини яратиш тўғрисида боради. Бунинг учун партия дастурида барча ерларни - сув ресурслари, суғориш тармоқлари, ўрмон бойликларини халқ ихтиёрига берилишини, кон саноати, ер ости бойликлари, темир йўлларни давлат мулкига ўтказишни, қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришни, замонавий, йирик каналлар қазилишини, гидроэлектр станциялар қуришни, қишлоқ хўжалигини индустрлаштиришни, Туркистоннинг барча жойларида маданиятни жадал ривожлантиришни, рус маданиятининг хужумкор характерини тўхтатишни, янги ўзлаштирилаётган ерларга кўчманчи аҳолини жойлаштиришни, европаликларнинг кўчириб олиб келинишини тўхтатишни, аҳоли зич яшайдиган шаҳарларга ва янги ўзлаштирилаётган ерларга туркистонликларга қардош халқларни кўчириб келтириш ҳисобига таъминлашни, ягона давлат солигини жорий қилишни, ишлаб чиқаришнинг барча турларини ривожлантиришни ва давлат кредит банкларини очишни, шаҳар қурилишининг замонавий турига изчил ўтишни, сув ва канализация тизимини ўтказишни, маҳаллий шаҳарларда алоқа ва ҳаракат тармоқларини яратишни амалга ошириш назарда тутилади.

Партия дастурида ишчилар синфига жиддий эътибор берилади. Унда саноати ривожланган мамлакатларда ишчиларга қўйиладиган талабаларга жавоб берадиган миллий ишчилар синфини яратиш гоёси илгари сурилади. Ишчилар манфаатларини ҳимоя қилувчи касаба уюшмалари ва ташкилотларини, корхоналарда ўзини-ўзи бошқариш органларини ташкил қилиш, иш ва турмуш шароитларини яхшилаш назарда тутилади.

Дастурда Туркистоннинг тўлиқ мустақилликка эришишини ва халқаро муносабатларини тўла ҳуқуқли субъектига айлантириш гоёлари ифодаланган. “Эрк” партияси – дейлади унда – Туркистоннинг тўлиқ мустақилликка эришиши ва уни Марказий Осиёдаги географик ҳолати ҳамда табиий иқтисодий хусусиятларига мувофиқ тарзда мустақил куч сифатида халқаро саҳнада намоён бўлиши учун курашади”.

Партия Туркистонда демократик сиёсий-ҳуқуқий тарғибот ва тартиботларнинг ўрнатилиш тарафдори бўлган. Дастурда ёзилишича, “Сиртдан империализм, ичдан феодаллар ва руҳонийлар зулмидан озод этилган Туркистондаги давлат бошқарувининг шакли – демократик республика бўлиши керак. Ҳокимият манбаи – яширин ва тенг сайлаш ҳуқуқи асосида сайланган парламентдир: шаҳарлар ва жойлардаги бошқарув ҳам шу асосларда ташкил этилиши керак. Демократик тартиб ва эркин сайловлар, буржуа раҳбарлиги анъаналарига эга бўлмаган Туркистонда капиталистлар ва буржуазия тазйиқидан ҳимоя қилиниши лозим ва у эзилган, қолоқ аҳоли қатламларидан янги кучларнинг етилиб чиқишига ёрдам бериши лозим. Дастурда миллий ҳукумат тузими ва почта, телеграф, темир йўл, қишлоқ хўжалиги ҳамда саноатни бошқаришни унинг тасарруфига киритиш мўлжалланганди.

Партия дастурида мустақил Туркистоннинг муҳофаза қобилиятини мустаҳкамлашга ва миллий армия тузишга жиддий эътибор берилади. “Мустақиллик ва халқ ҳокимиятини барпо қилишга партия барча реал ва тинч йўللар билан эришишга ҳаракат қилади. Аммо халқ ҳокимияти фақат миллий армия мавжуд бўлгандагина қўлга киритилиши ва зақлаб қолиниши мумкинлигини назарда тутиб, партия мажбурий ҳарбий хизмат ва умумий ҳарбий таълим талабларини илгари суради.

Миллий сиёсат соҳасида партия барча халқлар ва миллатларни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тенг



иштироқ этишларини таъминлаш, миллий озчиликни ташкил қилувчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш вазифаларини ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Партия дастурида “Туркистонда миллий масала умуман, ва миллий озчилик масалалари хусусан, демократик сайлаш ҳуқуқларини барча миллатлар учун умумлаштириш ва миллатларга давлат мактаблари ҳамда бошқа жамоатчилик муассасаларида, мамлакат табиий бойликларидан, ер ва сувдан, давлатнинг ижтимоий меҳнатни ташкил қилиш ва ишсизликка қарши кураш тадбирларидан ҳар бири халқ миқдорига мутаносиб фойдаланиш имкониятини яратиш йўли билан таъминлайди”.<sup>28</sup>

Партия дастурида маданий-маърифий қурилиш масалаларига жиддий эътибор берилади. Унда маорифга алоқадор барча масалаларни маҳаллий органларга бериши, ўлка халқларини мустамлакачилар маданияти таъсиридан ҳалос қилиш, мавжуд феодализм тартиботи ўрнига меҳнат мактаби тизимларини қўллаш, умумий бепул бошланғич таълимни жорий қилиш, Туркистон халқларини дунёнинг ривожланган мамлакатлари ўқув юртларида Европанинг ҳақиқий маданияти билан бевосита таништириш, малакали миллий кадрларни тайёрлаш ва шу кабилар назарда тутилади.

Партия динни дунёвий ва давлат ишларидан ажратиш, тўлиқ вайрон эркинлиги принципини тўсиқсиз амалга ошириш тарафдори бўлиб чиқди. Партия дастурида қуйидагилар алоҳида таъкидлаб ўтилади:

“Ҳукумат фақат диний маросимлар жамоат тартибини бузмай амалга оширилишини кузатиб бориши керак. Сиёсий мақсадларга хизмат қилиши мумкин бўлган диний тарғибот олиб борилмаслигини, у тараққиёт ва Туркистон миллий мустақиллигининг ички ва ташқи душманлари қўлида қурол бўлиб қолмасликни кузатиб бориши керак”.

<sup>28</sup> Правовое государство – независимость, надля, экономика, идеология, политика. Т. Адолет. 1994.

“Эрк” партияси дастуридаги асосий қоидаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, у Туркистонни замонавий, демократик, иқтисодий ва сиёсий мустақил, индустриал, гуллаётган, кучли мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган:

Бундан ташқари, “Эрк” партияси дастури анча-мунча камчиликлардан ҳам эмас эди. Жумладан, унда партиянинг ҳуқуқ, қонунчилик соҳасидаги вазифалари; суд органлари, полицияни ташкил этиш принциплари; фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари; мамлакатни маъмурий-ҳуқуқий тузилиши ва бошқалар аниқ кўрсатилмаган эди.”

Туркистон (Ўрта Осиё) мустақиллиги масаласини кўтариб чиққан бошқа бир партия - 1920 йилда ташкил этилган «Жадидлар» партияси эди. «Жадидлар» партиясининг дастури «Эрк» партиясининг дастурига нисбатан кенгроқ ва аниқроқ эди. Унда партиянинг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари: давлат-ҳуқуқий қурилиши, иқтисодиёт, маданият, маориф соҳасидаги мақсад ва вазифалари анча аниқ ва тушунарлироқ баён қилинганди.

### **5-фасл: «Жадидлар» партиясининг демократик сиёсий-ҳуқуқий ғоялари**

Жадидлар партияси дастурида сиёсий масалалар марказий ўринни эгаллайди. Дастурнинг бош мақсади Туркистонни тўлиқ мустақилликка эриштиришидир.

Жумладан, жадид тараққийпарварлари партиясининг дастурида:

- Ўз миллий маданиятига эга бўлиб, мустақил миллат сифатида яшаш- ҳаётнинг асоси бўлмоғи керак. Бу эса барча миллатларнинг орзусидир. Мақсадимиз Туркистонни мустақил қилиб ҳукумат тузишдан иборат. Миллат тил, дин, маданият, адабиёт, урф-одатлар бирлигига асосланади.

- Озод туркистонда, давлат тузилиши ва идораси жумҳурият шаклда бўлиб, ҳокимият асосини демократия йўли

билан сайланган Миллат мажлиси ёки вилоят ва шаҳарларда вилоят ва шаҳар мажлислари земство ташкил қилади.

- Марказий ҳукумат аъзолари Миллат мажлисининг розилиги билан Жумҳурият раиси (Президент) томонидан, вилоятлардаги бошлиқлар ва марказий ҳукумат тарафидан тайинланажак. Вилоят ва шаҳар идора мажлисларининг раислари шу мажлисининг ўзида саланиб қўйилажак. Миллат мажлиси, Жумҳурият раиси, вилоят мажлисларини сайлаш тартиби мустақил Туркистоннинг биринчи қурултойи томонидан белгиланажак.

- Туркистонда турк бўлмаган озчилик ҳам маданий ҳуқуқлардан фойдаланажак. Туркий халқлар Туркистон маданиятини кучли равишда яшнатиш учун яқдиллик билан фаоллик кўрсатишлари керак.

- Туркистон миллий ҳукумати Туркистон миллий аскар-рига таянажак: ҳарбий хизмат мажбурий.

- Мамлакатда виждон эркинлиги тўла таъминланажак. Диний ибодат ва урф-одатларни эркин равишда бошқариш йўли билан таъминланажак. Мамлакатда бош дин миссионерларининг иш олиб боришларига руҳсат берилмайди.

- Матбуот ва нашриёт ҳуррияти ҳамда шахс эркинлиги давлатнинг асосий қонунлари тарафидан таъмин этилажак.

- Ер масаласида ер ости ва ер усти бойликлари, ўрмон-лари, ҳавзалари давлат мулкига ўтиши негиз ҳисобланади. Ер деҳқонларга (қишлоқ деҳқонларига) хусусий мулк қилиб берилажак.

- Туркистоннинг озодлиги иқтисодий мустақиллик асоси-дагина амалга оширилуру. Шунинг учун Туркистон бошқа қўшни давлатлар билан иқтисодий муносабатларнинг замона-вий тузилиши асосида оёққа туриб, тобора ривожланиб боришини таъмин қилишга ҳаракат қилинажак.

- Туркистонда энг аввало хунар мактаблари йўлга қўйилажак. Оврупага ўқувчилар юборишга аҳамият берилажак...»<sup>29</sup>.

Бошқарув шаклига кўра, Туркистон демократик республика бўлиши керак эди. Қонун чиқарувчи ҳокимият миллий мажлисга тегишли бўлиб, уни мамлакат аҳолиси демократик йўсинда сайлайди. Жойлардаги - вилоятлар ва шаҳарлардаги давлат ҳокимияти вилоят ва шаҳарлар мажлислари кўлида тўпланиб, уларнинг депутатлари шу маъмурий ҳудудий бўлинмалар аҳолиси томонидан демократик йўл билан сайланиши лозим эди. Президент давлат бошлиғи ҳисобланади. У миллий мажлис розилиғи билан ҳукумат аъзоларини тайинлайди. Вилоятлар маъмурият бошлиқларини марказий ҳукумат тайинлайди. Миллий мажлис аъзоларини, президентни, вилоятлар мажлислари аъзоларини сайлаш тартибини мустақил Туркистоннинг таъсис Қурултойи белгилайди. Миллий армия тузилади, армиядаги хизмат эркаклар учун мажбурий ҳисобланади. Жойларда тартибни сақлаш учун полиция бўлинмалари ташкил этилади. Партия дастурида сезиларли ўринни иқтисодиёт масалалари эгаллайди. Унда иқтисодий мустақилликни қўлга киритмай туриб, Туркистон сўзининг том маъносида эркин бўлиши мумкин эмаслиги таъкидланади.

Туркистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш учун, энг аввало, мулкчилик тўғрисидаги масала ҳал этилиши лозим. Дастурда барча ерларни, унинг ер ости ва ер усти бойликларини, ўрмон, сув ва ер ресурсларини давлат ихтиёрига бериш, камбағал деҳқонларни ер билан таъминлаш, ерларни улар ўртасида хусусий мулк сифатида тақсимлаш, ер олди-сотдисини қонун билан қатъий белгилаш; хусусий шахсларга ер майдонлари ва сув ресурсларининг олди-сотдиси билан шугулланишларини таъқиқлаш; деҳқонлар ерларини сув билан таъминлашнинг зарур чора-тадбирларини

<sup>29</sup> Тўгон хотиралар... 111-113-бетлар.

кўриш; кўчиб юривчи халқлар – қозоқлар, қирғизлар ва туркманларга ўтроқ турмуш тарзига ўтишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, бунинг учун шаҳарлар ва шаҳарчалар қуриш билан шуғулланиш, миллий саноатни барпо қилиш, миллий ишчи кадрлар учун зарур чора-тадбирларни амалга ошириш; меҳнат шарт-шароитлари, ишни ташкил қилиш, иш факти, ўсмирлар ва аёллар меҳнати, ижтимоий суғуртага алоқадор муносабатларни тартибга солиши лозим бўлган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар чиқариш; ривожланган чет эл мамлакатлари билан ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорликларни ўрнатиш каби муҳим масалалар баён этилган.

Жаҳидлар партияси виждон эркинлигини ёқлаб чиқди. Шу билан бирга Партия Дастурида дин ва давлат масалаларини давлат томонидан тартибга солиниши, мамлакатда бошқа динлар миссионерлари – агентларининг фаолияти тақиқланиши қайд этилади.

Дастурда шахс, тафаккур ва матбуот эркинлиги давлат асосий қонуни билан муҳофаза қилиниши; армия соҳасида судларнинг тўлиқ мустақиллиги ва қонун олдида барчанинг тенглиги таъминланиши, барча фуқаролар, дини ва дунёқарашидан қатъи назар, қонун ҳимоясида бўлиши таъкидланади.

Дастурда миллий маданиятни, тил, адабиёт, маҳаллий урф-одат ва анъаналарни ривожлантириш; тўлиқ бўлмаган маълумот олиш, давлат манфаатларига зид бўлмаса, хусусий мактаблар очиш, ҳунар мактабларини ривожлантириш: Европа мамлакатлари ўқув юртларида миллий кадрларни тайёрлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш назарда тутилади. Дастурда ўлка халқларининг аждодлари асрлар мобайнида яратган барча маданий марказлар, ёдгорликларнинг давлат томонидан қўриқланиши алоҳида таъкидлаб ўтилар экан, улар миллий маданиятни бундан кейинги ривожининг мустақкам замини бўлиб хизмат қилиши керак, дейилади.

«Жадидлар» партияси ўз дастури ғоясига кўра, демократик жамият ва давлатни барпо қилиш, бошқарувнинг президентлик шаклини маъқуллаб чиқишган. Унинг дастури Туркистондаги реал шарт-шароитларни, ўлка халқлари психологиясини, кучлар нисбатини, иқтисодий ва маданиятнинг ривожланганлик даражасини назарда тутиб ишлаб чиқилганди.<sup>30</sup>

Туркистон – Ўрта Осиё халқлари олдида турган асосий муаммо – уларни большевиклар ҳукмронлигидан озод қилиш ва тўлиқ мустақилликни қўлга киритиш, озодлик учун курашаётган барча ижтимоий-сиёсий ташкилотлар учун бирлаштирувчи асос хизматини ўтади.

Бухорода 1921 йил 2-5 августда бўлган Миллий Бирлик конгрессида Аҳмад Заки Валидий бошчилигида «Ўрта Осиё Миллий Мусулмон Жамиятлари Федерацияси» тузилади. Бу ташкилот кейинчалик Туркистон Миллий Бирлиги номини олган.

Ушбу ташкилотнинг дастури ҳам Заки Валидий томонидан ишлаб чиқилган эди. Ҳавбатдаги Самарқанд, Тошкент шаҳарларида ўтказилган конгрессларда Туркистон Миллий Бирлигининг 24 банддан иборат Устави, ҳамда Туркистон байроғи қабул қилинган.<sup>31</sup>

<sup>30</sup> Правовое государство – независимость, нация, экономика, идеология, политика. Т. Адоят. 1994.

<sup>31</sup> Жадидчилик: ислохот, янгилашад, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Т. Университет. 184-бет.

## II боб

### Жадидларнинг мактаб, оила ва даврнинг муҳим ижтимоий масалаларига муносабати

Жадидларнинг сиёсий ва ҳуқуқий дастурлари уларнинг, аввало, маърифат соҳасида олиб борган фаолиятлари давомида, маърифатнинг нафақат халқ ижтимоий онгининг ўсиши ва билимининг бойиши, балки унинг тақдири учун ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини чуқур тушунишлари заминида пайдо бўлган ва шаклланган. Бинобарин, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий дастурлари учун мактаб ва оила масалалари парвоз майдони бўлиб хизмат қилган, десак янглишмаган бўламиз.

Октябрь тўнтарилишидан кейин, 1919 йили ташкил топган кечаги жадидларнинг “Чигатой гурунги” ташкилоти ўз олдига фақат маърифий вазифаларни қўйган. Шунинг учун ҳам, XX асрнинг 20-30 – йилларида жадидчилик ҳаракатини аксилинқилобий, ҳатто халқ манфаатларидан узоқ ҳаракат сифатида баҳолашда “Чигатой гурунги”нинг ана шу маърифий дастурини ҳам далил сифатида келтирганлар. Ваҳоланки, бу ташкилотнинг очилишига руҳсат беришдан олдин ёш Совет давлати “Чигатой гурунги”нинг сиёсатдан узоқ, фақат маориф ва маърифат масалалари билангина шуғулланувчи ташкилот бўлишини шарт қилиб қўйган эди.

Худди шундай, Октябрь тўнтарилишига қадар бўлган вақтда ҳам Чор ҳокимияти жадидларнинг сиёсий ишларга аралашувига мутлақо йўл қўймаган. Ҳатто усули жадид мактабларининг очилиши ҳам чор амалдорларини ташвишга солган. Улар рус-тузем мактаблари тармоғини йилдан-йилга кенгайтириб борганлари ҳолда жадид мактабларининг халқ оммаси ўртасида обрў-эътибор қозонишига қарши турли чораларни кўрганлар. Жадид матбуоти пайдо бўлгандан сўнг қанчадан-қанча газеталар ижтимоий гоёларни олға сургани, жамият ҳаётига фаол аралаша бошлагани учун ёпиб ташланган. Ҳатто жаҳон геополитик сахнасида жиддий ўзгаришлар

рўй бераётган, Биринчи жаҳон уруши тарихий жараённинг табиий натижаси сифатида бошланган, ҳатто Туркистон халқлари ҳам маълум маънода сиёсатлаша бошлаган бир даврда (Ойбекнинг "Қутлуг қон" романидаги 1916 йил арафасидаги воқеалар тасвирини эсланг!) Чор ҳокимиятининг маҳаллий амалдорлари "Садои Туркистон" газетасини ёпиб қўйдилар. Мунаввар қори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Беҳбудий муҳаррири бўлган вақтли нашрлар эса бундан аввалроқ номатлуб газеталар сифатида таъқиқланган эди. Биринчи ўзбек пьесаси – М.Беҳбудийнинг "Падаркуш" асари 1911 йилда ёзиб тугалланганига қарамай, уни нашр этиш ва саҳналаштириш учун яна бир неча йил даркор бўлди. Беҳбудий бу асарини "Бородино жанги ва Россиянинг французлар босқинидан халос бўлишининг юбилей санаси" – 100 йиллигига бағишлаганидан кейингина, ўшанда ҳам Туркистон цензураси эмас, балки Тифлис цензурасининг руҳсати билан 1913 йилда чоп этишга муваффақ бўлди. Шундан кейин ҳам асарнинг саҳнага чиқиши учун яна бир йил керак бўлди.

Кўриб ўтганимиздек, нафақат Совет давлати, балки Чор ҳокимияти ҳам Туркистон халқларининг уйғонишидан чўчиган, унинг ижтимоий-сиёсий ўсиши, басир кўзларининг очилиши, сиёсий онгининг уйғонишига қарши барча чораларни кўрган. Модомики, шу даврда Туркистон халқларини уйғотувчи бирдан-бир куч жаҳидчилик ҳаракати экан, Чор ҳокимияти ҳам, Совет давлати ҳам бу ҳаракатни ўз жиловидан олиб туришга интилган. Бундай жилов бўлиб эса маърифат хизмат қилган.

Айни пайтда, халқнинг маърифий ўсиши чексиз-чегарасиз бўлиши, ижтимоий-сиёсий билимларнинг халқ ҳаётига кириб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам, чоризм жаҳид мактаблари дастурини чегаралаб, халқнинг руҳонийлашган қисмида ва бу қисмнинг раҳбарларида жаҳидларга қарши кайфиятни мунтазам равишда уйғотиб турди. Ислом дини номидан иш юритган уламолар чор амалдорларининг бу сиёсий



ўйини моҳиятини тушунмай, жадиждларнинг ҳар бир янги қадамига болта уриб турдилар. Икки ёқлама сиққик остида қолган жадиждларнинг ҳаракат майдони торайиб, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини халқ орасида тарқатиш имкониёти озайиб борди.

Худди шундай шароит Октябрь тўнтарилишидан кейин ҳам давом этди.

Аммо ҳар қандай қаршилиқлар, чеклашлар, жарималар, таъқиқлар ва ҳибсларга қарамай, жадиждчилик ҳаракати намояндалари халқнинг ижтимоий-сиёсий онгини ошириш, унга дастлабки ҳуқуқий билимларни беришга интилдилар ва бунга қисман эришдилар.

## **1-фасл. Жадиждлар ва мактабнинг жамият ҳаётидаги ўрни**

Жадиждларнинг 1906-1917 йиллардаги барча газета ва журналларда эълон қилинган мақолаларида устуворлик қилган мавзу мактаб – таълим – ёш авлод тарбияси мавзусидир. Биргина "Ойна" журналида эълон қилинган мақолаларга назар ташласангиз, уларнинг сарлавҳалариданоқ мактаб масаласига бағишланганини кўрасиз.

Жадиждлар фақат мақола ёзиш билангина кифояланиб қолмади, балки ҳар қандай қийинчилик ва тазйиқларга қарамай, усули савтия мактабларини очишга ҳаракат қилдилар. Уларнинг мактаб ва таълим тизимини ислоҳ этиш йўлидаги ҳаракатлари марказида дастлаб ибтидоий мактаблар турди. Бухоролик Ниёзий Ражабзода исмли муаллим "Ойна" журнаlining 1914 йил 38-сонида эълон қилган "Ибтидоий мактабларимизнинг тартибсизлиги ёхуд тараққийни йўли" деган мақоласида ибтидоий мактабни ислоҳ этиш фикрини олга суриб, бундай ёзди: "Дунёда мавжуд миллатлар тараққийни ибтидоий мактабдан бошларлар. Ҳақиқатан, тараққий ва таоло учун биринчи йўл ва асос мактабдур. Мактаб ислоҳ қилинса, умум ишлар ислоҳ ва тартибга кирди, деб бўладир.

Чунки, камроқ бўлса ҳам, ислоҳ қилинган мактабдан чиққан болалар ислоҳпарвар бўладурлар".<sup>32</sup>

Муллимнинг бу сўзларида жадидларнинг орзу-интилишлари билан боғлиқ катта ҳақиқат бор. Жадидлар, умуман, замонавий (дунёвий) билимларни эгаллаган авлодни эмас, балки жамиятни ислоҳ этувчи авлодни тарбия этишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар. Ниёзий Ражабзода бу авлодни "ислоҳпарвар" авлод деб атаган ва бундай авлодни тарбиялаш учун даставвал бошланғич (ибтидоий) мактабни ислоҳ этиш лозимлигини айтган. Н.Ражабзоданинг маълумот беришича, ибтидоий мактаб инсонларнинг энг қадимги "мао-ифхонаси" бўлиб, унда "зарурияти диния, одоб, ахлоқ, ўқув, ёзув, қироат ва хуруфот дарслари" олиб борилган. Бу дарсарда олган сабоғи билан кўзи очилган болани қандай йўл билан, қандай маслак билан етакласа, унинг шундай йўл ва шундай маслак билан бориши шубҳасиз. Шунинг учун, унинг фикрига кўра, ибтидоий мактабга алоҳида эътибор бериш лозим.

Ниёзий Ражабзода ибтидоий мактаб тўғрисидаги қарашларини баён этгач, бундай умумлашма фикрга келади: "Илму маърифатсиз ҳеч бир миллат муборизайи ҳаёт майонида туролмас. Хоҳ ул миллат миллати ҳоким ва хоҳ миллати маҳкума бўлсун, илму маърифатдан маҳрум бўлганлиги учун бошқа санъат ва ҳунар соҳиби бўлган миллатларнинг оёғи остида эзилурга мажбур бўладур. Чунки, зироат, саноат, тижорат каби лавозимоти инсониятнинг вужудга келмоғи мактаб, мадрасаларнинг тартиблик дарсларининг замон ва маконга мувофиқ бўлганлигидандир".<sup>33</sup>

Н.Ражабзоданинг фикр ва мулоҳазасига кўра, агар маҳкумлиқ сифати билан яшаётган миллатлар ўзларининг дин ва миллий хусусиятларини йўқотмасалар, давлат ва бой-икка эга бўлишлари ҳам мумкин. Н.Ражабзода "давлат"

<sup>32</sup> "Ойна" (1914-1915 й.). Нашрга тайёрловчилар: Наим Норкулов, Камолiddин Габбимов. - Т.: "Академия", 2001. - Б. 5.

<sup>33</sup> Курсатилган манба. Б. 6-7.

деганда сиёсий идорани эмас, балки бойликни назарда тута-и. Давлат ва бойлик, муаллимнинг фикрига кўра, ҳар бир миллатга яшаш имконини берадиган воситадир. "Бой бўлган миллат, албатта, дунёда яшай оладур. Ул миллатнинг динига эмас, ҳатто миллиятига ва шахсиятига ҳеч ким тега олмайдур",<sup>34</sup> дейди у ва бу сўзларига мисол сифатида "ерсиз, сувсиз қолан" яҳудий халқини келтиради. "Аларга қарасак, қандай улуг ва катта ҳахарларнинг энг яхши ва энг тузук жойларига турарлар. Нимага яхши жойга турарлар? Чунки, яҳуд миллати бадавлат ва ҳунарманддур. Албатта, илму маърифат лозимдур. Илму маърифат учун мактаб, мадрасаларнинг ислоҳ қилинуб, низом ва тартибга киргизилмоғи лозимдур. Ҳунар ва маърифатлик бўлган миллатларнинг халқлари фақир ва бечора бўлуб, дарвешлар қиёфатига кируб, гадойлик қилуб юрмагайлар..."<sup>35</sup>

Бошқа жадидларнинг маърифатга оид бизга маълум мақолаларидан фарқли ўлароқ зикр этилган мақолада маърифат давлат ва бойликнинг пойдевори сифатида талқин этилади. Муаллим ери оз, аҳолиси кўп бўлган Англия ва Германия сингари мамлакатларнинг "илму санъат орқасида" ер юзидаги бойликни ўзларига қаратиб олганига муштарийлар эътиборини тортади. Сўнг ери кўп, халқи оз Эрон ва Бухорони бу мамлакатлар билан таққослаб, уларда турли мол ва матоларига муҳтожлик борлигини айтади ҳамда "Бухоро ва Туркистон мусулмонлари учун зироатдан сўнгра энг аҳамиятли нарса савдо ва тижоратдур", дейди.

И.Ражабзоданинг бу масалага алоҳида эътибор берганининг боиси шундаки, у Бухоролик бўлгани учун ҳамшахарлари билан Бухоро яҳудийларини ўзаро қиёс қилиш имконига эга бўлган. Бухороликлар савдо ва тижоратда саводсиз бўлганликлари учун бу соҳани яҳудийлар қўлига топшириб қўйиб, ўзлари фақат меҳнат билан машғул бўлганлар.

<sup>34</sup> Қўрсатилган манба Б.7.

<sup>35</sup> Ушш жойда.

Шунинг учун ҳам, яҳудийлар катта-катта бино ва магазинларнинг соҳиби бўлиб олиб, яхши турмуш кечирмоқдалар. Н.Ражабзода ана шу зиддиятли ва ўзбек халқи учун шармандали манзарани тасвирлар экан, бундай сўзларни айтади: "Яҳудийларга ўпка қилмаймиз ва адоватимиз йўқдур. Агар ўз гайрат ва маҳоратлари ила ушбу пояга чиқдилар. Ҳар қанча нуқсон ва айб эса яна ўзимизгадур. Савдо ва тижоратда яҳудийлар тутган йўлни тутмадук. Яҳудийлар билган ишни биз билмадик. Бизлар эса айшу ишрат ила умр ўткардук".<sup>36</sup>

Н.Ражабзоданинг бу ҳаётий манзарани муштарийлар қаршисида гавдалантириб беришдан кўзда тутган мақсади таълим тизимини мутлақ ислоҳ этиш ва бу ислоҳни ибтидоий мактабдан бошлашдир. У мактабни ислоҳ этиш учун нималар қилиш керак, деган саволга аниқ жавоб бермайди. Лекин у келтирган ҳаётий мисол ва мушоҳадалардан бундай хулосалар чиқади: Ибтидоий мактабни ислоҳ этиш учун, биринчидан, бу Ибтидоий мактабдаги ўқишни тартибга солиш; иккинчидан, ўқувчиларда дин ва миллият туйғусини тарбиялаш; учинчидан эса, бу мактабда бошқа дунёвий фанлар билан бирга савдо ва тижоратга рағбат уйғотувчи ҳамда бу соҳаларнинг сир-асрорларини ўргатувчи фанларни ҳам ўқув дастурига киритиш лозим.

Ана шу тарзда ислоҳ этилган ибтидоий мактаб, келажакда "ислоҳларвар" ёшларнинг Туркистонда янги жамятни барпо этишга қодир ёшларнинг шаклланиши учун замин ҳозирлаши мумкин.

"Ойна" журнали мактаб ва маориф ишларини яхшилашга қаратилган мақолалар билан бирга Туркистон аҳолисининг қанча қисми мактабларга жалб этилганлиги масаласи билан қизиқиб, 1914 йил 27-сонида "Самарқанд вилоятининг нуфуси ҳукуматнинг санаи ҳолиядаги ҳисоби бўйича" қуйидаги жадвални ҳам эълон қилди:

<sup>36</sup> Кўрсатилган манба. — Б. 8.

Шаҳарлар	Нуфус	Мусулмон мактаби	Мусулмон мадрасаси	Мусулмон ва рус мактаби	Русий мактаб	Мусулмон талабалари	Рус талабалари
Самарқанд	94846	92	19	2	15	2443	2108
Хўжанд	40235	30	40	1	1	-	53
Ўратепа	22704	42	5	1	1	1304	13
Жиззах	13384	20	3	1	1	897	36
Каттақўрғон	11551	34	2	1	1	830	116
Панжакент	5105	8	3	1	-	418	-
<b>Жами шаҳар</b>	<b>187825</b>	<b>226</b>	<b>72</b>	<b>7</b>	<b>19</b>	<b>5892</b>	<b>2326</b>
<b>Уездлар</b>							
Самарқанд	276192	825	4	2	-	6955	-
Жиззах	242256	319	1	2	1	3037	39
Хўжанд	166095	175	16	-	11	1148	767
Каттақўрғон	117025	497	1	1	1	2664	80
<b>Жами уездлари</b>	<b>801568</b>	<b>1816</b>	<b>22</b>	<b>5</b>	<b>4</b>	<b>13904</b>	<b>886</b>
<b>Самарқанд вилоятида жами</b>	<b>989393</b>	<b>2042</b>	<b>94</b>	<b>13</b>	<b>23</b>	<b>19696</b>	<b>3212</b>

Хукумат идораларидан олинган статистик маълумотлар асосида тузилган бу жадвалда Самарқанд вилоятлари шаҳар ва уездларидаги аҳоли, мактаб ва мадрасалардаги талабалар сони келтирилган. Бу жадвалдаги маълумотларга қараганда, ўша вақтда вилоятдаги мусулмонларнинг ҳар юзидан уч

нафари, русларнинг эса ҳар юзидан 16 нафари ўқиган. Бундан ташвишга тушган журнал идораси: "...мундан биз, мусулмонларнинг ўқимаганлигимиз" билинади, деб Пайгамбарнинг "Илм Хитойда бўлса-да талаб қилингиз", "Талаби илм ҳар мусулмон эр ва хотунга фарздур", "Илмни бешикдан қабргача талаб қилингиз", деган Ҳадисларини муштарийларига эслатади.

Аҳолининг бу даражада кам қисмининг мактаб ва мадрасаларда ўқиётганидан ташвишланган журнал идораси "Ойна"нинг ўша сонида "Туркистонлиларга хитоб" сарлавҳаси остида қуйидаги мурожаатномани эълон қилган:

"Эй, мусулмонлар, биродарлар! Бизларга чалишмоқ вақти етмадими? Бу қадар жаҳолатга ботдикмиз-да етмасми?.. Эмди мозийимиз ила истиқболимизни ўйламоқ керак. Биз, туркистонликлар қадар орқада қолган ҳеч бир миллат қолмади. Африқо ваҳшийлари-да биздан илгаридурлар. Биз бошқа миллатлардан ибрат олайлук-да, ўзимизни эркимизни билмоқчи ижтиҳод этайлик. Миллатимиз эҳтиёжини ва миллат ишларини тўғри йўлга солмакга ҳаракат эдалим. Ватан ишларимиза ҳар турли ёрдамда бўлиналим. Жаҳолат ва сафолатдин миллатимизни қутқармоқга чолишалим. Мактаб – мадраса очмакга, жамият ва ширкатлик тижоратхоналари таъсис этмоқга ҳаракат эталим. Русия, Оврупа, Миср ва Истанбулга талаба юбормоқ керакдур. Эй, туркистонли мусулмонлар, биродарлар! Қўзингизни очинг, мажалла ва жаридаларга боқуб, дунёни билинг, жаҳолат ичинда гарқ ўлмиш ўлан ватандош ва миллатдошларимизни қутқармоқ керакдур".<sup>37</sup>

Туркистон талабаларнинг Истанбулдан йўллаган бу мурожаатномалари ўлкадаги ўқиш-ўқитиш ишлари аҳволи мазкур жадвалда келтирилган маълумотдан ҳам даҳшатли эканидан шаҳодат беради. Биз учун бу мурожаатдаги муҳим нарса шундаки, унда маърифат халқ учун жаҳолатдан

<sup>37</sup> Кўрсатилган манба. – Б. 70-71

қутулиш, нажот, бадавлат ва бой, маданий турмушга етиш воситаси сифатида тўғри талқин қилинган.

Жадид ўша даврда ўқиб, маълумоти бўлгани орқасида юқори мартабаларга эришган кишиларни тарғиб-ташвиқ қилишга аҳамият бердилар. Шундай кишилардан бири, самарқандлик Камолиддин Ханиф тўра бўлиб, у аввал шаҳар мактаби, сўнгра семинария – Тошкентдаги дорулмуаллиминда ўқиган ва шунинг натижасида Хўжанд уездига пристав бўлиш даражасига эришган.

\* \* \*

Жадидчилик ҳаракати ва адабиёти ўзининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларига эга. Бу босқичлар (даврлар), бизнингча, қуйидагича тавсифланади:

1. XIX асрнинг 90-йилларидан 1905 йилгача бўлган биринчи давр.

2. 1905 йилдан 1917 йилгача бўлган иккинчи давр.

3. 1918 йилдан 1930 йилгача бўлган учинчи давр.

Жадидчилик ҳаракати ва адабиётининг бундай даврлаштирилиши аксарият тарихчи ва адабиётшуносларнинг қарашларига мутлақо зид эмас. Аммо шу билан бирга мазкур даврлар ўзининг муайян "кульминацион нуқталари"га ҳам эгадир. Чунончи, ўз ичига ўн икки йилни қамраб олган иккинчи даврда 1914-1916 йиллар нафақат жадидчилик ҳаракати, балки Туркистон халқлари ҳаёти учун ҳам ижтимоий жиҳатдан муҳим аҳамиятга молик йиллардир. Чўлпоннинг худди шу йили ҳам шеърятда ("Туркистонли қардошларимизга", "Ўзбеклар ва Туркистон" шеърлари), ҳам насрда ("Жаҳолат қурбонлари", "Дўхтур Муҳаммадёр" ҳикоялари), ҳам адабий танқидда ("Адабиёт надур?" мақоласи) жиддий масалаларни кўтариб чиқиши жадид адабиётида катта воқеа бўлди. Унинг бундай ижодий фаоллик билан жадид адабий ҳаракатчилигига келиб қўшилиши тасодифий эмас. Уни жадид ёзувчиси

сифатида тарбиялаган кучлар ва омиллар шу адабиёт бағридаги Мунаввар қори Абдурашидхоновга ўхшаш сиймолар эди. Ана шундай сиймолардан бири, Туркистон жадидларининг отаси Маҳмудхўжа Бехбудийдир.

Бехбудийнинг "Падаркуш" пьесаси биринчи ўзбек миллий сахна асари бўлгани учун унда кичик бир манший воқеа – ота-бола воқеаси тасвир этилган. Унда иштирок этган қаҳрамонлар ҳам кўп эмас. Лекин Бехбудий худди шу оддий воқеада халқнинг кичиклаштирилган фожиаси ётишини маҳорат билан кўрсатиб берган. Бу асарда шунчаки бир қотиллик эмас, балки мактаб тарбиясини кўрмаганлиги ора-сида ёшликнинг, бойликнинг ва ҳаётнинг маъносини фақат айш-ишрат деб билган падаркуш воқеаси тасвир этилган. Ёзувчи бу асари билан болалик ва ёшликни ошиқ уйнаб ўтказувчи замонлар ўтиб кетгани, энди билим олиш, илм-фан кучи билан эски турмуш тарзини ўзгартиришни талаб этувчи янги даврнинг келганини айтмоқчи бўлган. Шу мақсадда у асарга Зиёли образини киритган.

Бойлиги ошиб-тошиб қетган Бой Зиёли билан ҳатто гаплашишни ҳам истамайди. Унинг айтмоқчи бўлган гапларини эшитиш, унинг назарида, жабр чекиш, вақтни бенаф ўтказишдан бошқа нарса эмас. Аммо шунга қарамай, Бехбудий Зиёлини шу Бойнинг қошида гапиртиради. Зиёли эса, Бойнинг хоҳиш-иродасига қарши бўлса ҳам шу сўзларни айтади:

"З и ё л и. Ҳозир янги ва бошқа замондир. Бу замонга илм ва ҳунарсиз халқ бойлиги, ери ва асбоби кундан-кун қўлидан кетгандек, ахлоқ ва обрўи ҳам қўлдан чиқар, ҳатто, дини ҳам заиф бўлур. Бунинг учун биз мусулмонларни ўқутмоқга саъй қилмоғимиз лозимдур, ваҳоланки, дини шарифимиз ҳар нав нафлик илм ўқумоқни бешиқдан мазоргача бизларга фарз қилгандир. Бу ҳукми – ҳукми шариатдир. Биз мусулмонларга, алаалхусус, бу замонда икки синф уламо керакдур: бири олими диний; дигари олими замоний".<sup>38</sup>

<sup>38</sup> Бехбудий М. Таялган асарлар. – Б. 43.



Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозим: агар бошқа жаҳид драмалари, ва ҳатто, аксарият ҳикояларига назар ташласак, уларда муаллифнинг ўз ғояларини очиқ ва ошқора олға сурганини кўрмаймиз, аксинча, бу асарларнинг муаллифлари муайян бир воқеани тасвир этишдан нарига ўтмай, воқеанавис даражасидагина қоладилар. Аммо Беҳбудийнинг драматургияга мурожаат этишдан мақсади ҳам ўз дилидаги гапларни, фикр ва ғояларни халққа етказишдир. Агар шу нуқтаи назардан Зиёли фикрини диққат билан эшитсак, унда жиддий, халқ ва мамлакат тақдири билан боғлиқ ғоя олға сурилганига ишонч ҳосил қиламиз.

Зиёли "олими диний"ни бундай талқин этади:

"...**Олими диний.** Имом, хатиб, мударрис, муаллим, қози, муфти бўлуб, халойиқни диний ва ахлоқий ва руҳоний ишларини бошқарар, бу синфга киратурғон талабалар, аввало, Туркистонда ва Бухорода илмий, диний ва арабий ва бир оз русча ўқуб, сўнгра Макка, Мадина, Миср ва Истанбулга бориб, улуми динияни хатм қилсалар керак ёки комил мулло бўлсунлар (бой мудрайду), англадингизми, бой?" (ўша бет).

Бой бошини аранг кўтариб, "Ҳа, ҳа, айта беринг, кулогим сизга", дейди. Энди Зиёли "олими замоний"нинг қандай инсон эканлигини бойга тушунтирмоқчи бўлади:

"**Зиёли.** Олими замоний бўлмоқ учун болаларни, аввало, мусулмоний хат ва саводини чиқаруб, зарурияти диния ва ўз миллатимиз тилини билатурғондан сўнгра ҳукуматимизи низомли мактабларига бермоқ керакдур, яъни гимназия ва шаҳар мактабларини ўқуб тамом қилгонларидан сўнг, Петербург, Масков дорилфунунларига юбориб, доктўрлик, закунчилик, инженерлик, судьялик, илми санъат, илми иқтисод, илми ҳикмат, муаллимлик ва бошқа илмларни ўқутмоқ лозимдир. Русия ватанина ва давлатина билфеъл шерик бўлмоқ керакдир ва давлат мансабларига кирмоқ лозим (таъкид бизниқи – Р.Ш.). Токи маишати эҳтиёжи замонамиз тўғрисида ватан ва миллати исломга хизмат қилинса ва ҳам

давлати Русия подшоҳлик мансабларига кириб, мусулмонларга наф еткурулса ва ҳам давлати Русияга шерик бўлунса, ҳаттоки, шул тариқа ўқуган мусулмон болаларини Фарангистон, Америка ва Истанбул дорилфунунларига тарбия учун юбормоқ керакдур..." (таъкид бизники – Р.Ш., 43-44-бетлар).

Бу мураккаб ибораларда ифодаланган фикрни тўғри ва тўла тушуниш учун "олими замоний"нинг Беҳбудий талқинидаги муҳим қирраларини бирма-бир назардан ўтказсак. Демак, "олими замоний" бўлиш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим.

1. Ислом дини ва Туркистон халқларидан бирининг тилини билган ҳолда ҳукуматнинг "низомли мактаблари", яъни гимназия ва шаҳар мактабларида ўқиш.

2. Бу сирадаги мактабларни тугатганидан сўнг Петербург ва Москвадаги университет ва институтларга кириб таҳсил кўриш.

3. Шу билан бирга, олий таълимни олгач, Россиядаги давлат идораларида ишлаб, ўз халқининг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш ва наф келтириш.

4. Ўзидан кейинги авлод вакилларини Франция, Америка Қўшма Штатлари, Туркия сингари мамлакатлардаги олий ўқув юртларига юбориш.

Ана шу тўрт масалани ижобий ҳал этган кишигина, Беҳбудий наздида, "олими замоний" ҳисобланиши мумкин.

Октябрь тўнтаришидан сўнг Ўзбекистон бутунлай большевиклар қўлига ўтди. Унгача ва ундан кейин ҳам Ўзбекистонда Беҳбудий талқинидаги "олими замоний"ларни кўплаб тарбиялашнинг иложи бўлмади. Лекин Бухоро Халқ Совет республикаси барпо этилиши билан ва бу республика ўзининг дастлабки даврида озми-кўпми мустақил ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга бўлгани учун 1922-1923 йилларда 70 дан зиёд мусулмон ёшларини ўша пайтда европача илм-фан маркази ҳисобланган Германияга ўқишга юборди. Улар Германиянинг турли шаҳарларида юқори малакали доктор, инженер,

зироатчи, иқтисодчи, кимёгар, юрист бўлиш учун жонларини жабборга бериб ўқидилар. Бу – Беҳбудий орзу қилган "олими замоний" ёшлар авлодини етиштириш йўлидаги гоят муҳим ва хайрли қадам эди.

Сирасини айтганда, бундай хайрли қадамлар XX асрнинг бошларидаёқ ташланган эди. XX аср бошларида Россиянинг йирик шаҳарларига бориб, олий таълим олган ватандошларимиздан бири Убайдулла Хўжаевдир.

Бу ажойиб инсон тўғрисида республика матбуотида биринчи бўлиб мақола эълон қилган таниқли журналист Ҳибзиддин Муҳаммадхонов тоғаси ҳақида қуйидаги сўзларни ёзади:

"Онам Иқболхон аянинг (1969 йилнинг декабрида вафот этганлар) айтишларича, акалари Убайдуллахўжа рус-тузем мактабини битиргач, давлат муассасаларида таржимонлик билан шуғулланганлар, сўнгра Саратов шаҳрига бориб, олий юридик таълим олиб қайтганлар. Уни олий маълумотли биринчи ўзбек адвокати бўлган, дейишади".<sup>39</sup>

Тарих фанлари доктори Ҳамдам Содиков Убайдулла Хўжаевга бағишлаган мақоласида Ўзбекистон Марказий Давлат архивида сақланаётган қуйидаги маълумотни келтиради:

"Убайдулла Асадуллахўжаев 1882 йилда Тошкентда боғбоқ оиласида туғилган. Рус-тузем мактабида ўқиган. Тилмоч сифатида округ суди идорасида ишлаган рус судьяси билан Саратов шаҳрига кетиб, ўша ерда адлия бўйича олий маълумот олган. Тиришқоқ, зеҳни ўткир, дунёқарashi кенг.

1899 йили Ясная Полянадан унга Лев Толстойнинг хати келгани ҳам диққатга лойиқ. Граф Толстой унинг мактубига жавоб йўллагани Убайдуллахўжанинг ноёб истеъдодидан далолатдир.

1913 йилда Тошкентга қайтган. Хусусий ишончли вакил Чарковскийга ёрдамчи сифатида Тошкент округ судида ишлай бошлаган. Ҳозир у мустақил адвокат бўлиб, бир неча суд

<sup>39</sup> Қаранг: Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1991 йил 5 апрель.

жараёнларида муваффақиятли иш олиб бормоқда. Миждозлари ўртасида катта обрў қозонган. Империя қонунчилигини пухта билади. Асосий ишдан ташқари, у ғоявий маслакдошлари жадидлар билан бирга ерли аҳоли ўртасида тарғиботчилик ишларини кенг йўлга қўйган..."<sup>40</sup>

Чор охраникаси томонидан тузилган бу маълумотномада Убайдулла Хўжаевнинг сиёсий портрети мутлақо тўғри очилган. Агар Бехбудийнинг “олими замоний” олдига қўйган талаблари асосида Убайдулла Хўжаев шахси ва ҳаёт йўлига ёндашсак, унинг XX аср бошларида ўзбек халқи учун сув билан ҳаводек зарур мутахассис - замонавий олим бўлганига тўла ишонч ҳосил қиламиз. У Тошкентдаги рус-тузем мактабида (Россия ҳукуматининг, М.Бехбудий ифодаси билан айтсак, “низоми мактаби”да) ўқибгина қолмай, Саратов шаҳрида адлия ходими сифатида малакасини оширган ва экстерн йўли билан имтиҳон топшириб, адвокатлик дипломини ҳам олган. 1913 йилдан бошлаб, Россия ҳукуматида қарашли Тошкент округ судида ишлаб, ўзбек халқининг миллий манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилган.

Агар Убайдулла Хўжаевнинг қатагон этилгунига қадар босиб ўтган йўлини назардан ўтказсак, унинг 1917 йил октябрида Қўқонда барпо этилган Туркистон Мухторият ҳукуматида ҳарбий нозир бўлгани, сўнг Мухторият тор-мор этилиб, унинг раҳбарларига 20-йилларнинг бошларида авф эълон этилгач, Тошкентда бўлиб ўтган ўнлаб суд жараёнларида ноҳақ қамоққа олинган ватандошларини адвокат сифатида мардона ҳимоя қилганини кўраемиз.

Хуллас, унинг ибратли ҳаёти мисолида Бехбудий талқинидаги “олими замоний” ўзининг камалак нурлари билан порлаб туради.

<sup>40</sup> Ўзбекистон овози, 1993 йил 4 февраль.

## 2-фасл. Жади́дчилик ва оиланинг ҳуқуқий асослари

Ҳар бир жамиятнинг тараққиёти шу жамиятни ташкил этган сиёсий, ижтимоий ва маданий институтларга боғлиқ. Жамият ҳаётига таъсир кўрсатадиган, унинг кучли ва заиф томонларини намойиш этадиган шундай институтлардан бири оиладир.

Мусулмон халқларининг оилага муносабати билан боғлиқ масалалар Қуръонда ўзининг мукаммал ифодасини топган. Шунингдек, бу халқларга хос оила тизимининг ҳуқуқий асослари Қуръонда аниқ белгилаб берилган. Шунга қарамай, мусулмон халқлари, шу жумладан, ўзбек халқидан етишиб чиққан олимлар оила ва унинг ҳуқуқий асослари тўғрисида кўплаб илмий-оммабоп асарлар яратганлар. Жаҳид маърифатпарварлари ҳам бу масалани четлаб ўтмадилар. Уларнинг жамият ҳаёти, халқ ҳаёти учун ғоят муҳим бўлган бу масалани четлаб ўтишлари мумкин ҳам эмас эди.

Жаҳид даврий матбуотида, шу жумладан, Беҳбудийнинг "Ойна"сида оила масалалари ҳамisha диққат марказида бўлган. Афсуски, бу мақолалар ҳозирги жорий имлода қайта нашр этилмаган. Шунинг учун ҳам, уларни махсус ўрганиш учун муайян вақт талаб этилади. Лекин масаланинг яна бир томони борки, Фитратнинг 1914 йили ёзилиб, 1915 йили нашр этилган "Оила" китоби жаҳид маърифатпарварларининг бу масалада эълон қилган асарлари ва мақолаларининг маълум даражада мантикий яқини сифатида яратилган. Шунга кўра, бу китобда жаҳидчилик намояндаларининг оилага оид ҳуқуқий қарашлари ўз аксини тўла топган, десак, янглишмаган бўлаемиз.

Шубҳасиз, Фитратнинг оилага нисбатан қарашлари заминида Қуръонда шу масала бўйича олға сурилган фикр ва ғоялар ётади. Бу китоб ўз вақтида тараққийпарвар ёшлар томонидан самимий қарши олинган ва узоқ йиллар давомида қўлланма бўлиб хизмат қилган.

“Маънавият” нашриёти томонидан 2000 йили босиб чиқарилган нашрига ёзилган муқаддимада Фитратнинг “Оила” китоби хусусида бундай ҳаққоний сўзлар айтилган:

“Жадидларнинг фикри бўйича, оила асосини тўғри қурмасдан ва ёш авлодни тўлақонли тўғри йўлда тарбияламасдан туриб, жамиятни ислоҳ қилиш, унинг ривожини тараққиёт сари йўналтириш мумкин эмас ва охир-оқибатда миллат тақдири унинг оиласининг ҳолатига боғлиқ. Бу гоё Фитрат асарида ўз ифодасини топган: “Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса, шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабатда кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади”, - деб ёзади у.

Фитрат асарда чуқур ва кенг билимларга асослангани боис, ўткир мутахассис сифатида фикр юритади”.<sup>41</sup>

Шубҳасиз, Фитратни оила масалалари бўйича мутахассис, деб аташ маҳол. Чунки, у ҳуқуқшунос ҳам, маънавият масалалари билан махсус шуғулланган шахс ҳам эмас. Аммо бу масала бўйича ўзига яратилган тадқиқотларни қомусий билим соҳиби сифатида пухта ўрганиб чиққани учун ҳам у беназир олим ва публицист эди.

Оила, Фитратнинг талқинида, уч муҳим компонентдан иборат: эр, хотин ва фарзанд (фарзандлар). Ана шу уч компонентнинг ҳар бири нозик, специфик жиҳатларига эга. Чунончи, эр ва хотин учун уйланиш (турмушга чиқиш) асосий муаммо бўлиши билан бирга ўзининг муҳим қирраларига ҳам эга. Фитрат оиланинг ҳуқуқий асосларини ёритиб беришдан аввал “Уйланиш ва уйланмаслик хусусида”, “Нечта хотинга уйланиш мумкин?”, “Уйланмоқ зарур бўлганда қандай хотинни танлаш лозим?” сингари фаслларни ўқувчига ҳавола этиб, масаланинг ҳуқуқий томонларидан ташқари, ижтимоий гоёт муҳим томонларини ҳам ёддан чиқармайди.

<sup>41</sup> Фитрат Абдурауф. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. - Т.Маънавият, 2000. -Б. 4.

Гап шундаки, муайян ижтимоий, иқтисодий ва маънавий омиллар туфайли тарихимизнинг турли даврларида айрим йигитлар уйланмай, айрим қизлар эса турмуш қурмай ўтганлар. Фитрат шу масала ҳақида изтироб билан ёзади:

"Фараз қилайлик, сиз ерингизни бирон бир деҳқонга бердингиз. Иш асбоб-анжомларини ҳам бериб, буғдой экишни буюрасиз. Агарда ўша деҳқон ерни олиб, экиш асбобларини ҳам эгаллаб, ўз уйида бемалол ўтирса. Экин экмаса, бир йил ерингизни ўз ҳолига ташлаб қўйса, унинг бу ҳаракатини сиз хиёнатдан бошқа нарса деб билмайсиз, албатта. Уйланмайдиган одам ҳам жинсий алоқа учун берилган куч-қувватидан фойдаланмаса, ёки лутқавмининг амалини қилса, нафсини ўзи қондирса, билиб қўйсинки, Аллоҳ қонунига хиёнат қилибди.

Хотинларингиз сизларнинг экинзор ерларингиз бўлади. Зироат ерлари уруғ сепганда самара беради. Хотин ҳам экинзордир ва ҳосили – фарзанд. Бас, ўз хотинларингиз билан фарзанд ниятида алоқа қилинг ва келажакда ўзларингиз учун фарзанд тарбияланг. Худодан қўрқинг, унинг назарига илинмангиз. Бас, туғилиш учун висол берган қувватни қолдирманг ва зое қилманг. Эй Муҳаммад, саодат муждасини шаймонлиларга бергин!"<sup>42</sup>

Бу сатрларни шарҳлашдан аввал шуниси эслатиб ўтиш керакки, Фитрат оила ва никоҳ масаласига, аёлларнинг жамиятда тутган ўрни масаласига ўзи яшаган ва шу сатрларни ёзган давр руҳидан келиб чиққан ҳолда муносабатда бўлган. Бугунги кун учун унинг мазкур қарашларида эскирган жиҳатларнинг бўлиши табиий. Аммо у масалага Қуръон ҳарфлари ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ёндашган. Қуръон ва шариатга кўра эса, эркак аёлга нисбатан бирламчи аҳамият касб этган. Узоқ давом этган феодал тузум шароитида аёлнинг эркак билан тенг ҳуқуқли бўлиши мумкин эмас эди. "Оила" майдонга келган 1914-1915 йилларда

<sup>42</sup> Курсивланган китоб. - В. 11.

ҳам жамиятда шу тараққиёт тамойили устуворлик қилган. Бинобарин, Фитратнинг юқоридаги сўзларини аёлларни камситиш деб идрок этиш хатодир.

Энди Фитрат кўтарган масалага қайтсак, эркак ё аёлнинг, қандай сабаб билан турмуш қурмаслигидан қатъий назар, бирининг уйланмаслиги, иккинчисининг эрга чиқмаслиги табиат қонунига мутлақо зид. Зеро, ҳар бир инсон Оллоҳнинг хоҳиш-иродаси билан дунёга келар экан, у ўз ички ва ташқи имкониятлари билан ҳаётнинг, ҳаётий жараённинг давом этишига ҳисса қўшиши лозим. У қолдиражак фарзанд эса ҳаётнинг давом этажagini англатади. Агар у ўз умири давомида ҳаётнинг ана шу қонунига амал қилмаса, ҳаёт дарахтининг кичик бир томирига болта урган бўлади. Фарзанд қолдириш эса, Фитрат назарида, серҳосил ерга урув сепиш ва ҳосил олишдир. Бу ҳосилдан эса фақат дехқон(яъни ота)нинг ўзи эмас, балки бошқалар ҳам, яъни жамоа ёхуд жамият ҳам баҳраманд бўлади.

Ҳаётнинг фарзандлар шаклида давом этиши, Фитрат назарида, фақат оила эмас, балки миллатнинг ҳам куч-қудрати ва шаън-шавкатини белгиловчи омилдир. "Масалан,- деб ёзади у, - большевиклар ва инглизларни оламиз. Ҳар иккала миллат аъзолари ишчан ва ҳаракатчандир. Лекин кўз олдимизга уларни келтириб муҳокама қилсак, кўрамызки, инглиз миллати Бельгия халқидан юз баробар кўпроқ куч ва шавкату эътиборга эгадир. Қизиги шундаки, инглиз ва бельгиялик миллатлар ўртасида илму амал ва саъй-ҳаракатда фарқ йўқ. Унда шавкату шон ва иззат бобида шунча фарқ қаердан? Бу саволнинг жавобини ҳар иккала миллатнинг умумий сонидан топса бўлади, яъни инглиз миллатининг аҳолиси 44 млн ва бельгияликлар эса 7,5 млн га етади. Шунинг учун ҳам, инглиз миллатининг умумий саъй-ҳаракати ва амали белгияликларнинг саъй ва ҳаракатларидан бир неча мартаба унумлидир. Инглиз миллатининг кучи ва иззат-эътибори ҳам ана шу саъй ва амалларнинг натижасидир. Шундан келиб чиқиб,



Оврупо ҳукмдорлари ўз миллатларининг сонини кўпайтиришга ҳаракат қиладилар. Оврупо олими ўз халқининг нуфузига путур етса: "Эй! Мамлакатимизнинг шарафи ва эътибори қолмаяпти. Миллатимиз нест-нобуд бўлади. Шарафимизни, ватан ва миллатимизни ҳимоя қилиш учун фарзанд етиштиринглар,"- дея дод солади" (ўша китоб, 13-бет).

Кўрамизки, оила ва фарзанд масаласи эркак ё аёлнинг хусусий масаласи эмас. Фарзанд нафақат ота-она ҳаётининг давоми, балки айни пайтда миллатнинг ҳам иқтидори, обрў ва эътиборини белгилайдиган занжир ҳалқасидир. Миллат эса ватан, мамлакатнинг юраги, демак. Миллат сон жиҳатидан қанчалик кўп бўлса, у яшаётган ватаннинг ҳам куч-қуввати шу қадар зиёд бўлади. Бинобарин, оила масаласи миллат-мамлакат-кишилиқ жамияти деган учликни таъминлаб турувчи муҳим бир ҳалқақадир.

Фитрат ушбу асарини ёзган пайтида бор-йўғи 28 ёшда бўлган. 1914 йилда шу ёшда бўлган бухоролик бир йигитни кўз олдимизга келтирсак, унинг нафақат дунёдаги демографик вазият, балки оиланинг фалсафий, ҳуқуқий ва шаръий томонларини ҳам шу қадар пухта билганидан ҳайратга тушамиз. Поль Демар деган француз социологи, Фитратнинг цаҳодат беришига кўра, француз аҳолисининг охириги 100 йил мобайнидаги сон-салмоғини тадқиқ этиб, уни Европадаги бошқа халқлар сони билан муқояса қилган. Унинг текширишларига кўра, XIX асрнинг бошларида, аниқроғи, 1810 йилда Франция аҳолиси 28 млн., Англия аҳолиси 10 млн., олмонларнинг сони эса 18 млн. бўлган. XX асрнинг 10-йилларига келиб, олмонлар сони 59 млн. га, инглизлар ҳисоби 62 млн. га етибди. Аммо Франция аҳолиси 39 млн.га етибди, холос. Яъни 80-90 йил давомида олмонликлар 41 млн., инглизлар 52 млн.га ошган бўлсалар, французлар 11 млн.гагина ошганлар. Поль Демар бу манзарани кўриб: "Агар аҳвол шундай давом этаверса, нафақат биз ватан муҳофазасидан, балки ҳаёт орзусидан ҳам маҳрум бўламиз,- дея қайғуради. - Бугун биз,

французларнинг мамлакати ва миллати жар лабига келиб қолган. Бу чуқурга тушиб кетишимизга оз қолибди".<sup>43</sup>

Агар ана шу мавзу атрофида мулоҳаза юритадиган бўлсак, масалан, инглизларнинг 80-90 йил ичида 10 млн.дан 52 млн.га ошиши Буюк Британиянинг шу даврдаги мустамлакачилик сиёсати билан ҳам бевосита боғлиқ. Буюк Британия худди шу даврда кўплаб мамлакатларни ўзига тобе қилибгина қолмай, ўз халқининг сон жиҳатдан ўсиши устида ҳам жон куйдирди. Унинг ҳар томонлама ўсиб, камол топиши учун барча шарт-шароитни яратиб берди. Худди шу даврда Россия ҳам ўз чегараларини кенгайтириб, Кавказ ва Ўрта Осиё каби забт этган ҳудудларига рус миллатига мансуб кишиларни кўчириб, улар сонининг ошишига имкон туғдирди. Совет давлати эса Чор ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсатини давом эттириб, бу ҳудудлардаги руслар сонини янада ошириш билан кифояланибгина қолмай, ерли халқни ҳам мунтазам равишда руслаштириб борди. Натижада, ўзининг миллий тилини унутган русзабон ўзбеклар, қозоқлар ва бошқалар пайдо бўлди ҳамда кўпайди. Айни пайтда, Ўрта Осиёдан минглаб оилалар "қулоқ" қилиниб, бошқа ўлкаларга юборилди, ўн минглаб "миллатчи ва аксилнқилобий ташкилотлар"нинг аъзоси, деб тахмин қилинган кишилар абадий музликлар масканига юборилиб, қириб ташланди. Бу фактлар ҳам Совет давлатининг ўзак миллати бўлган русларнинг, аниқроғи, коммунизм ғоясига хайрихоҳ русларнинг жаҳон миқёсидаги салмоғини оширишга қаратилган тадбирлар натижасидир.

Хуллас, оила масаласи ана шундай жаҳоншумул оқибатлар билан боғлиқ масала сифатида Фитратнинг диққат-эътиборини ўзига қаратди. Аммо сон, миқдор - ҳали сифат эмас. Халқнинг сони кўп бўлиши, аммо уни ташкил этувчи кишилар ишەкмас, тепса тебранмас кимсалар бўлиши ҳам

<sup>43</sup> Кўрсатилган китоб. - Б. 14.

мумкин. Бу дунё эса, Фитрат талқинида, "бир умумий синов майдони"дир.

"Одам, - деб ёзади Фитрат,- ота-она тарбияси доирасидан чиқар экан, ҳаётини давом эттириб, иззат ва шарафга эга бўлиш учун мажбуран шу майдонга киради, саъй-ҳаракат қилади, ё ўз мақсадига эришади ёки шарафсиз ва хор бўлиб қолади. Қайси миллатнинг намояндалари саъй-ҳаракат эгаси бўлсалар, қўл-оёғи кучли ва чаққон, ҳамма аъзолари соғ ва фаол, иззат ва эътибор соҳиби бўладилар... Уйланиш суннатини қабул қилган киши хотин ва бола-чақасини тарбиялаб боқиш учун ўзини касб-корга уради, ҳаракат ва амал йўлига қадам қўяди... Қайси миллатнинг намояндалари шу йўл билан тинчлик ва тотувликка эришган бўлсалар, ўша миллат ҳурмат ва хотиржамликда бўлади".<sup>44</sup>

Фитрат ана шундай мулоҳазалардан кейин яна ўша фикрга - "уйланиш - одамларнинг зарурий ва табиий амри," деган хулосага келади.

Фитрат таснифига кўра, оила - миллатнинг кичик бир тармоғи, ячейкаси. Бир неча оила бир қавмни ташкил этади. Агар бир қавмнинг ҳар бир оиласи саодатли бўлмаса,- дейди Фитрат,- ўша қавмни бахтиёр, деб аташ мумкин эмас. Агар бир оиланинг ҳар бир аъзоси бахтли бўлмаса, бу оилани бахтли ҳисоблаш хатодир. Бинобарин, миллатнинг саодати, ҳар бир қавмнинг саодати ҳар бир оиланинг саодатига, ҳар бир оиланинг саодати эса, унинг ҳар бир аъзосига боғлиқ. Модомики, шундай экан, оиланинг ҳар бир аъзоси тўғрисида қайғуриш ҳам қарз, ҳам фарздир.

Фитрат масаланинг худди шу нуқтасига келганда эркак нечта хотинга уйланиши мумкин, деган масалага жавоб беришга уринади. Бинобарин, Фитрат учун миллат, кейин қавм, кейин оила, кейин оиланинг ҳар бир аъзосининг саодатли бўлиши муҳим экан, демак, неча хотинга уйланиш мумкинлиги масаласи ҳам ана шу масала доирасида, шу масала

<sup>44</sup> Кўрсатилган китоб. - Е. 14-15.

билан узвий муносабатда ҳал этилиши лозим. Яъни эр неча хотинга уйланмасин, бундан ҳеч ким зарар кўрмаслиги, ҳеч кимнинг саодати соя остида қолмаслиги лозим. Ҳаммо, модомики, неча марта уйланиш мумкинлиги масаласи ўртага тушар экан, бу масаладан кимнингдир насибаси қирқилмай илож йўқ. Шунинг учун, Фитрат масалага қуйидагича аниқлик киритиб, ким қандай шароитда иккинчи, учинчи ё тўртинчи мартаба уйланиши мумкинлигини айтади:

“Иккихотинлилик (кўп хотинлилик) зарар келтирадиган ҳамма йўллари ёпилса тўғридир, яъни шундай тартиб ўрнатилсинки, кўп хотинлиликка ижозат бўлиб, биринчи муқаддимада зикр этилган зарарлар олди олинсин. Бундай тартиб ё қонунни бизларга ким тайин этади? Ислом дини. Ҳақиқатда ҳам, Ислом дини бисёр баркамол дин бўлиб, табиат қонунига мувофиқдир. Фойдани зарардан адолат билан кам-кўстсиз ажратади. Одамларга нимаики фойда келтирса, ижозат бериб, зарар келтирадиган нарсаларни ман қилади”.<sup>45</sup>

Демак, Фитрат учун оиланинг маънавий ва ҳуқуқий асослари Ислом дини талаблари доирасида ҳал этилади ва шу нарса адолатдан.

Юқорида келтирилган кўчирмада “биринчи муқаддима” деган калима тилга олинган. Шу муқаддимада Фитрат биринчи никоҳдаги аёл тўғрисида бир-икки сўз айтгач, қуйидагиларни ёзади:

“Аёлнинг таровати ва ёшлиги сизнинг муҳаббатингиз ва меҳрингиз йўлида сарф бўлгандан сўнг сизнинг ҳайвонлик шаҳватингиз уйғониб, ҳаракатга келади. Нафсингиз ором топиши учун у хотин сизга кифоя қилмайди. Бошқача қилиб айтганда, саодат ва бахтиёрлик умиди билан ёшлик айёмини сизнинг орзу-ҳавасларингизга адо қилиб, икки-уч фарзанд кўрган хотинни қўйиб юбориб, “сўфи” номини олиб, янги хотин оласиз. Бу – ваъдага хилоф ва хиёнатдир.

<sup>45</sup> Кўрсатилган китоб. – Б. 18.

Янги хотинга бутунлай берилиб кетасиз, биринчи хотинни ва ҳаётингиз мевалари бўлган фарзандларингизни шуурингиздан четлаштирасиз. Табиийки, ўша хотин фарзандлари билан бирга сизга бўлган муҳаббатини йўқотади. Сиздан ва янги хотинингиздан нафратланади. Вақт ўтиши билан янги хотиндан ҳам бир-икки фарзанд тугилгач, бу ўзаро нафрат янада кучаяди... Шундай экан, оила аъзолари орасида муҳаббат кўтарилса, вайронлик, тарқоқлик ва интизомсизлик келиб чиқади..."<sup>46</sup>

Фитрат вайронлик, тарқоқлик ва интизомсизлик деб айтган нарсалар оилани кемиради, бир отанинг икки хотиндан бўлган фарзандлари оналари бошчилигида душманга айланади, уруш-жанжал, иситиш-совутиш ва мунофиқлик илонлари оилани чирмаб ташлайди. Фитрат ана шундай зарарларнинг олди олинган тақдирдагина қайта уйланишни мумкин, деб тушунади.

Кўрамизки, Фитрат никоҳ ва оила сингари ҳуқуқий ҳодисаларга ёндашганида ҳам ўзининг инсон қалбини тушунувчи, шу қалб орзу ва армонларининг куйчиси бўлган инсон эканлигини ёддан чиқармайди ва масалага инсонпарвар миллатпарвар ва юртпарвар ёзувчи сифатида ёндошади.

Оила ва никоҳ тўғрисида сўз борар экан, шак-шубҳасиз, оиланинг бузилиш сабабларини ва уни мустаҳкамлаш йўллари ҳам билиш зарур. Ўзбекчилик урф-одатларига кўра, айниқса, китоб ёзилган пайтда, оила ва никоҳ тақдири қисман совчиларнинг қўлида бўлган. Улар келин томоннинг ўзларига бўлган муносабатлари, кўрган иззат-ҳурматлари ё назар-эътиборга олинмаганларидан келиб чиқиб, келин, унинг ота-онаси ва уй-жойини таъриф ва тавсиф қилиб келганлар. Уйланиш учун танланган йўл шундан иборат бўлган. Аммо бу йўл ҳамиша ҳам яхши натижа беравермаган. Шунинг учун ҳам, Фитрат уйланиш учун тўрт нарсага эътибор беришни

---

<sup>46</sup> Кўрсатилган китоб. - Б. 18.

талаб этади: мол, насаб, ҳусн ва имону эътиқод. Буни қуйидагича тушуниш лозим:

1. Уйланиш орзусида бўлган эр билан хотиннинг мол (бойлик)лари ва насаблари, тахминан, бир хил бўлиши лозим. Акс ҳолда улар ҳаёти азобда ўтади.

2. Ҳусн гарчанд ташқи фазилат бўлса ҳам, киши қалбини ўзига мойил қилиш хусусиятига эга; агар ана шу қалбий мойиллик пайдо бўлмаса, эр билан хотин саодатли умр кечирмайди.

3. Эр ва хотин диндор бўлиши лозим. Диндорлик – худони таниш, билиш ва Ҳақдан қўрқишдир. Ҳусни ахлоқнинг асоси ва мезони Худодан қўрқиш ва Ҳақни билишда, яъни диндорликдадир.

Ҳар бир оила пойдеворининг мустаҳкам бўлиши турли ижтимоий, маънавий, иқтисодий ва маиший омилларга боғлиқ. Дарҳақиқат, рисола муаллифи бахтли, ва айниқса, бахтсиз оилалар ҳаётига назар ташлаб, китобхонга ибрат бўлишга арзийдиган ҳаётий мисолларни келтиради ҳамда уларнинг оилани емиришдаги фаол иштирокини чуқур таҳлил этиб беради.

Оиланинг мустаҳкам бўлиши, Фитрат назарида, қуйидаги омилларга боғлиқ:

1. Иффат ва мўминлик. Қуръони Карим эркак ва аёлларга диёнатли ва номусли бўлишни буюради: "Эй, Муҳаммад! Аҳли ислом эркакларига айтгин: ошкор ва яширин кўзларини ҳаромдан ёпсинлар ва нафсларини ҳаромдан тийсинлар... Аёлларга ҳам айтгин: кўзларини ва ўз нафсларини ҳаромдан сақласинлар".

2. Ғайрат. "Модомики, иффат ва номуснинг ҳимояси эркак ва хотинлар бўйида фарз экан, бас, улардан ҳар қайсилари иккинчи томонни ҳаромдан қайтариш ҳуқуқлари бордир. Уларнинг ана шу ишларини "ғайрат" дейдилар.

3. Висол. Эр-хотинликнинг биринчи мақсади фарзанд, бу мақсадга эришишнинг воситаси ва сабаби висолдир.

4. Муросаи мадора. Эр-хотин узоқ йиллар бирга бўлиб, шодлик ва ғамни бирга баҳам кўрадилар. Аммо шундай ҳам бўладики, бир томон хато ҳаракати ё қўпол муомаласи билан оила иморатини шикастлантириб қўяди. Шунда иккинчи томон ундан ўч олмай, муросаи мадора йўлини танласа, шикастланган иморат қулаб тушмайди.

Ана шундай чора ва тадбирлар ижобий натижа билан тугамаса, ислом дини эрга хотинни талоқ қилиш ҳуқуқини беради.

"Оила" – икки қисмдан иборат рисола. Агар юқорида қайд этилган масалалар рисоланинг биринчи қисмини ташкил этса, иккинчи қисми тарбия ва ҳуқуқ масалаларига бағишланган.

Фитратнинг назарида, мактабгача бўлган ёшлар тарбияси тўрт масалани ўз ичига олади. Булар:

1. Фарзанд тарбияси.
2. Бадан тарбияси.
3. Ақлий тарбия.
4. Ахлоқий тарбиядир.

Ана шу тарбия турлари асосида парвариш топган бола келажакда ўзидаги яхши фазилатларга озиқ бериш имконини топиши ва ота-онанинг обрўсига обрў қўша олувчи кишилар бўлиб ўсиши мумкин.

Айни вақтда, Фитрат ота-она, етим-есирлар ва хизматкорларнинг оиладаги мавқеларидан келиб чиққан ҳақ-ҳуқуқлари устида ҳам тўхталиб ўтади. Рисолада зикр этилган тарбия турлари сингари, бу ҳақ-ҳуқуқларни тушунтиришда ҳам ислом дини қонун-қоидаларига таянади.

"Оила", бир қарашда, Қуръоннинг шу масалага доир оят ва суралари талқини бўлиб кўринса-да, муаллиф унда исломий ақидаларни бир нуқтага жалб этибгина қолмай, ўзига замондош бўлган жамият эътиборини ҳар қандай миллат тараққиётини белгиловчи оила масаласига қаратган, шу оиланинг жамият ҳаётидаги ролини оширишга интилиб, кўп

хотинликни зарарли анъана сифатида қоралаш, қизларни ўқитиш, мактабгача бўлган ёшларнинг ўз оилаларида тўғри тарбия олишига кўмаклашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ва бу мақсадга эришган.

Фитратнинг оила билан боғлиқ қарашларига яқун ясар эканмиз, унинг ўз рисоласига ёзган муқаддимасидаги мана бу сўзларни ёдда тутишимиз лозим:

"Оила эр, хотин ва фарзандлардан иборат. Бошқача қилиб айтганда, оила бир шахс бошчилигида бир уйда яшовчилардир. Шу таърифлардан маълум бўладики, оила ҳам бир неча одамлардан иборат бўлган жамоа экан. Уларнинг ҳар бири инсонга хос нарсага, яъни ўз манфаатларига асир бўлади. Бири иккинчисининг ҳуқуқини тасарруф қилиб босиб олиши мумкин. Ана шу тажовуз олдини олиш учун оила аъзолари ўртасида ҳам бир қонун лозим".<sup>47</sup>

Фитратнинг эътироф этишича, ўтган олимлар-у ҳақимлар шу масалада ғайрат қилиб қонунлар ишлаб чиқишган. Лекин даврлар ўтиши билан муайян қонунлар эскиргани ва ўз кучини йўқотганидек, оила ва оила аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари масаласига ҳам янгича ёндашув, янгича муносабат тақозо этилади. Зеро, оила охир-оқибатда миллат ва давлатнинг мавқеини белгилаб беради. Миллат ва давлат эса узоқ йиллар ва даврлар мобайнида шаклланади ва шу даврларда янгиланиб боради.

"Халқнинг ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши, заиф бўлиб хорликка тушиши, фақирлик жомасини кийиб, бахтсизлик юқини тортиб эътибордан қолиши, ўзгаларга тобе, қул ва асир бўлиши болалиқдан ўз ота-оналаридан олган тарбияларига боғлиқ..."

Фитрат ана шу фикрни ривожлантириб, бундай хулосага келади:

---

<sup>47</sup> Кўрсатилган китоб. - В. 8.



"Бу дунё кураш майдонидир. Бу майдоннинг қуроли соғлом жисму тан, ақл ва ахлоқдир..."

Шарқ одатда ўз фарзандларининг ахлоқи билан Ғарб олдида гурурланади. Аммо Фитрат бу борада бошқа фикрга эга. У ёзади:

"...Лекин ана шу қурол-аслаҳаси синиб, занг босиб, чириб кетган. Шундай қуроллар билан бу дунёда бизга на саодат ва на роҳат бор. Балки... Ҳа, бизга ана шу қуруқ ҳаётга ҳам йўл бермайдилар. Агар саодат, иззат, осойишталик, роҳат, шараф, номус ва эътибор керак бўлса, тезроқ авлод тарбияси усулларини билиб олиб, болаларимизни шу усул ва қоидалар асосида тарбия этишимиз лозим".<sup>48</sup>

Айтиб ўтилганидек, "Оила" 1914 йили ёзилган. Бу вақтда ҳозирги Ўзбекистон Чор Россиясининг мустамлакасига айланиб бўлган, халқнинг Фитрат сингари мутафаккир ёшлари эл-юртини ана шу ботқоқликдан олиб чиқиш, уни маърифатлаштириш ва хуррият неъматларидан баҳраманд этиш мақсадида жадидчилик ҳаракатини юзага келтирган эдилар. Худди шу даврда уларнинг, бинобарин, миллатнинг ҳам асосий вазифаси нафақат исломий ғоялар, балки, миллатпарварлик, эркпарварлик, тараққийпарварлик, илмпарварлик ғоялари асосида ҳам шаклланган авлодни тарбиялаш эди.

Фитратнинг "Оила" рисоласи ана шу авлодни тарбиялашга қаратилган, ўзигача ўтган олимлар-у ҳакимларнинг асарлари умумий ҳайъати - "манзил тадбири",- яъни "рўзғор тебратипи тадбири"дан фарқ қилган асардир. Шунинг учун ҳам, унда ҳуқуқий мезонларга қараганда маънавий-фалсафий масалалар талқини устуворлик қилади.

Оила масаласи Октябрь тўнгирилишига қадар бўлган даврда Ислом таълимоти асосида талқин қилиниб келди ва шу даврда Фитрат рисоласи дастуруламал вазифасини ўтади. Октябрь тўнгирилиши билан ислом дини ҳам қувғин остига олинди ва шу даврда оила масаласига қайтиш зарурати

<sup>48</sup> Кўрсатилган китоб, - Б. 60.

кучайди. Даврнинг ана шу талаби билан Саид Аҳрорий оила мавзуида бир неча рисолалар яратиб, Фитратнинг оила масаласидаги қарашларини конкретлаштириш ва ривожлантиришга эришди.

Саид Аҳрорийнинг оила мавзуига бағишланган туркум мақолалари 30-йиллар арафасида "Хотин-қизларимизга тортиқ" деган ном остида муаллифнинг ўзи томонидан нашр этилди. Аммо бу ном остида чоп этилган рисола С.Аҳрорий режалаштирган оила китобининг биринчи қисмидир. "Совға" деб аталган иккинчи қисм, афсуски, ҳозирча топилмаган.

С.Аҳрорийнинг бу рисоласи тўғрисида бир оғиз сўз айтишдан олдин, ўзбек хотин-қизларининг XX аср бошларидаги тақдири ҳақида тасаввур берувчи куйидаги лавҳага эътибор берсак:

"Мундан бир неча йил муқаддам ўз ақраболарим орасида шундай юз очув расми бўлуб ўтмиш эди. Ўшал расм бўладурган куни ман бир уйнинг деразасидан қараб турган эдимки, кўзлари ёшга бир неча хотинлар кўрпага ўралган бир нарсани гўшанга (чодир) тортилган уйдан кўплашиб олиб чиқдилар. Кўз олдимни хотинлар тўсуви сабабли эшикни ёпуб, ёруғидан оҳиस्ताгина диққатлаб қараб турдим. Ўчоққа зўр ўт ёқуб, қозон осдилар. Қозонга бир қадоқ чамаси зиғир мой солдилар. Бир тарафдан ўчоқ бошига бир суфра ёзуб, ичига бирор табоқ ун солдилар. Дарров беш-ўн дона чўбчироғ ҳозирлаб, икки-уч дона шағамлар ила чўбчироғларни ёндуруб, суфрадаги унга суқуб қўйдилар. Шу ишлар қилинғондан сўнг отунойим китобини қўлтуғлаб суфра бошига ўтуруб, бояги кўрпага ўралган нарсани ерга келтурди ва ўз қўли ила кўрпани очди. Баъзи хотунлар оҳишта-оҳишта қўнграб йиғлаб юбордилар ва кўрпа ичидаги ҳаракатсиз гавданинг бошини кўтаруб қўйдилар. Шу ҳолда билдимки, бечора келиннинг навниҳол гунча ҳаёти ҳазони маргга мубаддал бўлуб, ўлум йўлдоши бўлган экан. Бадамим сескануб кетуб, кўзимни зулмат қоплади. Ҳақиқатни билмак учун яна қараб

турдим. Алҳосил, ул жасаднинг қўллари ила ундан гангаллатуб қозонга солдирдилар ва ўчоқга таъзим қилдирдилар. Отин ойим жасадга қараб: "Энди эрингизнинг ҳақ-хизмати бўйнингиздан соқит бўлди. Сиздан қайнота, қайноналарингиз ҳам рози бўлди," – деди. Бундан сўнг ул бечоранинг руҳсиз жасадини яна кўрсага ўраб, гўшангалик уйга олуб кирдилар..."<sup>49</sup>

Бу даҳшатли ҳикоя Ҳамзанинг "Бидъатми? Мажусиятми?" деган публицистик мақоласидан олинди. Биз гарчанд бу лавҳага нисбатан ҳикоя сўзини ишлатган бўлсак-да, Ҳамза уни халқимиз орасида ўзи кўрган бидъат ва мажусият кўринишларидан бири, деб атаган ва шундай талқин қилган. Агар бу мақоланинг 1914 йили "Садои Туркистон" газетасида чоп этилганини назарда тутсак, демак, хотин-қизларга нисбатан шундай ҳақоратли муносабат ўша даврда мавжуд бўлган.

Жадидлар ўзларининг хотин-қизларга, оилага бўлган муносабатларида Қуръони каримдаги ҳуқуқий қарашлардан келиб чиққан ҳолда воқеликдаги мажусийлик давридан қолган шундай иллатларга қарши кескин кураш олиб бордилар. Улар хотин-қизларнинг Қуръонда кўзда тутилган ҳуқуқларини қаттиқ ҳимоя қилдилар.

Лекин даврлар ўтиши ва 1917 йил воқеаларидан кейин ўзгача бир даврнинг келиши ва хотин-қизларни ҳуқуқ бора-сида эркаклар билан тенглаштирилиши натижасида оила масалаларига бағишланган янги рисола ва китоблар яратилишига эҳтиёж туғилди. С.Аҳрорий ана шу эҳтиёж тақозоси билан ўзининг икки қисмдан иборат оила китобини яратди. "Хотин-қизларимизга тортиқ" деб номланган биринчи рисолада биз жадидчилик ҳаракати намояндаларининг хотин-қизларга бўлган муносабати замонавийлашгани, маданийлашгани ва латифлашганини кўрамызки, бу муаллифнинг "севимли

<sup>49</sup> Ҳамза Ҳақимзода Нисозий. Тула асарлар тўплами. Беш жиллик. 4-жилд. – Т.: Фан, 1989. – Б. 233-234.

рафиқа"сига бағишланган ва шу рисоладан жой олган қуйидаги сатрлариданоқ сезилиб туради:

Йўқсилликлар, айрилиқлар мани бутун эзганда..  
Ёлғизликнинг наштарлари юрагимни тешганда,  
Ҳаётимнинг баҳорини сен келтирдинг бирликда,  
Сен келган кун руҳим теран севгилар-ла безанди.<sup>50</sup>

Рисола сўзбошидан ташқари, "Нима қилиш керак?", "Бир куннинг ишлари", "Ҳафта ва ой ичида", "Оғир ишлар" ва "Тасарруфга риоят" деган мақолалардан иборат бўлиб, уларда янги турмуш кураётган хотин-қизларга уларнинг оиладаги бурч ва вазифалари ҳақида тушунчалар берилади. Рисоланинг "Тасарруфга риоят" деб номланган фаслида С.Аҳрорий ҳар бир оилада қандайдир кам-кўст, эҳтиёж бўлиши мумкинлигини айтиб, хотин-қизларнинг шундай шароитда виждонларининг буйруқларига тоқат кўрсата олмай, нафсларига тобеъ бўлишлари мумкинлигини айтиб, ёзади:

"Эҳтиёж даражасига кўра бўладир.

Мисол: баъзи одамлар бордирки, тақдирлари, кийимлари, уйлари, жойлари, деганлари, ишлари бордир. Лекин эҳтиёждан қутила олмаслар. Эҳтимолки, бундай одамларнинг ҳам бошқа эҳтиёжлари бордир. Негаким, бунларнинг ўқимоқлари, болаларни ўқитмоқлари, саёҳатга чиқмоқлари бордирки, бундай ишларнинг манфаати ўзларидан бошқа халқ учун ҳам зарурдир.

Халқнинг эҳтиёжи эса улугдир, муқаддасдир. Мамлакатимизнинг абадийлиги, халқимизнинг тараққийси учун бизда эҳтиёждан кўп нима бордир? Демак, англашиладики, сиз хонимлар, эҳтиёж ичида эзилиб қолсангиз, уйингиз вайрон ва юртимиз паришон бўладир.

Бинобарин, эҳтиёжни бўлдимок учун бор ақлингизни, бор кучингизни сарф этингиз".<sup>51</sup>

<sup>50</sup> Самд Аҳрорий. Таялган асарлар. - Т.: Маънавият, 2001. - Б. 72

<sup>51</sup> Кўрсатилган асар. - Б. 84.

Кўрамизки, жадидларнинг хотин-қизларга, уларнинг оила ва жамиятда тутган ўрнига бўлган қарашлари даврлар ўтиши билан мукамаллашиб борди.

Энг муҳими, Ҳамза мақоласида тасвирланган хотин-қизларга нодонларча муносабатнинг ўзгариши, хотин-қизларнинг эркаклар билан қарийб тенг ҳуқуқли бўлишида жадидларнинг хизмати улқандир.

### **3-фасл. Ижтимоий-иқтисодий масалалар ва сиёсий кураш**

Оиланинг ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий асослари ислом дини томонидан қанчалик аниқ ва тўла белгиланган бўлса-да, XX асрда – тараққиёт асрида ўзбек халқининг ижтимоий ва маърифий юксалиши учун дунёвий билимларни эгаллаш тарихий заруратга айланди. Модомики, жадидлар ўз олдиларига Туркистон аҳолисининг тарихий тақдирини ўзгартириш вазифасини кўйган эканлар, бунга фақат оила пойдеворини мустаҳкамлаш, оиланинг жамият ҳаётидаги ролини оширишнинг ўзи камлик қиларди. Негаки, маҳаллий аҳоли нафақат XIX асрнинг 60-йилларида бошланган мустамлакачилик, балки сўнгги уч асрда рўй берган ижтимоий таназзул, қудратли давлатнинг парчаланиши, ўзаро тахт учун курашлар, хон ва амирларнинг маишатпарастлиги ва ҳоказолар орқасида халқнинг иқтисодий аҳволи аянчли бир ҳолга тушган эди. Афсуски, халқ ўзининг қандай мудҳиш ҳаёт исканжасида яшаётганини кўриш қобилиятини йўқотган ёки бунга кўниккан эди. Шунинг учун ҳам, жадид шоир ва ёзувчилари халқ ҳаётининг шармандали лаҳзаларини ўз асарларида тасвирлашга ва шу нарса орқали унинг кўзини очишга интилдилар. Шу даврда бирорта жадид ёзувчиси ва журналисти бўлмадики, у ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатини тасвирловчи асар ёзмаган бўлсин. Чўлпон "Ўзбеклар ва Туркистон" сингари шеърлар ёзибгина қолмай, "Қурбони жаҳолат"

ва "Дўхтир Муҳаммадёр" ҳикояларини ҳам ёзиб, уларда жаҳолат лавҳаларини ёрқин тасвирлаб берди. Шу даврдаги мақоланависликнинг асосий тиғи ҳам мазкур масалага қаратилди.

Жадид адабиёти тўғрисида сўз борганда, одатда, адабиётшунослар уч-тўртта машҳур маърифатпарвар ёзувчиларнинг номларинигина тилга оладилар. Ҳолбуки, бу давр адабиётини, масалан, Таваллонинг ўткир ҳажвларисиз тасаввур этиш қийин. Ўз вақтида Тавалло, худди Чўлпон, Ҳамза, Элбек сингари, машҳур жадид ҳажвчи шоир бўлган. Унинг XX аср бошларидаги халқимиз ҳаётида рўй берган иллат ва камчиликларни фош қилган шеърлари катта акс-садо касб этган. Масалан, "Европолилар хунари бирлан бйзларнинг хунаримизнинг фарқи" деб номланган шеърида Тавалло XX аср бошларидаги Туркистон халқларининг маърифий даражасини шундай сатрларда мазаҳ қилиб ёзган:

Европо аҳли, сиз қулоқ солингиз,  
Биз хунарлар ёзиб тонуштирамыз.  
Келтуринг занбурак, қурол неча хил,  
Бизни сопқон ила отуштирамыз.  
Афтомобил, аробангиз қайда,  
Хўқанд арба билан чопуштирамыз.  
Биз билурмыз, сиз тўғри сўзни қули,  
Лек биз ялғонлар қотуштирамыз.  
Дўстни душман эдуб, солиб игво,  
Гап тошуб ўртага чоқуштирамыз.  
Қўлда бадъат маромномаси бор,  
Ким яқин келса ёпуштирамыз.  
Қани айраплану гидрапилон,  
Варварак бирла учуштирамыз...<sup>52</sup>

<sup>52</sup> Тавалло. Разнақ ул-ислам. - Т.: Фан, 1993. - Б. 25.

Тавалло ва бошқа жадид шоирлари ана шундай ҳажвий асарларида халқнинг тубсиёз "маданий" жарлик ёқасида турганини тасвирлаб, уни шу жарлик ёқасидан олиб чиқмоқчи бўлдилар.

Ўзбек халқининг бундай ботқоқликка чўкиб қолганининг асосий сабаби, унинг иқтисодий ночор аҳволга туширилганидир.

Жадид адабиётининг, ҳатто, публицистикасининг ўзига хос томонларидан бири шундаки, жадидлар бундай иқтисодий тангликнинг илдизини, унинг ким туфайли, қандай сабаблар билан пайдо бўлганини кавлаб ўтирмайдилар. Уларнинг мақсадлари халқни шу ботқоқдан, жаҳолатдан, иқтисодий ночор турмушдан олиб чиқишдир.

Худди шу ерда муҳим бир масалани четлаб ўтмаслик лозим.

Гап шундаки, ислом динида қанчалик илмий заминга асосланган гоялар бўлмасин, унда, аниқроғи, айрим уламолар талқинидаги исломий қарашларда ҳато, ва ҳаттоки, зарарли томонлар ҳам бўлган. Шундай қарашлардан бири: "Бой бўлиш ҳам, камбағал бўлиш ҳам Худодан", деган фалсафадир. Шунга ўхшаш "фалсафий" қарашлар халқни асрлар давомида қобилликка, мўминликка, муросасизликка даъват этиб, ўрғатиб, кўникириб келган.

Жадидлар халқни жаҳолат жарлигидан олиб чиқиш учун, даставвал, ана шу қарашнинг қанчалик тўғри ё нотўғрилигини мутахассислардан билмоқчи ва агар бу мутахассислар уларни ишонтира олмаса, мазкур қарашга қарши курашмоқчи бўлдилар. Бундай "мутахассис"ларнинг бири шу йилларда "ёмонликка қарши ёмонлик қилмаслик" фалсафасининг ижодкори Лев Толстой бўлиб, унинг мазкур фалсафаси билан мусулмон уламоларининг қарашлари ўртасида фарқдан кўра яқинлик, муштарақлик "тош"и оғирроқ эди.

Жадидчилик ҳаракатининг мафкурачиларидан бири Убайдулла Хўжаев 1909 йили улуг рус ёзувчисига хат

йўллаб, унда ўзини қийнаган саволларни бундай баён этиб, ёзади:

"Қўп ҳурматли Лев Николаевич!

Сизни безовта қилишни асло истамаганим ҳолда, аммо, менга шубҳали туюлган "ёвузликка қаршилик кўрсатмаслик" масаласида бирор аниқлик киритарсиз, деган умидда ушбу мактуб билан Сизга мурожаат қилишга журъат этдим.

Инсоф нуқтаи назаридан "ёвузликка қарши ёвузлик кўрсатмаслик"нинг, ҳеч шубҳасиз, адолатли эканига мен ҳам қўшилиб, унга иқрор бўлсам ҳам, аммо, қуйидаги бир ҳолатда қандай муносабатда бўлиш кераклиги мени ўйлантириб қўяди:

"Ёвузликка қаршилик кўрсатмаслик"нинг адолатли эканига шунинг учун ҳам иқрорманки, бу Инжилга бўлган диний майлим ёки Муҳаммад динидаги одам бўлганим учун эмас, балки бу менинг тушунчамга тўғри келганлигидан ҳам, албатта.

Менинг тушунчамча, "ёвузликка ёвузлик қилма"нинг негизида қуйидаги бир ҳақиқат ётади: мабодо кимдир бир ёмонлик қилган бўлса, шу билан битта ёмонлик қилган бўлади, мабодо мен унга қаршилик қилсам ёки ёвузликка ёвузлик билан қайтариб қасос олмоқчи бўлсам, унда, табиий, бир ёмонликдан иккинчи ёмонлик пайдо бўлади ва ҳоказо. Агар мен ёмонлик кўрсатмасам эди, бир ёмонлик ёмонлигича қолиб, иккита бўлмасди, яъни ёвузлик камроқ бўларди. Буларнинг ҳаммасидан хулоса шуки, ёмонликка ёмонлик қилмаслик биланми ёки бошқа бир йўл биланми, хуллас, қандай қилиб бўлмасин, ёвузликни камайтириш чорасини қилиш керак. Агар хулоса шу дейдиган бўлсак, қуйидаги ҳолатга қандай муносабатда бўлишимиз керак:

Менга таниш бир мисолни келтириб кўрайлик: кимдир даҳшатли бир ёвузликни бошламоқчи: масалан, бир уй ёки шаҳарни, ёки поездними, кемани ҳалокатга учратмоқчи ва ҳоказо... Шубҳасиз, бу юзлаб, минглаб кишиларнинг ҳало-



катига сабаб бўлади. Албатта, мен инсоний ахлоқ юзасидан бунинг олдини олиш чорасини топишга мажбурман. Аммо у ўз ёвуз ниятини амалга оширишдан олдин уни бартараф этиш учун менинг ўша ёвузни йўқ қилишдан бошқа чорам қолмайди.

Албатта, мен у ёвузни йўқотиб, юзлаб, минглаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолдим, деган баҳона билан ўз қилмишимни оқламоқчи бўламан. Инчунун, мен қилган ёвузлик қилинадиган катта ёвузлик олдида кичик нарса бўлиб қолади. Чунки, у катта талофатлар келтириши мумкин бўларди. Шунинг учун мен буни ёвузлик деб эмас, аксинча, катта фалокатнинг, ёвузликнинг олдини олиш, ёвузликни камайтириш омилларидан бири бўлади, деб биламан.

Менинг мулоҳазаларим шулардан иборат, бу қанчалик тўғри, билмадим, узоқ иккиланишлардан кейин бу ҳақда бирор тушунтириш берар, деган ниятда Сизга мурожаат этишга журъат этдим.

Агарда ўз тушунтиришларингиз билан мен учун ниҳоятда муҳим саналган ва ноаниқ бўлган бу масалага ёрқинлик киритсангиз, мен Сиздан умрбод миннатдор бўлардим”.<sup>53</sup>

Ушбу тарихий хат кўпгина жиҳатлари билан эътиборга сазовор. Биринчидан, ўзбек жадидчилик ҳаракатига келиб қўшилиш арафасида турган “олими замоний” ўша даврда умумхалқ ҳурмат ва муҳаббатини қозонган улуғ рус ёзувчисига нафақат рус тилида хат ёзиш, балки у билан баҳслашиш даражасига эришган эди. Иккинчидан, Л.Толстой турли шаҳар ва мамлакатлардан юзлаб хатлар олаётган бир пайтда, бир мусулмон йигитининг хатини эътиборсиз қолдирмай, унга жавоб ёзган. Учинчидан, Убайдулла Хўжаев улуғ ёзувчи билан хат ёзишган ўртаосиёлик бирдан-бир ва ягона зиёлидир. Тўртинчидан, хат муаллифи гарчанд Л.Толстойдан “ёвузликка қаршилиқ кўрсатмаслик” ҳақидаги таълимоти бўйича тушунтириш сўраётган бўлса-да, аслида у билан

<sup>53</sup> Кўчирма Шукруллонинг “Тирик руҳлар” романидан олинди. - Т.: Шарқ, 1999. - Б. 9-11.

жиддий равишда баҳслашмоқда, ҳатто унинг таълимотидаги нотугри нуқтани кўрсатиб бермоқда. (Эсланг: "қимдир... масалан, бир уй ёки шаҳарни, ёки поездними, кемани ҳалокатга учратмоқчи...") Бешинчидан, унинг Толстой таълимотига қарши келтираётган далиллари шу қадар асослики, ҳатто атоқли ёзувчи ёш мухбирида пайдо бўлган гумон ва шубҳаларни ўз жавобида<sup>54</sup> нафақат рад эта, балки тарқата ҳам олмайди.

Ушбу хат У.Хўжаев ҳаётида шунчаки ўткинчи ҳодиса бўлмаган. Тахмин қилиш мумкинки, у Саратов шаҳридаги таҳсилани тугатиб, Тошкентга қайтган ва Мунаввар қори Абдурашидхонов сингари жадидлар сафига келиб қўшилганда Л.Н.Толстой билан ёзишмалари ҳақида уларни ҳабардор қилган. Жадидларнинг халқни иқтисодий ва маънавий таназзулдан олиб чиқишга қаратилган фаолиятида бу ёзишмада олга сурилган фикрлар беиз кетмаган.

Халқни оғир иқтисодий аҳволдан олиб чиқишнинг муҳим йўлларида бирини жадидлар эскирган урф-одатларга қарши курашда кўрадилар.

"Жадидларнинг фикрича, - деб ёзган эди тарих фанлари доктори Д.А.Алимова, - Туркистонда тараққиётга эришишнинг бош асоси иқтисодиётни зарур оқимда ривожлантиришдадир. Шунингдек, улар муҳим омиллардан бири деб миллий матбуот ва халқ таълимини ривожлантиришни ҳам ҳисоблаганлар. Тож. Ризобалди "Миллий матбуотсиз миллатнинг ўзи йўқ"<sup>55</sup>, - деб ёзганида анча илгарига назар ташлаган эди. Аммо Туркистоннинг турғунлик, қоқоқлик ва жаҳолат гирдобидан чиқиб кетишига нима халақит берди? Тараққиёт сари қоқоқликни ёриб ўтишига йўл бераётган омиллар сабабини жадидлар нимада кўрдилар? Биринчи навбатда, гўёки, шариат билан ҳимоялангандай туюлувчи, бироқ аслида мусулмон қонун-қоидаларига ёт, шунингсиз ҳам кипиларнинг

<sup>54</sup> Қараг: Ушба асар. - В. 11-12.

<sup>55</sup> Идорага мактублар // Садои Туркистон. - 1915, №64. - Б. 4.

енгил бўлмаган ҳаётини янада оғирлаштираётган – кераксиз ва зарарли урф-одатларда”.<sup>56</sup>

Биз аввалги бобда жадидлар нуқтаи назаридан кераксиз ва зарарли урф-одатлар тўғрисида қисқача бўлса-да, сўзлаб ўтган эдик. Масалан, Бехбудий “Бизни кемиргувчи иллатлар” мақоласида тўй-ҳашамлар туфайли халқнинг камбағаллашган қисми янада қашшоқлашиб боргани ҳақида бундай ёзган:

“Самарқандда бир маҳалла борки, аксар халқи заруратдан, тўғриси, ақл ноқислигидан ҳовлиларини пулга қизиқиб яҳудийларга сотгани учун маҳаллага оз мусулмон қолди. Маҳалла мактаби йўқ бўлди. Масжидида яқинда йўқолур. Мана, бизни ақлсизлигимизни охири ва исрофларимизни хотимаси динимизга футур келмоқига сабаб бўлур”.<sup>57</sup>

Мусулмон халқлари учун ўша даврда диндан муқаддас тушунча бўлмаган. Дин улар назарида, имон, виждон, ватан ҳам эди. Шунинг учун ҳам, Бехбудий ватандошларига таъсир кўрсатиш истагида “бизни кемиргувчи иллатлар”нинг динга футур етказиши мумкинлигига урғуни қаратади. Уларга таъсир этиши йўли ҳам фақат шу эди. Ҳолбуки, “бизни кемиргувчи иллатлар” туфайли Туркистон аҳолиси ўз еридан, ўз ватанидан мосуво бўлаётган эди.

Шундай қилиб, халқнинг оғир иқтисодий аҳволи, бир томондан, “бизни кемиргувчи иллатлар” туфайли кундан-кунга оғирлашиб бораётган, бунинг оқибатида камбағаллар ё ота-онасини дафн этиш, ё тўй қилиш каби маросимлар туфайли қарзга ботаётган, уй-жойларини сотаётган ва қашшоқлар оммасини ташкил этиб бораётган эканлар, демак, иқтисодий масалалар ўз навбатида сиёсий масалаларни келтириб чиқармоқда эди.

Бехбудий, Фитрат, Чўлпон ва бошқа жадидларнинг шу йилларда эълон қилган мақолаларида Ўрта Осиёнинг тобора мустамлакачилик кишанлари билан ўралаётганига қарши

<sup>56</sup> Китобда: Жадидчилик: ислоҳот, янгиликлар, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. - Т.: Университет, 1999. - В' 50-51.

<sup>57</sup> Бехбудий М. Танланган асарлар. - Б. 192.

жадидларнинг исён кўтарганларини кўраимиз. Д.А.Алимова юқоридаги фикрини давом эттириб, худди шу масалага яқинлашади-да, сўнг бундай деб ёзади:

“...Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиншига” салбий муносабатда бўлган жадидлар диққат марказида сиёсий масалалар бош масалалар бўлганлигини кўраимиз. Улар таҳлил натижасида (мамлакат ичида юз бераётган ҳодиса ва воқеалар таҳлили назарда тутилмоқда – Р.Ш.) шуни тушунганларки, Туркистон бу – моҳиятан мустамлака ва Россия маъмуриятининг бошқарув тизими миллий эҳтиёжларига жавоб бермайди. Бу масалалар Февраль инқилоби арафасида, айниқса, кескин қўйилган”.<sup>58</sup>

Биринчи жаҳон уруши арафасида Туркистондаги сиёсий вазият ўзгара бошлади. Жадидлар 1905 йил рус инқилобидан кейин кенг миқёсда фикрлайдиган, Туркистонга яқин ва узоқ мамлакатлардаги сиёсий ҳаётдан хабардор бўлган ҳамда шу асосда ўз фаолиятларини қайта қура бошлаган эдилар. Бунга Бехбудий сингари пешқадам жадидларнинг Петербург, Москва ва Нижнийда бўлиб ўтган сиёсий тadbирлар, жумладан, Умумроссия мусулмонлари қурултойларида иштирок этганлиги, Заки Валидий, Мустафо Чўқаев сингари заковат соҳибларининг Туркистонга келиб, ўзбек жадидлари билан ҳамкорлик қилишлари, Туркистонда яшовчи В.Чайкин сингари илғор рус халқни вакиллари сиёсий фаолиятининг жонлавиши жиддий туртки берди.

Шу ўринда, бошқирд халқининг миллий истиқлоли йўлида фаол ҳаракат қилган Заки Валидий хотираларидаги айрим лавҳаларга назар ташлаш жоиз. У 1913 йили Фарғона водийсига келганида Андижонда истиқомат қилган социал инқилобчи Вадим Чайкин билан танишган. Вадим Чайкин мустамлакачи халқнинг вакили бўлганига қарамай, маҳаллий халқнинг топталган ва топталаётган ҳақ-ҳуқуқлари учун ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда курашиши мумкин бўлган

<sup>58</sup> Кўрсатилган китоб. – В. 51.

шахс эди. Буни сезган ва унинг Фарғона генерал-губернаторлигига яқин киши эканлигини билган Заки Валидий В.Чайкин билан яқин мулоқотда бўлиб, Андижонда (рус тилида) “Туркестанский голос”, Тошкентда эса “Садои Туркистон” деган газеталарни ташкил этади. У шу газеталар ёрдамида мусулмон аҳолининг сиёсий-ижтимоий онгини ошириш ва уюштириш мумкинлигини яхши тушунади. Худди шу мақсадда Тошкент ва Андижонда тилга олинган газеталар чиқа бошлади. Эҳтимол, XX асрнинг 10-йилларидаги сиёсий ҳаётга “Туркестанский голос” газетасининг хизмати у қадар катта эмасдир. Лекин “Садои Туркистон” газетасининг шу тарихий жараёндаги роли бениҳоя катта. Бунинг боиси шундаки, унга миллий уйғониш ҳаракатининг икки забардаст намояндаси – Мунаввар қори Абдурашидхонов билан Убайдулла Хўжаев сиёсий-ижтимоий, ҳуқуқий ва маърифий йўналиш бериб турганлар. Афсуски, биз шу вақтгача жадидлар томонидан нашр этилган газета ва журналлар, шу жумладан, “Садои Туркистон” саҳифаларида эълон қилинган энг муҳим мақола, шеър ва очеркларнинг қайта нашрларига эга эмасмиз. Улар алоҳида-алоҳида тўпламлар шаклида нашрдан чиқмаган. Лекин Чўлпон, Ҳамза, А.Зоҳирий каби ёзувчиларнинг унда босилган ва қайта чоп этилган мақолалари билан танишишнинг ўзиёқ “Садои Туркистон”нинг ўз даври учун бениҳоя илғор фикр ва ғоялар жарчиси бўлганидан далолат беради.

Энди Заки Валидийнинг қуйидаги сўзларига эътибор берайлик:

“Бу газетанинг туркчаси ҳақида Тошкентда адвокат Убайдулла Хўжаев, муаллимлардан Мунаввар қори ва Қўқонда Ашурали Зоҳирий билан гаплашиб, уларни Вадим Чайкин билан яқиндан таништирдим. Газета чиқарилишидан аввал унинг ғояси қандай бўлишини қуйидаги уч бандда белгиладимки, бу ўртоқларимга, шунингдек, Вадим Чайкинга ҳам маъқул тушди:

1. Сибирия темир йўлидан то Афғонистон ва Эронгача бўлган жойда яшаётган бутун ерли халқлар билан руслар орасида ҳуқуқ ва солиқлар соҳасида тенгликни вужудга келтириш.

2. Кўчманчи ҳаёт кечирувчи мусулмонларга қишлоқ ва шаҳарлардан жойлар бўлиб берилгунига қадар кўчиб келаётган русларга ер бермаслик.

### 3. Замонавий маърифатни тарқатиш".<sup>59</sup>

Заки Валидийнинг сўзларига қараганда, В.Чайкин Андиконда, У.Хўжаев эса Тошкентда номлари тилга олинган газеталарни чиқара бошладилар. Унинг ўзи ҳам ҳар иқсала газетада турли хил таҳаллуслар билан ўз-ўзини бошқариш идораси (муниципалитет) ва губерния идоралари (земство)ни тузиш мавзуида мақолалар эълон қилади.

Шубҳасиз, З.Валидий Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракати тарихида муайян из қолдирган. Лекин унинг хотираларини ўқиган кишида у билан баҳслаша олувчи бошқа бирорта арбоб бўлмаган, деган таассурот қолади. У ўзининг хизматини ҳаддан зиёд кўтариб, Мунаввар қори Абдурашид-хонов, Убайдулла Хўжаев сянғари атоқли сиймоларимизнинг истиқлолчилик ҳаракатидаги мислсиз ролияи кўрмасликка уринади. Аксинча, уларни ўз "соия давлат"идаги "ўсмирлар" даражасига тушириб қўяди. Юқорида келтирилган парчада ҳам шу ҳол кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам, мазкур газеталарнинг гўё З.Валидий томонидан белгилаб берилган дастурни қандай амалга ошира олганлари ҳақида бирор асосли фикрни айтиш қийин.

Шунга қарамай, шубҳасиз, Вадим Чайкин ҳам, Мунаввар қори Абдурашидхонов билан Убайдулла Хўжаев ҳам ўз газеталарида маҳаллий халқ (узбеклар) билан кўчириб келтирилган халқ(руслар)нинг ҳуқуқ ва солиқ масаласида чиқишлар қилгани, айниқса, "замонавий маърифат"ни тарқатгани шубҳасиздир. Кўчириб келтирилган русларга ер бермаслик

<sup>59</sup> Аҳмад Заки Валидий Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракати тарихида муайян из қолдирган. - У. Аҳмад. 1997 - Б. 41.

ҳақидаги "дастур" "модда"сининг амалда бирор натижа берганига ишониш қийин.

Аммо шу нарса ҳақиқатки, жаҳид матбуоти, адабиёти, театри, ва албатта, мактаби туфайли 1905-1917 йилларда Туркистон аҳолисининг ижтимоий онги ва маънавий ҳаётида муайян ўзгаришлар рўй беради. Улар 1916 йил воқеаларида сифат ўзгаришларига айланди. Нафақат халқнинг илғор вакиллари, балки оддий меҳнат аҳли ҳам 1917 йил февралда "оқ подшо"нинг ағдарилганини катта кўтаринкилик билан қарши олди. Февраль инқилобининг рўй бериши жаҳидлар томонидан тарихий имконият сифатида қабул қилинди.

Совет даврида эълон қилинган илмий асарларда жаҳидларнинг Февраль воқеаларига бўлган ижобий муносабати, албатта, қораланиб келинди. Шундай субъектив ва хато баҳо Ҳамид Олимжоннинг ҳам адабий-танқидий мақолалари учун ёт эмас. Аммо, бугун биз бундай бирёқлама ва нотўғри баҳони ҳозирги реаллик асосида "таҳрир этиб" ўқисак, атоқли шоирнинг қуйидаги кузатишларида тўғри хулосалар борлигини ҳам кўрамиз. У "Жаҳид адабиётининг синфий моҳиятига" деб номланган мақоласида бундай ёзади:

"Миллий буржуазиянинг Февраль инқилобидан буржуазиянинг давлатини тиклаб олиш, миллий давлат қуриш, миллий истиқболиятни қўлга кирғизиш тўғрисидаги тилаклари, уринишлари, қийналишлари, шубҳасизки, унинг адабиётида ҳам ўз аксини топди. Февраль инқилоби замонида, у жуда қисқа бир давр бўлишига қарамасдин, жаҳид буржуа адабиёти кучайди.

Жаҳид буржуа адабиёти Февраль инқилобидан ўзининг миллий ҳокимиятини тикламоқчи бўлган, буржуа жамиятини барқарор қилиш программасини ўз олдига қўйган буржуазиянинг мафкурасини ифодалади, шунга хизмат қилди, унга

бадий ифода берди. Унинг энг кўп актуал, энг зарур масалаларини ўзининг асосий мавзуи қилиб олди".<sup>60</sup>

Чиндан ҳам, жадид адабиёти Февраль инқилобини жондиди билан суюниб қарши олди.

Шу адабиётнинг номи кўпчиликка яхши таниш бўлмаган вакили Лутфулла Олимий шеърят тимсоли – булбулга мурожаат этиб, жўшиб бундай ёзди:

Сайра, булбул, энди хористонлар гулзордир,  
Тинма, қўн гул шоҳига, сайра, гулинг беҳордир,  
Бу гулистонларда сенга кумри, тўти бордир,  
Сенга бўстонлар, чечаклар, гунчалар тайёрдир,  
Ташла қўрқувларни энди, сенга хурлик ёрдир.

Кетди тунлар, кетди ойсиз кечалар, чиқди қуёш.  
Хусн илоҳи гамза этди, бизга ҳам фитлатди қош,  
Нурли юлдузлар тахият-ла саломлаб эгди бош,  
Чиқди қирларга кийик бирлан газолан, қарту ёш,  
Бул куни паррандалар, чаррандалар аҳрордир...<sup>61</sup>

Февраль инқилобини олқишловчи бундай шеърларни Лутфулла Олимийдан ташқари, Чўлпон, Ҳамза, Тавалло, Маҳзум Сидқий сингари шоирлар ҳам ёздилар. Бу асарлар нафақат лирик шеърлар, балки жадид адабиёти ва шоирларнинг Февраль инқилобига берган сиёсий баҳоси ҳам эди. Агар Ҳамид Олимжоннинг юқорида кўчирма тарзида келтирилган фикридаги "буржуазия" деган ҳақорат маъносида қўлланган сўзини олиб ташласак, унинг мушоҳадаси ҳақиқатдан холи эмаслиги маълум бўлади.

Жадидлар, чиндан ҳам, Февраль инқилобини хушнудлик билан кутиб олдилар. "Садои Туркистон" газетасининг ёпилгани, янги тараққийпарвар газетани нашр этишга рухсат берилмагани, халқнинг илғор вакилларининг ҳаракат майдонидан мосуво этилганлиги туфайли руҳсизланган Чўлпон

<sup>60</sup> Китобда: Ҳамид Олимжон. Мукаммал асарлар тўплами. 9-томлик. 6-том. - Т.: Фан, 1982. - Б. 172.

<sup>61</sup> Кўрсатилган асар. - Б.172-173.



янги ниятлар оламида нафас олиб, ўзида янги куч ва ғайратнинг уйғона бошлаганини ҳис этди. У "Ўзбек ёшларина" деган шеър ёзиб, унда Февраль инқилобини буюк француз инқилобига қиёслайди:

Франциянинг ихтилоли неча йиллар тортилди,  
Қанча виждон эгалари қора пулга сотилди.

Қанча жонлар талаб бўлди, қонга қонлар тўкилди,  
Қанча тўғри қахрамонлар "кофирлар" деб сўкилди.

Курашдилар азаматлар, ҳурриятни олдилар,  
Францияни саодатли тўғри йўлга солдилар.

Сиз-да шундан ибрат олинг, қилинг ишга эҳтимом,  
Ўлим кутган дўстингиздан сизга салом, эҳтиром.<sup>62</sup>

Маълумки, XVIII асрнинг сўнги ўн йиллигида, аниқроғи, 1789 йили рўй берган инқилоб Франциянинг тарихий тақдирида катта ўзгаришни содир этди. Чирий бошлаган феодализм устунлари ағдарилиб, тарих саҳнасига буржуазия чиқди, капиталистик муносабатларнинг пайдо бўлиши ва изга тушиши учун шароит яратилди. Франция янги тараққиёт босқичига эришди.

1917 йил Февраль инқилоби ҳам, Чўлпон назарида, Романовлар сулоласининг икки юз йиллик тарихига нуқта қўйибгина қолмай, Туркистонда чирик феодал ҳаёт тарзини ўзгартириб юбориши, ўлкада янги иқтисодий муносабатларга йўл очиши, бинобарин, халқнинг оғир аҳволини яхшилаши мумкин эди. Шунинг учун ҳам, жадидлар Февраль инқилобидан кейин фавқулодда бир ҳолатда фаоллашиб, янги сиёсий-ижтимоий фаолият дастурини ишлаб чиқдилар.

Сўнги йилларда жадидлар сафида пайдо бўлган фаоллашиш жараёнини айрим сиёсатшунослар бошқача талқин қилмоқдалар.

<sup>62</sup> Назор (газета), 1917 йил 18 июнь.

Маълумки, Муваққат ҳукумат раиси А.Ф.Керенский Тошкентда яшаган ва тошкентлик жадидлар билан яхши алоқада бўлган. Айниқса, 1916 йил қўзғолони шафқатсизларча бостирилиб, маҳаллий аҳоли бошида зулм қамчиси ўйнаганида А.Ф.Керенский адолатпарвар давлат арбоби сифатида Давлат думаси минбаридан туриб, жабрдийда ўзбек халқи вакилларини ҳимоя қилган. Чамаси, Муваққат ҳукумат бошлиғи ҳаётининг ана шу нуқтасидан келиб чиқиб, Шариф Шукуров ва Рустам Шукуров деган муаллифлар "Маданиятга эрк хусусида" деган мақолаларида бундай ёзадилар:

"Туркистондаги турк алломалари Чор ҳокимиятини ағда-риб ташлаган 1917 йил Февраль инқилобини кўтаринки кай-фият билан қарши олдилар. Маҳаллий миллатчилар (1987 йил руҳидаги ифодага қаранг! – Р.Ш.) янги ҳукумат тепасига келиб қолган демократ ва либерал А.Керенский минтақага мухториятни совға қилиб беради ва турк миллий мустақил-лигини қўллаб-қувватлайди, деб беҳуда ишонган эдилар. Мусулмонлар хато қилдилар: рус маъмурияти ҳокимиятни улар билан бўлишишга ошиқмади".<sup>63</sup>

Ўз халқи ва Ватанининг мустақил бўлишини орзу қилган аллома сиймоларни "миллатчилар" деб аташининг ўзиёқ муаллифларнинг нафақат жадидлар, балки туркий халқларга нисбатан носоғлом муносабатда эканидан дарак беради. Муваққат ҳукумат деб аталган давлат бошлиғида Туркистон-га мустақилликни бериш ҳуқуқи мутлақо бўлмаган. Маълумотига кўра, билимдон юрист бўлган А.Ф.Керенскийнинг туркий халқларга ўз эрки билан мустақиллик бериши асло мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам, худди шу вақтда Мунаввар қори Абдурашидхонов "Ҳақ берилмас, олинур", деган шиор билан чиққан. Агар жадидлар А.Ф.Керенскийга умид боғланларида бундай шиор билан кураш майдонига чиқмаган бўлардилар.

<sup>63</sup> Центральная Азия и Кавказ (журнал). – 1998 йил, 1-сон. – Б. 171.

Юқорида айтилган икки муаллиф сўзида давом этиб, яна бундай ёзадилар:

"Умид косаси чил-чил синган мусулмонлар (қозоқлар, ўзбеклар, туркманлар) 1917 йил мартида икки сиёсий бирлашма – қолоқ Уламо жамияти билан илғор Шўрои исломни тузиб, ўз ҳокимият тузилмаларини ташкил этиш учун дадил қадам қўйдилар. Туркларнинг сиёсий фаоллашиши оқибатида турклар билан Туркистондаги рус жамоалари ўртасида четлашиш жараёни кузатилди, руслар мусулмонлар зулми остида қолиш истиқболидан жиддий равишда ташвишга тушдилар".<sup>64</sup>

Ажабо, турк билан туркий халқларнинг вакиллари ўрта-сидаги фарқни билмаган, тарих фактларини ағдар-тўнтар қилиб юбуровчи кишиларнинг бу мавзуга қўл уришга қандай ҳуқуқи бор?! Наҳотки, улар дастлаб "Шўрои ислом"нинг, кейин унга очикдан-очик муҳолифатда бўлган "Шўрои уламо"нинг тузилганини билмаган бўлсалар?! Қолаверса, рус жамоаларининг мусулмонлар қўли остида қолиб, эзилиши мумкинлиги кимнинг ҳам хаёлига келибди?!

Маълумки, большевиклар Туркистонда ҳокимиятни қўлга олишлари билан маҳаллий халқнинг ҳақ-ҳуқуқларини оёқ-ости қилдилар, уларни Туркистонни бошқариш идораларига яқинлаштирмадилар. Октябрь тўнтаришининг дастлабки кунларидан бошлаб, улар шовинизм заҳри билан заҳарланганликларини ва мустамлакачилик сиёсатини давом эттириш ниятида эканликларини яширмадилар.

1917 йил 10 апрель куни Петербургдан Тошкентга етиб келган Мустафо Чўқаев ўша куннинг ўзида Туркистон вилояти Ишчи ва солдат советларининг съездида қатнашади. Мана, унинг шу ҳақдаги хотираси:

"Залга кирган чоғимда мен танимайдиган бир рус минбарда эди. У кишининг қайраб-қайраб, такрорлаб сўзлаган сўзларидан қуйдагилар хотирамда: "Инқилобни рус

---

<sup>64</sup> Ўша жойда.

инкилобчилари, рус ишчилари, рус солдатлари амалга оширдилар. Шунинг учун Туркистонда ҳам идора, ҳокимият биз, русларнижидир. Ерлилар, биз нима берсак, шу билан қаноатланишлари керак..."

Бу сўзларни сўйлаган Қўқон мактаби муаллимларидан, халқчи социалистлар группасига мансуб Некора исмли киши эди...

Қурултойга қатнашган рус кишиларининг қайси фирқага (партияга --Р.Ш.) мансуб бўлганлигига қарамай, ҳаммаси Некоранинг очиқ сўзлаб юборган фикрини дастаклаб, фақат "инкилобчи" назокати ишлагани каби очиқчасига сўзлаб юборишдан тортиниб турганликлари сезилди ва кўринди".<sup>65</sup>

Эҳтимол, бу тарихий хотира Ш. ва Ф.Шукуровларга озлик қилар. Мустафо Чўқаевнинг 1917 йил хотираларида яна бундай маълумот ҳам бор:

"Тошкентда чиқаётган русча "Туркестанский курьер" газетаси 1917 йил 5 сентябрь нусхасида (сониди - Р.Ш.): "Эски режим замонида рус тўнларига тушган вазифа энди Ишчи ва солдатлар шўроси зиммасидадир. Инкилобчи ишчи, солдат ва крестьян расман эски рус сарбози (аскари) ўрнини тутати", деб ёзган эди.

Анча сўнгра, большевикларнинг "миллатларни қутқаз-иш" инкилобидан сўнг большевик фирқа маркази вакили, юз фоиз ленинчи Георгий Сафаров: "Февраль инкилоби давридан бошлаб рус муҳожирини, Туркистон кишлок ва овуллариини ўз чўнтаги каби қўллай (кавлай) бўлиши керак - Р.Ш.) ола бошлади", деган шаклда исботлайди".<sup>66</sup>

Кўрамизки, 1917 йил хотираларида маҳаллий халқ вакилларигина эмас, балки Г.Сафаров сингари ленинчи миссионерлар ҳам Ўрта Осиёда кимлар гегемонлик қилаётгани, демак, бошқаларга - маҳаллий халқ ва унинг илғор вакилларига нисбатан тазйиқ ўтказётгани ҳақида аниқ

<sup>65</sup>Мустафо Чўқай ўғли. Истиқлол жаълодлари (1917 йил хотиралари). - Т., Ғ.Ғулом номидики нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992. Б. 23.

<sup>66</sup> Кўрсатилган рисола. - Б. 36.

тасаввур бермоқдалар. Аммо биз баҳслашаётган совет тарихчилари ва сиёсатчиларининг янги издошлари бошқача фикрдалар. Улар юқорида келтирилган сохта фактдан келиб чиқиб, бундай хулосага келганлар:

"Шу сабабли, 1917 йил ноябрда Туркистонда пайдо бўлган ва шу заҳоти миллатчиларга нисбатан ўта қатъий позицияни эгаллаган большевикларни, ишчи ва деҳқонлардан капиталистлар ва чор маъмуриятининг амалдорларига қадар бўлган рус жамоаси нажоткорлар сифатида кўтаринки кайфият билан кутиб олди".<sup>67</sup>

Гап шунлаки, биринчидан, мустамлака занжирлари билан ўралган Туркистон аҳолиси ва унинг раҳнамолари ўлкадаги рус жамоасини сиқиб чиқаришни хаёлларига ҳам келтирмаган; аксинча, Туркистон Мухторият ҳукумати таркибига қозоқ, яҳудий ва бошқа миллат вакиллари қатори, русларнинг ҳам киритилиши маҳаллий халқ раҳнамоларининг қандай ниятда бўлганликларини намойиш этиб турибди. Иккинчидан, большевиклар Туркистонда 1917 йил ноябридагина пайдо бўлиб қолмадилар; улар шу ерда 3-4 мартдаёқ Ишчи ва солдат депутатлари советларини тузиб, кўп ўтмай, уларни бирлаштириб, сиёсий жиҳатдан шаклланиб улгурган эдилар. Учинчидан, улар билан Чор ҳокимияти амалдорлари ва оқ гвардиячилар ўртасида муайян жарлик бор эди. 16 мафар Туркистон комиссарларини, ахир, маҳаллий халқ раҳбарлари отиб ташламаганлар-ку! Ниҳоят, тўртинчидан, 1917 йил октябрида Туркистон Мухторият ҳукумати эълон қилингандан сўнг, большевиклар бу ҳукуматга қарши теварак-атрофдаги қарбий кучларини йиғиб, уларни Қўқонга ташладилар. "Миллатчилар"нинг - "мусулмонлар"нинг зулми остида қолиш истиқболи туфайли эмас, ўзининг мустамлакачи ва зўравон куч сифатидаги, буйруқ берувчи ва бошқаларни ишлатувчи куч сифатидаги мавқеидан маҳрум бўлиш истиқболи Туркистондаги турфаранг рус жамоасининг маҳаллий

<sup>67</sup> Центральная Азия и Кавказ. - Ушв сон. - Б. 171-172.

аҳоли ва унинг миллий ҳукуматига қарши бирлашишига сабабчи бўлди; бошқача айтсак, турфارانг жамоатчилик қонидаги шовинизм зарралари жунбушга келди.

Биз ушбу баҳс билан 1917 йилдаги сиёсий манзара тасвирида бир оз илғорлаб кетдик. Шунинг учун ҳам, яна ўша инқилобий йилнинг баҳорги ойларига қайтсак.

1917 йил Февраль инқилоби натижасида Романовлар сулоласи тахтдан ағдарилиб, Муваққат ҳукумат барпо этилди. Бу ҳукумат номиёқ унинг узоқ умр кўрмаслигини англади. Шунга асосан, Туркистонда мавжуд бўлган икки куч – жадидлар ва большевиклар вазиятни ўз фойдаларига ҳал этиш йўлини зудлик билан кидирдилар. Тажриба ва уюшув анъанаси большевиклар ихтиёрида эди. Улар 1917 йил мартнинг сўнги кунларига қадар Туркистонда ишчи ва солдат депутатларининг 75 та советини туздилар. Демак, большевиклар сиёсий жиҳатдан ўлкани ўз қўлларига олиш, "социалистик инқилоб"ни амалга ошириш йўлида дастлабки ишончли қадамни ташладилар.

Тахминан худди шу вақтда, жадидлар ҳам фаол ҳаракатни бошлаб юбордилар. "Улар ўлка туб халқларининг тараққиёти ва мустақиллиги тўғрисидаги ўз идеалларини ўлкадаги демократик инқилоб билан боғлаб, ўзлари эълон қилган принципларни амалга оширишга фаол киришдилар. Авж олиб бораётган демократик жараёнларда туб халқлар сиёсий манфаатларининг устуворлигини ҳимоя қилиш февралнинг дастлабки кунлариданоқ сиёсий майдонда улар фаолиятининг асосий йўналишини белгилаб берди".<sup>68</sup>

Жадидлар фаоллик билан бошлаган сиёсий ҳаракат тарихида 14 март унутилмас бир санани ташкил этади. Шу куни Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида кўп минг кишилик йиғилиш ўтказилиб, унда татар ва қозоқ миллатига мансуб аъзоларидан иборат 61 кишилик янги сиёсий ташкилот

<sup>68</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустақиллашчилик даврида. - Т.: Шарқ, 2000. - Б. 22-23.

тузилади. Бу ташкилотга Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг ташаббуси билан "Шўрои Ислом" номи берилади. Ташкилотнинг 15 кишидан иборат бошқарув идорасига келажакда номлари истиқлолчилик ҳаракатининг фидойилари сифатида тарих саҳифаларида қолган Абдувоҳид қори Абдурауфқориев, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Каттахўжа Бобоҳўжаев, Мулла Ризо Охунд Йўлдошхўжаев, Абдусаме қори Ҳидоятбоев, Убайдулла Асадуллахўжаев (Убайдулла Хўжаев) ва бошқалар киради. Ушбу исмларнинг ўзиёқ янги ташкилотга мусулмон урф-одатлари ва анъаналари, биринчи навбатда, ислом динига эътиқод қўйган кишилар асос солганларини англатиб турибди. Ишчи ва солдат депутатлари совети, яъни шўросидан улар ўзларининг миллий ва диний платформага эга эканликлари билан ажралдилар.

"Ўзбекистоннинг янги тарихи"да "Шўрои Ислом"нинг ташкилий тузилиши, мақсад ва вазифалари бугунги кун нуқтаи назаридан тўғри ёритилган:

"Бошқарувнинг янги мажлисларидан бирида қабул қилинган муваққат Низомда "Шўрои Ислом"нинг асосий мақсади: Туркистон мусулмонлари орасида замонамизга ҳамоханг бўлган сиёсий, илмий ва ижтимоий ислоҳот ғояларини тарқатишдан; Туркистон мусулмонларини ғоя ва мақсадлар бирлиги асосида жипслаштиришга оид ишларни кучайтиришдан; янги ҳукуматнинг принциплари ва мақсадларини қўллаб-қувватлаш борасида халққа даъватдан; хорижий мамлакатларда давлат ҳокимиятининг шакллари тўғрисида аҳолини ҳабардор қилиб туришдан ва Таъсис мажлисига тайёргарлик кўришдан иборат, деб кўрсатилган.

Ана шу мақсадга мувофиқ Низомда "Шўрои Ислом"нинг ташкилий тузилмаси, аъзолиги, вазифаси ва молияси батафсил ишлаб чиқилган. Аҳолининг умумий йиғилишларида кўпчилик овоз билан сайланган, шунингдек, турли қўмиталардан, жамиятлардан, иттифоқлардан ва партиялардан сайланган делегатлар асосида "Шўрои Ислом"нинг умумий йиғилишини

ташқил этиш кўзда тутилган. Низомга мувофиқ Туркистоннинг барча шаҳарлари ва қишлоқларида "Шўрои Исломи" ташкилотини тузиш зарур, деб ҳисобланди. Хужжатда булар Тошкент "Шўрои Исломи"нинг кичик бўлимлари деб аталди. Низомга асосан, Тошкент "Шўрои Исломи" ташкилоти марказ ҳисобланиб, унинг қарори бўлимлар учун мажбурий эди".<sup>69</sup>

Шундай қилиб, "Шўрои Исломи" Ишчи ва солдат депутатлари советининг иш тажрибасидан андоза олган ҳолда ишга киришиб, дастлаб Ўш, Андижон, Фарғона (Скобелев), Туркистон, Марида, сўнгра апрель ойининг охирига қадар Наманган, Қўқон, Самарқанд ва бошқа вилоятларда кичик бўлимларини тузди.

Ҳамид Олимжоннинг юқорида зикр этилган мақоласида шу даврда, "Шўрои Исломи" ҳамда Ишчи ва солдат депутатлари советидан ташқари, йигирмага яқин ташкилот ва жамиятларнинг тузилгани қайд этилган. "Туркистонда "Шўрои Исломи" сингари, - деб ёзади у, - йигирмага яқин янги жамиятлар, янги партияларнинг юзага келиши, ҳар hafta янги газеталарнинг нашр этилиши, 1917 йилнинг апрель ойида Туркистоннинг янги ҳукумат шакллари муҳокама қилиш учун Бутун Туркистон мусулмонлари қурултойининг чақирилиши миллий буржуазиянинг ҳаракатидаги шубҳасиз жонланишни кўрсатади".<sup>70</sup>

Бизнинг мақсадимиз ушбу кўчирмалар орқали 1917 йил октябрь тўнтарилиши арафасидаги сиёсий манзарани кўрсатиш бўлгани учун, Ҳамид Олимжон тилга олган йигирмага яқин жамоат ташкилотлари ҳақида озгина маълумот бериш лозим кўринади. Аввало айтиш зарурки, "Шўрои Исломи"нинг сиёсий дастури куртак ёзиши билан ислом динига мансуб кучлар иккига ажралиб, "Шўрои Исломи"дан ташқари ва унга қарши ўлароқ "Шўрои Уламо" жамиятини туздилар. Бу жамият ўзининг асосий ғайрат ва шижоатини "Шўрои

<sup>69</sup> Кўрсатилган китоб. Б. 24-25.

<sup>70</sup> Ҳамид Олимжон. Кўрсатилган китоб. - Б. 170.



Ислом"га қарши қаратди. Ўлкада турли сиёсий партиялар пайдо бўлди. Масалан, Заки Валидий эсерлар, Мустафо Чўқаев кадетлар, Санжар Исфандиёров социал-демократлар, Шерали Лапин эса монархистлар партиясига аъзо бўлиб кирдилар. Уларга маҳаллий зиёлилар ҳам эргашдилар.

Ана шу тарзда Туркистоннинг сиёсий сахнасига уч хил кучлар чиқиб олди. Булар қуйидагилардир:

"-Туркистон Советлари – булар инқилобий демократиянинг хоҳиш-иродасини ифодаловчи европалик ишчи ва солдатларнинг органлари бўлиб, жамиятга таъсир ўтказиш учун реал кучга эга эди. Шу боисдан ҳам улар Муваққат ҳукумат давлат муассасалари фаолияти устидан назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлишга даъво қилдилар.

- Ижроия қўмиталар – Советларга нисбатан аҳолининг анча кенг ижтимоий миллий гуруҳлари намояндалари бўлиб, булар таркибига турли партиялар – меньшевиклар, эсерлар, советлар, жамоат ташкилотлари, шу жумладан, миллий ташкилотлар ўз вакилларини делегат қилиб юборган эдилар. Улар барча демократик ташкилотларни бирлаштирувчилар сифатида иш кўрдилар ва жойларда Муваққат ҳукумат органлари ролини ўйнашга даъво қилдилар.

"-Шўрои Ислом" жамияти – бу ташкилот ташкилий жиҳатдан таркиб топиш пайтидаёқ мусулмон аҳолининг ваколатли органлари сифатида дарҳол расмийлашиб, шу аҳолининг хоҳиш-иродасини ифода этди ва унинг манфаатларини ҳимоя қилди".<sup>71</sup>

Ана шу уч гуруҳ атрофида марказлашган ташкилот, уюшма, жамият ва партиялар 1917 йил апрелида ўз қурултойларини ўтказиб, Туркистоннинг янги давлат тузуми бўйича ўз дастурларини ишлаб чиқдилар.

Ҳокимият учун кураш Ҷаининг авж палласига кирган эди.

<sup>71</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Т.: 2000. – Б. 26.

#### 4 фасл.: Жадидларнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари

Мазкур ҳаракат Туркистондаги ижтимоий-иқтисодий, маданий ўзгаришлар, тарихий ва сиёсий воқеалар аynиқса 1905-1907 йиллардаги биринчи рус инқилоби, шунингдек, Туркия, Хитой, Ҳиндистон, Эрондаги миллий озодлик ва демократик ҳаракатлар таъсири остида юзага келди ва фаол тус олди.

У жамиятнинг ижтимоий мансублиги бўйича ҳам, айрим муаммоларга турлича қарашда бўлган ва бир-биридан фарқ қилган турли табақа вакиллари ҳам бирлаштирган эди. Бироқ улар бош масала - Туркистон мустақиллигини қўлга киритиш масаласида яқдил эдилар.

Жадидларнинг мустамлакачилик режимига ва уларнинг ҳимоячиларига қарши сабот билан олиб борган назарий ва амалий кураши ривожланиб борди ва маълум бир шаклга кира бошлади. Улар энди мустамлакачилик тартиб-қоидалари ва тузумини танқид қилишдан Туркистоннинг тўла мустақиллигини қўлга киритиш учун ўтиш шакли сифатида миллий ҳудудий мухторият барпо этиш гоясини илгари суришга ўтдилар.

Туркистон жадидларининг гоявий-назарий ривожланишида ҳозирги тадқиқотлар уч даврни: 1905 йилдан 1917 йил февралгача, 1917 йил мартдан 1918 йил февралигача, 1918 йил мартдан 30 йил охиригача бўлган даврни ажратиб кўрсатиш мумкинлигини қайд этмоқда<sup>72</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Туркистон жадидларининг гоявий-назарий камол топишининг барча босқичларида сиёсий мустақилликни қўлга киритиш марказий муаммо эди. Бироқ улар мустақилликни қўлга киритиш бир томондан, қаттиқ мустамлакачилик шароитида, иккинчи томондан, Туркистоннинг иқтисодий-сиёсий ва маданий жиҳатдан қоқоқлиги шароитида анча мураккаб ва ҳал қилиш гоят оғир

<sup>72</sup> Правовое государство, независимость, нация, экономика, политика. Т. «Афлот» 1994. Т.4.

бўлган муаммо ва узоқ жараён эканлигини жуда яхши англаб етган эдилар. Шунингдек, улар мустақилликни ўлка халқларининг изчил фаол, лекин тинч йўл билан олиб борадиган кураши натижасидагини қўлга киритиш мумкинлигини тушуниб олган эдилар.

Биринчи босқичда Туркистон жадиждларининг гоъвий-назарий фаолияти маърифий хусусият касб этди. Жадиждлар мустахлака Туркистоннинг реал тарихий шароитларидан келиб чиқиб, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳалардаги муаммоларни ҳал қилишнинг бирдан-бир омили маориф деб билдилар. Жадиждлар ўлкани тиклаш, унинг халқларини асрий ғафлатдан уйғотишда маърифатнинг зарурлигига ишончлари комил эди. Туркистон халқларини хурофотдан, жаҳолатдан ва мутаассибликдан озод қилмай туриб, ўлканинг тикланиши ва мустақиллиги тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Уларнинг фикрича, аввало, ўлка халқларининг кўзини очиш, уларга мавжуд тартибларнинг иллатларни очиб бериш, мусулмонларга ижтимоий ва мустахлакачилик зулмидан озод бўлиш, мустақилликни қўлга киритиш йўлларини кўрсатиб бериш лозим эди. Умуман олганда, маърифат, жадиждларнинг фикрича, мустақилликни қўлга киритиш ҳамда мамлакатни тараққиёт ва демократия йўлида ривожлантиришнинг муҳим гарови эди. Шу сабабли маорифни ислоҳ қилиш билан боғлиқ муаммолар жадиждларнинг асосий диққат марказида бўлди ва улар янги усулдаги мактаблар очишга киришдилар. Бу мактабларда Ўрта Осиё анъаналарига асосланган эски мусулмон мактабларидан фарқли ўлароқ таълим беришнинг замонавий шакллари қўлланила бошланди. Жадиждлар мазкур мактаблар учун ўзлари дастурлар туздилар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари ёздилар. Маърифатчилар ўзларининг ушбу мақсадларини рўёбга чиқариш учун маблағлар йиғдилар, маҳаллий миллатлар фарзандларини тарғибот-ташвиқот қилиб илм олишлари учун Истанбул, Уфа, Қозон, Оренбург каби

жойларга ўқишга жўнатиш билан шугулланадиган турли жамиятлар ташкил этдилар.

Жадидлар фаолиятининг бошқа бир йўналиши ўз гоёларини матбуотда тарғиб қилишдан иборат бўлди. Ўша вақтларда улар «Тараққий», «Хуршид», «Тужжор», «Шухрат», «Самарқанд», «Садом Туркистон», «Садом Фаргона» каби рўзномаларни ҳамда «Ойна» жаридасини нашр эттирдилар. Улар саҳифаларида жаҳолат ва мутаассибликка, эски ўрфодатлар ва анъаналарга қарши ҳамда мустамлака Туркистоннинг иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётини ислоҳ қилиш ва эзгу мақсадларини амалга оширишга қаратилган фаол тарғибот ишларини олиб бордилар.

Жадидлар фаолиятида вақтли матбуот орқали Туркистонни иқтисодий ривожлантириш муаммолари алоҳида ўрин тутар эди. Ўлка иқтисодий ҳаётининг реал шароитларидан келиб чиққан ҳолда жадидлар нафақат Туркистон учун, балки Фарбнинг ривожланган мамлакатларига қарамлик ҳолатида турган кўплаб Шарқ мамлакатлари учун ҳам долзарб бўлган ўткир муаммоларни кўтариб чиқдилар. Миллий саноатни барпо этиш ва ривожлантириш; миллий банклар очиш, қишлоқ хўжалигини, ички ва ташқи савдони ривожлантириш; Туркистондан фойдали қазилмаларни ва бошқа моддий бойликларни ташиб кетишни чеклаш; уларни шу жойнинг ўзида қайта ишлашни ташкил этиш, ўлкада хомашёни эмас, балки тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш; ишлаб чиқаришга фан техника ютуқларини жорий этиш ва ҳоказолар ана шундай муаммолар жумласидан эди.

Жадидлар сиёсий кучлар нисбатани ҳисобга олиб, бирданига Туркистоннинг мустақиллиги тўғрисидаги масалани ошкора қилиб қўймадилар. Улар мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ҳаётини ислоҳ қилишни босқичма-босқич ўтказиш тарафдори бўлиб чиқдилар. Ислохотни бошлаш учун маҳаллий ҳокимият вакиллари, суд идоралари томонидан қилинаётган ўзбошимчилик, зўравонлик ва суъистемол-

ликларни чеклаш тўғрисидаги масалани кўндаланг қилиб қўйдилар. Улар Туркистоннинг маҳаллий аҳолисига турмуш ва диний ишларда эрк бериш тарафдори бўлиб чиқдилар. Чунончи, Бехбудий «Туркистонни бошқаришни ислоҳ қилиш лойиҳаси»ни ишлаб чиқди. Бироқ жадидларнинг бу ва бошқа талаблари қоғозда қолиб кетди. Чор ҳукумати ва унинг Туркистондаги вакиллари фақат ваъда беришлар билан чекландилар.

Чоризмга ва унинг Туркистонда ўтказилаётган сиёсатига нисбатан танқидий фикрда бўлган жадидлар рус халқига ва унинг маданиятига ижобий муносабатда эдилар. Чунончи, Бехбудий шундай деб ёзган эди: «Бизнинг нашримиз», «Самарқанд» рўзномасининг мақсади Туркистон мусулмонларида умумевропа ва айниқса, рус маданиятига қизиқиш уйғотишдир. Уларни рус маданияти, фуқаролиги ва қонунлари биз мусулмонларга катта фойда келтиришига, шунингдек, на Қуръон, на шариат бу нарсалар билан зид келмаслигига ишонтирмоқдир». Жадидларни Россия гимназиялари ва дорилфунунларида ўргатилаётган илмий билимлар билан таништириб боришни ўзининг муҳим вазифаси эканлигини таъкидлаб ўтди<sup>73</sup>.

Туркистон жадидлари, айниқса, уларнинг етакчилари учун бошқа халқларга, шу жумладан рус халқига, унинг тарихига, фан ва техника соҳасидаги ютуқларига ноҳушлик билан қараш бегона эди. Улар рус, яҳудий, арман, немис ва европадаги бошқа халқларнинг иқтисодиёт, сиёсат, маданият, фан ва техника соҳасида эришган ютуқлари тўғрисида катта завқ-шавқ билан ёзган эдилар. Жадидлар ўз ватандошларини Европа халқларининг тарихи, адабиёти, маданий ютуқларини, тилини, сиёсий ҳуқуқини, тажрибаларини ўрганишга даъват этдилар. Европа маданиятидан, фан ва техника ютуқларидан мусулмонлар учун барча яхши ва фойдали бўлган нарсаларни қабул қилиш ва ўзлаштириб олиш тарафдори бўлиб

<sup>73</sup> Қаранг: Махмудхўжа Бехбудий. Бизнинг дастуримира. Самарқанд, 1913. 19 апрел.

майдонга чиқдилар. Улар Туркистон мусулмонлари Европа маданиятидан бахраманд бўлмай туриб, ривожланган мамлакатларнинг фан ва техника соҳасидаги ютуқларидан фойдаланмай туриб, қолоқликдан чиқа олмасликни доимо таъкидлаб келдилар.

Туркистон жадидларининг вақтли матбуот саҳифаларида конституциявий демократик гояларни тарғиб қилиш алоҳида ўрин тутди. Жаидчилик ҳаракатининг раҳбарлари миллий уйғониш ҳамда Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маданий ҳаётини демократиялаштириш муаммосини Россияда конституцион монархияни ўрнатиш билан боғлиқ деб билдилар. Уларнинг фикрича, мавжуд бошқарув шакллари орасида гоят мақбули ва демократик шаклдагиси конституцион монархия бўлиб, у ўлка маҳаллий аҳолиси вакилларининг давлатни бошқаришда қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этишларига имкон туғдирар эди.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Туркистон жадидларининг мусулмонлар учун энг демократик ва муносиб бошқарув шакли сифатида конституцион монархияни ҳимоя қилишлари тасодиф эмас эди. Бу объектив ва субъектив сабаблар билан боғлиқ эди. Биринчидан, конституцион монархия XX аср бошларида ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган бошқарув шакли эди. Россияда бу даврда конституцион монархияни ўрнатиш учун эндигина кураш бошланди. Иккинчидан, Туркистон жадидларининг сиёсий қарашлари Россиядаги конституцион демократик партияларнинг сезиларли таъсири остида эди. Учинчидан, жадидларининг конституцион монархияни ўрнатиш тўғрисидаги талаблари асосий ижтимоий кучлар - феодаллар ва миллий буржуазиянинг нисбатини ҳисобга олган эди, чунки мазкур бошқарув шаклини ўрнатиш уларни қаноатлантирарди.

Бундан ташқари, жадидлар вақтли матбуот саҳифаларида нафақат тарихий жиҳатдан қизиқишга молик, балки замона билан ҳамоҳанг бўлган қатор муаммоларни ҳам

қўтариб чиқдилар. Жаҳондаги, айниқса Европадаги ривожланган мамлакатлар ўқув юртларида миллий кадрлар тайёрлаш; Ислом динидан Туркистон халқларини юксак ахлоқлик, ватанпарварлик, бардамлик руҳида тарбиялаш воситаси сифатида фойдаланиш; хотин-қизларни ижтимоий фойдали меҳнатга, сиёсий ва маданий ҳаётга тортиш бўйича шарт-шароит яратиш бериш; ижтимоий ва миллий келиб чиқиши, қайси динга мансублигидан қатъи назар фуқароларга кенг демократик ҳуқуқ ва эркинликлар бериш; ҳуқуқбузарликнинг турли кўринишларига қарши кураш олиб бориш ва ҳоказолар ана шундай муаммолар жумласига кирар эди.

Жадидларнинг 1917 йил февралга қадар бўлган ғоявий-назарий ва амалий фаолиятларини таҳлил қилиш шундан далолат берадики, уларнинг куч-ғайрати Туркистоннинг мустақиллигига эришиш учун иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан шарт-шароит яратишга қаратилган эди. Жадидларнинг мустамлакачилик ва феодал режими иллатларини фош қилишлари, ислоҳот учун ҳормай-толмай кураш олиб боришлари, маърифатни, демократик ҳуқуқий институтлар ва ғояларни тарғиб этишлари, мустамлака Туркистонда миллий-озодлик ҳаракатининг шаклланиши ва ривожланишида анча катта роль ўйнайди.

Россияда 1917 йил феврал инқилобидан кейин Туркистон жадидлари ҳаракати тарихида янги босқич бошланди. Жадидлар бу инқилобни зўр қувонч билан кутиб олдилар. Улар феврал инқилобини Чоризм режимини ағдариб, демократик жамиятни барпо этиш учун йўл очган бошқарувнинг чинакам халқчиллик шаклларини ўрнатувчи ва мустамлакачилик зулми остида эзилиб келган халқларнинг мустақилликни қўлга киритиш йўлидаги ҳаракати сифатида қабул қилдилар.

Феврал инқилобининг ҳуррият, тенглик, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш тўғрисидаги ғоялари Туркистон жадидларининг сиёсий-ҳуқуқий қарашларининг янада

ривожланишига ва фолиятининг кучайишига катта таъсир кўрсатди. Уларнинг назарий ва амалий фаолияти дадил, собитқадам ва ташкилий тус олади.

Феврал инқилобидан кейин Туркистонда жадидлар ташаббуси билан Тошкентда «Шўрои Исломия», Самарқандда «Мураваджул-ислом», Каттақўрғонда «Равнакул-ислом» ва «Турк одами марказият», «Федералист» каби ижтимоий сиёсий ва диний ташкилотлар тузилди.

1917 йил апрел ва сентябр ойларида жадидлар раҳбарлигида Туркистон мусулмонларининг иккита қурултойи бўлиб ўтди. Тошкентда жадидларнинг «Турон», «Турк эли», «Улуғ Туркистон», «Нажот», «Кенгаш», «Шўрои исломия», Самарқандда «Хуррият», Қўқонда «Тирик сўз» рўзнонамалари, «Хуррият» жаридаси чиқа бошлади. Бу нашрлар жадидларнинг мустақиллик тўғрисидаги фикрларини тарғиб қилишларидаги асосий минбар бўлиб хизмат қилди.

Бу даврда жадидларнинг Чоризмга ва унинг мустамлакичилик сиёсатига, Туркистоннинг сиёсий-ҳуқуқий институтларига бўлган муносабатлари кескин ўзгарди. Энди улар мустамлакачилик маъмуриятининг айрим вакиллари ҳамда давлат идоралари фаолиятидаги иллатларни танқид қилиш билан чекланиб қолмадилар, балки янада илгарилаб кетдилар. Умуман, мустамлакачиликни танқид остига олдилар, унинг илдиэларини очиб ташлай бошладилар. Чоризмнинг агрессив, истилочилик ва халққа қарши сиёсатини ошқора фош қила бошладилар.

Аввал бош Туркистон жадидлари муваққат ҳукуматни ошқора қўллаб-қувватлаб чиқдилар ва сўнгра Туркистон комитети таркибига кирдилар. Улар маҳаллий аҳолини итоатгўйликка ҳамда янги ҳукуматни, у кўраётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлашга даъват этдилар.

«Шўрои исломия»нинг 1917 йил 25 мартдаги «Мусулмонларга» деб аталган даъватномасида шундай дейилади: «Золим подшонинг қулашида бутун рус халқига ҳеч қандай



зиён етмади, чунки унинг ўрнида халқ ҳукумати ишлаяпти. Бу халқ ҳукумати адолат ҳукумати бўлиб, ҳаммага бирдай қарайди. Шу боисдан янги ҳукумат тўғрисида «номуносиб сўзлар» гапирманг. «Шўрои исломия»нинг 1917 йил 28 апрелда «Нажот» рўзномасида эълон қилинган «Муваққат» низомида мазкур ташкилотнинг вазифалари қаторида «Янги ҳукуматнинг сиёсатидаги мақсадларни амалга оширишга қўмаклашишга даъват этиш» вазифаси ҳам кўрсатилган эди.

1917 йил ўрталаридаги тарихий-сиёсий воқеаларнинг таъсири остида жадидларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ва талаблар янада кескин тус олади - мустақилликни қўлга киритиш гоёси биринчи ўринга қўйилади. Бу гоё Бехбудий, Н.Якушев, О.Тиркишев, М.Шермухамедов ва бошқаларнинг мақолаларида ўз ифодасини топди. Бироқ мустақиллик концепциясининг ўзи 1917 йил апрел, сентябр ва ноябр ойларида Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг Қурултойлари ҳужжатларида; Ш.Шораҳмедов томонидан ишлаб чиқилган ва 1917 йил сентябрда «Улуғ Туркистон» рўзномасида эълон қилинган Туркистон мухторият конституцияси лойиҳасида; «Турк одами марказияти», «Федералист»нинг 1917 йил сентябрида нашр этилган дастурида бирмунча тўлиқ ва изчил баён қилинган эди. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, ўша вақтдаги жадидлар кўпгина шўро муаллифлари ҳақида нотўғри ёзганларидек, Туркистоннинг Россиядан ажралиб чиқиши тўғрисидаги масалани ҳам қўндаланг қўймаган эдилар. Балки ўзларининг конституцион монархияни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги гоёлардан батамом воз кечиб, Туркистонга Россия демократик федератив Республикаси доирасида миллий ҳудудий мухторият бериш тарафдори бўлиб чиқдилар. Чунончи, мусулмонларнинг ўлка Қурултойида «Туркистон» ўлкасининг келгусидаги сиёсий тузилиши резолюцияларида" шундай кўрсатилади: "Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Кавказорти вилоятлари ва у жойларда яшовчи барча халқларнинг миллий-маданий жиҳатдан ўз

тақдирини ўзи белгилашлари асосида ташкил этилган алоҳида ҳудудий мухтор федерация сифатида "Туркистон федератив республикаси" номи билан Россия республикаси таркибига кириши керак". Туркистон жаҳидларининг бошқа дастурий ҳужжатлари ҳам ана шундай ғоялар бор эди.

Жаҳидларнинг аксар мақолалари, кўплаб нутқлари, лойиҳалари ва дастурий ҳужжатларида ҳокимиятнинг юқори идораларини, бошқарув ва суд идораларини ташкил этиш муаммосига алоҳида эътибор берилган эди. Жаҳид муаллифларининг фикрича, мазкур идоралар Туркистон федератив республикаси ваколатларини мустақил равишда амалга оширишлари лозим эди. Чунончи юқорида зикр этилган инқилобларда шундай кўрсатилади. "Туркистон федерациясининг ички бошқарувига доир масалалари бўйича қонунчилик ҳокимияти ва унинг ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқи умумхалқ, тўғридан-тўғри, тенг ва яширин овоз бериш йўли билан 5 йилга сайланадиган, Туркистон ўлкасида яшовчи барча халқлар ваколатининг зарур мутаносиблигига эга бўлган Туркистон парламентиغا тегишли бўлади. Инқилобларда Туркистон парламенти томонидан сайланадиган ва Россия ҳукумати томонидан тасдиқланган махсус котибият ташкил этиш кўзда тутилган бўлиб, унинг зиммасига Туркистон федерациясининг барча тармоқларини амалда бошқариш вазифаси юклатилади.

Шунингдек, "Резолюциялар"да Олий суд органи - "Маҳкамаи Шаръия" деб аталган Сенат ташкил этиш кўзда тутилган бўлиб, унга қонунларни эълон қилиш ва шарҳлаш, умумдавлат қонунлари ва шариат талаблари (мусулмон аҳолиси учун) унинг аниқ ижро этилишини назорат қилиш, барча ҳукумат муассасалари ва шахслар устидан ҳамда барча суд муассасалари ва шахсларнинг суд қарорларини бажаришлари устидан назорат юргизиш ҳуқуқи берилган эди. Сенат Раис ва аъзоларидан иборат коллегиял орган кўринишида бўлиши керак эди. Сенат раиси - бош прокурор

Туркистон федерацияси қонунларининг олий посбони бўлиши лозим эди. Сенаторлар республика аҳолиси томонидан умумхалқ, тўғридан-тўғри, тенг ва яширин овоз бериш йўли билан 5 йилга сайланиши керак эди.

"Резолюциянинг" махсус бандида Туркистон федератив республикасининг Россия республикаси ҳукуматидаги вакиллари ҳақида сўз юритилган эди. Бу вакиллар жадиждларнинг фикрича умумдавлат масалаларини ишлаб чиқишда иштироқ этишлари лозим бўларди. Жадиждлар Туркистон федератив республикаси билан Россия республикаси вазифаларини чегаралаб қўйиш масаласига ҳам жиддий аҳамият бердилар.<sup>74</sup> Улар уруш даврида Россия республикаси ташқи чегараларни қўриқлаш жиноий ва фуқаролик судларини бошқариш, маърифий-маънавий масалаларни (Россия фуқаролари учун), почта, телеграф, темир йўлларни Туркистон қабул қилиш даражасига эришгунга қадар бошқариши, Россия ва хорижий давлатлар ўртасидаги сиёсий муносабатларни, Россия мудофааси ишларини бошқариш вазифаларини амалга ошириши лозим деб ҳисоблаганлар.

Туркистон федератив республикасининг ижтимоий-иқтисодий сиёсий-ҳуқуқий ҳамда маданий ҳаёти билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларнинг барчаси унинг тасарруфида бўлиши, давлат ҳокимияти, бошқарув ва суд идоралари томонидан мустақил равишда қал қилиниши лозим эди. Туркистон федератив республикаси ваколатига тегишли масалалар бўйича қонунлар чиқариш, ўз тузилмалари (милицияси)ни федерацияда ички хизматни ўташ ҳамда тинч даврда хорижий мамлакатлар билан чегараларни қўриқлаш учун ўз қўшинларини хорижий давлатлар ҳамда Россия билан чегара жойларида ўз божхоналарини, газначиликни ва федератив банкни ташкил этиш, тангалар зарб қилиш ҳамда кредит билетларини чиқариш каби масалалар кирар эди.

<sup>74</sup> Правовое государство-независимость, нация, экономика, идеология, политика. т-4. Т. 1994. 149-б.

Шуни таъкидлаш зарурки, жади́длар умуман олганда Туркистоннинг мустақиллиги тарафдори бўлиб чиқар эканлар, иқтисодий мустақиллик тўғрисидаги гоёни биринчи ўринга қўйган эдилар. Уларнинг фикрича, мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминламай туриб, сиёсат, ҳуқуқ ва дин соҳасида мустақилликка эришиш мумкин эмасди. Туркистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш учун биринчи навбатда ерни, ер ости бойликларини, сувни Туркистон халқларининг умумий бойлиги деб эълон қилиш, саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо-сотиқ, қурилиш ва бошқарувни Туркистонликлар қўлига топширишни; зарур маҳсулотларни Туркистоннинг ўзида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, завод ва фабрикалар қуриш янги ерларни ўзлаштириш, савдо-сотиқни, саноат, суғорма деҳқончилик, боғдорчилик, сабзавотчилик ва ҳоказоларни ривожлантиришни зарур деб билардилар. Буларнинг барчаси жади́дларнинг ишончига қўра, Туркистоннинг тўла мустақиллигини қўлга киритиш учун иқтисодий замин бўлиши лозим эди.

Туркистон жади́длари феврал инқилобидан кейин бошқарувнинг фуқароларга демократик ҳуқуқ ва эркинликлар берадиган ва уларни кафолатлайдиган республика шаклининг изчил тарафдорлари бўлиб майдонга чиқдилар.

Жади́дларнинг дастурий ҳужжатлари ва лойиҳаларида: фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш, йигилиш ва митинглар ўтказиш, ижтимоий ташкилотларга ва уюшмаларга бирлашиш, ҳеч кимдан ижозат сўрамай кўчиш сабаблари борасида ҳеч кимга ҳисоб бермай бир жойдан иккинчи жойга эркин тарзда кўчиш, таълим олиш, рўзномалар, жаридалар ва китоблар нашр этиш ҳуқуқлари, сўз, матбуот, виждон ва фикрлар эркинлиги, шахсий мол-мулк, ёзишмалар даҳлсизлиги каби муҳим масалалар эълон қилинган эди. Жади́длар фуқароларнинг ҳам қонун олдида, ҳам ҳукумат олдида тенг бўлиши тарафдори бўлиб чиқдилар. Улар қонунлар ва ҳукумат фуқароларни уларнинг ижтимоий келиб чиқишидан,

моддий ва конфессиал мансублигидан қатъи назар манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини бир хил ҳимоя қилишлари лозим, деб ҳисоблардилар. Фуқаролар эса ўзлари томонидан содир этиладиган хатти-ҳаракат ва живоятлар учун қонун ва ҳукумат олдида бирдай жавобгар бўлишлари лозим, дердилар.

Жадидлар ишчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратдилар. Чунончи, "Турк одами марказияти" партияси дастуридаги махсус бўлимда ишчиларнинг касаба уюшмалар ва жамиятларга бирлашиш, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун умумий ва хусусий иш ташлаш ўтказиш, қариллик ва ногиронлик бўйича нафақалар, касал бўлиб қолганда нафақалар олиш, ўз вакиллари орқали меҳнат низоларини ҳал қилишда қатнашиш ҳақида гапирилган эди.

"Дастур"да Туркистон федератив республикаси адлиясининг асосий принциплари: қонунийлик, айбсизлик презумцияси, суднинг мустақиллиги ва эркинлиги, ҳимоя ҳуқуқи, суднинг ноқонуний ҳукм ва қарори устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ва ҳоказолар тузиб чиқилган эди.

Жадидлар Туркистон халқлари ва элатларининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маданий ҳаётининг барча соҳаларида тенглиги тарафдори бўлиб майдонга чиқдилар. Улар кам сонли миллатларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бердилар. Улар ўз мақолаларида дастурий ҳужжатлар ва лойиҳаларда туб жойи бўлмаган ва кам сонли миллатларни ташкил этган миллатлар ва элатларга мансуб фуқаролар барча ҳуқуқлар ва эркинликлардан Туркистоннинг туб халқлари вакиллари қатори баббаравар фойдаланишлари лозим деб кўрсатдилар.

Жадидлар Туркистон мустақиллиги тўғрисидаги ўз гояларининг рўёбга чиқарилишини энг аввало, мамлакатнинг турли ижтимоий кучлари ўртасидаги тинч-тотувлик, бирдамлик билан боғлаган эдилар.

1905-1907 йиллардаги биринчи рус буржуа демократик инқилоби, 1908 йилдаги Туркияда амалга оширилган Ёш турклар инқилоби, 1911 йилдаги антифеодал ва антиимпериалистик Эрон инқилоби, 1911 йилда Хитойда бўлиб ўтган Синьхай инқилоби ва асримиз бошларида Шарқ мамлакатларида Фарб мамлакатларининг мустамлакачилик зулмига қарши оммавий тус олган миллий-озодлик ҳаракатларининг озодлик, тенглик, мустақиллик, демократия, тараққиёт, истиқлол ҳақидаги талаб ва ғоялари Ўзбекистон халқларининг ўз мустақиллиги учун олиб борган курашнинг кучайишига ва унинг сиёсий-ҳуқуқий талаблари ҳамда ғояларининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

XX аср бошларида 1886 йилдаги «Низом» асосида ташкил этилган давлат органлари тизими Чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатини Туркистонда бекамикўст амалга оширилишини таъминловчи асосий восита сифатида туб ўзгаришларсиз сақлаб келинди. Фақат ўлкада жорий қилинган мустамлакачилик тартибларини янада мустаҳкамлаш, ерли аҳолининг мавжуд тузумга ва унинг сиёсий-ҳуқуқий институтларига қарши нафратини маълум даражада сўндириш, маҳаллий халқларнинг уларга қарши норозилик чиқишларининг олдини олиш ёки уларни бостириш мақсадида давлат ҳокимият бошқаруви, суд ва полиция органлари таркибида арзимас ўзгаришлар қилинди, баъзи органлар ва мансабдор шахсларнинг ваколатлари кенгайтирилди.

1908 йилда Туркистон генерал-губернаторига Еттисув ва Каспийорти вилоятларини бошқариш билан боғлиқ масалалар юзасидан хулосаларини ўз ҳузуридаги Кенгаш мажлисига муҳокама учун киритиш ҳуқуқи берилди. Ушбу икки вилоятнинг ҳарбий губернаторлари Кенгаш аъзоси этиб киритилди. 1906 йил ҳарбий губернаторларга хусусий маблағлар эвазига ер эгаларининг илтимосномаларига биноан қишлоқ жойларида катта ва кичик полиция лавозимлари жорий қилиш, пиёда ёки отлик полиция гуруҳлари ташкил этиш ҳуқуқи берилди.

Жамоатчилик фикри тазйиқи остида Чор ҳукумати 1917 йил арафасида Верний, Самарқанд, Наманган ва бошқа айрим шаҳарларда дума ташкил қилишга рухсат берди. Лекин думаларнинг шаҳарни бошқаришдаги роли чекланган бўлиб, бутун ҳокимият Чор ҳукуматининг вакили - шаҳар бошлиғи қўлида эди. Маҳаллий аҳолининг мавжуд тузумга қарши тобора кучайиб бораётган норозилиғи ва қаршичилиғини бостириш, унинг юриш-туришини, фаолиятини назорат қилишни кучайтириш мақсадида уезд бошлиқларига бўйсунувчи полиция бошқармаси ташкил этилди. Ерли аҳолининг тобора инқилобийлашиб бораётган кайфияти ва фаолиятини назорат қилиш, инқилобий ҳаракатлар иштирокчиларини қидириб топиш ва уларни таъқиб этишни кучайтириш мақсадида 1911 йилда барча вилоятларда махсус қидирув бўлимлари ташкил қилинди.

1905 йилда Тошкент суд округи доирасидаги алоҳида ишларни катта раис ва суд палатасининг уч аъзоси ҳамда маҳаллий округ судининг уч судьясидан иборат таркибдаги махсус мажлисда кўриб ҳал қилиш тартиби жорий қилинди. 1910 йилда Ҳукумат сенати биринчи кассацион департаменти умумий мажлисининг 9-сонли қарорига биноан Туркистон ўлкасидаги қози-судьяларига Россия қонунлари бўйича ~~де~~киноят деб тан олинмаган хатти-ҳаракатларни содир қилган шахсларга нисбатан жиноий жазо белгилаш ҳукуқи берилди. Бу суд органларида ўзбошимчалик, мансабви суистеъмол қилиш, порахўрлик каби иллатларнинг янада чуқурроқ илдиз отишига имконият яратди.

Мустамлака давлат органлари фаолиятининг тобора мутаассиблашуви, таъқиб ва қувғинларнинг кучайиши маъмурий, полиция ва суд органларида кун сайин чуқур илдиз отаётган иллатлар маҳаллий халқларнинг мавжуд тузумга қарши норозилиғини янада ошириб юборди. Юқорида Чор ҳукумати мустамлакачилик манфаатларидан келиб чиқиб, Туркистон ўлкаси маҳаллий аҳолиси ўртасидаги маълум

гуруҳ ижтимоий муносабатларини тартибга солувчи восита сифатида шариат қонунларини сақлаб қолганлиги ҳақида қайд қилинган эди. XX аср бошларига келиб мустамлакачилик ва феодал зулмининг кучайиши, маъмурий идоралар ва суд органларида йил сайин авж олиб бораётган ҳокимиятни суистеъмол қилиш, сансоларлик ва порахўрлик каби иллатлар маҳаллий аҳолининг мавжуд тузумга қарши кўрашининг кескин тус олишига туртки бўлди.

Шу муносабат билан Чор ҳукумати ўлкадаги мустамлака бошқарув, суд ва полиция органларини такомиллаштириш билан ҳуқуқ соҳасида ҳам бир қатор тадбирларни амалга оширишга мажбур бўлди. Жумладан, шариат қоидалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларни қатъий бир меъёрга келтириш мақсадида маълум тадбирларни амалга оширди.

1989 йилнинг 21-28 май кунлари Тошкент шаҳрида шариат қоидаларини маълум бир тартибга келтириш масаласига бағишланган Қурултой бўлиб ўтди. Унда мустамлака маъмуриятидан 15, суд идораларидан 8, укув юртларидан 4, Сирдарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларининг маҳаллий аҳолисидан 29 вакил қатнашди. Қурултой қатнашчилари 1903 йилда Лондонда Кембридж университети ҳинд ҳуқуқи кафедраси профессори Роланд Уильсон томонидан шариат қоидалари тўпламидан қисқартириб олиниб, нашр қилинган меъёрларни Туркистон ўлкасида ҳаракатда бўлган шариат қоидаларига таққослаб муҳокама қилдилар. Таққослаш натижасида ўлкадаги амал қилаётган шариат қоидаларининг ярмидан кўпи тўпламдаги қоидаларга тўғри келиши аниқланди. Бу икки манба ўртасидаги фарқ асосан мулк, мажбурият ва оила-никоҳ ҳуқуқи соҳаларига оид эканлиги маълум бўлди. Шу муносабат билан Туркистондаги суд тажрибаси ҳисобга олиниб, мусулмон ҳуқуқининг бу соҳаларига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди. Қурултойда Остроумов Н.П. бошчилигида мустамлака маъмурияти ва



маҳаллий аҳоли вакилларида иборат махсус комиссия ташкил қилинди. Комиссия Туркистон ўлкасида ҳаракатда бўлган ривоятларни тўплаб, тартибга келтириб «Туркистон ўлкаси мусулмон аҳолисининг рус тилига таржима қилинган ҳуқуқий муносабатлари ҳақида шариат моддалари» номли тўпламини 1910 йида Тошкентда рус ва ўзбек тилларида нашр эттирди. «Шариат моддалари» шу вақтдан эътиборан Туркистон ўлкасида никоҳ ва оила, мерос, мулк ва мажбурият билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда муҳим манба сифатида хизмат қила бошлади.

«Шариат моддалари»нинг биринчи бўлими 121 моддадан иборат бўлиб, унда мусулмонлар ўртасида никоҳни қайд қилиш, никоҳ шартлари, эркакларнинг қандай аёллар билан никоҳдан ўтиши мумкин эмаслиги, куёв томонидан келинга бериладиган маҳр (ҳадя), эр-хотиннинг ўзаро ҳуқуқ ва бурчлари, никоҳни бекор қилиш асослари, турлари ва ҳуқуқий оқибатлари, никоҳни тиклаш, болаинг отаси ва онасини аниқлаш, васийлик ва унинг турлари, васийларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, яқин қариндошларнинг бир-бирини нафақа билан таъминлашларига оид қоидалар ўз аксини топган.

«Шариат моддалари»нинг иккинчи бўлимида 112 модда бўлиб, унда вафот этган мусулмонда қолган мерос, ундан ундириладиган харажатлар, мероснинг турлари, меросхўрлари ва улар ўртасидаги меросни тақсимлаш тартиби, меросдан маҳрум қилиш асослари, 1, 2, 3, 4-даражали мерос олишга ҳақли бўлган узоқ қариндошлар ўртасида меросни тақсимлаш, вазиятга кўра мерос қолдириш, васиятни қонунга хилоф деб топиш асослари ва унинг оқибатлари ҳақидаги қоидалари жамланган.

«Шариат моддалари»нинг учинчи бўлими 61 моддани ўз ичига олган бўлиб, унда ҳадя ва унинг ҳуқуқий оқибатлари, қўзғалмас мулкларни сотиб олишда қўшниларга бериладиган имтиёзлар, мулк ҳуқуқи, унинг объектлари ва субъектлари, мулкдан фойдаланиш, уни эгаллаш ва тасарруф қилиш,

омонат, олди-сотди, қарз бериш ва олиш, қарз берувчилар ва олувчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари билан боғлиқ қоидалар жамланган.

«Шариаг моддалари»ни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Чор ҳукумати ва унинг Туркистон ўлкасидаги вакиллари ўзларининг мустамлакачилик манфаатларидан келиб чиқиб, бу ердаги ҳаракатда бўлган қидаларни твлаб, тартибга келтирган, уларга айрим қўшимча ва ўзгартиришлар киритганлар. Ҳуқуқ соҳасида бундай йўлни тутиш фақатгина Чор Россияси учунгина хос хусусият бўлиб қолмасдан, балки кўпчилик мустамлакачи давлатлар учун ҳам хос бўлган қоидадир. Англия, Португалия, Испания, Франция каби давлатлар ҳам ўзларининг мустамлакалари - Ҳиндистон, Африка Араб Шарқи мамлакатларида ҳуқуқ соҳасида худди шундай сиёсатни амалга оширишган эди.

XX аср бошларида Туркистон ўлкасида, Бухоро амирлиги ва Хева хонлигида бир томондан, ижтимоий ва миллий мустамлакачилик зулмининг кучайиши, иккинчи томондан, демократик-инқилобий ғояларнинг етилиши маҳаллий халқларнинг мавжуд тузумга, унинг ҳимояси йўлида хизмат қилувчи сиёсий-ҳуқуқий институтларига, тартибларига қарши нафратининг тобора ошишига ва фаоллашувига сабаб бўлди. 1905 йилнинг феврал-апрел ойларида волост бошлиқлари ва қишлоқ оқсоқолларининг, Чор маъмурларининг сайловлар давридаги ўзбошимчаликларига қарши Наманган, Андижон уездларида деҳқонларнинг норозилик кўринишидаги галаёнлари бўлиб ўтди. 1906 йилнинг сентябр ойида Тошкент шаҳар думасига сайловлар пайтида дума депутатларига ўз вакилларини ўтказишга ҳаракат қилган бойлар ва уларнинг ҳомийлари - Чор маъмурларига қарши оммавий галаёнлар ва тартибсизликлар бўлди. 1905-1907 йилларда Туркистон ўлкасидаги бир қатор заводларда, темир йўл устахоналарида ишчиларнинг иш ташлашлари, стачкалари, норозилик митинглари бўлиб ўтди.

Биринчи жаҳон уруши арафасида Туркистон ўлкасида ишчилар ҳаракати янади кучайди. 1910 йилнинг ёзида Тошкентдаги Финкел папирос фабрикаси, Драгомиров бекати яқинидаги «Вербов ва К» тошкўмир қони, Мельников бекати яқинидаги «Савто» нефть қорхонаси, шу йилнинг декабр ойида Қўқондаги Потельковнинг пахта тозалаш ва ёт заводларининг ишчилари, 1911 йилнинг август ойида Сулукти «Вербов ва К» қони, 13 сентябрда Самарқанддаги Швайдерман, 8 октябрда Тошкентдаги Кириллов тикувчилик устахоналари, декабр ойининг охирида Тошкентдаги Павлов электростанцияси, 1912 йилнинг 6 февралда «Қизил-қиз» тошкўмир қони, 10 февралда Тошкент темирўли бош устахонаси йилгув цеҳи, март ойида Фарғона вилоятидаги Мельников бекати яқинидаги тошкўмир қони, 12 майда «Туркистанские ведомости» рўзномаси қарф териш цеҳи, 1913 йилнинг март ойи охири апрел ойи бошларида Тошкентнинг бир қатор устахоналари, 6 майда Андрижон қарета устахонаси, 26 июнда «Луи Зальм» устахонаси ички кийимлар бўлими, 5 августда Шпрангер метил заводи, ёзида Тошкент трамвай парки, сентябрда Тошкент вонвойхоналари, 1914 йилнинг апрель ойида Ўрта Осиё темирўли устахоналари, Тошкент трамвай парки, май ойида Қўқон таъмирлаш устахоналари, 3 июнда Тошкент шаҳар қассобхоналари ишчиларининг иш ташлашлари бўлиб ўтди. Бу иш ташлашларда рус ишчилари билан бир қаторда маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам иштирок этдилар. Иш ташловчилар иш ҳақини ошириш, иш шароити ва меҳнат муҳофазасини яхшилаш, иш вақтини қисқартириш, таъқиб ва тазйиқларга чек қўйиш каби талабларни кўтариб чиқдилар.

XX аср бошларида ижтимоий ва миллий-мустамлақчилик зулмининг кучайиши ҳамда Туркистон ўлкасидаги ишчилар ҳаракатининг таъсири остида 1905 йилда Хива хонлигида Чоржуй темирўл депоси ишчилари, Амударё флотилияси матросларининг иш ташлашлари бўлди. Шу йилнинг

16 ноябрида Янги Бухородаги 9 та пахта тозалаш заводларининг ишчилари иш ташладилар. Биринчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон халқларининг, айниқса, меҳнаткашлар оmmasининг иқтисодий аҳволи янада оғирлашди. Бу даврда Россиядан келтириладиган товарлар кескин камайиб кетгани ҳолда, Ўрта Осиёдан Россияга олиб кетиладиган маҳсулотлар миқдори ҳаддан ташқари ошиб кетди. Масалан, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидан Россияга экспорт қилинадиган мевалар миқдори 68 фоиз, хом-ашё миқдори беш баробар ошди. Рус товарларини, айниқса, ғалла келтиришнинг кескин камайиши пахта экиладиган майдонларни қисқартириш эвазига ғалла майдонларининг кенгайишига сабаб бўлди. Жумладан, Хива хонлигида пахта экиладиган майдонлар 45 фоизни ташкил қилди. Лекин уруш шароитида чет давлатлардан пахта сотиб олиш имкониятига эга бўлмаган Чор ҳукумати бутун имкониятларни ишга солиб Россия енгил ва ҳарбий саноатининг эҳтиёжини Ўрта Осиё пахтаси эвазига қондиришга ҳаракат қилди. Уруш йилларида Туркистон, Бухоро ва Хивада пахта экиладиган майдонлар янада кенгайтирилди. Агар 1914 йилда Ўрта Осиёда пахта экиладиган майдонлар 579211 десятинани ташкил қилган бўлса, бу рақам 1915 йилда 652497 десятинани, 1916 йилда 669417 десятинани ташкил қилди.<sup>75</sup> Бу ғалла майдонларининг янада қисқаришига олиб келди. 1915 йилнинг ёзида пахтанинг мажбурий қатъий нархи белгиланди. Биринчи нав пахта толаси нархи илгариги 30-31 сўм ўрнига 24 сўм қилиб белгиланди. 1916 йилга келиб пахта толаси нархи 1.5-2 баробар оширилди, лекин ғалланинг нархи тўрт баробар ошди.

Чор ҳукумати уруш харажатларини қоплаш учун солиқлар миқдорини ошириб юборди. Янги солиқлар жорий қилди. Жумладан, Туркистон ўлкасида ер солиғи 1914 йилда 6859021 сўмни ташкил қилган бўлса, 1916 йилда бу рақам 141311771 сўмга етди; пахтанинг ҳар бир пудидан 2 сўм 50

<sup>75</sup> Қарағ: История УЗССР в 4 томах, Т.2. С. 220.

тийин ҳарбий солиқ ундириладиган бўлди. (Қаранг: Исмоилова Д. Фарғона вилоятида 1916 йил халқ қўзғолони. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1991 й. 8-сон, 26-6).

Уруш йилларида Ўрта Осиёда етиштириладиган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини, унинг табиий бойликларини Россияга ташиб кетиш янада кучайди. Жумладан, фақат Туркистон ўлкасидан 1914-1916 йилларда 41 миллион пуд пахта, 3 миллион пуддан ортик пахта ёғи, 200 минг пуд совун, 300 минг пуд гўшт, 474 минг пуд балик, 70 минг от, 12797 туя, 270 арава, 1344 утов, кўп миқдорда қуруқ мевалар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари Россияга жўнатилган эди. Шунингдек, 1914 йилда Еттисув вилоятидан 34 миллион сўмлик йирик ва майда қорамол, 1915 йилда Сирдарё ҳамда Еттисув вилоятларидан бир миллион бош қўй олиб кетилган. Ўлкада ғалла етиштириш ва чорвачилик орқага кетди. Россиядан ғалла келтириш анча камайди. Натижада рус ғалласига умид боғлаб нуқул пахта эккан ўзбек деҳқони жуда қийин аҳволга тушиб қолди. Озиқ-овқат, кийим-кечак, газлама, қурилиш материалларининг нархи кун сайин ошиб борди<sup>76</sup>. Жумладан, қанднинг нархи 1916 йилга келиб 1913 йилдагига нисбатан 250 фоиз, кийим-кечак нархи 200-300 фоиз, пойафзал 300-400 фоиз ошди. Бунинг устига мустамлакачи маъмурлар ва уларнинг маҳаллий малайлари «фронтал ёрдам» ниқоби остида меҳнаткашлар оммасини очиқчасига талай бошладилар. Халқнинг танг аҳволдан фойдаланган судхўрлар, савдогарлар, бойлар, меҳнаткашларни талашда улардан қолишмасликка ҳаракат қилардилар. Буларнинг ҳаммаси йиғилиб меҳнаткашлар оммасининг янада қашшоқлашишига, ерсиз ва кам ерли деҳқонлар, чорикор ва мардикорлар сонининг кун сайин ошиб боришига сабаб бўлди.

Уруш йилларида Ўрта Осиё халқларини Чор маъмурлари ва уларнинг маҳаллий малайлари томонидан сиқув ва таъқиб остига олиш янада кучайди. Бу айниқса Туркистон

<sup>76</sup> Қаранг: Зияев Х. Туфон. «Шарқ Юлдузи», 1992 йил 3-сон, 104-б.

Ўлкасида кескин тус олди. Рус подшоҳининг «оммавий сафарбарлик ҳақида»ги 1914 йил 18-31 июлда эълон қилинган фармойишига биноан ўлкада истиқомат қилувчи 19-43 ёшдаги эркак жинсидан бўлган рус фуқароларини ҳаракатдаги армияга чақирилиши муносабати билан норозилик митинглари, оммавий тартибсизликлар ва галаёнлар бўлиб ўтди. Бундан ташвишга тушган подшо 1914 йил 14 июлда махсус фармон билан Туркистон ўлкасида фавқулодда ҳолат эълон қилди. Ушбу фармон ижросини таъминлаш мақсадида Туркистон генерал-губернатори томонидан 1914 йил 26 июлда чиқарилган буйруқда барча маҳаллий маъмурлар ўз фаолиятини амалга оширишда «фавқулодда ҳолат»дан келиб чиқиб иш кўриши кўрсатилди. Чор маъмурлари маҳаллий аҳолини қонунга сўзсиз бўйсунушини ва ўлкада қатъий тартибни таъминлаш билан боғлиқ бўлган бутун чораларни кўрдилар. Жумладан, аҳоли орасида урушдаги аҳвол ҳақида ваҳима хабарларни тарқатганлик учун 1000 сўмгача миқдорда жарима ёки уч ойгача муддатга қamoқ жазоси белгиланди. Маъмурларга маҳаллий халқларнинг кайфияти, юриш-туриши ва хатти-ҳаракатлари устидан қаттиқ назорат ўрнатиш, уларнинг онига ватанпарварлик хис-туйғуларини синдириш, барча масжид ва мадрасаларни подшо ва унинг оила аъзоларининг сиҳат-саломатлигига ва роҳат-фароғатини Худодан илтижо қилиб «хутба» ўқиш; маҳаллий аҳолининг ҳар қандай норозилик чиқишларини, хатти-ҳаракатларини ўта қаттиққўллик билан бостириш ҳақида махсус кўрсатмалар берилди ва уларнинг ижроси устидан қаттиқ назорат ўрнатилди.

Россияда 1917 йил феврал буржуа демократик инқилоби галаба қилиши натижасида Чор ҳукуматининг ағдарилиб ташланиши ва муваққат ҳукуматнинг ташкил этилиши, унинг томонидан чиқарилган, умуман олганда, демократик мазмундаги ҳуқуқий ҳужжатлар чекка ўлкаларда, жумладан Туркистон ўлкаси, Бухоро амирияти ва Хива хонлигида моллий овозлик курашининг янада кучайишига туртки бўлди.

Янги ҳукумат томонидан эълон қилинган сўз, матбуот эркинлиги, иттифоқларга бирлашиш, йиғилишлар ўтказиш, иш ташлаш ҳуқуқларини бериш; барча табақавий, диний ва миллий чекловларни бекор қилиш; миллатларни ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи билан таъминлаш; умумий, тенг, тўғри, яширин сайлов асосида ўтказиладиган Таъсис мажлисини чақиришга тайёргарлик кўриш; жойларда демократик принциплар асосида сайланадиган ўз-ўзини бошқариш органларини ташкил қилиш имкониятини бериш ҳақидаги ваъдалар таъсири остида Туркистон, Хива ва Бухоро миллий-озодлик кураши янада фаоллашди, мустақиллик учун кураш майдонида янги ижтимоий-сийсий кучлар, жамятлар, фирқалар пайдо бўлди.

Умуман олганда, демократик мазмундаги ўзгаришлар қилиш ҳақида катта ваъдалар берган муваққат ҳукумат Туркистон ўлкасининг давлат органлари тизимида ва уларнинг фаолиятида сезиларли ўзгаришлар қилмади. Ўша даврдаги Туркистон генерал-губернатори ўзининг 1917 йил 8 мартда чиқарган буйруғида халққа шаҳарда ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини «ҳадя» қилиш, касаба иттифоқларига бирлашишга рухсат бериш, муҳофаза бўлими фаолиятини тўхтатиш ҳақида сўз юритган бўлсада, барча мустамлака органларидаги мансабдорларга ўз жойларида қолишни буюрди. Куропаткиннинг чор ҳукумати давридаги мустамлака давлат аппаратини янги шароитга мослаштиришга қаратилган уринишлари муваққат ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланди. Туркистонда фақат ўлка микёсидаги эски давлат органларигина сақланиб қолмасдан, балки жойлардаги ҳокимият органлари: ҳарбий губернаторлар, уезд бошлиқлари, участка приставлари, волост бошқарувчилари тўлиғича сақланиб қолинди.

Подшо ҳокимиятининг ағдариб ташланганлиги ҳақидаги хабар ва муваққат ҳукумат томонидан эълон қилинган демократик ҳуқуқ ва эркинликлар таъсири остида фаоллашган халқ Туркистон шаҳарларида оммавий митинглар, намойиш-

лар ва йиғилишларда ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб чиқа бошлади. Тошкент, Самарқанд, Янги Бухоро, Андижон, Наманган, Қўқон, Фарғона, Хўжанд, Қизил Арват, Петр-Александровский, Ашхобод, Красноводск ва бошқа шаҳарларда, посёлкаларда ишчи ва солдат депутатлари Шўролари тузилди, уларнинг раҳбар органлари сайланди. Тошкент, Скобелев шаҳарларида мусулмон меҳнаткашлари иттифоқлари ташкил топди.

Кун сайин фаоллашиб бораётган демократик кучлар тазйиқи остида муваққат ҳукумат Туркистон ўлкасининг давлат органлари тизимида айрим ўзгаришлар қилишга мажбур бўлди. 1917 йил 31 март куни Тошкент ишчи ва солдат депутатлари шўроси, Туркистон Ижроия қўмитаси, Мусулмон депутатлар шўроси ва Деҳқонлар Иттифоқи вакилларининг қўшма мажлисида генерал А.Н.Куропаткинни, унинг ёрдамчиси, М.Р.Ерофеевни ва Туркистон ҳарбий округи штабининг бошлиғи Н.Н.Сиверсни вазифасидан четлатиш ҳақида қарор қабул қилинди. Шундан сўнг Туркистон Генерал губернаторлиги тугаталди, ҳарбий губернаторлар вазифасидан четлатилиб, улар ўрнига муваққат ҳукуматнинг вилоят комиссарлари, уезд бошлиқлари ўрнига эса уезд комиссарлари тайинланди. Россиянинг Бухородаги вакиллари А.Я.Миллер ва Н.А.Мульга чақириб олинди.

1917 йил 7 апрел куни муваққат ҳукумат Туркистон қўмитасини ташкил қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди. Унга Самарқанд, Фарғона, Сирдарё, Закаспий ва Еттисув вилоятларида, шунингдек, Хива ва Бухорода муваққат ҳукумат номидан ҳокимиятни амалга ошириш ваколати берилиб, Туркистон ўлкасида қатъий тартибни ўрнатиш ва таъминлаш вазифаси юклатилди. Туркистон қўмитаси раиси этиб Давлат думаси аъзоси, кадетлар фиркасининг йўлбошчиларидан бири Н.Н.Шепкин, аъзолари этиб Алихон Букейханов, Муҳаммаджон Тавишбоев, Садриддин Мақсудов ва генерал майор А.А.Давлетшиевлар тайинланди. Туркистон қўмита-



сининг Хивадаги вакили этиб генерал И.М.Зайцев ва Мир-Бадалов белгиланди.

Муваққат ҳукуматнинг Туркистон қўмитаси амалга ошмайдиган ёлгон ваъдалар беришдан нарига ўтмади. Бу меҳнаткашлар оммасининг, умуман демократик кучларнинг янада фаоллашишига олиб келди. 1917 йил апрел ойининг ўрталарида Самарқанда, май ойи бошларида Вернийда, июн ойида Қўқонда ва Хўжандда, июлда Марғилонда ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларида мусулмон меҳнаткашларнинг иттифоклари, Самарқанд, Наманган, Андижон, Қуок, Қизилқия, Бишкек, Ўш, Ашхобод, Чоржўй, Красноводск ва бошқа жойларда социал-демократик ташкилотлар ва гуруҳлар ташкил этилди.

1917 йилнинг 3-4 июлида Петроградда ишчи ва солдатларнинг муваққат ҳукуматнинг сиёсатига қарши норозилик намоёишининг шафқатсизлик билан бостирилиши Россия ва унинг чекка ўлкаларида, жумладан, Туркистондаги вазиятни янада кескинлаштириб юборди. Буржуа-демократик инқилобининг тинч ривожланиш даври тугаб, ҳокимиятни эгаллаш учун қуролли қўзғолонга тайёргарлик кўриш даври бошланди. Бу жараёнда большевиклар раҳбарлигидаги ишчи ва солдат депутатлари Шўролари янада фаоллашдилар.

» Феврал инқилобидан сўнг Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги, ва Хива хонлигидаги турли хил йўналишдаги миллий ижтимоий-сиёсий кучлар ҳам фаоллашди. Бир қатор ташкилотлар, жамиятлар ва фирқалар ташкил топди. Тошкентда «Шурои Исломия» ва «Шурои Уламо», вилоятларда уларнинг булимлари; Андижонда «Озод», «Озод халқ», «Хуррият» «Маърифат», вилоятларда уларнинг бўлимлари; Самарқанда «Муравват-ул исломия»; Каттакурғонда «Равнакул ислом» каби ташкилотлари ва жамиятлари; Тошкентда «Турк адами марказият», «Федералист», Хивада «Ёш хиваликлар», Бухорода «Ёш бухороликлар» фирқалари шулар

жумласидандир. 1917 йилда тўрт мартаба мусулмонлар Курултойи чақирилди.

Тошкентда «Турон», «Турк эли», «Улуғ Туркистон», «Нажот», «Кенгаш», «Шурои исломия» рўзномалари, «Ал-Изоҳ», «Кенгаш», «Ишчилар дунёси» ойномалари, Самарқандда «Хуррият» рўзномаси, Қўқонда «Тирик сўз» рўзномаси, «Хуррият» ойномаси ва бошқалар нашр қилина бошланди. Уларнинг саҳифаларида демократик ҳуқуқ ва эркинликлар, озодлик ва мустақиллик ҳақидаги ғояларни тарғиб қилишга кенг ўрин берилди. 1917 йилнинг апрел ойига келиб миллий ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг ва фирқаларнинг амалий фаолияти янада фаоллашди. Жумладан, апрел ойида «Шурои исломия» ташкилотининг ташаббуси билан умум-мусулмонлар Курултойи бўлиб ўтди. Унда Туркистон мухториятининг сиёсий тузуми ҳақидаги масала муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинди. «Ёш хиваликлар» фирқаси ўзининг сиёсий талаблари баён қилинган «Манифест» лойиҳасининг хон томонидан имзоланиши ва эълон қилинишига, хон қошида мажлис вакиллар кенгаши ва ҳукумат вазирлар кенгаши тузишга эришди. «Ёш бухороликлар» амирнинг чекланмаган ҳокимиятига қарши чиқа бошладилар. Бухорода ислохотлар ўтказиш тўғрисида амир томонидан «Баённома» эълон қилиниши муносабати билан намойиш уюштирдилар. Лекин миллий демократик кучларнинг фаоллашувидан манфаатдор бўлмаган мутаассиб кучлар уларга қарши кескин чоралар кўрди. Жумладан, Бухородаги амир бошчилигидаги мутаассиб кучлар «Баённома»ни мақуллаб намойиш уюштирган «Ёш бухороликларни» бир бошдан киришга киришдилар. Қирғиндан омон қолганлари Янги Бухорога, кейинчалик Туркистонга қочиб ўтишга мажбур бўлдилар. 1917 йилнинг июн ойида Хива хони бошчилигидаги мутаассиб кучлар муваққат ҳукуматнинг Туркистон қўмитаси вакили генерал Мир Бадалов ёрдами билан «Ёш хиваликлар» томонидан ташкил этилган Мажлис ва ҳукуматни тарқатиб юборишга

муваффақ бўлди. Хонликда «Ёш хиваликларга» нисбатан таъқибнинг кучайиши уларнинг асосий кучларини Туркистон худудига қочиб ўтишига мажбур қилди.

1917 йилнинг сентябр-октябр ойларида Туркистонда турли ижтимоий сиёсий кучлар ўртасидаги ҳокимият учун кураш кескин тус олди. Айниқса, ўлкада бутун ҳокимиятни ишчи ва солдат депутатлари Шўролари қўлга олиш учун большевиклар қизгин тайёргарликни бошлаб юбордилар. Бунга жавобан ўлка мусулмонлари ҳам ҳокимият учун курашни янада кучайтирдилар. Сентябрь ойининг охирида Туркистон мусулмонларининг ўлка қурултойи чақирилиб, унда ҳокимиятнинг фақат ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Шўролари қўлига ўтишига кескин қаршилик билдирдилар.

1917 йилда экин майдонларининг қисқариши, ҳосилдорликнинг камайиши, нарх-навонинг ҳаддан ташқари кўтарилиб кетиши, ёқилғи, хом-ашё таъминотининг ёмонлашуви натижасида кўп корхоналарда ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолиши туфайли келиб чиққан ишсизлик, ўлкада авж олиб кетган очарчилик оқибатида меҳнаткашлар оммасининг аҳволи чидаб бўлмас даражага етди. Буларнинг ҳаммаси халқнинг муваққат ҳукумат олиб бораётган сиёсатига қарши норозилигини кучайтириб юборди. Бундан фойдаланган турли ижтимоий-сиёсий кучлар муваққат ҳукумат ва унинг жойлардаги органларига қарши тарғибот-ташвиқт ишларини қизитиб юбордилар. Бу борада айниқса, адидлар алоҳида фаоллик кўрсатганлар.

### III боб

## Жадидчилик ҳаракатининг сиёсий-ҳуқуқий дастурлари

Жадидчилик ҳаракатининг асосий мақсади Туркистон халқларини маърифатлаштириш, сиёсий онгини уйғотиш, ижтимоий дунёқарашини шакллантириш йўли билан мустамлакачилик кишанларини парчалаб, мустақил миллий демократик давлатни барпо этиш эди. Жадидлар ана шу мақсадда XX аср бошларидаги айрим илғор демократик мамлакатларнинг давлат қурилишини ўрганиб, ҳатто француз маърифатпарварларининг сиёсий ва ҳуқуқий дастурлари билан танишиб, ўзларининг сиёсий-ҳуқуқий дастурларини ишлаб чиқдилар.

Агар биз, масалан, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг саёхатномаси билан танишсак, унинг хорижий мамлакатларга фақат мусулмон оламининг муқаддас жойларини зиёрат этиш мақсадида бормаганига ишонч ҳосил қиламиз. У қаерга борган бўлмасин, ўша ердаги идора усули билан, жамиятнинг демократик институтлари билан қизиқди. Муфти сифатида шариятнинг ҳуқуқий асосларини яхши билган М.Бехбудий дунёвий билимга ҳам эга бўлиб, илғор мамлакатларнинг, шу жумладан, Россиянинг Конституцияси ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларини ўрганди.

Ёки биз, масалан, Мунаввар қори Абдурашидхоннинг "Ер юзи" ("Жуғрофия") ўқув қўлланмаси билан танишсак, унинг XX асрнинг дастлабки чорагидаёқ ер юзидаги кўплаб мамлакатлар ва улардаги давлат тузумлари тўғрисида аниқ тасаввур ва билимга эга бўлганини кўрамиз.

М.Бехбудийнинг ҳам, М.Абдурашидхоннинг ҳам бошқа давлатлардаги сиёсий тузум билан қизиқиши бежиз бўлмаган. Жадидлар бу масала билан онгли равишда ва аниқ мақсадда қизиққанлар. Улар шу асосда Туркистоннинг кела-

жакдаги усули идораси қандай бўлиши керак, деган саволга жавоб ахтарганлар.

Шубҳасиз, жадидларнинг сиёсий ва ҳуқуқий дастурларини фақат давлат тузуми масалалари билангина чегаралаш тўғри бўлмайди. Уларнинг қизиқиш ва билим доиралари гоят кенг ва биз ушбу масаланинг турли томонларини имконимиз борича ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Шуни айтиш жоизки, жадидлар сафи фақат М.Бехбудий ва Фитрат, ёхуд Мунаввар қоридан иборат бўлмаганидек, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари ифода этилган мақола ва рисолалар ҳам оз эмас. 1906 йилдан чиқа бошлаган жадид вақтли матбуоти саҳифаларида уларнинг кўплаб мақолалари эълон қилинган. Бутун бу мақолаларнинг ҳаммасини ўрганиб чиқиш бир кишининг қўлидан келадиган ишлардан эмас. Шунинг учун ҳам биз ушбу тадқиқотда жадидларнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари мужассамланган барча манбалардан фойдаландик, деган даъводан узоқмиз. Бу манбаларнинг катта бир қисми бизда умуман сақланмаган бўлса, иккинчи бир қисми билан тўла танишиб чиқиш имконига эга бўлмадик.

Шунга қарамай, ушбу тадқиқотда жадидларнинг XX асрнинг биринчи чорагидаги Туркистон ҳаёти ва келажаги учун муҳим аҳамиятга молик сиёсий-ижтимоий қарашлари ўрганилади, деган умиддамиз.

### **1-фасл. Абдурауф Фитратнинг сиёсий-ижтимоий ва ҳуқуқий қарашлари**

Ўзбек жадидчилик ҳаракати намояндалари орасида гарчанд Махмудхўжа Бехбудийнинг ижтимоий фаолияти аввалроқ бошланган бўлса-да, унинг ижтимоий ва ҳуқуқий қарашлари, асосан, Фитратнинг “Мунозара” ва “Ҳинд сайёҳи баёноти” асарларидан кейин ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам Фитратнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий

қарашлари тўғрисида устоз Бехбудийдан аввал баҳс юритиш ўринлидир.

Ўзбек жадидчилик ҳаракатининг улкан сиймоларидан бири Фитрат Бухородаги дастлаб эски мусулмон мактаби, сўнг “Мир Араб” мадрасасини тугатган кезларда Бухоро амирлиги ҳудудларида янгилашниш кайфияти билан йўғрилган зиёлилар ҳаракати эндигина уйғона бошлаган эди. Ана шу ҳаракат ташаббускорларининг интилишлари билан 1909 йилнинг эрта баҳорида “Ширкати Бухорои шариф” ҳомидаги маърифатпарварлик жамиятининг йўлланмаси билан бир киши Боқчасаройга ва яна бир киши Истанбулга “усули жадида” билан танишиш учун юборилди. Бухоро уламолари бу жамиятга ва унинг қўшви ўлкалар билан алоқа ўрнатишига қаттиқ қаршилиқ кўрсатганлари сабабли, кўп ўтмай, ширкат ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди. Аммо 1909 йил 18 июнь куни Бухоронинг тараққийпарвар ёшлари “Тарбия атфол” номли янги жамиятга асос солдилар. Яна уламо-ларнинг қаршилигига дуч келмаслик истагида янги жамият ўзининг ҳар бир қадамини яширин тарзда ташлаб, ёшларнинг чет элга ўқишга боришлари учун ҳам махфий равишда иона тўпладилар. Чамаси, ширкат томонидан Боқчасарой ва Истанбулга юборилган кишиларнинг ўз сафарларидан олган таассуротлари Истанбулдаги усули жадида мактаблари фойдасига бўлган. Шунинг учун ҳам “Тарбия атфол” бухоролик ёшларнинг орасида умидли ҳисобланган вакилларини Туркияга юборишга қарор қилган. Бу ёшлар орасида Фитрат ҳам бор эди.

Шундай қилиб, Фитрат 1909-1913 йилларда Истанбул дорилфунунида таҳсил кўрди.

Фитратнинг шахсий ҳаёти ва ижодида муҳим аҳамиятга молик бўлган ана шу давр ҳақида турли муаллифлар турлича – баъзан бир-бирига зид, баъзан эса бир-бирини тўлдирувчи маълумотларни берганлар. Ушбу давр Фитрат дунё-

қарагининг шаклланишида муҳим бўлгани учун шу фикрлар билан танишиш зарар қилмайди.

“Ўзбек фитратшуносларининг мақола ва тадқиқотларида бу даврга оид савалар жуда чалқаш кўрсатилган,- деб ёзади филология фанлари доктори Ҳамидулла Болтабоев. - Ҳатто бу воқеаларнинг шоҳиди С.Айний ҳам Фитратнинг хорижда бўлган даврини бир ўринда 1910 йил, деб айтса, бошқа бир ўринда 1911 йил деб кўрсатади. Нисбатан ишончли манбалардан бири сифатида XX аср бошларида Туркистонда яшган олим ва сиёсий арбоб Заки Валидий Тўғоннинг хотираларига мурожаат қиламиз. Уларда қайд этилишича, 1910 йили Бухорода “Тарбияи атфол” жамияти тузилган бўлиб, у йилига хайрия йўли билан бир неча талабани хорижга ўқиш учун юбориб турган ва у ерда ўз шўъбаси (филиали)ни очишга муваффақ бўлган. Бу шўъба “Бухоро таълими маориф жамияти” номи билан расмий жамият мақомини олган. 1910 йилда Эрон йўли билан Константинопол (Истанбул)га келган шоир Фитрат билан Муқимийдин ҳамда Россия йўли орқали келган Усмонхўжа, гулжали Абдулазиз, Содиқ Ашур ўгли бу жамиятнинг қурувчилари эдилар. Бу жамият ўн етти моддадан иборат бўлган ўз низомномасига эга бўлиб, асосан, Бухородан ўқишга юборилган талабаларнинг моддий аҳволи ва маънавий муаммолари билан шугулланган. Унинг ҳужжатларида кўрсатилишича, 1911 йилда Истанбулга ўқишга келган 15 ва 1912 йилда келган 30 илми толибига жиддий ёрдам берилган.

Фитрат, табиийки, хорижга ўқишни давом эттириш мақсадида борган эди. Бу ҳақда турли манбаларда турлича хабарларни учратамиз. Уларда Фитратнинг, жумладан, “вуфузли дорилфунунда ўқигани (Темур Хўжа ўгли), “муаллимлар гимназияси”да таҳсил кўргани (Боймирза Ҳайит) ва “Вайзин” мадрасасида таҳсил билан чекланмай, унинг ўзи айрим ҳолларда мустақил маърузалар ҳам ўқигани (Заки Валидий Тўғон) баён қилинади. Бизнингча, буларнинг ичиди

нисбатан ишончлиси сўнги манба ҳисобланади. Чунки, Фитратнинг бу мадраса билан боғлиқ фаолияти айнан шундай мазмун касб этгани ўша муаллифнинг бошқа бир асариди ҳам айtilган.”<sup>77</sup>

Сирасини айтганда, бизга Фитратнинг Истанбулдаги қайси ўқув масканида ўқиганлиги эмас, балки бу ўқув даргоҳи туфайли унинг дунёқарашида қандай ўзгаришлар юз берганлиги муҳимроқдир. Шу маънода проф. Беғали Қосимовнинг қуйидаги сўзлари ҳам эътиборга лойиқ:

“Туркия “Ёш турклар” инқилобидан маст йиллар эди. Хусусий турмушдан жамият ҳаётигача инқилоб ҳавосига гарқ эди. Бундай муҳит Фитратга, шубҳасиз, катта таъсир кўрсатди. У сиёсатга шўнғиб кетди. Қизгин бадий ижод билан шуғулланди. Аслини олганда, у Туркияга кетишдан олдин ҳам адабий давраларга танилган эди. Ҳатто Неъматулла Муҳтарам уни 1903-1904 йилларда тузган тазкирасига киритган. Жумладан, унинг “Мижмар” (хушбуй уд ёқиладиган чўғдон) тахаллуси билан шеърлар ёзганини хабар қилади. “Сухандонларнинг ҳарифи” (пахлавони) эканлигини таъкидлайди, ота касбига ишора қилиб, “сарроф” деб атайди. Руҳиятни гоёт нозик бир ифода этган тожикча газалини намуна қилиб келтиради. Шуларни кўзда тутиб бўлса керак, Айний 1926 йили тузган “Намунаи адабиёти тожик” китобида Фитратни тожик совет адабиётининг асосчиси, деб кўрсатади.”<sup>78</sup>

Агар Фитрат Туркияга ўқишга боргунига қадар, яъни 1903-1904 йиллардаёқ “Мижмар” тахаллуси билан форс-тожик тилида лирик шеърлар ёзган ва шу шеърлари билан эътибор қозонган бўлса, у Истанбулга келган йилиёқ (1909) бу лирик шеърларидан кескин фарқ қилувчи, Туркистон жадидчилиқ ҳаракатига узоқ йиллар мобайнида дастур ул-

<sup>77</sup> Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар, 1-жидд. - Т.: Маънавият, 2000. - Б. 6-7.

<sup>78</sup> Абдурауф Фитрат. Чин семаш. - Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. - Б. 6.



амал бўлиб хизмат қилган “Мунозара” асарини ёзиб, нашр этди.

Фитрат 1929 йили вульгар социолог танқидчилардан бири Ж.Бойбулатовнинг танқидий чиқишларига жавоб ёзган “Ёпишмаган гажаклар” номли мақоласида бу асарнинг яратилиш тарихига доир баъзи бир маълумотларни баён қилиб, бундай ёзган:

“Мақолангизнинг бир ерида мени Туркия султониغا мактуб ёзиш билан айблайсиз. Мен умримда Туркия султониغا мактуб ёзмадим, бу менга тамоман тухмат! 1908 йилда ёзганим бир асаримда Бухоро амирига қаратилган бир хатим бор, буни инкор қилмайман. Лекин 8-йилда Бухоро хонлигида ҳукм сурган диний таассубни ва шунга таянган идора усулини эслайсизми?” У вақтда бир калла 2 тийин эди. Ҳибс қилиш, ўлдириш, сангсор қилиш кундаги одатлардан эди. У замонларда китоб ёзишнинг ўзи кофирлик эди. Мен шу вақтларда биринчи асаримни ёздим. *Бухоронинг идора усулини, таълим-тарбия усулини, бир кўп расмий идораларни танқид қилдим.* (курсив бизники – Р.Ш.) Бу китоб Бухорода тарқалар эди.

Унинг ноширлари бўлгон Бухоро жадидларини таҳликага туширмаслик учун амирга қаратиб бир сўзбоши ёздим ва шунинг билан гўё танқиднинг унга эмас, маъмурлига ойдин бўлгонини кўрсатдим... Менинг Бухоро амирига қарши ҳар вақт курашганим ва курашган ташкилотларга раҳбарлик қилганимни билмаган йўқ.”<sup>79</sup>

Бу асарнинг тўла номи “Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жадида мактаблари хусусинда қилган мунозараси”дир. Китобнинг биринчи нашрида сарлавҳадан кейин: “Ҳақиқат фикрлар алмашувининг оқибатидир”, деган сўзлар ёзилган. Гарчанд, баъзи манбаларда “Мунозара”нинг 1909 йилда нашр этилгани қайд этилган бўлса-да, унинг биринчи наشري, фитратшунос Ҳ.Болтабоевнинг

<sup>79</sup> Кўчирма кўрсатилган манбадан олинди. – Б. 248.

аниқлашича, ҳижрий 1327 ва милодий 1911 йили Истанбулда “Исломия” матбааси томонидан амалга оширилган. Асар 1912 йилда “Туркистон вилоятининг газети”да, кейинчалик, алоҳида китобча шаклида Ҳожи Муин таржимасида ўзбек тилида чоп этилган.

Фитратнинг Истанбулга келиши арафасида Бухоронинг маърифий-маданий ҳаётида иккита муҳим воқеа рўй берган эди. Бу воқеаларнинг биринчиси 1908 йилнинг ёзида жадидчилик ҳаракатининг отаси Исмоилбей Гаспиралининг Бухорога келишидир. У Бухоро зиёлилари билан учрашиб, уларга мактаб ва мадраса таълимида ислоҳот ўтказишни маслаҳат берган. Ҳатто ўзи ҳам Бухорода биринчи усули савтия мактабини очмоқчи бўлган. Иккинчи воқеа эса Исмоилбей Гаспиралининг рағбатлантирувчи сўзларини эшитган Бухоро жадидларининг Саллоҳхона гузарисидаги Мирзо Абдулвоҳид ҳовлисида И.Гаспирали орзу қилган мактабни очишларидир. Афсуски, ҳар қандай янгиликни кофирликнинг кўриниши сифатида баҳолаган уламо, кўп ўтмай, бу мактабнинг ёпилишига эришган.

Фитрат ўз асарини ана шу сўнгги воқеа таъсирида ёзган.

“Мунозара” бухоролик икки кишининг – бири “қадим”-чи, иккинчиси эса жадид бўлган, тўғрироғи, жадидчиликка мойил, европача тарбия кўрган кишининг суҳбати тарзида ёзилган. Улар ўртасида жадид мактаблари ва Бухородаги бир қатор ижтимоий масалалар бўйича бўлиб ўтган баҳс-мунозаралари асарнинг гоъвий мазмунини белгилайди.

Фаранги (асар қаҳрамонларидан бири) билан Мударрис (асарнинг иккинчи, салбий қаҳрамони) ўртасида суҳбат бошланиши биланоқ ўзини Бухоронинг шарифлигига боис бўлган турли илмларнинг вакили, деб билган мударриснинг ҳатто “жуғрофия” сўзини тушунмаслиги аён бўлади. Ҳатто, бора-бора Бухоронинг ўн миллионли аҳолисидан жуда оз қисмигина саводли экани ошкор бўлади. Бундан хабар топган Фаранги Мударрисга бундай сўзларни айтади:

**“Фаранги:** Бухоронинг барча мардумлари, дунёнинг иззати ва охиратининг шарофати билан илмдан ҳам махрум қолганлар. Оқибат бу илмсиз ҳаётнинг ҳосили минг турли тубанликдирки, бундан қандай қаноат ҳосил қилиш мумкин?..

...Пайғамбарингиз... “Илми Чиндан бўлса ҳам изланг”, “Бешиқдан қабргача илм изланг”, “Илм дунёнинг иззати ва охиратнинг шарафидир” ҳикматлари билан ўзларининг барча умматларини илм таҳсилига даъват этмаган бўлар эди. Бинобарин, Бухоро ишлари шу қадар жаҳолатга ботганки, аҳоли илмли бўлганидан кейингина тартибга тушади”.<sup>80</sup>

Фаранги баҳс давомида ўзини Пайғамбарнинг уммати деб билган мударриснинг на Қуръон суралари, на Пайғамбарнинг ҳикматли сўзларига риоя қилмай, маслакдошлари билан бирга Бухорои шарифдек қутлуғ масканни жаҳолат ботқоғига ботириб юборганини бирма-бир исботлаб беради.

Шу ерда нозик бир нуқта бор. Фаранги образи замирида гарчанд бухоролик жадид прототипи ётган бўлса-да, Фитратнинг бу ижобий қаҳрамонни Фаранги деб аташи бежиз эмас. Негаки, у жадидчиликка четдан, хайрихоҳ кишининг кўзлари билан қаровчи персонажгина эмас, балки европалик илғор кишиларнинг тимсоли ҳамдир. У ўрни билан ўзининг европадик “илдизлар”ини ҳам очиб, бир ўринда бундай дейди:

**“Фаранги:** ...Биз, фарангилар, динингизнинг душмани эсак-да, диний хусуматларимиз тақозо қилганидек, Қуръон ва Ҳадисларингизни куйдириш ўрнига, улардан ўз манфаатимиз нуқтаи назаридан фойдаланмоққа, чанқоғимизни қондирмоққа ўргандик. Унинг амрларини амалга оширдик ва фавқулодда тараққиётга эришдик” (49-бет).

Фитрат бу сўзлар билан Фарбнинг Шарқ фани ва маданияти ютуқларидан баҳраманд бўлган ҳолда катта ютуқларга эришган, Шарқнинг ўзи эса “гафлатда қолиб, Қуръоннинг саодатли ҳукмларидан ҳамда ҳикматли хабарларидан баҳра

<sup>80</sup> Абдурауф Фитрат. Талланган асарлар, 1-жилд. – Б. 48-49. Бундан кейин “Мувозара”дан олшган кўчирмалар манбаи матндан кейин қавс ичида кўрсатиб борилади.

ололмай, таназзул тубига тушган”, деб биллади. Ва мударрис билан Шарқ туфайли “фавқулудда тараққиёт”га эришган Фарбнинг вакили бўлмиш фарангини ўзаро тўқнаштиради, улар ўртасида бўлиб ўтган фикр алмашувида ҳақиқат нурларининг таралишини кузатади.

Шундай қилиб, Фитрат “Мунозара”даги Фаранги образи орқали Бухоро амирлигидаги ижтимоий ва маданий вазиятга бўлган муносабатини баён этиб, ўзининг сиёсий ва ҳуқуқий аҳамиятга молик бўлган фикрларини ифодалайди. Шу маънода Фаранги Фитрат қарашларининг ифодачиси ва ҳатто жарчиси ўлароқ майдонга чиқади.

Фитрат жадид сифатида, биринчи навбатда, инсоннинг дунёга келиб, илм олиш ҳуқуқига эгаллиги ва шу ҳуқуқдан фойдаланиши лозим эканлигини таъкидлайди. Унинг бу ҳуқуқи Пайгамбар ҳикматлари ва Қуръон сураларига уйғун бўлишига қарамай, жамиятдаги фикри қотиб қолган кимсаларнинг қаршилигига учраб, оёқости қилиниши унда кучли эътироз уйғотади. Умуман, “Мунозара”да ана шу руҳ – уламолар тутган психологияга, улар эгаллаб турган маррага қарши исён кўтариш, норозилик кайфиятини ифодалаш пафос даражасига кўтарилади. Агар инсоннинг илм олиш ё олмаслик ҳуқуқи фақат унинг ўзига, тақдирига таъсир этганида, бу у қадар катта фожиа бўлмаслиги мумкин. Лекин, модомики, жамият кишилар йиғиндиси ва бирлигидан иборат, Бухоро амирлигидаги халқ оммаси эса илм ва маърифатдан узоқда яшаётган экан, бу нарсанинг амирликдаги ижтимоий-сиёсий тузум ва маданий шароитга таъсир этмаслиги мумкин эмас. Шунинг учун ҳам дин олимларининг, амирликдаги реакцион гуруҳнинг гайриилмий ҳаракати оқибатида амирлик ижтимоий тузум сифатида чириди, халқ оммаси эса жаҳолат ботқоғига ботди. Бинобарин, Фитратнинг, яна такрорлаймиз, жадид сифатида, янги усулдаги мактабларни ҳимоя қилиши, ёшларни мадрасаларда йиллаб ижтимоий ҳаёт учун муҳим бўлмаган “фан”лар ўрнига ҳаётий зарур дунёвий фанларни

эгаллаши лозимлиги тўғрисида жон куйдириши – бу халқнинг, ўзбек давлатчилигининг эртанги куни тўғрисида қайғуриши эди.

Мударрис Фарангининг ҳар қандай мантиқли, асосли фикрларини “кофирлик”ка йўйиб, уларни рад этади. Шунда Фаранги бир пайтлар мусулмонобод ўлкалардан бири бўлган Испанияни мисолга келтириб, бундай дейди:

**“Фаранги:** ...Улкан Андалус қитъаси 450 йил мусулмон султонларнинг идораси остида уламо ва фузалонинг кўплиги бўйича мусулмон ўлкаларининг биринчиси эди. Жуда кўп уламо киром этказиб, бисёр авлиёи изом етиштирди. Андак гафлат шумлиги ва андишасизлик оқибатида Испания насронийларнинг тасарруфига ўтиб қолди. Бир олам уламо ва авлиёнинг умри ўтган масжид ва мадрасалар бутхона, ўша бутун ислом улуғларининг қабрлари бутпарсатлар томонидан поймол бўлган. Илгари азон садоси янтраган жойларда бутун қўнгироқ овози жарангламоқда” (66-бет).

Шубҳасиз, Фитрат “Мунозара”ни ёзган вақтда мусулмончилик асосларини ҳурмат қилган киши эди. Лекин у Испаниянинг мусулмонлар қўлидан насронийлар ихтиёрига ўтиб кетганини ачиниш туйғулари билан айтмайди. Балки ўтмишда рўй берган воқеалардан сабоқ олиш керак, деган маънода шу сўзларни айтади. Сўнг фикр нишабини мақсад сари буради:

**“Фаранги:** ...Бухоронинг ўзини ўруслар эгаллаганларми ё йўқми? (асар ёзилган вақтда, ҳар ҳолда Бухоро амирлиги Қўқон ва Хива хонликларидан фарқли ўлароқ ярим мустақил бўлган – Р.Ш.). Агар эгалламаган бўлсалар, ҳар куни император томонидан амирга ё консулдан қушбегига келадиган янги бир таклифнинг боиси нима? Шояд бу ҳукмлар дўстонадир, деб айтсангиз, мен ҳам камоли одоб билан Сизга дейманки, нега буни муқобили сифатида амирдан ҳам ўрус давлатига бирор таклиф бўлмапти?” (67-бет).

Фаранги бу сўзларини давом эттирар экан, яна бундай тарих фактларини юзага чиқаради:

**“Фаранги:** ...Жаноби мударрис! Бухоро илгарилари тугал мустақил ва икки милйўн нуфузи бўлган бир давлат эди. Музаффарнинг мағлубиятидан кейин хонлик тантанаси амирликка, истиқлол дабдабаси вассалликка ўзгарди, раият нуфузи уч барабар, ер майдони эса ўн барабар тушиб кетди... Агар яна бир оз муддат эски гафлатингизни давом эттирсангиз, дин ва миллатингизнинг гамини емасангиз, шараф ва номусингизнинг муҳофазасини ўйламасангиз, меҳрибон она-Ватанингизнинг ҳуқуқини унутсангиз, жаҳонгир Темур бобонгизнинг шаъни ва иззатига хиёнат қилсангиз, бу мужассамани ваҳималар доирасидан ҳам чиқариб ташлаб, номнишонсиз, шарафсиз, иззатсиз роҳат уйида азалабад ухляя-жаксиз!” (68-бет).

“Мунозара” Фитратнинг юрагида жўшиб турган ана шу башоратли фикрни айтиш учун ёзилган!

Фитрат бу асарни ёзган вақтда бор-йўғи 23 ёшда эди. У тарихий жараёни таҳлил этиши ва воқеаларнинг мантиқий ўсиш қонуниятини яхши билиши орқасида 1917 йил Октябрь инқилобинини саккиз, 1920 йилдаги “Бухоро инқилоби”ни эса, ўн бир йил аввал башорат этган. У ана шу башорати амалга ошмаслиги учун бошқа ҳаммаслаклари билан бирга жадид мактаби ва жадид маърифатчилигини тарғиб этишни ўзининг виждоний бурчи, деб билган.

**“Фаранги:** ...Илм мулк-мамлакат ободлигининг сабабчиси-дир. Илм миллат тараққийсининг боисидир. Илмдирки, Амриқо ваҳшийларининг қайнашини ушбу даражадаги такомул ва буюклик мартабасига етказган. Илмдирки, Эрон зами-нида зиёлиларни йўқ қилмоқчи бўлган икки отни таназзул ва зиллат чоғига қулатган. Илмдирки, бир сиқим инглиз ороли эгаларини Ҳинд, МиҶр, Белужистон ва Арабистоннинг бир қисмига фармонраво қилган, ўруснинг зиёли бўлмаган аҳлини

Татар, Қирғиз, Туркистон, Қафқаз мусулмонларига молик килиб қўйган..." (62-бет).

Жадид мактаби, Фитрат наздида, илмнинг бешигидир. Бу бешикдан кейин, албатта, махсус ўрта ва олий ўқув юрталарининг бўлиши ва ёшлар таҳсилни шу тарзда, занжирсимон давом эттиришлари зарур. Илм фақат сабоқ олиш, газета-журналларни ўқиш эмас, деҳқончилик, саноат, муҳофаа ҳам илми, янги техникани тақозо этади. Кичик бир оролнинг эгаси бўлмиш инглизлар илм орқасидан қудратли ҳарбий давлатга айланиб, жаҳоннинг қарийб ярмини босиб олганлар. Туркистон ва Бухоро ҳудудларидаги ҳокимлар эса илмсизликлари орқасида ўз ватанларини душман қўлига топшириб қўйибдилар. Фитрат айтмоқчи бўлган фикр ана шу ўзанда ҳаракатланади.

Мударрис гарчанд ҳамма нарсада "кофирлик" изларини кўрса-да, ислом ҳуқуқининг масиҳий давлатлар тажовузи билан топталаётганини сезмайди, масжидларга итлари билан кирган чор амалдорлари, уларнинг назарида, исломий қадриятларни оёқости қилмайди, инсон эътиқоди ва ҳуқуқларини поймол этмайди. Улар бундай катта нарсалар билан эмас, балки жадид мактаби ўқувчиларининг курсида, худди ўрмаларга ўхшаб, ўтириши билан чиқиша олмайди. Илмсизлик ҳатто уларнинг кўзларини ҳам торайтириб қўйган.

Мударрис Фарангининг Бухоро амирлигидаги вазиятнинг оғир ҳолга келганлигини кўрсатувчи факт ва далиллар олдида эсанкираб, ундан нажот йўлини кўрсатиб беришни сўраганида, Фаранги нажот фақат жадид мактабларида эканини айтади. Фарангининг бу жавоби бугунги авлодга соддадиллик бўлиб туюлиши мумкин. Аммо халқни маърифатли этмай, уламони жаҳолат ботқоғидан чиқармай туриб, жамият кемасини тараққиёт манзиллари сари бошлаш, мустақлақликнинг сиқилиб келаётган занжирларидан халос бўлиши маҳол эди. Шунинг учун ҳам жадидларнинг нажот йўли

сифатида янги усулдаги мактабларни тарғиб этиши ва очиши тарихан тўғри эди.

Жадидларнинг диққат марказларини доим эгаллаб турган масалалардан бири – аёллар масаласи. Фитрат кейинчалик “Оила” деган махсус рисола ҳам ёзиб, аёллар масаласига оид қарашларини анчагина кенг баён қилган. Аммо бу масаланинг Фитрат ижодида биринчи бор кўтарилиши худди шу асарда юз берди. Ёзувчи Бухородаги аёллар масаласини, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, жамиятда тутган ўрни масаласини ҳам, шубҳасиз, мактаб билан ўзаро боғлиқ ҳолда қўйган. Шунинг учун унинг бу борадаги қарашларини маълум бир якунга эга, деб бўлмайди.

Асарнинг ана шу масала баён қилинган қуйидаги лавҳасига эътибор беринг:

**“Фаранги:** ...Энди айтинг-чи, Бухорода аёллар ҳам таҳсил оладиларми ёки йўқ?

**Мударрис:** Йўқ, аёллар таҳсил кўрмайдилар.

**Фаранги:** Нега уларни таҳсилдан бебаҳра қолдирганлар? Аёл ақли таълим ва тарбия хусусида эркакдан камроқ бўлмаса керак. Бизнинг ҳакамлардан бири айтадики: “Биз Америка ва Франсиё аёлларининг ихтиролари мушоҳадасини кейин билдикки, аёлнинг тушуниш даражаси эркакникидан кам эмасдир.” Ва Сизларнинг Пайгамбарингиз ҳам буюрадики,... “Илм олиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёлга фарздир.” Аёлларнинг тарбияти фойдали бўлиб,... “Кимки яхшилик келтирса, унга ўн баравар...” оятининг ҳукмига кўра, яхши амалларга эга бўлишлик вожибдир. Негаки, яхши амаллар яхши ахлоқсиз мумкин бўлмайди... Бизнинг биринчи тарбиямиз оналаримиз тарафидандир, уларнинг ўзлари тарбия кўрмаган бўлсалар, биз ҳам уларнинг ёмон тарбиясидан ҳамиша ёмон ахлоқ эфаси бўламиз. Шу сабабли донолар бизнинг оламни инсоният доирасидан ташқарида, деб биладилар. Юртнинг бахтсизлиги заминнинг саодатсизлигидирки, аёллар



у ерни таълим ва тарбия шарафидан махрум қиладилар” (58-59 – бетлар).

Шубҳасиз, Мударрис жонли тимсоли бўлган мусулмон уламоларининг аёлларга бўлган, уларнинг жамиятдаги ўрнига бўлган муносабати Фарангининг бундай қарашига зиддир. Уларнинг фикрича, аёл туғиш ва насл қолдириш учунгина Оллоҳ томонидан яратилган:

**“Мударрис:** Ажаб одам экансиз. Беҳуда ишларнинг ташвишини қиялпсиз. Аёлларнинг яратилишидаги ҳикмат “таволуд ва таносул”(туғиш ва насл қолдириш)дир. Мен аввалдан арз қилдимки, бизда таҳсил 37 ёшда тамом бўлади. Бу суратда агар аёлларни ҳам таҳсил эттирсак, уни тугатгандан сўнг, ёши 37 га борганда, ҳеч бир эркак уларга рағбат қилмайди ва у вақтда “силсилаи таносул” (кетма-кет насл қолдириш) узилган бўлади” (59-бет).

Мударрис усули жаҳид мактабининг, эски мактаб ва мадрасадек, узоқ чўзилмаслигини эшитганида ҳам ўз билганидан қолмай, “сайраш”да давом этади:

**“Мударрис:** Фаранги биродар, бўлмайди, асло бўлмайди. Сиз осон бўлган таҳсил усулини қабул қилганимизда ҳам яна бўлмайдики, қизларни илм таҳсили учун кўчага чиқариб юборсак. Негаки, эркакларимизни ахлоқи бузуқдир. Тездан уларнинг таҳсилини фасодга йўлуқтиради” (59-60 – бетлар).

Баҳсининг давомидан маълум бўлишича, эркаклар ахлоқининг бузуқ бўлиши ҳам шариатдаги маълум бир нозикликларга боғлиқ; демак, эркаклар ахлоқининг бузилиши, хотин-қизларнинг умумий таълим тизимидан маълум даражада четда ишлаб турилишига боис ҳам эски таълим усуллари-ю бу усулларнинг суянчи бўлган уламолар экан.

Шундай қилиб, Фитрат Фаранги билан Мударриснинг баҳси орқали ўз даврининг ички зиддиятларини, жамиятни ҳаракатга келтирувчи кучлар ўртасидаги курашни, ўзбек халқининг ҳанузга қадар феодал тузум шароитида, жаҳолат оғушида яшаётганлиги сабабларини очиб ташлайди. Фитрат,

бошқача айтганда, аср бошларидаги ўзбек жамиятининг анатомиясини бизга, жарроҳ ўлароқ очиб, унинг яллиғланган, чириб сасиган томонларини рўй-рост очиб беради.

Фаранги Мударриснинг усули жадида мактабига бўлган барча эътирозларини ўз далиллари билан бартараф этар экан, буздай мактабларнинг нафақат Истанбул, Боғдод, Ноғойистон ва Кавказда, балки Мадинаи мунавварада – ислом динининг марказида ҳам очилгани ҳақида маълумот беради ва бу мактаблар “аввалгидан олимроқ, мутадаийинроқ ва ватанпарварроқ” шогирдларни етиштириб чиқараётганини айтади. Чамаси, худди шу ўринда “ватанпарвар” сўзи Фитрат томонидан биз тушунган маънода биринчи марта қўлланади.

Фитрат талқинидаги усули жадида мактабининг эски мактабдан фарқи шундаки, “болани олти ёшлигидан мактабга юборадилар, у ўн тўққиз ёшида олим, мутадаийин, ватанпарвар, диндўст, миллатпараст, сиддик, одил, тамом исломий амрларга мутъи, бутун инсоний шартларга муштамал бир шахс бўлади. Демак, мактаби қадим ва мадрасалардаги усули қадим билан бирга ўттиз йил, таҳсили жадида муддати эса ўн уч йилдир” (83-84 – бетлар).

Таҳсилнинг жадидлар ишлаб чиққан бу усули хотин-қизларнинг ҳам тўлақонли илм олишларига имкон туғдиради; бинобарин, “усули жадидага кўра, осонлик билан аёллар ҳам, эркаклар ҳам олим бўладилар” (85-бет). “Таҳсили жадида, – дейди Фитрат ўз қаҳрамони тилидан, – қизни олти ёшлигида мактабга берадилар, агар хоҳласалар, ўн саккиз, аксарият ўн тўрт йил ўқитиб, тафсирхон ва ҳадисхон олима қилиб куёвга берадилар” (84-бет).

Фитрат хотин-қизларнинг эркаклар билан барабар илмдан баҳраманд бўлмаслиги жамият ва халқ тақдирига салбий таъсир кўрсатиб келгани ва ҳозир ҳам кўрсатаётганини алоҳида таъкидлайди. Худди шу масала ёзувчининг ижтимоий

ва ҳуқуқий қарашларида марказий ўринлардан бирига чиқадди.

Фикримизча, ушбу муаммонинг илдишларини ижтимоий воқеликнинг ўзидан кидириш керак. Аёл кишининг жамиятда, уни бошқариш ва оилада тутган ўрни ҳақида гап кетар экан, юридик фаълари доктори Фозил Отахўжаевнинг қуйидаги фикрини келтириш ўринли бўлади, деб ўйлаймиз:

“Жамиятда мавжуд бўлган иқтисодий муносабатларнинг меҳнат тақсимотига таъсири никоҳ-оила муносабатларида ҳам намоён бўлади. Оилада эркакнинг бош бўлиши бошқа оила аъзоларининг ҳуқуқий мақомига тегишли асосда таъсир этади. Эркакнинг оиладаги ҳукмронлиги иқтисодий ҳукмронлик оқибатидир...

...Давлат тўнтарилишига қадар Туркистон ўлкасида никоҳ ва оила муносабатлари шариат ва одат қоидалари билан тартибга солинган. Шариат ислом мамлакатлари учун қўлланиши мажбурий қонун бўлган, шариат бўйича хотин-қизларнинг ҳуқуқи бирмунча чеклаб қўйилган, оилада эр бошлиқ бўлган...

...Шариатнинг гувоҳлик масаласидаги қоидаларидан бири эркаклар томонидан берилган гувоҳликнинг хотинлар гувоҳлигига нисбатан афзал ҳисобланишидир. Шариат бўйича эркаклар хотинларга қараганда устун турганлар, шу сабабли битта эркакнинг берган гувоҳлиги тўла далил, битта аёл томонидан берилган гувоҳлик эса ярим далил ҳисобланган. Шунинг учун шариат икки аёл томонидан берилган гувоҳликни битта эркак томонидан берилган гувоҳликка баробар, деб ҳисоблайди. Бундан ташқари жиноят ишларида, қоида бўйича аёллар гувоҳликка чақирилмаганлар ва улар томонидан берилган гувоҳлик эътиборли ҳисобланмаган.”<sup>81</sup>

<sup>81</sup> Отахўжаев Фозил. Ўзбекистон Республикаси никоҳ туғрисидаги қонунларининг ривожланиши ва уларни такомиллаштириш муаммолари. Докторлик диссертацияси. - Т.: 2000, -Б. 82-83.

Келтирилган бу маълумотлар ҳам жамиятнинг аёл кишининг ўзи, сўзи ва тақдирига нисбатан бўлган муносабатини кўрсатиб турибди.

Энди Фитратнинг асари муносабати билан бошлаган фикримизни давом эттирсак.

Фаранги жадид мактабини очишни тақозо этаётган масалаларни бирма-бир қайд этиб, Мударрисга дейди:

**“Фаранги:** ...Биришчи: Сизларнинг мактаб ва мадрасагиз таҳсил усули гоят узоқдир, шу сабабдан бечора аёллар улар учун ҳам фарзи айн бўлган илм ва ирфон шарафини қўлга киритишдан маҳрум қолмоқдалар. Иккинчи: улар илмсиз қолмоқдалар, ҳар (бир) илмсиз тарбиясиз бўлгани каби, улар ҳам тарбиясиз бўлиб қоладилар. Маълумдурки, ким тарбиясизнинг қўлида катта бўлса, у тарбиясиз ўсади. Бинобарин, Сиз ҳаммангиз тарбиясиз қолмоқдасиз, чунончи, қолгансиз ҳам...” (90-бет).

Фаранги ўзининг бу сўзлари билан Мударрисни ҳам жамиятнинг тарбия кўрмаган аъзоси, деб тушунади ва бу фикрни унинг юзига дангал айтади. Мударрисни бундай аташнинг боиси шундаки, унинг онаси илмсиз бўлган; бинобарин, ўз фарзандларини, чунончи, Мударрисни ҳам тарбия қила олмаган. Ўз навбатида, Мударриснинг хотинида илмсиз улгайгани учун уларнинг фарзандлари ҳам тарбиясиз бўлиб ўсади.

Фитрат тарбия деганда ўқимишли одамни назарда тутди. Тарбиянинг асосий унсурларидан бири, унинг фикрича, илм. Бинобарин, Фитрат талқинида, ота-она тарбияси илм билан қўшилган бўлиши, аниқроғи, фарзанд мактаб кўрган, маълумотли, жаҳолатдан йироқ ота-она томонидан тарбияланиши лозим. Агар шу Мударриснинг ўзини мисолга оладиган бўлсак, у ва унинг ўзига ўхшаш, фикрий даражаси тубан хотини фарзандларини қандай тарбия қилишлари мумкин? Агар жамият шу Мударрисга ўхшаш кишилардангина иборат бўлса, бу жамиятнинг таназулга юз тутиши, жаҳолат

ботқоғига ботиши шубҳасиздир. XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистонни рус истилочилари қўлига тилла патнисда топширган кишилар шу Мударриснинг оталари эмасми? Бир пайтлар жаҳонни титратган қудратли давлатни ҳалокат ёқасига олиб келган шу Мударриснинг боболари эмасми?

Фитрат гарчанд Фаранги тили билан тарихий жараённи ана шундай таҳлил этувчи сўзларни айтмаса-да, улар ўз-ўзидан бизнинг миямизда пайдо бўлади. Фитрат шу нарсаларни билади. Шунинг учун ҳам жаҳид мактабини очиш зарурлигининг ижтимоий сабабларини кўрсатишда давом этади:

**“Фаранги:** ...Учинчи: Сиз насронийлар устингиздан галаба қилиб, номингизни олам саҳифаларидан ўчириб юборишга восита бўлган илмларни таҳсил олмоғингиз лозим...

...Насроний давлатлар ҳарбий аскар, оловли ҳарб қуроллари: тўп, милтиқ, динамит, бомба сингари, лашкарни сафарбар этмоқ учун эса, кема ва бронепоездларга эга. Мусулмонларнинг ҳам мазкур асбобга энг мукамал тарзда эга бўлиши лозимми? Ё уларнинг муқобилида ўзининг номунтазам лашкарини таёк, пичок, ханжару эгри шамшир, тийра камон билан қуролланиб, от-аробаларда йўлга тушиб, ҳеч қандай қаршилиқсиз ўзини кофирларга мағлуб ва исломнинг йўқ бўлишига маҳкум этадиларми?..

Насроний давлатлар ишлатаётган қурол-яроғлари одамнинг бир неча минг йиллик илм ва ижтиҳодининг натижасидир. Асрлар ўтмоқдаки, ҳануз бирор нафар мусулмон улардан бирор намунасини ясаганини эшитмадик. Ва аминмизки, бундан кейин ҳам ясамасалар керак. Магар вақти етдики, ҳозирги кунда таҳсил билан умумни комилликка етказса” (90-92 – бетлар).

Фитрат ана шу тарзда ўз фикрини ривожлантира бориб, нафақат усули жаҳида мактабини очиш, балки яқин келажакда насронийлар ихтиёрида бўлганидек, ҳарб қуролларини

ясашга ёрдам берадиган илмларни ҳам ўрганиш лозимлигини таъкидлаб кўрсатади.

Шу ўринда бир нарсани айтиш жоизки, жадидчиликни қоралаш авж олган Совет ҳокимияти йилларида бу оқимнинг ўз олдига фақат маърифат масаласини, мактаб тизимини ислоҳ этиш масаласини кўйгани айтилар ва шу билан жадидчиликнинг чегараланганлиги ҳақида оғиз тўлдириб гапирилар эди. Фитратнинг 1909 йилда ёзган “Мувоозара”сиёқ бу фикрнинг ўта сохта эканини исботлаб турибди. Жадидлар, хусусан Фитрат, яқин келажакда илм-фанни ривожлантириш орқасида ҳатто ҳарбий қуролларни ишлаб чиқариш ва мустақиллик учун курашишни ҳам орзу қилганлар.

Фитрат ўз “Мувоозара”си билан мадраса таълимининг даврдан орқада қолганини, уни тубдан ислоҳ этиш зарурлигини исботлаб берди.

Фитрат Мударриснинг пўпанак босган фикрларини бир-ма-бир рад этиб, ниҳоят, унинг сўнги далили – Амир Темур, Маҳмуд Ғазнавий, Нодиршоҳ Эронийларнинг “тараққиёт замонлари”да машҳур бўлган мусулмонларнинг ана шу мадрасадан чиққанликлари масаласига тўхтаб, унга сўнги қақшаткич зарба беради:

“Фаранги: Қайси замонни айтяпсиз? Бу подшоҳларнинг тараққиёт замони қачон бўлган?.. Улар эгаллаган оламлар қаёқда кетди? Амир Темур ҳодисаларининг ахбори бир кечда Ҳиндга етиб боради, деб қачон гумон қилган? Бир нафар одам йўлнинг икки мўнг қадамидан бир соатда эллик кишини тортиб кетиши Нодиршоҳнинг хотирдан ўтгани?.. Бу подшоҳлардан ҳар бири Ҳиндни Чинга қадар қабзайи тасарруфияга олганига шубҳа йўқ, лекин улар ўтиши билан ўша шаҳарлар ҳам аввалги ҳолатига қайтган, уларнинг тараққиёти муваққат, ўша шахсларнинггина ҳаётига боғлиқ эди. Овруша давлатларининг тараққиёти эса домийдир...” (93-бет).

Ана шу тарзда Фаранги билим ва мантиқ кучи билан ўзини менсимай, ҳатто сенлаб қўпол муомала қилган Мударрисни мот қилади ва Мударрис баҳс охирида унинг “хийла донишмандлиги”ни тан олиб, сизлашга ўтади.

Фитрат ўз ижодининг тонгида ёзилган бу асари билан 1909 йилда – 23 ёшидаёқ ҳам диний, ҳам замонавий фах ва техника бўйича катта билим, юксак маданият эгаси эканини намоён этди. Унинг бу асарида олға сурилган ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари жаҳидчилик қирғоғига яқинлашиб келаётган ёшлар сафини кўпайтириб, уларни руҳий, маънавий ва илмий жиҳатдан том маънода қуроллантирди.

Фитрат Туркияга борган пайтда “Ёш усмонлилар”нинг инқилобий ҳаракати бу ўлкани ларзага келтирган, бинобарин, унинг бу ҳаракат натижаларидан сабоқ олгани, унинг ташаббускорлари билан мулоқотда бўлгани шубҳасиздир. Шунинг учун ҳам мазкур асар “Ёш усмонлилар” ҳаракати таъсирида ёзилган, десак хато бўлмайди.

Хорижда нашр этилган “Миллий Туркистон” (1952 йил, 80-81-сонлар) журналида ёзилишича, Фитрат Истанбулдаги муаллимлар гимназиясида ўқиётган пайтда “Ёш усмонлилар” фаолияти билан яқиндан қизиққан ва уларнинг ҳаракат усулларини диққат билан ўрганган. Шу билан бир қаторда, у Туркияда нашр этилган “Турк юрду”, “Сирот ул-мустақим” ва “Таърифи муслимин” сингари газета ва журналларни ҳам мунтазам равишда кузатиб борган ва бу нашрларда эълон қилинган мақолалар Фитратни “Мунозара”ни ёзишга илҳомлантирган. Хорижий муаллифнинг бу фикри шу билан тасдиқланадики, Фитрат ушбу нашрлардан бири “Таъриф муслимин” орқали Бухоро вазири Насруллоҳбек Парвоначига “очиқ хат” йўллаб, унда, жумладан, “Мунозара”даги фикрлари билан ҳамоҳанг бўлган куйидаги сўзларни ёзган:

“Ҳар қанча кўз ва қулогингизни беркитсангиз ҳам, бу қадимий ислом миллатининг фарёди ва муқаддас ватанимизнинг хароблигига ачинмай тура олмайсиз... Миллатимиз ва

юртимизни шу ҳолга келтириб қўйдикки, дунёнинг бурчагида энг қийин кунларда ташвиш чекиб яшаётган одамлар ҳам бизнинг аҳволимизга қон йиғламоқдалар”<sup>82</sup>

Кези келганда айтиш керакки, Фитрат Бухоро вазирига “очиқ хат” ёзибгина қолмай, балки “Мунозара”нинг хотима қисмида бевосита амирнинг ўзига ҳам мурожаат этган. Аммо унинг бу мурожаати бошқа мақсадни, яъни “Мунозара”да баён этилган танқидий фикрлар амирга эмас, балки амирликдаги мутаассиб кишиларга қаратилганини айтиш ва унинг газаб оловини уларга қаратишни кўзда тутган. Шу билан бирга, у китобхонларга ҳам мурожаат этиб, Фаранги номидан айтилган фикрларини яна бир карра улар хотирасига қуйишга интилган.

“Мунозара” ўз вақтида ёзилган ва кейинги жадидчилик ҳаракатига катта таъсир кўрсатган асар эди. Унинг ана шу таъсир кўрсатиш қудратини сезган самарқандлик драматург Ҳожи Муин форс-тожик тилидан ўзбек тилига пьеса тарзида таржима этди ва бу икки пардали сатирик асар, театршунос олимларнинг маълумотига кўра, Самарқанд ва Тошкент саҳналарида муваффақият билан қўйилди. Ҳожи Муиннинг “Эски мактаб ёки Янги мактаб” (1916), Хуршиднинг “Жадид ва қадим” (1919) пьесалари Фитратнинг “Мунозара”си таъсирида майдонга келди. “Мунозара”нинг бундай катта аксадо касб этиши унда Фитратнинг катта маҳорат билан ифодаланган фалсафий, тарихий, сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий қарашларидир.

Фитратнинг Туркиядаги талабалик йилларида ёзган иккинчи насрий асари “Ҳинд сайёҳи баёноти” деб номланган. Роман услубида ёзилган бу асар, Садриддин Айнийнинг фикрига кўра, Бухоро аҳолисига “Мунозара”дан ҳам кўра кўпроқ таъсир кўрсатган. Бу ҳар иккала асар мавзу нуқтаи назаридан ўзаро яқин: уларда бухоролик ёш талабанинг она юртида

<sup>82</sup> Қўчирма Ҳ.Волгабоевнинг Фитрат “Танланган асарлар”нинг 1-жилдига ёзилган сўзбошисидан олинди. - Б. 9.



ҳукм сураётган вазиятни халқ ва унинг келажаги фойдасига ўзгартиришга қаратилган фикрлари етакчилик қилади. Агар Фитратнинг биринчи асарида Фаранги билан Мударрис гўё Ҳиндистонда дафъатан учрашиб қолиб, ўзаро баҳсга киришган бўлсалар, бу асарда Ҳинд сайёҳининг Бухорода кўрган-кечирганлари тасвир доирасига тортилган. Асарда Бухоро амирлиги ҳудудидаги ҳаётнинг барча ижтимоий ва маданий қирралари ёритилган, муаммолари ўртага ташланган. Бу асарда ҳам амирликдаги нохуш манзараларни фош этиш пафоси устувор аҳамиятга эга. Файзулла Хўжаевнинг ушбу асарда “амирликнинг чирик системаси” кескин фош қилинган тўғрисида айтган сўзлари унинг Бухоро амирлигига қарши курашда “Ёш бухороликлар” учун дастур ул-амал аҳамиятига молик бўлганидан шаҳодат беради.

“Ҳинд сайёҳи баёноти” ҳам форс-тожик тилида ёзилган бўлиб, 1912 йили Истанбулда нашр этилган. Фитрат энди бу асарда Бухоро ҳақида кўп яхши гапларни эшитган ва шу гаплар таъсирида бу кўҳна мулкка ташриф буюрган Ҳинд сайёҳи образиде ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам, асарда ҳинд сайёҳининг назарига тушган ва унда ё салбий, ё ижобий фикрларни уйғотган ҳодисалар муаллифнинг типиклаш “галвири”дан ўтган ва асарга муайян мақсадда жалб этилган ҳодисалардир. Бинобарин, бу ҳодисаларга берилган баҳо ва бу ҳодисалар таъсирида пайдо бўлган фикрлар ҳам ёзувчи учун айни муддао бўлган фикрлардир.

Фитрат бу асарга ҳам ҳинд сайёҳи билан бирга иккинчи персонажни киритишни лозим, деб топган. Аммо, “Мунозара”дан фарқли ўлароқ, бу персонаж Ҳинд сайёҳининг антиподи, аксилқиёфаси эмас, балки маслакдоши бўлган бухоролик навқирон йигитдир. Уни биз “Ёш бухороликлар” ҳаракатининг келгуси аъзоси сифатида идрок этсак, хато бўлмайди.

Фитрат асар бошида Бухоро аҳолисини уч тоифага ажратиб кўрсатади: булар - уламо, умаро ва фуқародир. У уламони бундай таърифлайди:

“Маълумингизки, Бухоро қадимдан ғоят доно ва зукко бўлиб етишган фузало аҳлини тарбиялаб, вояга етказган. Ҳар куни бир Абу Али, Форобий, Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий ва Улутбек кабиларни жаҳонга ҳадиа этиб, шу тариқа ўзининг шарафли доврўғини жаҳон халқларининг кулоқларига зирак қилиб таққан. Аммо, мана, икки юз йилдирки, ўзининг илмий қимматини йўқотмиш. Мирзажон Шерозийнинг<sup>83</sup> келиши билан Бухоро уламолари “зиёдати лафзи салосин” маънисини таҳқиқ этишдек нафъсиз ишга берилиб, адашмишлар. Туркистонлиларнинг кўпчилиги айна шунда таҳсил кўрганлари боис бухоролиларга эргашиб, улар ҳам жаҳолат ва ғафлат ботқоғига ботмишлар. Алал оқибат маданият осмонининг порлоқ юлдузи, инсоният китобининг нурли саҳифаси бўлмиш Туркистонни дўсту душман олдида эшитиш ва ғапуриш бобида уятлиқ бир ҳолга етказмишлар, ҳалокатга мубтало этмишлар” (98-99 – бетлар).

Кўрамизки, Бухоро аҳолисини ташкил этган уч тоифа ичида салмоқли мавқени эгаллаган уламо “Мунозара” орқали танишимиз Мударриснинг қавмидир. Фитрат ана шу тоифанинг “нафъсиз иш”ларга берилиши ва адашиши орқасида Бухоро амирлигини XVIII асрдан бошлаб тубанликка юз тутган ва бугунги кунда “жаҳолат ва ғафлат ботқоғи”га ботган, деб ҳисоблайди.

Фитратнинг фикрига кўра, иккинчи тоифа, ўз навбатида, икки гуруҳга ажралади:

“Биринчи, жоҳил ҳокимзодалар бўлиб, оталарининг ҳукмронлиги даврида фиску фужур ва бемаъниларча маишатга берилиб, барча инсоний фазилатлардан, ҳатто, зарурий хат-саводдан ҳам бебаҳра қолишлар. Бошқа бир тоифа аттор ва боққоллар бўлиб, ҳар икки дунёнинг саодатидан имкон борича баҳрамандлик истамишлар ҳамда илму фазл таҳсилини инсоний фазилатлардан биладиларки,

<sup>83</sup> XVIII асрларда Эрондан келиб, Бухорода ўрнашган мударрис.

ҳаммалари бирлашиб, турлича йўллар билан ҳокимликнинг олий мартабасига етмишлар”.<sup>84</sup>

“Миллат қандай юксалади, мамлакат қайси йўл билан бойийди, давлатнинг хазинасини қандай тўлдириш мумкин” каби масалалар Фитрат томонидан умаро тоифасига киритилган кишиларнинг тушига ҳам кирмайди. Негаки, улар: “Муайян ҳокими мансабдорнинг халқ олдидаги вазифаси недан иборат, халқнинг ҳокимга нисбатан ҳуқуқи қай даражали” каби андишаларни ҳеч қачон эшитмаганлар.

Бухоро амирлигидаги мудҳиш ҳаёт манзараларининг “муаллифлар”и, Фитрат назарида, ана шу ҳар икки тоифа кишиларидир.

Биз юқорида учинчи тоифани тилга олган эдик. Ёзувчи бу тоифага нисбатан муносабатини бундай изоҳлайди:

**“Фуқаро:** Бу бечораларда айб йўқ, улар ҳар ишга қодир-дирлар. Бироқ айблари шундаки, буни ўзлари ҳам билмайдилар” (100-бет).

Фитрат Бухоро ҳақидаги ана шундай хулосавий фикрлар билан Ҳинд сайёҳи қиёфасида Бухоро дарвозасига етиб келади. Сайёҳ тушган арава қуёш ботганидан бир мунча кейин шаҳарга етиб келгани туфайли Бухоро дарвозаси ёпилган ва шаҳар ташқарисида қолган мусулмонларда ичкарига кириш умиди қолмаган эди. Лекин улардан кейин етиб келган “икки-уч аравадаги арманлар” ҳам, сўнграқ “яхудий тўла бир неча аравалар” қаршисида ҳам дарвозалар осонгина очилиб, улар шаҳарга бемалол кириб кетадилар. Орадан бир қанча вақт ўтгач, бояги арманилардан бири ўз итининг шаҳар ташқарисида қолганини сезиб, уни ҳам чақириб, олиб кириб кетади. Аммо арманиларнинг, ҳатто, ити қаршисида очилган дарвоза соҳиблари уларни ит ўрнида ҳам кўрмайдилар. Фитрат ана шу тарзда асар муқаддимасидаёқ умаро

---

<sup>84</sup> Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 1-жилд. – Б. 99-100. Бундан кейин “Ҳинд сайёҳи баёноти”дан олинган кўчирмалар манбаи матнда кейин кавс ичида кўрсатиб берилди.

тоифасининг фуқарога бўлган муносабатини яққол кўрсатиб беради.

Гарчанд фуқарога берилган тавсифда “бу бечораларда айб йўқ”, дейилган бўлса-да, сайёҳ тушган араванинг жин кўчада қаршисидан келиб қолган арава туфайли тўхтаб қолиши ва икки ўртада уриш чиқиши манзарасида фуқаронинг ҳам беайб эмаслиги маълум бўлади. Уларнинг ҳар иккиси ҳам “ориятли” бўлгани учун четланиб, иккинчисига йўл беришни хоҳламайди. Фақат муштлашиш натижасигина кимнинг “марҳаматли” бўлиши кераклигини аниқлаб беради. “Улар ҳар ишга қодирдирлар. Бироқ айблари шундаки, буни ўзлари ҳам билмайдилар” – биз шу саҳнада бу сўзларнинг чуқур маънога эга эканлигини сезамиз.

Сайёҳ Бухорога илк бор келгани туфайли саройбондан “бирор диққаттортар жой”ни тавсия этишни сўрайди ва унинг тавсияси билан Ҳавзи Девонбегига йўл олади. Ҳовуз чиндан-да катта экан. Ҳовузнинг қибла томонида кенг бир майдон, майдонда эса катта бир масжид қад кўтарган. Бухоро аҳолисининг кўпчилиги намозни шу ерда ўқир экан.

Сайёҳ ҳовуз бўйидаги супада ўтириб, чой ичади, ён-верига кишиларни суҳбатга тортади. Бу суҳбатдан маълум бўлишича, одамлар катта мешларда ҳовуздан сувни ичиш учун олиб кетишаётган экан.

М е н: Ҳали сизлар ҳам шу ҳовуздан сув ичасизларми?

Мулла бир ачиқ билан сўради: Бу сувга нима қилибди?

М е н: Бунинг соғлиққа катта зиёни бор.

М у л л а: “Ҳар бир тирик жонни сувдан яратдик”, дейди Қуръони карим. Сувнинг инсон соғлиғига фойдаси бор, наинки зарари бўлса...

...М е н: Қаранг, кўпчилик ҳовузда таҳорат оладилар, оғиз ва бурунларини чайдилар, лой оёқларини ювадилар. Агар сартарошлик, чойхона, каллапаз ва балиқпазларнинг ҳам чиқиндиларининг ҳисобини олсак, ҳар куни бу ҳовузга ярим ман (4 пуд – Р.Ш.) ифлос тушар-ов.

М у л ла: Бу билан нима демоқчисиз? Бу ҳовуздан сув ичмайликми?

М е н: Сув ичманглар демайман.\* Бу ҳовузда таҳорат олманглар, бурун ва оёқларингни ювманглар, ахлат ва чиқиндиларни бунга ташламанглар, демоқчиман. Чунки ичадиган сув тоза бўлиши керак” (103-бет).

Фитрат ана шу Сайёҳ қиёфасида Бухоронинг турли “диққаттортар” жойларига назар ташлаб, шаҳар ва халқ ҳаётининг хунук манзараларини тасвирлайди. Бу манзараларда Фитратнинг эътиборини тортган асосий нарса хурوفот ва унинг турфа кўринишларидир. Масалан, у Баҳовиддин мазорини зиёрат этар экан, одамларнинг икки-уч жойда осилган қўчқор шохларини ўпаётгани, от думидан ясалган туғларни кўзларига суртаётгани ва шу туғнинг чўпига “ўзининг паришон рўзғоридан” шикоят қилиб, ҳожат чиқармоқчи бўлганини кўради. Орада маддоҳ пайдо бўлиб қолиб, бемаъни гаплардан иборат қиссанӣ айтиб, одамлардан пул йиғади. Бу манзаранинг гувоҳи бўлган Ҳинд сайёҳи дейди:

“Пайгамбаримиз ҳазрат ”Қабристонни зиёрат қилингиз, у сизга охиратни эслатади,” - деб буюрганлар. Албатта, қабристонни зиёрат қилиш, агар ўлим ва қиёматни эшлаш учун бўлса, бу яхши ишдир. Аммо масъала шуки, зиёратни бутпарастлик даражасига етказмаслик жоиз. Инсоф қилинг: Ҳазрат мазоротида намоз ўқийсиз, мазор яловининг чўпига сажда қиласиз, ҳожатларингизни Баҳовиддиндан сўрайсиз. Бугун Бухорои шарифда кимса йўқки, “Ё, оллоҳ!” ўрнига “Ё, Баҳовиддин!” деса. Бу ишларнинг ҳеч бири шариятда жоиз эмас... Биз Ҳазрат Баҳовиддинни яхши кўраемиз, аммо бу муҳаббатимиз, эҳтиром ва зиёратимиз бизни шарият қонунларидан чиқариб, баҳовиддинпарастликка олиб келмасин” (107 - бет).

Агар Ҳамза 1929 йилнинг мартада Шохимардонда Ҳазрати Алининг сохта мазоридаги латта-путталарни йўқотиб, бутпарастликка қарши курашмоқчи бўлган ва шу

курашда ҳалок этилган бўлса, Фитрат худди шундай ҳаракатни Ҳамзадан қарийб йигирма йил аввал катта назокат билан қилган. Ўшанда ҳам халққа сўз ёрдами билан, Пайғамбаримиз ҳадисларини келтириш йўли билан тушунтирмоқчи, зиёрат билан бутпарастлик ўртасидаги фарқни кўрсатмоқчи, бутпарастликнинг шариатга мутлақо зид ҳодиса эканини айтмоқчи бўлган. Агар ўйлаб кўрилса, бутпарастлик сингари ҳоллар уламолар томонидан қораланиши, ҳатто бартараф этилиши лозим. Лекин вазиятнинг ҳам кулгили, ҳам аянчли томони шундаки, бундай ишлар улар иштирокида, уларнинг рағбатлантиришлари орқасида содир бўлади ва улар шахсий таъмалари йўлида бундай ношаръий ишларга қўл урадилар. Шу тарзда мавзу яна дин арбобларига бориб тақалади.

Сайёҳ Кўкалдош мадрасасини зиёрат қилар экан, ҳамроҳи мадрасада бир юз қирқ бир ҳужра, дарсхона, кутубхона, масжид ва умумий ошхона борлиги, йиллик вақф пули 1500 минг танга бўлиб, ҳар йили унинг минг тангаси кутубхонага берилишини айтади. Маълум бўлишича, вақф пулидан 24000 тангани мударрис олар, қолган қисми эса имом, сўфи, фаррош, мешкоб, сартарош ва ҳужра эгалари ўртасида тақсимланар экан. Дўстининг бу сўзларидан қувонган сайёҳ: "Алҳамдулиллоҳ, Бухоро бу ваҳждан ўзининг шарафини тўла ҳимоя қилган экан", дейди. Аммо дўсти "ғамли нигоҳ" ини сайёҳга қадаб, "Оҳ... кошки!" - деб қўяди ва "катта машаққат билан" ўзини босади.

Бухорода икки юзга яқин мадраса бўлиб, шулардан ўттиз учтаси олий, ўттиз тўққизтаси ўрта, юздан зиёдаси эса қуйи тоифага мансуб экан. Бундан ташқари, уч юзта қуйи мактаб, ўн битта кутубхона, йигирмадан ортиқ ошхона, шунингдек, беш-олтита қорихона ва қирққа яқин таҳоратхонанинг ҳам мавжудлиги маълум бўлади. Сайёҳнинг дўсти бундай қувончли маълумотлар беради-да, орадан бир неча дақиқа ўтгач, "ух" тортиб, дейди:

“- Оламга тўрт юз олимни берган Бухоройи шариф шунчалик мустаҳкам илмий қувватга эга бўла туриб, эмди... оҳ! Буюк бадбахтлик билан иқрор бўламанки, ҳозир бу маърифат қуёшининг осмони, бу инсоният оламининг жанна-ти, бу фозиллар дунёсининг маъмур хонадони, бу маърифат оламининг дарсхонаси тараққиёт учун барча имкон ва воситаларга эга бўлса ҳамки, жаҳолатнинг асл макони, хор-лик занжирининг асирлигича қоляпти. Тириклик учун барча зарур ашёларга эга бўлишига қарамай, ёқасини ажал панжа-сига топширмиш!” (113-бет).

Хўш, бунинг боиси нимада? Бунга ким айбдор?..

Сайёҳнинг ҳамроҳи тилга олинган ўқув даргоҳларининг ҳар бирининг ихтиёрида қанчадан-қанча вақф пулининг бор-лигини айтган ва Сайёҳ буни эшитиб, чин дилдан қувонган эди. Лекин...

“Вожаб! Нега? Бас, шунинг учунки, - жавоб беради ҳамроҳ, - юқоридаги барча хайрли масканлар, ҳисобсиз маб-лағлар халқ мулкани таловчи бир тўда разолатпеша худобеҳабарларнинг жаҳолат уйига айланиб, икки-уч ўз қорнини ўйлайдиган инсофсиз кимсаларнинг фасод тўла қозонини қайнатишдан бошқа нарсага ярамаса, бировнинг оғирини енгил қилмаса, улардан халққа қандай наф?” (113-114 - бетлар).

Ҳамроҳ давом этиб, Бухоро амирлигидаги даҳшатли жароҳатлардан бирини очади:

“- Ҳа, икки юзта мадрасамиз бор. Уларнинг ҳаммаси тўрт милйўн тангага яқин вақфга эгалар. Фақат бу вақф-ларнинг ҳаммаси иккига бўлуниб, бир қисми “ҳаққи ул-тадрис” (ўқитиш ҳақи - Р.Ш.) номи билан дарс берувчи-ларнинг “ҳамият” чўнтагига киради. Иккинчи қисми эса, ҳужраларга қараб тақсимланганлари учун, ҳеч шубҳаланмай, бечора муллабаччаларнинг ҳалол ҳақларига, десак бўлар. Бадбахтликни кўрингки, ушбу ҳужраларни ҳам муфтилар, мударрислар ва бошқа давлатманд уламолар ўзларининг

мулкларига айлантиришган. Зеро, муллаваччаларнинг вақф пулларини ҳам ўзларига олганлар. Ҳатто ҳужраларни ҳам ўн мингдан қирқ минг тангагача нарҳда сотмишлар..." (114-бет).

Шундай қилиб, Амир Темур давридан шу вақтгача қанчадан-қанча олимларни етиштирганлиги билан мақтанувчи уламо Бухоро амирлигидаги мудҳиш шароитнинг бош сабабчиси бўлиб чиқади. У нафақат эски идора усулини қўллаб-қувватлаши, ҳар қандай янгиликка, ҳаттоки, "усули жадида" мактабларини очишга ҳам қаршилиқ кўрсатиши, балки мадраса, мактаб, кутубхона ва талабаларга ажратилган катта маблағни "туя қилиши" билан ҳам Бухорони "жаҳолатнинг асл макони", "хорлик занжирининг асири"га ҳам айлантирмоқда эди. Демак, "Мунозара"да айтилганидек, Бухородаги аҳволни танглаштирган асосий сабаб илмга бўлган рағбатнинг йўқлигидир.

Агар Фитрат "Мунозара"да Европадан ўрганиш, Европа илмидан баҳраманд бўлган ҳолда тараққиётга эришиш мумкин, деган гояни қўйган ва Бухоро амирлигидаги аҳвол таҳлили уни шу хулосага олиб келган бўлса, бу асарда Бухоро жароҳатларини очиш асносида Шарқнинг Европа халқлари тарихида ўйнаган буюк ролини кўрсатишга ҳам эътиборни қаратган.

Сайёх дўстининг Бухородаги бутунги вазиятдан маъюслангани ва ҳатто умидсизланганини кўриб, унинг диққат-эътиборини ўрта асрлар тарихига жалб этади:

"...Бутун бизни ўз ихтиролари билан, янги-янги ҳунарлари билан ҳайратда қолдираётган Оврупонинг аҳволи ўрта асрларнинг бошларида ҳозирги аҳволимиздан ҳам бадтар эди. Аҳоли жоҳил ва мазлум, ҳоким ва руҳонийлари эса фожир ва золим эдилар. Руҳонийлари жуда кўп ерга эга бўлишиб (худди Бухоро ё Туркистондагидек! - Р.Ш.), ҳар бирларининг ўз байроқлари бор, боз устига пул ҳам зарб этар эдилар. Айримларининг мулклари эса бутун бир вилоят ерларича



келарди. Ҳукумат кишилари уларнинг ерларига кириб, солиқ ололмаганлар...

Фақат бугина эмас, улар ҳукумат ишларига ҳам аралашар, ўша даврнинг қирол ва императорлари ўзларини калисонинг муҳиблари, деб билдишарди. Бирон бир амир ёки подшоҳ руҳонийларнинг гапларини икки қила олмаган" (118-119 - бетлар).

Фитратнинг Бухоро мадрасаларида таҳсил кўрган йилларида бу мадрасалардаги аҳволни яхши билганлиги ва ўрганганлиги шубҳа уйғотмайди. Бироқ шу муҳитда улғайган талабанинг Европа халқлари тарихидан бу қадар хабардорлиги ва билим бойлигидан ўз ўрнида фойдаланиши унга нисбатан ҳурмат туйғусини уйғотади. Энг муҳими шундаки, у юқоридаги фикрни баён қилишда шунчаки ўз билимини намойиш этиш ё ўрта асрлардаги Ғарб билан Шарқни қиёслашнинггина кўзда тутмайди. Унинг мақсади қуйидаги фикрлар ифодасида инкишоф этилади:

"Мазкур пўлларнинг юритган ишлари, ҳаракатлари ҳам узоққа чўзилмаган. Унинг аср (исовий мингинчи йил) бошида Оврупонинг айрим нуқталарида протестантлар мазҳабига мансуб маҳсус гуруҳлар майдонга чиққан. Улар 12-асрга келиб кенг миқёсда тарқалган ва жойларда ўзларининг гуруҳларини тузишиб, ўз уламоларига қарши кураш бошлаганлар. Протестантлар Инжилни оддий халқ тилига таржима қилганлар, авом халқни илмга даъват этганлар (худди жадидлардек! - Р.Ш.). Улар Инжилга қарши ҳар хил гап ва ишни қоралаганлар. Айтар эканларки, агар бизнинг уламомиз Ҳазрат Масиҳнинг ноиблари бўлишсалар, нега мунчалик мол-мулк тўплаганлар (Бухоро уламолари сингари! - Р.Ш.)? Ҳақиқий уламолар ва Ҳазрати Масиҳнинг ноиблари пулга бунчалар ўч бўлмасликлари (Бухоро уламолари сингари! - Р.Ш.), бир қултум сув ва бир бурда нонга қаноат қилишлари лозим эди. Наҳотки, бизни таркидунёчиликка даъват қилган кимсалар назру ниёзимиз ва тавбаларимиз эвазига мол-мулки-

миёга эгаллик қилсалар! Биз ҳам худонинг бандаларимиз..." (119 – бет).

Шундай қилиб, Фитратнинг айтишича, протестантлар жамоаси қисқа вақт ичида катта зафарларга эришиб, ўз ташаббусларининг меваларини кўрганлар.

Фитрат яна 1095 йилда бошланиб, 1492 йилга қадар давом этган салб юришига тўхталиб, худди шу вақтда Европа уруш ҳаракатларини исломга қаратганига қарамай, европаликлар билан мусулмонлар ўртасида яхши муносабатлар ўрнатилгани ва бу муносабатлардан, биринчи навбатда, европаликларнинг кўп моддий ва маънавий фойда кўрганларини айтади. Сўнг ўз фикрининг исботи сифатида француз олими Шарль Санивюснинг қуйидаги фикрларини келтиради:

"Ўн биринчи асрда Оврупа ва ислом олами бутунлай бир-бирларига қарши эдилар. Оврупа шаҳарлари кичик ва оддий, қишлоқлари вайрона қулбалардан иборат бўлган... Ислом олами эса Бағдод, Шом, Миср, Андалус сингари бутунлай обод ва кўркем шаҳарлар, мрамр билан безатилган саройлар, мукамал корхоналар, мадраса ва мактаблар, зийнатли ва озода бозорларга эга бўлган. Далаларнинг ҳар қадамидаги гўшалар-у хирмон-хирмон ҳосилни кўрганнинг кўзи қувонар эди. Испания билан Туркистон ўртасида савдо қарвонлари бемалол бориб келарди. Оврupoлилар мусулмонлар тараққийсини холис ният билан қабул қилиб, касб ва ҳунар ўрганиш пиятида ислом шаҳарларида таҳсил кўрганлар. Оврупа мусулмонлар билан алоқа ва муносабат ўрнатиш орқали тараққий қилган. Оврupalиларнинг ислом оламидан қабул қилган ишлари тубандагилар:

**Зироат:** кўк буғдой, тут дарахти, гугурт, хурмо, лему, пўртаҳол пахта, қаҳва ва найшакар.

**Саноат:** шойи газламалар, зар тўқиш, шиша, ойна ва қоғоз.

**Илм-фан:** ал-жабр ва ал-муқобала (эҳтимоллик назарияси – Р.Ш.), ҳандаса, чизмачилик, кимё, ҳисоб ва ҳоказо.

Ислом аҳли Юнон, Эрон, Ҳинд, Чиннинг илму фандаги ихти-роларини тўплаб ва ўзларидан кўпгина нарсалар қўшиб, охир-оқибат буларнинг барини оврупатиларга топширдилар" (120 – бет).

Француз олимиянинг Фитрат диққат-эътиборини қозонган бу эътирофномаси икки томондан аҳамиятли. Биринчидан, бу унутилаёзган ҳақиқат муаллифнинг ҳали талаба бўлишига қарамай, жаҳон халқлари тарихини, шу жумладан, Шарқ ва Ғарбнинг ўзаро муносабатларини пухта ўргангани, ақл ва заковати юксалгани, бинобарин, ўз ватандошларига миллий тараққиёт йўлини кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлганидан шаҳодат беради. Иккинчидан эса, модомики Шарқ, хусусан, Туркистон халқлари ўтмишда шундай тараққиёт босқичига кўтарилган, ва ҳатто, Ғарб халқлари улардан кўп нарсани олган эканлар, демак, бу халқлар яқин келажакда ҳам ўзларининг илгариги мавқеларини тиклашлари мумкин; фақат бунинг учун улар илм-фанга катта иштиёқ билан кириштирилари лозим, деган асар гоёси муайян бир заминга эга, ишонarli ва ишонтирarli гоё ўлароқ жаранглайди.

Ҳинд сайёҳи Бухоро бўйлаб саёҳат қилар экан, сарбозлар ва табиблар билан учрашади. Маълум бўлишича, амирликда жорий этилган тартибга кўра, ўғри ва қотилларни камок ва сургунга жўнатиш ўрнига, уларни сарбозликка тайинлашар, шунинг учун ҳам сарбозлар шаҳар аҳлининг осуда ҳаётини муҳофаза этиш ўрнига, аксинча, ўзларининг эски касбларини давом эттириб, амирликдаги ижтимоий ва ҳуқуқий тартибсизликка ўз "ҳиссалар"ини қўшар эканлар. Агар Сайёҳ Бухоро билан яқиндан танишиши жараёнида сарбозлар ҳақидаги бу ҳақиқатни кашф этган бўлса, хасталикка йўлиқиши туфайли ўз касб-кори бўйича ҳеч қандай билими бўлмаган, бинобарин, беморлар дардига малҳам бўлолмайдиган табибларга рўпара келади. Шундан кейин у рус дўхтирига мурожаат этишга мажбур бўлади.

Шубҳасиз, XX аср бошларида рус дўхтирларининг тиббий ёрдамга мурожаат этиш кофирлик ҳисобланган. Оддий халқ энг ночор ҳолга тушганида ҳам рус дўхтирларига учрашишни хаёлига келтирмаган. Шунинг учун Бухоро амирлиги ҳудудида турли касалликлар авж олган. Санитария ва гигиена талабларига риоя этилмаганлиги туфайли бу касалликларнинг хили йилдан-йилга камайиш ўрнига ортиб борган. Хуллас, "тиббий" жаҳолат Бухорони ичдан кемирувчи иллатга айланган. Сайёҳ рус дўхтири билан суҳбати чоғида Туркистоннинг тиббиёт масаласида энди Ғарбдан ўрганиши ва амирликдаги вазиятни мутлақо ўзгартириш лозимлиги гоёсини олға суради. Бу гоё четдан малакали, билимли дўхтирларни чақириш, Бухородаги мадрасалардан бирикти тиббий мадрасага айлангириш, бухоролик ёшларни Европадаги тиббий марказларга ўқишга юбориш ва ҳар тўрт йилда маълумотли маҳаллий дўхтирлар авлодини тайёрлаш билан амирликдаги мазкур муаммони ҳал этишни ўз ичига олади. Гарчанд бу гоё ҳинд сайёҳи ва рус дўхтири тилидан олға сурилган бўлса-да, у Фитратнинг гоёси, бугунги ифода билан айтганда, илмий лойиҳаси эди.

Сайёҳ фақат Бухоро шаҳрини зиёрат қилиш билангина кифояланиб қолмай, Қарши беклигига ҳам йўл олади. У ерда ҳам яхши ва ёмон воқеаларни кўради. Аммо "Мунозара"даги Фарангидан фарқли ўлароқ, халқ ҳаётидаги ижобий ҳолларга эътиборни қаратади. Хусусан, Қарши хунарамандларининг шу вақтгача жаҳон бозорида машҳур бўлган олачалари муносабати билан Фитрат бугунги кун учун ҳам аҳамиятли фикрларни ўртага ташлайди. Фитрат, Ҳинд сайёҳининг фикрига қўра, Европа халқлари агар бирор ишга қўл урсалар, шу ишларнинг ўн йил, йигирма йил, ҳаттоки, юз-икки юз йил кейинги ривожини кўзда тутадилар; вақт ўтиши ва технологиянинг эскириши билан уни мунтазам равишда мукамаллаштириб турадилар. Шу нуқтаи назардан ёндашганда, ҳатто машҳур Қарши олачаларининг ҳам келажагини кўнгил-

дагидек, деб бўлмасди. Вақти келиб, бу олачалар бозори ҳам инқирознинг чангалида қолади. Хуллас, бозорни хорижий савдогарларнинг моллари эгаллаб олади. Халқ ва мамлакат пули хорижга оқиб, мамлакатнинг миллий даромади пасаяди. Худди шу масалада Фитрат жаҳидларнинг иқтисодий қарашлари моҳиятини белгиловчи фикрларни ўртага ташлайди.

Сайёҳ ижтимоий лоқайдлиги орқасида дўконлари ёпилган, корхоналари тўхтаган кишиларни назарда тутиб, шундай дейди:

"Агар улар ҳам сизга ўхшаб "ўн йилдан кейин ким тириг-у ким ўлик", деб ўтирмасалар эди, ўзларининг карбос тўқувчи, чинни ва софол ясовчи дастгоҳларини кўпайтириб, жуда қисқа вақт ичида тор дўкон ва вайрона уйларини катта-катта магазинлар ва йирик мармар биноларга айлантирар эдилар. Фақат ўзларинигина эмас, балки бутун туркистонлиларни ҳам бахтли ва саодатли қилар эдилар. Чунки бечора халқнинг чўнтагидан чиққан ва бегона фабрикантлар ҳамёнига кирган пулларнинг ҳаммаси туркистонлиларнинг ўзларига қолар эди" (таъкид бизники – Р.Ш., 143 – бет).

Сайёҳ ўз фикрини давом эттириб, дейди:

"Бутун Туркистоннинг барча олача тўқувчилари ўз кибларидан кечиб, бошқа иш билан банд бўлганларидан сўнг, фабрикантлар ўз олачаларининг нархини аста-секинлик билан йиғирма-йиғирма беш тангага кўтаришади ва туркистонлиларнинг даста-даста пулларини ўз ҳамёнларига урадилар. Мен шундай хулосага келдимки, агар туркистонли хунармандлар, оврупалилар сингари, қўл меҳнатига асосланган корхоналарини доимий фабрикаларга айлантирмас эканлар, бир неча йилдан кейин уларнинг шарафли санъатидан ном-нишон қолмайди" (таъкид бизники – Р.Ш., ўша бет).

Фитрат ана шу тарзда ўша давр учун ҳам, кейин ҳам ғоят муҳим бўлган иқтисодий муаммолар бўйича тўғри фикр-

ларни ўртага ташлайди ва ҳатто юқоридагидек тавсиялар беради. У ана шу йўналишда фикр юритаркан, Қарши тупроғи арпа, бугдой, айниқса, тамакидан кўп ҳосил олиш мумкин бўлган замин эканлигини ва бу ҳолдан фойдаланиш лозимлигини қайд этади. Худди шу ерда Фитрат бугун биз фикр юритаётган "инсон омили" деган масалани кўтаради. У бу масалани, бир томондан, агар Қарши ва Китобнинг бирон бир олача тўқувчиси Фарангистонда яшаганида зер-зеварга ботиши, агар Шахрисабз ерлари япон элида бўлганида уларнинг "зар эжиб, зар ундиришлари" мумкин жанлиги билан тушунтиради (таъкид бизники - Р.Ш.). Иккинчи томондан, Қуръондаги "Биз инсонни юксак қилиб яратдик", "Ер ва осмондаги барча нарсаларга сизларни ҳукм қилувчи, деб буюрдик", "Еру осмонда ҳар нима бўлса, сизларнинг буйруқларингизни бажарувчи қилиб тайинладик" сингари сўзларни келтириб, инсоннинг, чунончи, туркистонлик кишиларнинг ҳам ер юзидаги улуғ ва қудратли мавжудот эканини айтади ва уларда ўзларига нисбатан ишонч ҳиссини уйғотмоқчи бўлади.

Фитрат Ҳинд сайёҳи тили билан шундай дейди:

"Инсоф билан айтингчи, ана шу еру осмондаги маҳлуқлардан қайси бирини биз ўзимизга тобе этдик? Агар сиз Оврупа мактабларида ўқуганингизда ва оврупалилар телеграф, телефон, темир йўли, ҳаво кемаларини қайси йўл билан ва қандай яратганликларини билсангиз эди, Қуръони каримнинг ана шу оятида, биз, мусулмонлар, қанчалар неъматларни оёқ ости қилганимизни тушуниб етар эдингиз".

Яна бошқа бир ўринда таъкидлайдики: "Инсон нимагаки эришса, ҳаракатининг натижасидан топади. Агар интилмаसा, ҳеч нарсага эриша олмайди. Албатта, сизнинг ақл ва билимингиз туфайли маҳлуқларнинг энг олийси қилиб, барча маҳлуқларни эса сизга тобе қилиб яратган экан, демак, сиз ўз билим ва иқтидорингизни ишга солишингиз лозим. Агар

интилмасангиз, унда Худодан нима гина? Ҳокимдан не шикоят?" (таъкид бизнингиси - Р.Ш., 153-154 - бетлар).

Фитратнинг Туркистон аҳолиси йажтимоий фаоллигини уйғотиш, янги тарихий давр талабларига жавоб берувчи кишилар бўлиб улгайишида Қуръон сўзларидан ўринли фойдаланиши гоят муҳимдир. У янгилик дushmanлари томонидан келувчи қаршиликка шу йўл билан жавоб беришини, ўз гоёлари мусулмончилик асосларига зид эмас, балки улар билан ҳамоҳанг эканини намойиш этган.

"Сайёҳи ҳинди баёноти"да бошқа танқидий мулоҳазалар ва тафсиллар ҳам оз эмас. Аммо ундаги яна бир фикр юқорида баён этилган қарашлар билан муштарак хусусиятга эга. Бу - тижорат ва тижоратчилар масаласи.

Фитратнинг ушбу асари ёзилган вақтда бу масала, бугунги кундагидек, жамият тақдирига таъсир ўтказувчи масалалардан эди. Тижорат - бу пул дегани. Пул эса турли йўллар билан қўлга киритилади ва турли мақсадларда сарф этилади. Уламолар ўзлари пул деганда, ҳар қандай ношаръий ишларга қўл урганлари ҳолда тижорат ва пулга эга бўлишлик фикрини миллат дилидан чиқаришга уринганлар. Шу сабабдан, масалан, Бухорода тижорат кўнгилдагидек тараққий этмаган. Фитрат илгари сурган фикрга кўра, *ислом шарияти тижорат ва давлатмандликни ман этган эмас, балки амр этган*. Унинг фикрича, жамиятдаги хайрли ишларнинг аксари давлатманд кишилар томонидан бажарилади. Масалан, кишилар намоз ўқийдиган масжид давлатманд кишилар туфайли қад кўтаради:

"Ажабо, ислом дини нега тижоратни қўллаган? - деб савол беради у ва бундай жавоб қайтаради. - Чунки, тижорат масаласи башариятнинг ҳаёт-мамот масаласидир... Қадим замонда оламнинг амир ва подшоҳлари фақатгина ўзларининг шахвоний нафслари учун бир-бири билан уришар ва ярашар эдилар... Лекин бизнинг давримизда бўладиган урушларнинг асл сабаби тижорат можароларидан бошқа нарса

эмасдир. Масалан, тараққий қилган бир давлат ўз тижоратини кенгайтириш ниятида бошқа қолоқ давлат ерига борадир ва айрим имтиёзларга эга бўлиб, у мулкнинг йўлини ўз тижорати учун очадир... Агар бошқа бир кучли давлатда ҳам ўша вақтда тижорат ишлари юксалган бўлса, у ҳам ўз савдо миқёсини ҳимоя қилиш учун қарши томондан лашкар тортиб, урушга кирадир. *Шундай қилиб, икки буюк давлат бошқа бир кичик давлатнинг ерида тижорат равнақи учун лашкар тортадилар*" (таъкид бизники-Р.Ш.,164-165-бетлар).

Модомики, *тижорат ҳатто давлатлараро урушларнинг, ва эҳтимолки, Туркистонни босиб олишнинг ҳам сабабларидан бири экан*, Фитратнинг бу масалада айрим мулоҳазалар билдириши ва тавсиялар бериши ўринлидир. Мана, Фитрат ёзган Сайёҳнинг тавсиялари:

"1. Бегоналар ўзаро иттифоқ тузиш ва бирлашиш кучига эга, сизларда эса нифоқ ва бегоналик бор.

2. Бегоналарнинг ўз фабрикалари бор, сизда эса йўқ.

3. Улар савдо илмини печа йил зўр бериб ўқиганлар ва биладилар, сизлар эса билмайсизлар" (таъкид бизники- Р.Ш., 167 – бет).

Кўрамизки, тижорат масаласи ҳам илмга келиб тақалади. Демак, жадидчиликнинг дастурий гоъларидан бири *маърифатпарварлик тижорат соҳасини ҳам ўз қамровига олади*.

Тижоратнинг ҳам ўз илми, қонун-қоидалари бор. Фитратнинг фикрига кўра, туркистонликлар яқин-яқингача пахта ва пилла тижоратидан хабардор бўлганлар. Лекин Европа улардан тижорат илмини олиб, бу масалада ҳам ўзиб кетди; агар ускунасизлик, илмсизлик ва ўзаро нифоқ тугамаса, яқин орада уларнинг тери тижоратини ҳам ўз қўлларига олишлари ҳеч гап эмас. Бу масалада улар таназзулга учрамаслик учун бирлашиб, фабрика қуришлари ва тижорат илмини эгаллашлари лозим.



"Шуни тан олиб айтаманки,- дейди Фитрат-Ҳинд сайёҳи, - бугун Бухорода ҳам фабрика қуришга, ҳам тижорат қилишга сармояси етадиган киши йўқ. Агар ўнта бухоролик сармоядорнинг пули бир жойга тўпланса, тўртта фабрикага эга бўлиш мумкин ва бу сармоя эгалари муваффақият билан савдо ишини юрота оладилар" (таъкид бизники-Р.П.,167- бет).

Фитрат бундай амалий тавсиялар берар экан, "силар ўз фарзандларингизни тижорат мактабларига юбориб, савдо илмини ўқитингиз," деб қайта-қайта такрорлайди.

Тижорат - бойлик орттириш, пул топишдир. Фитрат тижоратни шундай тушунади. Аммо шу билан бирга бойлик, унинг талқини бўйича, фақат тижорат ёрдамида орттирилмайди. Бойлик орттиришнинг йўллари кўп бўлиб, шулардан яна бири, Фитратнинг айтишича, ер ости бойликларини қазиб олиш, усхуна ( завод ва фабрика)ларда уларни қайта ишлатиш ва бу маҳсулотлардан фойдаланишдир. Касби геология каби аниқ фанлардан узоқ бўлишга қарамай, у Бухорога тегишли ерларда тилла, мис, темир, тошқўмир, лампа мойи ва бошқа захиралар борлигини яхши билади ва бу бойликлардан фойдалана оладиган ватандошлари йўқлигидан афсусланади.

Ана шу тарзда Фитрат ҳиндистонли Сайёҳнинг назари билан ўз-ватанига қараш, ундаги ижобий ва салбий жиҳатларга эътиборни қаратиш орқали юртдошларининг замондан орқада қолганликлари, жаҳолат ботқоғига ботиб, аянчли турмуш тебратаётганларининг сабабларини очиқ-ойдин кўрсатади. Айни чоғда ўз билими доирасида бу вазиятдан чиқиш учун эътиборга сазовор тавсияларни беради. Аммо, кўриб ўтганимиздек, Бухорода мадраса таълимини олиб, эндигина Истанбулдаги университетда таҳсил кўраётган талабанинг ҳам ислом таълимоти, ҳам жаҳон халқлари тарихи, ҳам иқтисод масалалари бўйича билими, шак-шубҳасиз, баланддир. Фитрат ўзининг таҳлил этилган ҳар иккала асари ва

уларда кўтарилган масалаларнинг кўлами ва аҳамияти билан Туркистондаги жадидчилик ҳаракатига янги йўналиш берди ва бу жадидчилик ҳаракатининг дастур ул-амалини яратди. Бундай асар жадидчилик ҳаракатининг бошқа арбоблари ижодида, айниқса, 1912 йилгача бўлган ижодида учрамагани учун Фитратни бу ҳаракатнинг Маҳмудхўжа Беҳбудий билан бирга том маънодаги асосчиси, дейишимизга асос беради.

Фитрат Туркиядан қайтганидан сўнг бир қатор бадиий ва илмий асарлар яратди. Айниқса, Биринчи жаҳон уруши билан 1917 йилги Октябрь воқеалари орасида матбуотда ўнлаб публицистик мақолалар эълон қилди. Бир томони, ҳали бу мақолалар тўплаб, ҳозирги жорий имлода нашр этилмагани, иккинчи томони, Фитрат публицистикасини ўрганишнинг ўзи махсус илмий тадқиқотни тақозо этгани учун биз бу асарларни ўз ишимизга жалб этмадик. Ўйлаймизки, "Мунозара" ва "Ҳинд сайёҳи баёноти"даги ижтимоий қарашларининг ўзиёқ Фитратнинг Туркистон жадидчилик ҳаракати ижтимоий асосларининг шаклланишида катта ишларни амалга оширганидан шаҳодат беради.

Фитрат сингари жадидчилик ҳаракати раҳбарлари ўзларининг дастур аҳамиятига эга рисола ва мақолаларини эълон қилибгина қолмай, бу асарлар замирида ётган асосий гоя – маърифатпарварлик фаолияти билан жиддий шуғулландилар. Фитрат Туркиядан қайтиб келиши билан (1913 йил охири – 1914 йил бошларида) Бухоро амирлиги ҳудудидаги турли шаҳарларда мактаблар очиш билан машғул бўлди. Файзулла Хўжаев Бухоро инқилоби тарихига бағишланган асарида Фитратнинг Ота Хўжа билан бирга, айниқса, Шаҳрисабз ва Каркида олиб борган мактабдорлик ишларига катта баҳо берган. Фитрат шу даврда фақат усули жадида мактабларини очиш билангина жадидчилик ҳаракати олдида турган мақсад ва вазифаларга эришиб бўлмаслигини ўз кўзи билан кўргани учун солиқларни камайтириш, деҳқонларнинг аҳво-

лини яхшилаш, амалдорлар ўртасида авж олган порахўрликка барҳам бериш ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини чеклаш каби талаблар билан чиқди. Жадидчилик раҳбарларининг бундай амалий қадамлари, бир томондан, ёшларнинг улар сафига келиб қўшилишига сабаб бўлган бўлса, иккинчи томондан, жадидлар "ўнг" ва "сўл" оқимларга худди шу масалада ажралиб кетдилар. Бухоро жадидлари ўртасида юз берган бу ажралиш ва улар ўртасида бошланган ўзаро нифок Фитратнинг Бухоро жадидчилик ҳаракатидан секин-аста Туркистон жадидчилик ҳаракатига келиб қўшилиши ҳамда бу икки ҳаракат раҳбарларининг ўзаро яқинлашуви ва ҳамкорлик қилишларига сабаб бўлди.

Жадидчилик ҳаракатининг улкан сиймоси бўлган Фитратнинг сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий қарашлари, унинг публицистик мақолаларидан тапқари, "Раҳбари нажот" (1915), "Оила" (1916), "Бегижон", "Абу Муслим", "Абулфайзхон" сингари кўплаб асарларида ҳам ўз ифодасини топган.

## **2-фасл. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг сиёсий-ижтимоий ва ҳуқуқий қарашлари**

\* Ўзбек жадидчилик ҳаракатининг раҳбарларидан бири, шубҳасиз, Маҳмудхўжа Беҳбудийдир. У 1875 йилнинг 19 январда Самарқанд шаҳри яқинидаги Бахшитепа қишлоғида руҳоний оиласида таваллуд топган. Лекин унинг отаси Беҳбудхўжа Солиххўжа ўғли асли Туркистон шаҳридан, Аҳмад Ясавий авлодларидан. Беҳбудийнинг онаси ҳам самарқандлик эмас. Унинг бобоси Ниёзхўжа урганчлик бўлиб, XIX асрнинг иккинчи ярмида Самарқандга кўчиб келган.

Маҳмудхўжа ўн тўққиз ёшида отасидан етим қолиб, тоғаси Муҳаммад Сиддиқнинг қўлида тарбия кўрган. Араб тилини кичик тоғаси Одилдан ўрганганлиги сабабли ўн саккиз ёшидан эътиборан қозихонада мирзалик қила бошлаган. Айрим маълумотларга кўра, Маҳмудхўжа дастлаб Самар-

қанд, сўнгра Бухоро мадрасаларида пухта таҳсил кўрган. Айни пайтда, хусусий мутолаа билан шуғулланиб, дунёқарашининг кенгайишига эришган. Тахмин қилиш мумкинки, шу йилларда у Исмоилбей Гаспиралининг "Таржимон" ва бошқа тараққийпарварлик гояларини тарғиб қилувчи газета ва журналлар билан танишган. Эҳтимол 1893 ва 1897 йили Туркистонга келиб, Бухоро ва Самарқандда бўлганида "Таржимон" газетасининг муҳаррири билан танишиш шарафига муяссар бўлган. Ҳар ҳолда, шу йилларда ўқиган мақола ва саёхатномалар таъсирида у 1899-1900 йилларда бухоролик дўсти Ҳожи Бақо билан ҳаж сафарига боради.

Бехбудийнинг саккиз ойлик ана шу сафари изсиз кетмади. Бир томондан жадид газеталари, иккинчи томондан Кавказ, Туркия ва Мисрда кўрган ўқув муассасалари таъсирида у 1903 йили Самарқанд атрофидаги Ҳалвои ва Ражаб амин қишлоқларига бориб, ўша ерлик маърифат аҳли билан ҳамкорликда усули жадида мактабларини очди. Сўнгра бу мактаблар учун "Рисолаи асбоби савод" (1904), "Рисолаи жуғрофияи умривий" (1905), "Рисолаи жуғрофияи Русий" (1905), "Китоб ат ул-атфол" (1908), "Амалиёти ислом" (1908) ва "Тарихи ислом" (1909) сингари китобларни яратди.

Бехбудий сиёсий-ижтимоий қарашларининг шаклланишида саёхат, айниқса, катта роль ўйнади. У 1903-1904 йилларда Москва ва Петербургда бўлди, 1906 йили Қозон, Уфа, Нижний Новгородга хизмат сафари билан борди. 1914 йили эса иккинчи мартаба араб мамлакатларига саёхат қилди. Агар бу сафарнинг бир қисми Нижний Новгородда 1906 йил 23 август куни очилган Россия мусулмонлари қурултойи ҳамда миллий ишларга доир мажлис туфайли амалга ошган, бинобарин, унинг ижтимоий фаолияти билан боғлиқ бўлган бўлса, иккинчиси бевосита маълум мақсад йўлида қилинган саёхатдир. Уларнинг ҳар иккиси ҳам Бехбудий ижтимоий қарашларининг шаклланишида чуқур из қолдиргани шубҳасиздир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, "Ойна" журналининг 1914-1915 йиллардаги бир қанча сонларида босилган Бехбудийнинг "Саёҳат хотиралари"га назар ташлаш адиб ва унинг дунёқараши тўғрисида муайян тасаввур ҳосил қилишимизга имкон туғдиради.

Маҳмудхўжа Бехбудий 1914 йил 29 май куни Самарқанддан йўлга чиқиб, поездда Байрамали - Марв - Ашхобод - Қизил Арвот - Красноводск манзиллари орқали Каспий денгизига қадар боради. Сўнг пароходда Бокуга йўл олиб, ундан Туркияга ва араб мамлакатларига ўтади. "Саёҳат хотиралари" ана шу саккиз ойлик сафарнинг ўзига хос кундаликларидан иборат. Шунинг учун ҳам ундан "Ҳинд сайёҳи баёноти"да берилган воқелик таҳлилини кутиш ўринли эмас. Илгари ўзбек ёзувчи ва шоирларида ўз ҳаёт йўлларини, ўзлари гувоҳ бўлган воқеалар ва кишилар тўғрисидаги хотираларини ёзиб қолдириш кенг расм бўлмаган. Шунинг учун Бехбудий хотиралари худди шу кемтикни тўлдирувчи дастлабки мемуар асарлардан бири сифатида қимматлидир. Бинобарин, биз бу хотиралар орқали атоқли маърифатпарварнинг шахси, дунёқараши тўғрисидагина эмас, балки феъл-атвори, инсоний фазилатлари ҳақида ҳам тасаввур ҳосил қиламиз. Модомики, шахсий қарашлар ижтимоий дунёқарашнинг бир қисми экан, уларнинг ҳам аҳамиятли экани ўз-ўзидан аёндыр.

...7 июнь куни кундуз соат ўн иккиларда пароход денгизни кўпиртириб, ҳаракатга кирди. Қисқа бир фурсатда шаҳар ва ер ғойиб бўлиб, ҳаммаёқни бепоён сув салтанати эгаллаб олди. Пароход чархпалагининг гумбури бошқа хаёлларни бошдан учуриб юборди. Шундай бир аснода ёлғиз ўйлаш мумкин бўлган нарса сув, денгиз ва пароход эди. Бехбудий пароходнинг 1 ва 2 - синфларида бор-йўғи мусулмонлардан ўзи билан бирга 3 киши, қолган мусулмонларнинг 3-синфда, "фақру заруратдан оёқ остида ва ҳожатхоналар ҳамсоғлиги"да ўтириб ва оқшом ётиб кетишини кўз олдига келтирди. Бир томондан, денгизнинг гўзал манзараси, замонавий

пароход, бу ғўзаллик ва қулайликдан баҳраманд бўлиб кетаётган носаролар, иккинчи томондан, ғариб, афтодаҳол мусулмонлар.

"Биз, мусулмонлар, нима учун Қуръон, санъат ва ғайратдан узоқ кетдик?"<sup>85</sup> - деб хайқиради Беҳбудий бу зиддиятли манзарани кўриб. Мусулмонларнинг Қуръондан узоқ кетганлигининг сабаби бизга Фитрат орқали маълум. У Қуръондаги сўзаларни келтириб, Оллоҳ ер юзидаги ҳамма нарсани инсон учун яратганини айтган. Агар "санъат"дан узоқлашишни асл маъносида тушунсак, "ғайрат"дан узоқлашиш эса шундай кемаларни ярата билмаслик, ўз меҳнати билан инсон ақлининг зийнати ва маҳсули бўлган нарсаларни бунёд эта билмаслик ва "ҳожатхоналар ҳамсоялиги"да ётиб туришдир.

Беҳбудий шу зиддият ҳақида ўйлар экан, биринчи ва иккинчи синфдан унинг ҳузурига баъзи бир рус ва яҳудийлар келиб, у билан суҳбатлаша бошлайди:

"Яҳудийлардан бири дерки, "Туркистон эски дунёнинг Амриқосидур. Пахта, маъдан, ғалла, хулоса, ҳар нимарса бор. Туркистон олтундур. Агарда Русия ҳукумати моне бўлмаса, барча мулкимни сотиб, пулига Туркистондан ер олиб, деҳқончилик этардим. Олтун бериб, ер олиб, сўнгра олмос кўтарар эдим. Аммо, начора, Русия қонуни биз, яҳудийларни қисар..." (68-бет).

Яна ўша зиддиятнинг теранлашуви. Бир томондан, бояги ғариб кишилар ва уларнинг ғариб ватани. Иккинчи томондан, бу ғариб ватаннинг бойликлари ва уларга кўз тиккан кимсалар...

Беҳбудийнинг хаёлига биринчи бўлиб шу фикр келади: "Мен ичимда дедим: "Ташаккур рус ҳукуматиғаким, сизни қўймайдур, валлоҳ, сиз, яҳудийлар, биз, аҳмакларни дарбадар ва беватан этарсиз..." (ўша бет). Лекин унинг айна пайтда

<sup>85</sup> Беҳбудий Маҳмудўжа. Танланган асарлар. - Т.: Маънавият, 1997. - Б. 67.

Ушбу нашрдан олинган кўчирмаларнинг хаволаеси бундан кейин матндан сўнг қавс ичида бериб борилади.

Ўз ватандошлари, улар турмушининг аянчилиги сабаблари тўғрисида ҳам ўйламаган бўлиши мумкин эмас.

Бехбудий учун ушбу сафарнинг энг ёқимли хотиранларидан бири, Истанбулдаги "Гулхона" паркида Исмоилбей Гаспирали билан тасодифан учрашиб қолиши ва у қўнган "Шоҳин поша" отелида устоз билан ярим кечага қадар бўлган мулоқотдир. Бехбудий, Исмоилбейнинг илтимосига кўра, Туркистоннинг ҳар бир йирик шаҳаридаги маърифий ва маданий аҳвол билан таништиради ва, ўз навбатида, ўзи ҳам ундан янги маълумотларни олади. Ана шу суҳбат тасвиридан маълум бўлишича, 1913-1914 йилларда "туркистонли қардошлар" болаларини "ҳукумат мактаблари"га бера бошлаганлар. Бошқача айтганда, болалар мадрасаларга эмас, балки ҳукумат руҳсати билан очилган усули жадида мактабларига бориши Гаспирали учун қувончли хабар эди. И.Гаспиралининг Бехбудий келтирган сўзидан шу пайтда Туркистонда 2 жарида ва 1 мажалла бўлганлиги ҳам англашиладики, бу рақамлар Самарқанд шаҳрига, хусусан Бехбудийнинг ўзига тааллуқли экани шубҳасиздир.

Гаспирали самарқандлик биродарининг сўзларини тинглаб, унга бундай маслаҳат беради: "Албатта, мустанди (асосли – Р.Ш.) тараққийсиз ҳукумат мактабларинда зиёдароқ бола беришгиз. Рус маданиятидан қочмангиз". Сўнг бундай нидо қилади: "Оҳ, билмайм Бухоро на ўлур" (80-бет). Бу сўзлардан унинг келажак учун жадин мактаблари кўплаб ёшларни тарбиялаб чиқариши лозим, демоқчи бўлгани аниқ ва равшандир.

Бехбудий сафари давомида Шом(Дамашк)да бўлади ва шу шаҳар бағридаги Нафс шаҳарчасини зиёрат этиб, унда 200 минг қадар халқ яшаши, шундан 170 минги мусулмон, қолганлари эса "рум, катўлик, прутистант, сурёний ва 6 мингга қадар яҳудий" экани, аммо уларнинг барчаси араб тилида сўзлашишини айтади ва давом этиб ёзади:

"Шаҳарга 300 қадар жомеъ ва кўб эски мактаб ва бир неча эски мадрасалар бордур. Янги мактаблар бўлса, шундан иборатдур: ҳукуматнинг мулки эъдодий (тайёрлов мактаби - Р.Ш.), мулки аскарӣ (аскария мактаби - Р.Ш.), мулкияни рушдийя (ўрта мактаб - Р.Ш.), султони туркий, султони арабий ва бир неча ибтидоия мактаблари бордур. Ҳукуматнинг яна бир "мактаби санойеъ"и ва икки катта кутубхонаси бордур. Нафс шаҳрида бир неча матбаа ва 2-3 жарида чиқар. Халқ ва жамият тарафидан идора қилинатурган арабий ва Ислом низоми мактаблари ушбудур: ватан эъдодийяси, мадрасат ут-тараққий рушдийя, иттиҳоди рушдийя, савқ уттийн рушдийя (қишлоқ хўжалиги бўйича ўрта мактаб - Р.Ш.), мадрасат уш-шарқия рушдийя, таълим ул-ватания рушдийя ва яна булар учун бир неча ибтидоия мактаблар, шаҳарда мусулмон араблардин ажзаъхона-аптик бор" (92-бет).

Беҳбудийнинг хабар топишича, Нафс шаҳрида бундай маърифат масканларидан ташқари, муз фабрикаси, тамаки, ипак, шиша ва бошқа бир қанча фабрикалар бўлган.

Маърифат шайдоси қаерга бормасин, ўша ерда биринчи навбатда ўқув муассасалари, маданият корхоналари, маиший хизмат тармоқлари билан қизиқди. Чунончи, у Байрутдаги дорилфунунлар Европа ва Америка сармоядорлари томонидан идора этилса-да, асосий фанларнинг араб тилида ўқитилиши, француз, немис ёхуд инглиз тилларининг эса фақат бир фан сифатидагина ўрганилишини кузатди. Бу катта маърифат кошонасида оламнинг Туркистон ва Бухородан бўлак барча еридан, ҳаттоки Япониядан ҳам келган талабаларни кўрди. Бу ерга келиб, ўрнашиб қолган туркистонлик кишилар эса ҳожиларни "шикор этиш"дан, овлашдан бошқа нарсани билмаслиги Беҳбудийни гоёта ранжитди.

"Ажнабийларнинг минглаб талабалик ҳар навъ дорилфунуни ва неча юзлаб талабалик ҳар навъ мактаби, - деб ёзади у, - эллиқдан зиёда бўлуб, мунтазам расадхона, кимёхона, ташрих ва жарроҳи ва ҳикматхоналари бордур. Турк-



ларнинг ҳам мулкӣ рушдийяси, аскарӣ рушдийяси, мактаби султонӣ, икки қизлар рушдийяси, тўрт ибтидоӣ мактаби ва ўтгуз қадар мусулмон мактаблари бордур. Мунда матбаа ҳам кўб бўлуб, хейле арабий қадим ва жаид, динӣ, адабий, фаннӣ ва ҳар навъ китоблар ва йигирма қадар мажалла ва жаридалар нашр бўлинадир" (102-бет).

Беҳбудӣ тилга олган бу муассасалар бошқа мамлакатларнинг бадавлат фуқаролари томонидан бино этилган бўлиб, уларда, юқорида айтганимиздек, қайси мамлакатнинг фуқароси ўқишидан қатъӣ назар, дарс ва лекциялар фақат араб тилида олиб борилган. Бинобарин, араб мамлакатларида Европа ва Американинг таъсири сезилиб турса-да, мамлакатнинг асл эгаси араблар экани ҳар қадамда аён бўлиб турган. Беҳбудӣ гарчанд янгилик тарафдори, санъат ва адабиётнинг янги турларига хайрихоҳ шахс бўлса-да, араб шаҳарлари ҳаётига кириб борган кино, Беҳбудӣ ифодаси билан айтганда, синематограф ва театр билан у қадар қизиқмаган. Ҳатто Шомда одамлар камроқ кириб томоша қилсин учун кинофильмларнинг фақат тунги соатларда намойиш этилиши унга маъқул тушган. Акс ҳолда, улуг айём вақтида кишилар хаёли бошқа енгил-елпи нарсалар билан банд бўлган бўларди, деб ўйлаган у. Беҳбудӣ келажакда кинонинг омма ўртасида маърифат ва маданият тарқатувчи санъат турларидан бирига айланиши мумкинлигини, ҳатто, тасаввур ҳам этмаган. Умуман, жаидчилик ҳаракатининг бошқа бирорта намоёндасида ҳам кино санъатига бўлган қизиқишни кўрмаймиз. Жаидлар учун биринчи навбатда мактаб таълим ва тарбия ўчоғи бўлган. Шунинг учун у Туркияда ҳам, араб шаҳарларида ҳам мактаб ва дорилфунунлар аҳволи билан кўпроқ қизиққан. Туркистонда аҳолининг майлини жаид мактабларига тортиш қийинчилик билан кечаётган бир пайтда, Арабистонда турли-туман мактабларнинг кенг тармоқ отгани, мактаб, кино, театр сингари янгиликларга араб уламоларининг қаршилиқ кўрсатмагани Беҳбудӣда ҳавас туйғуларини

уйғотган. Икки Шарқ мамлакатининг қиёси Туркистон халқларининг ҳаддан зиёд орқада қолганларини ва жадинлар олдида турган маданий-оқартув ишларининг ниҳоятда кўплигини кўрсатди. Бехбудий ана шу сафар чоғида маҳаллий халқни маориф ва маданиятдан четда ушлаб туриш Русия мустамлакачилик сиёсатининг бош тамойили эканини тушунди.

Лекин бу ҳол унда руслардан узоқлашиш лозим, деган фикрни уйғотмайди. Русларнинг ўзбек халқига - "сарт"ларга бўлган муносабати қанчалик таҳқирона бўлмасин, улардан кўп нарсани ўрганиш, нафақат маърифат ва маданият, балки ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳам уларга етиб олиш лозим эди. Бундай улут мақсадга эришиш учун илм-фанни эгаллаш, хорижий халқлар тилини билиш, ёшларни илғор мамлакатларга ўқишга юбориш лозим эди.

Маҳмудхўжа Бехбудий 1914 йил сафаридан ана шундай фикр-хулоса билан қайтди. Гапнинг сирасини айтганда, Бехбудий ушбу сафар чоғида, оддий сафардан фарқли ўлароқ, бошқа мақсадларни ҳам кўзлаган эди. "Ойна" журналининг муҳаррири бўлиш Бехбудий учун бу, аввало, хизмат сафаридир. У саккиз ойлик сафари давомида сихат-саломатлигини тиклаш билан бир қаторда зиёрат қилган шаҳар ва мамлакатларнинг иқтисоди, географияси, тарихи, архитектураси, мактаб ва маорифини ўрганди. Шунингдек, бу мамлакатлардаги сиёсий вазият ва халқ ҳаёти билан танишди, банк иши, темир йўл, хотин-қизлар аҳволи каби турли-туман муҳим масалалар эътиборини тортди. Мазкур сафар Бехбудий дунёқарашининг чуқур фалсафий хулосалар билан бойлишига сабабчи бўлди. Бу сафар унинг ёнлимлари бўлиши ва гуманистик фалсафасининг равоқланишида улкан аҳимиятга эришди. Арбобнинг фалсафий ақл-идроки ва табиати ома-Туркистоннинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиёти ҳақидаги фикрлари ва орзуларининг муайянлаши-

шига ёрдам берди",<sup>86</sup> деб ёзганларида Д.Алимова ва Д.Рашидова мутлақо ҳақдирлар.

Шу ўринда немис олимаси Ингебор Балдауфнинг орифона кузатувиغا ҳам қўшилиш жойиз. У ҳам ушбу масала тўғрисида сўз юритиб, агар "Ойна" Париждан то Японияга қадар бўлган дунёни Ўрта Осиё буржуазиясига кўрсатган бўлса, "Саёҳат хотиралари" Туркистон қаршисида мусулмон Шарқини кашф этиб берди", деб ёзган.<sup>87</sup>

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг кўплаб публицистик мақолалари ҳали бери қайта нашр этилганича, тўғрироғи, тўпланиб, ўрганилганича йўқ. Аммо ҳозирнинг ўзида китобхонлар эътиборига ҳавола этилган мақолаларнинг ўзиёқ унинг фаол сиёсатчи ва ўткир сиёсий шарҳловчи бўлганидан дарак беради. Чунончи, атоқли жаҳиднинг "Хайрул умуру Авсатуҳо" номли мақоласида (1906) XX аср бошларида Туркистонда ҳаракатда бўлган тўртта партия тўғрисида (бу ҳақда хабари бўлмаган, ҳатто билишни ҳам истамаган) оммага маълумот бериб, бу партияларнинг ижтимоий йўналиши, мақсад ва вазифаларини муфассал шарҳлайди ва сиёсий онги шаклланмаган 6 миллионлик Туркистон мусулмонларини бу партиялардан бири атрофида жипслашиб, ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашишга даъват этади. Айни пайтда, у ўзига яқин бўлган Россия мусулмонлари иттифоқи партиясининг 1905 йили Нижний, Новгородда, 1906 йил бошларида Петербургда, шу йилнинг август ойида эса яна Нижнийда ўз мажлисларига йигилиб, сиёсий дастурларини аниқлаб олганликларини айтади. Аммо бу партия ўз мақсадига эришиши учун ўзларига сиёсий дастури билан яқин бўлган кадетларга қўшилиб, фаолият олиб боражаклари ҳақида хабар беради.

Бехбудийнинг бу мақоласи халқ оммаси сиёсий саводини чиқариш мақсадида ёзилгандек таассурот туғдиради. Эҳти-

<sup>86</sup> Алимова Д., Рашидова Д. Маҳмудхўжа Бехбудий и его исторические воззрения. - Т.: Маънавият, 1998 - С. 8.

<sup>87</sup> Балдауф Ингебор. Маҳмудхўжа Бехбудий Фаластинда, - "Ўзбекистон адабиёти ва санъати". - 1993, 21 май.

мол Бехбудийдек етакчи сиёсий арбобнинг ўз олдига қўйган вазифаларидан бири, халқни сиёсий жиҳатдан саводли қилиш ва секин-аста уни сиёсий кураш майдонига олиб чиқиш бўлгандир.

Бехбудийнинг сиёсий публицист сифатидаги фаолияти 1913-1915 йилларда "Ойна" журнали ва "Самарқанд" газетасини нашр этган вақтда, айниқса, кучайди. Бу вақтда у нафақат Туркистон халқлари ҳаётини, балки хорижий Шарқ мамлакатларидаги аҳволни ҳам яхши билган ва ҳар икки ҳаётни ўзаро қиёслаган ҳолда газета ва журналнинг гоявий йўналишини белгилаб олган ва аниқ мақсад билан ҳаракат юргизётган эди. Бехбудий муҳаррири бўлган бу нашрларнинг гоявий йўналиши эса, биринчи навбатда, халқ оmmasининг оғир иқтисодий ва маданий шароитда яшашига сабаб бўлган баъзи бир урф-одатлардир. Оташин публицист ўз мақолаларида ана шундай қусурли ва зарарли одатлардан бири бўлган тўй масаласини кўтаради. Қизиги шундаки, бу масала бугунги воқелигимиз учун ҳам долзарб аҳамиятга эга. Бундан бирмунча вақт аввал, Ўзбекистон телевидениеси "Тўйларимиз – ўйларимиз", деган руқн остида бир неча йил давомида туркум кўрсатувларни бериб борди ва халқни тўй масаласига ақл ва заковат билан қарашга даъват этди. Бехбудий ва бошқа жаҳидларимиз эса ҳамиша долзарб бўлиб келаётган бу мавзунини 1913 йилдаёқ кўтарган эдилар.

1917 йилга қадар кечган даврда косиблик энг кўп тарқалган ва шу билан бир қаторда кўп меҳнат талаб этадиган касб эди. Шунинг учун ҳам Бехбудий "Аъмолимиз ёинки муродимиз" деган мақоласида шу касб эгаларини назарда тутиб ёзади:

«Бечора косибни аъмоли тўйдур. Ўзи роҳат юзи кўрмайди. Кеча-кундузни 18, балки 20 соатни меҳнатта ўтқаратургон косибларимиз бордур... Ўн ва йигирма саналар меҳнат ва машаққат этар ва худодан ўғил тилар, тўй қилмоқ учун.

Ана бечорани аъмоли Йигирма савалик меҳвати уч кунда гамам» (158-бет).

Беҳбудий уч кунлик тўй баъзи оидаларни ўн йил, ҳатто бир умрлик ташвишларга гирифторм этиши, хонавайрон қилиб, беватан айлаши мумкинлигини таъкидлайди. Бир тўй қосиб учун миш, ўртаҳол киши учун 2000 ё 3000, "нимбой" учун эса 5000 сўмга тушади. Ва бу сўмлар уч кунлик тўйда еб-ичилиб кетади. Қосиб ҳам, ўртаҳол ҳам, ҳатто "нимбой" ҳам бу маблағни бонка, фирма ё "фойдахўр"дан олади. Шунинг учун ҳам улар қарзни тўлаш пайтида "боғу хона ва уйи ичидаги асбоб"ни сотишга, ҳатто, "бечора келин ва куёв"нинг кўрпа ва либосини "қарзгоҳ"га беришга мажбур бўлишади. "Нимбойлар синар, - деб ёзади Беҳбудий, - тирикчилигинда бўлмаса, ўлганда синар. Аҳлу аёли дарбадар бўлур. Ой, бу пима? Тўғриси, бир нав девоналик эмасми? Субҳоноллоҳ, қарз олиб, халқга ош бермоқ ақлсизлик эмасми? (таъкид бизники - Р.Ш.) Ҳамда иллоти бедавосидур" (158-бет).

Халқ фақат тўй муносабати билан эмас, балки бошига мусибат ташвиши тушганида ҳам шунга яқин оқибатларни бошидан кечириши мумкин. Беҳбудий чинакам гуманист инсон ва маърифатпарвар сифатида халқни ичдан кемираётган урф-одатларнинг паст-баланд томонларини очиб ташлайди. У кўтарган масала хусусий аҳамиятга эмас, балки умум-ўзбекиё аҳамиятга моликдир. Негаки, қатта халқнинг тўйи бўлмаган, ўлими бўлмаган куни йўқ. "Ҳар кун, - деб ёзади публицист, - бир мусулмонни нимарсалари бозорга дини учун... сотилур. Ҳар кун на қадар вексельлар - "протест", на қадар дўкон, корхона ҳажз (печать) бўлур. Бу ниманинг жазоси? Тўй, маърака, таъзия, кўпқари, базм" (ўша бет). Ҳолбуки, бир маҳаллада 20 нафар кишидан бири ё саводли, ё саводсиз. Ҳаттоки, бугун қозилик қилаётган киши ўрнига эртага шундай бир саводли-илмли киши топилмаслиги мумкин. Беҳбудий ана шундай халқ турмуши манзарасини чизиб, хитоб қилади:

"Ҳой, ҳой, халойиқ! Бизлар девонами, соғ? Албатта...Биз тўй ва маърака хаёлидан лаззат олардук. Тўю маъракамиз ила фахр қилар эдук. Тўю маъракага сарф қилинатургон оқчани жамламоқ ва ё қўлга киргузмоқ учун ҳаракат этардук. Агарда тўй ва маъракага қадимгидек оқча тўкмасак, ул оқчани на қилмоқ керак? Мунга жавоб берилурки, тўй ва маърака қилинсун. Аммо ҳозиргидек исроф этмасдан қилинсун. Ва мумкин қадаринча кичик қилинсун. Ва ортиқча пул ила болаларни мусулмон ва руси яхши ўқитўлсун. Тўю маъракага сарф қилинатургон оқчани эски мадраса ва мозору масжид ҳамда мактабларни шикаст-реҳтларига сарф этилсун. Тўй ва маърака оқчасидан болаларни ҳукумат мактабларига берилсун ва бу оқчадан талабаларни Макка, Мадина, Миср, Истанбулга ва Русия дорилфунун ва дорилсаноатларига юборилиб, диний ва дунёвий ва замонавий одамлар етишдурмоқга саъй қилинсун (таъкид бизники – Р.Ш.). Бизни Туркистонда муаллим оздурки, тўю маъракага сарф қилинатургон оқча ила Кафказ, Қирим, Ўрунбург ва Қозонга усули таълим ўрганмоқ учун бола юбормоқ керакдур..." (159-бет).

Кўрамизки, зикр этилган мақолада Беҳбудий икки муҳим масалани кўтарган. Уларнинг ҳар иккиси ҳам халқ тақдирида ўз аксини кўрсата оладиган масалалардир. Беҳбудий халқнинг тўй ва маъракалар туфайли яна ҳам қашшоқланиши мумкинлиги ҳақида бонг уриб, уни ортиқча сарф-харажат қилмасликка чақирганида, хонавайрон бўлиши ҳақида огоҳлантирганида оташин гуманист сифатида майдонга чиқади. Шу билан ўз қарашларининг гуманистик моҳиятини намоён этади, аммо бу билангина кифояланмайди. У тўй ва маъракалар учун сарф қилинажак харажатни ўз фарзандларининг ўқишига, мадраса ва мактабларни таъмир қилишига, талабаларни хорижий шаҳар ва ўлкаларга юбориш учун сарфлашга чақиради. Бир томондан, у камбағал халқни хонавайрон бўлиш хавфидан халос этмоқчи бўлади, аммо иккинчи

томондан, унга яна сарф-харажат эшигини қаерга қараб очиш ҳақида маслаҳат бермоқда.

Беҳбудий гарчанд ҳар икки харажатнинг моддий жиҳатдан фарқини кўрсатиб ўтмаган бўлса-да, кейинги харажат аввалгисига нисбатан анчагина оз. Лекин, энг муҳими, бу ебичилиб кетадиган харажат эмас, балки қайтиб келадиган, фарзандлари тақдирини бошқа нурли манзиллар томон йўналтирадиган, шак-шубҳасиз, ота-оналарнинг ўзлари ҳам мевасидан баҳраманд бўладиган харажатдир. Демак, Беҳбудий бу иккинчи масалани кўтариб, юзидаги маърифатпарварлик "ниқоби"ни кўрсатганида ҳам гуманист бўлиб қолади ва айна пайтда маърифатпарварлик жабҳасидан четга чиқмайди. Аксинча, агарда биринчи таклифи, асосан ҳар бир хонадонни хонавайрон бўлишдан сақлаб қолишга қаратилган бўлса, иккинчи таклифи, бир томондан, шу хонадонни, иккинчи томондан, бутун халқни маърифатли этишни кўзда тутди. Муҳими шундаки, Беҳбудий ўзининг ана шу руҳдаги таклиф ва истакларини баён этиш асносида ўз маърифатпарварлик дастурини бизга изчил бир тизим тарзида тақдим этади.

Беҳбудийнинг маърифатпарварлик дастури қуйидаги масалалардан иборат:

Болаларни мусулмон, усули жадид, рус-тузем мактаблари ва гимназияларда ўқитиш.

2. Эски мадраса, мозору масжид ва мактабларнинг "шикаст реҳт"ларини таъмирлаш.

3. Болаларни Шарқ мамлакатлари ва Ички Русиядаги дорилфунун ва дорилсаноатларга ўқишга юбориш.

4. Болаларни Русия ҳукумати мактабларида ўқитиш; бунинг учун ҳар бир болани икки йил давомида русчага ўқитиш ва тарбия қилиш; бу икки йил учун тўланажак 600 сўм миқдоридagi пулни тўй-маъракалар учун жамланган маблағдан олиш.

5. Болаларни тарбия қиладиган пансионлар очиш; бу тарбияхоналарнинг замонавий, миллий ва диний руҳда бўлишига эришиш.

6. Бу тарбияхоналарни очиш ва болаларни ҳукумат мактабларига тайёрлаш учун "Нашир маориф", ёхуд "Жамияти хайрия", ё "Жамияти атфол" сингари жамиятларни очиш.

7. Бу жамиятлар ёрдамида ва тегишли юқори малакали ўқув юртларида ўқитиш орқали ҳуқуқшунос, инженер, муҳандис сингари мутахассислар билан бирга "замона мактабдори", миллат ҳомийси ва ходимати, "Давлат Думасига" депутат, миллий саноатимизни ислоҳ этиш билувчи, техник, тижорат ва банкаларда ишлай оладиган, шаҳар думаларида, ва умуман, Туркистонда очилажак идораларда ишлайдиган мутахассисларни етиштиришдир.

"Ҳозирги мўйсафидларимиз турсун, ўрта ёшлар яқинда ўлиб кетар, замона ҳар куни янгилашур. Янги илм ва янги фикрлик ва фунуни замонияни дарбар қилган одамларни талаб қилур. Бу кундан бошлаб ҳар шаҳардан ҳар сана ўн-йигирмалаб ҳукумат мактабларинда бола берилса, ўн беш сана сўнгра ҳар шаҳарда 4-5 замона одами пайдо бўлур ва ҳукумат мансабларига, замона доираирига, тижорат ва саноатларинда кириб, бизларга манфаат еткурур. Келар замон бошқадир" (160-бет).

Беҳбудийнинг бу маърифатпарварлик дастури халқни бир поғона юқорига кўтариш, уни миллий тараққиёт йўлига олиб чиқиш, ўзини-ўзи эплаш ва бошқариш мумкин бўлган босқичга кўтаришни кўзда тутди. Шубҳасиз, бу дастур фақат маърифий юксалишнинг эмас, маърифий камолот орқали ҳур ва эркин замонларга эришишни кўзда тутди ва унинг йўналиши ҳам узоққа — ҳуррият манзилларига қаратилган.

Беҳбудийнинг эътироф этишига кўра, ўша пайтда икки ўзбек ўзаро уришиб ё тортишиб қолса, яҳудий ёхуд ажнабий



закунчининг олдига борган, боши оғриб қолса, ажнабий докторга йўлиққан. Шунинг учун ҳам тўй, маърака ва кўпқари ўрнига шу "аъмоқ-идеал-мурод-тилак-шуддао" йўлида ҳаракат қилиш тарих тақозосидир.

Хўш, ўз халқи ва ватанининг келажаги ҳақида жонкуярлик қилган Бехбудийнинг Туркистондаги сиёсий аҳволга, халқнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласига муносабати қандай бўлган? Давлат ва жамият қурилиши масалалари ҳам унинг ақлий-илмий меросида бирор мавқе касб этганми?

Шубҳасиз, Бехбудий ўз халқининг келажagini фақат маърифат масалалари билангина боғлаб қўймаган. Ҳар тарафлама маълумотли бўлган аллома ўз халқининг келажаги қандай кечиши лозимлиги масаласи билан ҳам қизиқиб, бошқа давлатларнинг сиёсий тузумини ўрганган ва қайси давлат тузумидан ақдоза олиш мумкинлиги борасида бош қотирган.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Бехбудийнинг 1906 йил нашр этилган "Китоб л мунтахаби жуғрофияи умумий" ("Умумий жуғрофиядан сайланма китоб") деган асари айниқса муҳимдир. Бехбудий ушбу асарнинг муқаддима фаслларидан бири "жуғрофия" феънининг аҳамияти ва бу фаннинг "тарихий жуғрофия", "сиёсий жуғрофия" ва "умроний (умумий) жуғрофия" деган қисмлардан ташкил топиши ҳақидаги фикрларини баён қилгач, ёзади: "Хулоса, бу замонга жуғрофия илми дунёни ва андаги халойиқ, ҳайвонот, умронот ва ҳарнаки дунёга бордур, билди, ратургон керакли, бир илмий жаҳонномадур..." Бехбудий шу сўзлардан кейин кишилик жамияти тарихи ва унинг муҳим нуқталарига тўхталиб ўтади. Асарнинг "Ҳукумат ва ҳукмронлар" деб номланган фаслига келиб, бевосита давлат қурилиши масалаларига оид фикрларини ўртага ташлайди.

Шарқда Францияни "Фарангистон", французларни эса "фаранг", "фаранги" дейи атаб келишган. Аммо айти пайтда

"фаранг" сўзи умумлаштирилиб, умуман европаликларга нисбатан қўлланган. Шу маънода, Бехбудийнинг қўйидаги сўзларида ҳам баҳс французлар ҳақида эмас, балки ХХ аср бошларидаги европаликлар ва уларнинг давлат тизимлари ҳақида боради:

"Ҳозирга фаранглар ўртасига мўътабар уч қисм ҳукумат ё ҳукмронлик бордур. Биринчи – идораи мустақилла (идораи мутлақ)ки, они устидан қарагувчи подшоҳ соҳиб ихтиёр ва ҳар бир ройи ва амри закун ва низом бўладур. Амри, ҳукми, ройи нофиздур. Қўл остидаги барча мажлислар, маслаҳатхоналарни иттифоқи, хоҳиши, ҳукми ўшал императўрни мустаҳкам қилиши имзосига мавкуфдур. Шундай императўрларни янгидан мансуб бўлиши ҳар давлат ва ҳукуматга муқаррарий қонун ва одатлар бўюнча мерос ёинки валиаҳдлик қоидалари ва ўшал ҳукуматни қўйган тартиб ва тадбирига мувофиқ бўладур" (43–бет).

Демак, ХХ аср бошларидаги Европа давлатларида ҳаркатда бўлган уч сиёсий тузумдан бири монархия бўлиб, унда салтанат эгаси бўлган кишининг хусусий қарашлари устувор аҳамиятга эгадир.

"Иккинчи қисм,- деб ёзади Бехбудий,- идораи машрута ҳукмронлигидурки, бу ҳукуматга тобе одамлар аксари аҳли илм ва хабардурлар. Эл ва уруғлари илм, ҳунар ва дунё ишларига тараққий қилгандурки, шул тариқа фуқаролар ўз арolariдан инсофлик, илм ва дунёдан хабарлик одамларни ўзларига катта ва бошқаргувчи вакил сайлайдурлар. Шу тариқа сайланган вакилларни подшоҳ жамлаб, муқаррарий маҳкамаларга, мамлакатдорлик ишларига аралашиб, машварат ила тузатилмоқ ва муҳофазат қилмоқга кўз бўлмоқлари учун қарор берадурки, аларни мажлис ва маҳкамаларини "миллат мажлиси", "маслаҳатхона", "парламенту", "гўсударски дум", "мажлиси синодий", "эл мажлиси" деган исмлар ила ёд қилинадур. Яна баъзи маслаҳатхоналар борки, маслаҳатбошиларни, ҳукмдорларни ўзи тайин қиладур. Ушбу "миллат

мажлиси"ни чилонлари машварат ила мамлакат ишларига аралашиб, низом ва қонун тузатиб, ҳукмдор ва подшоҳларни қилатургон ишларига аралашадур. Подшоҳ бу мажлис амрига тобеъдур" (243-244 - бетлар).

Беҳбудий тавсифидаги иккинчи давлат тузуми, бугунги атама билан айтганда, парламентар республикадир. Давлат қурилишининг бу турида подшоҳ ё салтанат раҳбарининг мавжуд бўлишига қарамай, парламент ё "миллат мажлиси" унинг раъйига эмас, аксинча, у шу ташкилот аъзоларининг раъйига қарайди ва унинг қонунларига бўйсунди.

Энди Беҳбудий талқинидаги учинчи давлат тузуми билан танишайлик.

"Учунчи қисм, - деб ёзади публицист, - "Идораи жумхурият" дурки, аксар фуқароси аҳли илм бўлуб, бу аҳли дониш аҳолини сайлаган вакиллари баъзи ҳукуматга етти йилгача ўз мамлакат ва ҳукуматларини бошқармоғи учун ўз ароларидан бир нафар донишманд одамни бошлиқ сайлайдурларки, "раиси жумхурият", "садринишини миллат", "президент" аталадур. Ҳар бир ҳукм ва амр ва тартибни мамлакат ва кўбга тааллуқли ишни "Миллат мажлиси"ни қилиб берган дастуруламал, яъни қонун ва низомномаларига мувофиқ қилиб, бу қонун элга тобеъ бир кишидур. Ҳар бир ишга "миллат мажлиси" ҳукмига тобеъ, аларни ҳукму талабларини ўрнига келтиргувчидур. Бу икки тоифани подшоҳи баъзи мамлакатга "Элга тобе бўлубтурарман", деб қасам ичиб, баъд мансабга чиқаду" (244-бет).

Европа мамлакатларидаги давлат тузумини Беҳбудий ана шу тарзда уч гуруҳга ажратади ва уларнинг фарқловчи хусусиятларини шундай сўзлар билан тавсифлаб беради. У бу давлат тузумлари ўртасидаги фарқни ҳам шу давлатлар тасарруфидаги халқнинг илмли-илмсизлиги, маърифатли-маърифатсизлиги билан боғлайди. Халқ қандай маданият ва маърифат босқичига кўтарилган бўлса, уни идора этаётган

сиёсий тузумнинг ҳам шу халқ даражасини аке эттириши мумкинлигига эътиборини қаратади.

Демак, Беҳбудий назарида Европа мамлакатларида уч хил давлат тузуми барпо этилган бўлиб, булар: монархия, парламентар республика ва республика идора усуллари дидир.

Беҳбудий худди шу йили "Хуршид" газетасининг 6-сонида эълон қилинган "Хайрул умури авсатуҳо" номли мақола-сида Россияда сиёсий фаолият юргизаётган партиялар ва уларнинг дастуруламалларини ҳам синчиклаб ўрганганини намойиш этган эди. Унинг кузатишига кўра, ўша пайтда амалда бўлган Россиядаги тўртта партия қуйидагилар дидир:

Мустабид фирқаси (ҳукумат партияси).

Машрутаи авомия (кадетлар партияси).

Иштирокиюн оммавиюн (социал-демократлар партияси).

Русия мусулмонлари иттифоқи.

Ушбу тўрт партиянинг сўнггиси 1906 йил 13-23 январь кунлари Россия мусулмонларининг Петербургда бўлиб ўтган II қурултойида тузилган.

Агар тўрт партиядан дастлабки иккисининг Европадаги давлат тузумларидан монархия ва парламентар республикага руҳан яқин эканлигини, айниқса, етакчи партиянинг мустабид партияси деб аталганини инобатга олсак, Беҳбудийнинг Чор ҳукумати ва унинг етакчи партиясига бўлган муносабати, айниқса, ойдинлашади. Шунингдек, унинг келажакда Русия мусулмонлари иттифоқига катта умид билан қарагани ҳам маълум бўлади.

### **3-фасл. Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Абдурауф Фитрат томонидан тузилган ҳуқуқий ҳужжатлар**

XX асрнинг бошларида Туркистон жадидлари фақат мактаб ва маориф масалалари билангина эмас, айна пайтда ҳуқуқий масалалар билан ҳам шуғулландилар. Буни ўша даврдаги тарихий шароит, хусусан Туркистон аҳолисининг

ҳатто илғор қисмида ҳам ҳуқуқий билимининг йўқлиги ёки етишмаслиги тақозо этди. Шу даврда мактаб ёки бирор уюшма (ташкилот) очмоқчи бўлган кишилар ҳатто бунинг учун кимдан рухсат олиш ва кимнинг номига ариза ёзиш масаласида ҳам қийналиб, мураккаб вазиятга тушиб қолдилар. Мактаб, ёки уюшма, ёхуд жамият очган кишилар эса бу мактаб, ёки уюшма, ёхуд жамиятнинг кейинги фаолиятини ташкил этишда ожизлик қилдилар. Вазиятнинг ана шундай тус олганини кўрган Мунаввар қори Абдурашидхонов 1914 йили "Садои Туркистон" газетасининг 14 июнь сонисида "Жамиятлар қандай очилур" деган мақола билан чиқишга мажбур бўлди.

"Мактабни очуб кўя қолгон ила иш битмаслиги, балки анинг фарқи ва давоми учун моддий ва маънавий ёрдам ва маъсванатлар, ғайрат ва қимматлар лозим эканлиги онглашилмишдир. Бунинг учун энг яхши чора ўлароқ "жамият"ни тузишлар. Яъни расмий бир қонун доирасинда халқдан иона йиғиб, очилмиш ва очиладурғон мактаб ва дорулулумларнинг нуқсон ва эҳтиёжларни енгиллик ила ислоҳ қилмоқ ва адо қилмоқ усулини ижод этмишлар..

...Биноаналайқ ҳозирда бизим Туркистон тараққийпарварона кўпроқ шул мактаб ва жамият атрофида айланмакдалар. Лекин бу мактаб, жамиятларни очмак учун қандай тадбирлар лозим? Ҳукуматдан қайси йўл ила ижозат олинур Қандай устав ва програмлар ила очмак фойдали бўлур?.."88

Мунаввар қори мазкур мақоласида, масалан, мактаб ё жамиятни очиш учун ишни нимадан бошлаш, мактаб ё жамиятнинг низомини қандай тузиш ва кимнинг номига ариза ёзиш ҳамда бу билангина кифояланмай, тегишли идораларга бир эмас, бир неча мароталаб қатнаш лозимлигини айтган.

<sup>88</sup> Абдурашидхонов М. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 2003. – Б. 151.

Тарихий даврнинг ўзгариши билан кишиларда ибтидоий ҳуқуқий билимнинг йўқлиги, айниқса, яққол сезилди ва шундай билимга халқ оммасида катта эҳтиёж пайдо бўлди.

Анна шундай шароитда жаидлар халққа ибтидоий ҳуқуқий маълумотлар бериш билан бирга жамиятнинг ҳуқуқий нормаларини ишлаб чиқишга ҳам алоҳида эътибор бердилар.

XX аср бошларида Туркистон халқларининг миллий манфаатларини чор ҳукумати олдида ҳимоя этиш учун камида Россия Давлат Думасининг ёки Тошкент шаҳри аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш ёки кўтариш учун эса камида Тошкент шаҳар Думасининг аъзоси бўлиш лозим эди. Чор ҳокимияти йилларида марказий ва маҳаллий Давлат Думаларига аъзо бўлган ерли халқ вакилларининг ҳаммасини ҳам ўзларининг эл-юрт олдидаги бурчларини бажарган, деб бўлмайди. Лекин улар орасида Маҳмудхўжа Бехбудий сингари халқ ва мамлакат дарди билан яшаган сиймолар бор эдики, улар Давлат Думасининг аъзоси сифатида самарали фаолият олиб бордилар.

2001 йили Ҳаарлем (Голландия)да нашр этилган "Туркистонда янгилик ҳаракатлари ва ихтилоллар. 1900-1924" деган тўпламдан маълум бўлишича, М.Бехбудий 1907 йилда Россия 3-Давлат Думаси йиғилишида кўриб чиқиш учун "Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси"ни тайёрлаган ва бу "Лойиҳа"ни Давлат Думасининг Мусулмон фракциясига топширган экан. Бухоро Халқ Совет Республикасининг собиқ Марказий Ижроия Қўмитаси раиси Усмон Хўжаев (Усмон Хўжа, 187<sup>о</sup>-1968) хотирасига бағишланган ушбу тўплам унинг фарзанди доктор Темур Хўжаўгли (Темур Хўжа) томонидан нашрга тайёрланган.

Мазкур "Лойиҳа" М.Бехбудийнинг Россия Давлат Думасига таклифи сифатида ёзилгани учун Думанинг Мусулмон фракцияси уни шу соҳага яқин кишиларга фикр олиш учун берган ва у шундай йўл билан Туркистон масалалари бўйича

таниқли мутахассис Исмоилбек Гаспаралининг қўлига тушган. И.Гаспаралининг қизи Шафиқахоним отасининг архивини Туркияга олиб бориб, Анқарадаги доктор Нажип Ҳаблеми-тўғлига топширган. Доктор Нажипбек янги, XXI аср арафасида И.Гаспарали архивдан Бехбудийнинг "Лойиҳа"сини топиб, уни Темур Хўжаўғлига берган. Шу тарзда "Лойиҳа" Темурхўжанинг ташаббуси ва меҳнати билан дастлиб Голландияда чоп этилган тўпلامдан, кейин проф. Бегали Қосимов воситасида Ўзбекистонда "Жаҳон адабиёти" журналининг 2003 йил 8-сонида эълон қилинди.

"Лойиҳа"га ёзилган кириш сўзидан маълум бўлишича, Бехбудий 2-Давлат Думасининг Мусулмон фракциясига ҳам бир неча маърузалар ёзиб берган ва уларда Туркистон мухторияти билан боғлиқ муҳим масалаларни кўтарган. Бизнингча, зикр этилаётган "Лойиҳа"да Бехбудийнинг ўша маърузаларда илгари сурган айрим фикр ва мулоҳазалари ҳам муайян ҳуқуқий нормалар сифатида ўзининг янги талқинини топган бўлиши мумкин.

Лойиҳа тўққиз бўлимдан иборат бўлиб, улар қуйидагилардир:

Дума хусусинда.

Русия мусулмонлари раиси.

Туркистон Идораи руҳония ва дохилияси асосининг мусаваддаси (қораламаси) Туркистон Идораи руҳония ва дохилияси хусусинда.

Идораи руҳония ва дохилия асосларининг хатти-ҳаракати.

Идораи руҳония ва дохилия тасарруфиндаги ишлар.

Идораи руҳония ва дохилия масъулияти.

Туркистон қозилари хусусинда.

Жоний ва бадкорлар (жиноятчи ва безорилар).

Туркистон яҳудийлари ва ажнабийлари.

"Лойиҳа"нинг бу қисмлари ва улардаги айрим моддаларини шарҳлашдан аввал шуни айтиш жоизки, Бехбудий 18

ёшидан бошлаб қозихонада мирзалик қилган. У шу лавозимда ишлаш жараёнида ўзининг катта истеъдодини, руҳония ва дохилия соҳасидаги бой билимини намоёни этиб, қози ва муфти даражига эришган. Аммо 1899-1900 йилларда ҳаж сафари муносабати билан Арабистон, Миср ва Туркияда бўлиши ҳамда бу мамлакатлардаги мактаб ва мадраса таълими билан танишиш унинг ҳаётини мутлақо ўзгартириб юборди. 1903 йилдан бошлаб Беҳбудийнинг диққат марказида фақат бир масала – янги типдаги мактаб масаласи турди ва шу мактаб ёрдамида Туркистон аҳолисини чирмаб ташлаган бидъат ва жаҳолатга қарши курашиш ва халқ оммаси ўртасида маърифат зиёларини тарқатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Туркистоннинг илғор кишилари сафидан ўрин эгаллаган Беҳбудий 1906 йили Нижний Новгородга бориб, Россия мусулмонларининг турмуш ва маданияти муаммоларига бағишланган қурултойда иштирок этди. Унинг мазкур қурултойда Туркистон мусулмонлари гуруҳига раҳбарлик қилиши ва катта нутқ сўзлаши йиғилганларда яхши таассурот қолдиради. У Россия Давлат Думаси Мусулмонлар фракцияси аъзолари ўртасида обрў-эътибор қозониб, Туркистон муаммоларини улар ёрдамида Давлат Думасига ҳавола этмоқчи бўлади.

Беҳбудийнинг 3-Давлат Думаси Мусулмонлар фракциясига йўллаган "Лойиҳа"сининг Туркистон маданий мухториятига бағишлангани бежиз эмас. Проф. Б.Қосимовнинг "Жаҳон адабиёти" журналининг зикр этилган сонида босилган кириш сўзида ёзишича, 1- ва 2-Давлат Думаларида қизгин муҳокама этилган масалалардан бири ҳам мухторият масаласи эди. Аммо мухторият тушунчаси ўша вақтда ҳали сиёсий-ижтимоий ва маданий мустақиллик маъносини англатмаган. Бинобарин, Россия мусулмонлари маданий мухторият тушунчаси остида миллат миллий-маданий турмушининг дахлсизлигини назарда тутганлар. Бу ўша давр учун, шубҳасиз, жасоратли ҳаракат ҳисобланган.



Энди бевосита "Лойиҳа"нинг биринчи бўлимига эътибор қаратадиган бўлсак, унда асосан Туркистон аҳолисидан Давлат Думасига вакил сайланишининг ҳуқуқий нормалари ҳақида баҳс боради. Беҳбудий бу масалада Туркистондаги мусулмон аҳолисининг сонидан келиб чиққан ҳолда вакил сайланишини лозим, деб билади. Бу моддага эслатма сифатида айтиш лозимки, ўша вақтда Туркистонда ўрнашиб олган рус аҳолисининг сони (322 минг), маҳаллий халқ нуфузи (5 миллион 378 минг) дан қарийб йигирма марта кам бўлган.

"Лойиҳа"даги "Русия мусулмонлари раиси" деб номланган иккинчи бўлимнинг маъно-моҳияти қуйидаги масалага қаратилган. Беҳбудийнинг фикрича, Умумроссия мусулмонларининг диний ва ҳаётий ишларини бажариш ҳамда барча руҳония ва доҳилия идораларига раҳбарлик қилиш учун Петербургда, яъни Россиянинг пойтахтида маҳкамаи исломия ташкил этилиши, ҳам диний билим, ҳам замонавий воқеалардан яхши хабардор мусулмонлардан бирининг бу маҳкамага маълум бир муддатга раис этиб сайланиши лозим.

Туркистон идораи руҳония ва доҳилияси масалаларига бағишланган учинчи бўлим "Лойиҳа"нинг энг катта бўлими бўлиб, ўн моддадан иборат. Бу моддаларнинг асосий мазмуни қуйидаги масалаларни ўз қамровига олган:

1. Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Еттисув, Закаспийск вилоятларидан иборат Туркистон учун бир идораи руҳония ва доҳилия (Диний ва ички ишлар идораси)ни ташкил этиш ва бу идорани Тошкент шаҳрида барпо этиб, унга "биринчи даражали уламо синфидан шариат ва замондан хабардор киши"ни сайлов йўли билан беш йиллик муддатга шайхул-ислом этиб тайинлаш.

2. Мазкур идорани қуйидаги тартибда ташкил этиш: 1 раис – шайхул ислом, 5 диний аллома – аълам, 5 олий ва ўрта маълумотли мусулмон – чилон (аъзо), шунингдек, мирзо ва саркотиб.

3. Аълам ва чилон (аъзо)ларни ҳар бир вилоятдан беш йиллик муддатга сайлов йўли билан тайинлаш .

4. Идораи руҳония ва дохилия таркибига, юқорида қайд этилган аълам ва чилон (аъзо)лардан ташқари, барча маҳаллий яҳудийлардан бир нафар яҳудий олимни сайлов йўли билан жалб этиш.

5. Туркистоннинг ҳар бир вилоятида Идораи руҳония ва дохилия шўъбаларини очиш ва бу шўъбаларга вилоят шаҳарларининг мусулмонлар яшайдиган қисмидан жой бериш.

6. Идораи руҳония ва дохилия шўъбасининг таркибини қуйидагича белгилаш: 1 раислик қилувчи – охунд, 3 диний уламо – вилоят аълами, 1 олий маълумотли мусулмон – вилоят чилони (аъзоси) ва, агар лозим топилса, мйрао (саркотиб).

7. Ҳар бир вилоятда Туркистон Идораи руҳония ва дохилияси, унинг шўъбалари ва дорулқазо(қозихона) ҳужм ва талабларини ижро этадиган ижроия маҳкамасини тузиш.

8. Маҳкамага маълумотли мусулмонлардан сайлов йўли билан раис этиб тайинлаш.

9. Туркистондаги мусулмон воласть йўллар бошқарувчилари, старшина ва старший (катта) оқсоқолларини ижроия маҳкаманинг амирлигига тобе деб ҳисоблаш.

10. Бу идораларнинг барчаси шўъбаи руҳония ва шўъбаи ҳаётига бўлинадилар. Бехбудий Туркистон Идораи руҳония ва дохилиянинг раҳбарияти ва таркибий қисмларига кенг тўхтабгина қолмай, унинг фаолият доирасини ҳам белгилаб берган. Умуман, "Лойиқа"нинг шарқланаётган бу биринчи қисмида Идораи руҳония ва дохилия масалалари муаллифнинг диққат марказида туради. Бунинг сабаби шундаки, XX аср бошларида Туркистон аҳолиси ўртасида Ислам дини катта мавқега эга бўлиб, унинг маънавий ва мадаввий ҳаётига, Бехбудий ўйлаганидек, янги диний тузилма – Идораи руҳония ва дохилия орсали таъсир кўрсатиш ва аҳолининг турмуш тарзини шу тузилма ёрдамида ўзгартириб бориш:

мумкин эди. Шунинг учун ҳам мазкур "Лойиха"да Идораи руҳония ва дохилиянинг фаолият ва масъулият доираси қуйидагича белгиланган:

4-бўлим. Идораи руҳония ва дохилия аъзоларининг хатти-ҳаракати.

1. Шайхул-ислом ва охунд – руҳоний ва шаръий ишлар, аъламлар – қонун-қоидалар ва замоннинг зарур ишлари, аъзолар эса турли-туман ишлар билан шуғулланадилар. Муҳим ишларга вилоят аъламлари ва аъзолари ҳам чақирилиб, мажлис ўтказилади. Ҳатто лозим бўлганда Россиядаги Идораи руҳония ва мухторият доираларидан маслаҳат олинади.

2. Туркистон Идораи руҳония ва дохилияси шўъбалари Россия Мусулмонлари иттифоқи қарорларига риоя қилади.

3. Мажлис ва идораларнинг ҳар бир иши, ҳукм ва қарори шарият қонун ва қоидалари доирасида бўлади.

4. Туркистон Идораи руҳония ва дохилияси тасарруфидаги шиа мазҳабига мансуб мусулмонларнинг русуми мазҳабияга оид фатволари Закавказиядаги шиа шайхул-исломи мажлисининг розилиги билан кучга киради.

5. Маҳаллий аҳоли жамиятлари бу идораларнинг руҳоний ва ҳаётий шўъбалари тўғрисида маълумот олиш, тафтиш қилиш ва ҳисоб сўрашга ҳақлидир.

5-бўлим. Идораи руҳония ва дохилия тасарруфиндаги ишлар.

Бу бўлимда Идоранинг фаолият доираси ўн икки моддада белгиланган ва уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

1. Идора ўз шўъбаларига раҳбарлик қилиш билан бирга улар ўртасида алоқа ўрнатади ва барча маҳаллий идораларнинг ишларини тартибга солади.

2. Маҳаллий рус маҳкамаларига савол билан мурожаат этади, бу маълумотларнинг хатти-ҳаракатларига норозилик билдиради ва тегишли халқ ҳуқуқини маҳаллий ҳукумат олдида ҳимоя қилади.

3. Мерос-туғилиш, бола боқиб олиш ва тарбиялаш, никоҳ-талок, бола сақлаб олиш, хуллас, рўзгор ва оила ишлари, турли хил кўчма ва кўчмас мулк ҳамда номус даъволари билан шуғулланади.

4. Масжид, мадраса, мактаб, вақф ва хайр-саховат, васият ишлари билан шуғулланувчи мутавалли ва нозирлар ҳамда диний ва дунёвий таҳсил дастурлари, шунингдек, мактаб ва мадрасалар тузилмасини ташкил этади.

5. Туркистон қозиларига шаръий, урфий, тижорий ва замоний ишларни сўрамоқлари учун ҳамда жазо учун дастуруламал ва қонунномалар тасниф этади.

6. Барча руҳоний ва миллий, дохийий мактаб хизматларига кирадиган шахсларни имтиҳон қилиб, улар савиясининг етуқлиги ва ҳақлиги ҳақида шаҳодатнома беради.

7. Ер ва сув масаласини Туркистоннинг дохийий маишат ва аҳволи ҳавоия жуғрофиясига мувофиқ суратда холисона ва қонун асосида ҳал этади ва ҳ.к.

Кўрамизки, Беҳбудий талқинидаги Идораи руҳония ва дохилия Туркистон аҳолиси ҳаётининг қарийб барча муаммолари билан шуғулланиш ва бу муаммоларни шариат амаллари асосида ҳал этиш ҳуқуқига эга. У ҳатто аҳолидан тушган шикоят ва аризалар асосида маҳаллий рус маҳкамаларига мурожаат этиши, улар хатти-ҳаракатига нисбатан норозилик билдириши ҳам мумкинки, бу "Лойиҳа"нинг қимматини янада оширган.

Ниҳоят, Идораи руҳония ва дохилиянинг жавобгарлигига бағишланган сўнгги 6-бўлим қуйидаги масалаларни ўз ичига олган:

1. Идораи руҳония ва дохилия шўъбалари, ижроия маҳкамасининг, аълам ва аъзолари ҳамда қозихона ходимларининг хиёнат ва жинойтлари Идораи руҳония ва дохилия маҳкамаси томонидан теқширилади.

2. Туркистон Идораи руҳония ва дохилиянинг раис, аълам ва аъзоларининг жинойтлари тафтиш комиссияси томо-

нидан ўрганилади. Россиядаги барча Идораи руҳония ва мухториятларни текшириш Умумроссия мусулмонлари раиси маҳкамасининг вазифасига киради.

Туркистон Идораи руҳония ва дохилиясининг тузилмаси, аъзоларининг хатти-ҳаракати, тасарруфидаги ишлар ва масъулияти Беҳбудий томонидан шундай мукамаллик билан ишлаб чиқилганки, унинг ҳам шариат қонун-қоидалари, ҳам замонавий ҳуқуқий билимларни пухта эгаллаганлиги яққол кўриниб туради.

7-бўлим. Туркистон қозилари хусусинда.

Беҳбудий қозихонада ишлагани ва бу соҳани мукамал билгани учун Туркистон қозиларининг ҳуқуқий мақоми ва қозилик тизимининг ҳуқуқий масалаларини ўн моддада ифодалаган ва бу моддаларнинг асосийлари қуйидагилардир:

1. Туркистон қозилари ҳозирги тартибда сайланиши, аммо уларнинг бу лавозимга лойиқликлари Идораи руҳония ва дохилия ёки шўъбасининг шаҳодатномаси билан тасдиқланиши лозим. Уларни бўшатиш масаласи ҳам мазкур Идора иштиёридадир.

2. Туркистон музофотидаги ҳукм чиқарадиган бошқа мансаблар тугатилиб, улар ўрнига шаръий қозилар мансаби жорий этилсин.

3. Ҳар бир волостда бир қозихона, ҳар бир қозихонада эса бир қози ва бир муовин мансаби белгилансин.

4. Қози ва муовиннинг вазифалари ҳозиргидек халқ тарафидан белгиланиб, маоши Идораи руҳония томонидан берилсин.

5. Бир қозининг ҳукмидан норози бўлган киши ҳозиргидек 4 қозидан иборат кенгашга мурожаат этсин.

6. Қозилар кенгашининг ҳукми апелляция учун Идораи руҳониягача кўтарилиб, бекор қилиниши ёки рад этилиши мумкин.

7. Қозихонада ёзиладиган барча ҳужжатлар туркча (Ўзбекча) ёзилиб, даъво ва ҳужжат суммаси чекланмаслиги лозим.

8. Туркистон қозилари томонидан тасдиқланган барча васиқалар, ҳукм ва хатлар Россиядаги адлия маҳкамалари томонидан эътиборга олинishi мақсадга мувофиқ ва ҳ.к.

"Лойиҳа"нинг "Жоний ва бадқорлар" ("Жиноятчи ва безорилар") деган саккизинчи ҳамда "Туркистон яҳудийлари ва ажнабийлари" деган тўққизинчи бўлимлари ҳам мазкур масалаларга оид ишларни адолатли ҳал қилишга қаратилган моддалардан ташкил топган. Масалан, агар туркистонликлар 3 марта ўғирлик қилган ёки умумга зарар келтирган бўлсалар, улар Идораи руҳониянинг хоҳиши билан бошқа маҳаллага вақтинча ёки умрбод чиқарилиб юборилиши мумкин ва ҳ.к.

Беҳбудий Идораи руҳония ва дохилия фаолияти билан боғлиқ бу ҳуқуқий қарашлари ва таклифларини баён этгач, ҳукумат идораларининг фаолияти билан боғлиқ "талаб ва модда"лардан иборат "Лойиҳа"нинг иккинчи қисмини ҳам Мусулмон фракциясига маъруза тарзида тақдим этган. Бу қисм қуйидаги тўрт бўлимдан ташкил топган:

Миллий маҳкамалар хусусинда.

Вақфлар хусусинда.

Умумий мактаблар.

Сув ва ерлар хусусинда.

"Мулкий маҳкамалар хусусинда" деб номланган биринчи бўлимдаги Беҳбудийнинг ҳуқуқий қарашлари мазкур маҳкама ишини тубдан қайта қуришга қаратилгани билан, айниқса, аҳамиятлидир. Беҳбудийнинг бу масала бўйича қарашлари ва таклифлари ўн икки молдадан иборат бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

1. Туркистон ўлжасининг бош маҳкамасидаги мулкий, моллий ва илмий шўъба ҳамда мажлис (кенгаш)ларига мусулмонлардан идора ходими, аъзо ва маслаҳатчилар тайинлаш.

2. Барча вилоят маҳкамаларининг шу масаладаги шўъба ва мажлис (кенгаш)ларига мусулмонлардан лозим қадар аъзо ва маслаҳатчи тайинлаш.

3. Ҳар бир шаҳар ва катта қасаба (шаҳарча)да шаҳар Думаси очилиб, аъзолари сонини аҳолининг жинси (тури)га қараб тақсим қилиш.

4. Россия адлия маҳкамалари сайловига ва бу маҳкамалардаги мансабларга сайланишга мусулмонларни ҳақли деб ҳисоблаш.

5. Туркистон турмушидан хабарсиз юристларни Туркистон адлия маҳкамаларига ҳоким этиб тайинламаслик.

6. Қози ё судялар жазо тайин қилмагунча ҳеч кимни ҳибсга олмаслик.

7. Туркистонда Идораи руҳонияни тезлик билан очиш.

8. Қозилар ҳукмини прокурор назоратидан чиқарилиб, Идораи руҳония ихтиёрига топшириш ва ҳ.к.

"Лойиҳа"даги вақф масаласига бағишланган иккинчи бўлимнинг мақсад ва моҳияти вақф ишларини буткул Идораи руҳония ихтиёрига ўтказишга қаратилган. Беҳбудий, "Лойиҳа"нинг бошқа бўлимларидан ҳам маълум бўлганидек, ўлкадаги асосий ишларга раҳбарликни амалга ошириш учун Идораи руҳония ва доҳилияни тузиш ҳамда ҳукумат маҳкамалари тасарруфидаги бир қатор вазифаларни шу Идора ихтиёрига ўтказиш йўли билан Туркистоннинг "маданий мухторияти"га эришмоқчи бўлган.

Энди "Лойиҳа" муаллифининг умумий мактабларга оид ҳуқуқий таклифлари билан танишайлик. Бу масалага оид таклифлар қуйидаги тўрт моддадан иборат:

1. Россиядаги умумий таълим (ўқитув) масаласи ва моддаси Туркистонга ҳам барабар тегишли, деб ҳисоблансин.

2. Туркистондаги мактаб ва мадрасалар ҳукумат (рус маъмурияти назарда тутилмоқда) назоратидан озод этилсин.

3. Умумий ўрта ва олий мактабларга мусулмонлардан комиссия тайинлансин. Рус ҳарфи (ёзуви) мусулмон мактабларида жорий этилмасин.

4. Мусулмон бор бўлган ҳар хил корхона, ҳибсхона ва аскархонага мусулмон руҳонийси тайинлансин.

Юқоридаги моддалардан шу нарса аён бўладики, Беҳбудий бир томондан, Туркистон Россиянинг таркибий қисмига киргани ҳолда бу ерда яшовчи мусулмонларнинг Россиядаги ижтимоий имтиёزلардан фойдалана олмаётганларини кўзда тутиб, маҳаллий халқнинг Россиядаги рус фуқаролари билан тенг ҳуқуқли бўлиши, иккинчи томондан, Туркистондаги рус маъмуриятининг раҳбарлик ҳуқуқларини чегаралаш. Туркистоннинг "маданий мухторият"ига эришиш йўллари ахтарган. Беҳбудийнинг бундай интилишлари "Лойиҳа"нинг сув ва ер ҳақидаги бўлимида ҳам ўз ифодасини тошган.

Ҳукумат идоралари тасарруфидаги масалаларга бағишланган сўнги бўлим "Сув ва ерлар хусусинда" деб аталган бўлиб, қуйидаги моддалардан иборат:

1. Дунёнинг қайси мамлакатида яшашидан қатъий назар ҳар бир мусулмон Туркистондан ер сотиб олишга ҳақлидир, худди шунингдек, туркистонликлар ҳам дунёнинг бошқа мамлакатларидан ер сотиб олишлари мумкин.

2. Сахро-биёбон, тоғли жойларда яшовчи ва шаҳар халқининг маиший турмуш талаби билан яйлоқ, чашма, ўрмон, қўл, ўтлоқ ва дарёдан фойдаланишини таъқиқловчи қонунлар бекор қилинсин.

3. Дарё ва катта-кичик ариқ сувлари тақсими аҳолининг иттифоқи ва маслаҳати асосида кечсин.

4. Туркистон халқи талаб қилмагунча Туркистонга муҳожир юборилмасин.

5. Туркистон шаҳарларидаги ерлар тегишли қонун чиқмагунча гайримусулмонларга на вақтинча, на абадий фойдаланиш учун берилмасин.



Беҳбудийнинг 3-Россия Давлат Думаси фракциясига йўллаган "Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси" шундан иборат.

Беҳбудий 1907 йил ноябрь ойида ёзилган бу ҳужжати билан Россия мустамлакачилик сиёсатининг Туркистондаги кишанларини бўшаштирмоқчи бўлганки, биз бу ҳужжатда орадан ўн йил ўтгач, 1917 йилда амалга ошган Туркистон Мухторияти ҳождарининг дастлабки садоларини кўрамиз. Беҳбудийнинг бу "Лойиҳа"си билан Туркистондаги мустамлака давлат тузумини ислоҳ этмоқчи бўлгани шубҳасиз. Ўлкадаги бир қатор ҳаётий масалаларнинг давлат тасарруфида Идораи руҳония ва дохилия икhtiёрига ўтказилиши, шунингдек, мактаб, сув ва ер масалалари юзасидан олға сурилган таклифлар Беҳбудийнинг ўз давридан камида ўн йилга илғорлаб кетганини кўрсатади.

Афсуски, шу даврда ўзбек жадиличлик ҳаракатида Туркистон халқлари тақдири билан боғлиқ муҳим ҳуқуқий масалаларни Беҳбудийдек теран тушунган ва бу масалаларни Россия Давлат Думаси даражасига олиб чиққан бошқа бирор-та киши бўлмаган.

Орадан ўн йил ўтгач, Россияда 1917 йил Февраль инқилоби галаба қозонди. Россиянинг бевосита назорати остида яшаётган Бухоро амирлигидаги сиёсий ва ижтимоий вазият ҳам кескин ўзгариб, амирликнинг метин деворлари нурай бошлади. Шундай шароитда амирга бирдан-бир муҳолиф куч – "Ёш бухороликлар" ҳаракати ўз сафларини қайта қуришга киришди. Янги Марказий Қўмита мавжуд тарихий шароитдан келиб чиқиб, ташкилотнинг амалий дастурини ишлаб чиқишни ўз олдига бирламчи вазифа сифатида қўйди.

Дастур амир ҳукуматидан норози бўлган ва жадилич ташкилотига келиб қўшилган хилма-хил ижтимоий гуруҳларнинг манфаатини ифодалай олувчи ҳужжат бўлгани учун дастурул амал аҳамиятига эга бўлган сиёсий талаблар унда бўртиб турмаслиги лозим эди. Шунинг учун ҳам давомли

баҳслардан кейин бу дастурни ислоҳот лойиҳаси тарзида тузиш мақсадга мувофиқ, деб топилди ва лойиҳани тузиш иши Фитратга топширилди.

Орадан 2 ой ўтгандан сўнг, 1918 йил январида Фитрат томонидан тузилган "Бухорода ислоҳот лойиҳаси"ни "Ёш бухороликлар" Марказий Қўмитаси муҳокамасига топширди. Лойиҳа баъзи бир жузъий тузатишлар билан Марказий Қўмита томонидан қабул қилинди.

Фитрат ишлаб чиққан ва Марказий Қўмита томонидан қабул қилинган мазкур лойиҳада конституция масаласига ойдинлик киритилмаганидек, амирликдаги монархия тузумини ўзгартириш масаласи ҳам четлаб ўтилган. Худди шу ҳол туфайли кейинчалик большевиклар Фитрат шаънига озмунча маломат тошларини отмадилар. Лекин бу лойиҳанинг қиммати унда икки муҳим ғоянинг ифодаланганида эди.

Бу ғояларнинг биринчиси Бухорода ҳуқуқий давлатни барпо этиш, ўрта асрлардаги шарқона зулм ва зўравонликка асосланган тузумни Европа тарзидаги маърифатли монархия билан алмаштириш, меҳнаткаш аҳолининг фаровонлиги ва маданий даражасини ошириш йўли билан Бухорони сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан мустақкамлаш эди.

Юқоридаги шарҳдан маълум бўлганидек, Фитрат Бухородаги давлат тузумини, большевиклар хоҳлаганидек, инқилобий йўл билан эмас, балки ислоҳотлар йўли билан ўзгартиришни тўғри, деб ҳисоблаган. Бу ҳол Фитратнинг нафақат буюк ёзувчи, балки донишманд сиёсатчи бўлганини ҳам яққол кўрсатади.

Фитрат шу даврда турли ижтимоий гуруҳлар томонидан тузилган дастур муаллифларидан фарқли ўлароқ, сиёсий ва ижтимоий масалаларга катта эҳтиёткорлик ва хушёрлик билан ёндашган бўлса, маданий ва иқтисодий масалаларга ўтганда аниқ-тайин ва кескин фикрларни илгари сурган.

"Бухоро ислоҳоти лойиҳаси"ни қузатиш шундан шаҳодат берадики, Фитрат "Ёш бухороликлар" ҳаракатининг дастуру-

ламалини тузиш ва Бухородаги мавжуд тузумни ислоҳ этиш масаласига биринчи навбатда халқ оммаси манфаатини кўзда тутган ҳолда киришган. У ёзувчи сифатида меҳнаткаш халқ оммаси ҳаётини, дард ва ташвишлари, орзу ва умидларини яхши билганлиги учун, биринчи навбатда, шу халқ оммасининг ҳаётини ўзгартириш ва яхшилаш чораларини ахтарган. Шунинг учун ҳам у ўз лойиҳасида деҳқончилик масалаларига катта эътибор берган. Ҳатто лойиҳани ҳам давлат тузилиши масаласидан эмас, балки қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ ислоҳотдан бошлаб, барча экинзор ерларни уч гуруҳга – вақф ерлари, хусусий ерлар ва давлат ихтиёридаги ерларга ажратган.

Лойиҳага кўра, давлат ерлари (амлок) билан давлат ихтиёридаги (маълум шарт билан ижарага бериладиган) ерлар ўзаро бирлашган ҳолда ҳирож деб аталади. Хусусий ерлар ер эгасининг тўла-тўқис ихтиёрида бўлади. Вақф ерлари эса махсус бошқарма томонидан идора этилади.

Лойиҳадаги муҳим аҳамиятга молик масалалардан бири солиқ масаласидир. Худди шу нарса амирликда ‘халқ оммасининг қашшоқлашишига сабаб бўлгани учун Фитрат солиқ масаласига эътибор бериб, солиқ олишнинг бир қатор янги қоидаларини ишлаб чиққан. Чунончи, лойиҳага кўра, меҳнаткашлар оммаси ва давлатга қарашли ерлардан кам солиқ олиниши назарда тутилган. Ва айтилган пайтда кафсан, ускуна пули, чўп пули сингари сунъий равишда ўйлаб топишган қатор солиқларнинг бекор қилиниши айтилган. Лойиҳанинг солиқ масаласидаги янгиликлардан бири шунда эдики, Фитрат унда хусусий ер эгалари билан бирга амир томонидан ижарага берилган ҳирож ерлардан олинадиган солиқни ҳам оширишни лозим, деб ҳисоблаган. Бу Фитратнинг солиқ масаласида, биринчи навбатда, халқ оммасига маълум имтиёзлар яратиш, иккинчи томондан, шу вақтгача катта имтиёзлардан фойдаланиб яшаётган кишиларга келаётган текин фойда

Йўлини тўсиш ва, учинчидан, шу кимсалар ҳисобидан давлат ҳазинасини тўлдириш истагидан келиб чиққан.

Лойиҳадаги иккинчи муҳим ғоя деҳқончилик ва қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ. Фитрат халқ ва мамлакатнинг иқтисодий муаммоларини бартараф этиш ва фаровонликка эришишнинг асосий йўлини қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтиришда кўрган. Бунинг учун у экин майдонини кенгайтириш ва деҳқончилик ишларини мукамаллаштиришни лозим, деб билган. У экин экилган ва экилмаган ерлардан барабар солиқ олишни таклиф этган. Токи ер эгаси бу ернинг бўш, фойдасиз, ишламай, халқни ўз маҳсулотлари билан баҳраманд этмай турмасин, деган фикр уни, шундай халқ ва мамлакат манфаати йўлида дадил қадам ташлашга олиб келган.

Фитратнинг ердан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган таклифлари бу билангина чекланмайди. У ирригация ишларини ҳам эътибордан қочирмай, Зарафшон суғориш тизимидан тўғри фойдаланиб, сувнинг Бухоро ва Самарқанд вилоятларида тўғри тақсимланиши, Амударёдан ирригация мақсадида фойдаланиш борасида ҳам катта амалий аҳамиятга молик ғояларни илгари сурган.

Лойиҳадан катта ўрин олган вақф масаласида Фитрат Бухорода ҳукм сурган ўзбошимчалик ва суистеъмол қилиш ҳолатларини назарда тутган ҳолда вақфдан тушган маблағнинг соврилиб кетмаслиги учун махсус комиссарлик тузишни, вақф мулки, дўконлари, ошхона ва кутубхоналарни шу нозирлик тасарруфига ўтказиш ва барча даромадни мазкур комиссарлик қошидаги ҳазинада марказлаштириш ғоясини олға сурган. Шунда, унинг назарида, ҳазинадаги капиталдан тушган фойда ҳисобига янги мактаб ва мадрасалар, кутубхона ва етимхоналар, касалхона ва камбағаллар учун ошхоналар очиш мумкин бўлади.

Фитрат вақф мол-мулкидан тўғри фойдаланиш ҳақидаги таклифларини баён қилгандан сўнг ҳарбий ишни ташкил

этиш масаласига ўтади. Лойиҳага кўра, қўшин сонини 12 минг кишига кўпайтириш, қўшин тўплашнинг европача усулини қўллаб, ҳарбий хизматни ҳамма учун мажбурий қилиш лозим; 22 ёшга етган йигитлар икки йиллик ҳарбий хизматга чақирилиши, бундан аввал эса тиббий кўриқдан ўтиши шарт; бундан ташқари, кенг казармалар қуриш, командирлар учун Бухорода ҳарбий мактаб очиш, қўшиннинг кийим-боши ва озиқ-овқати бепул бўлиши ва аскарлар, оз бўлса-да, ойлик маош олиши зарур; бухороликлар ўртасида ҳарбий тайёргарликка эга кишилар бўлмагани учун рус армиясида хизмат қилган мусулмонлардан командир сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Энг муҳими, ҳарбий иш ҳарбий нозирликда марказлашиши лозим.

Лойиҳада молия, маъмурий бўлиниш масалалари Фитрат эътиборидан четда қолмаган.

Лойиҳада айтилишича, адлия идоралари шариат қонунлари асосида иш олиб боради. Қозикалон айти пайтда адлия нозирлиги вазифасини бажаради.

Бухорода темир йўлни ривожлантириш мақсадида Темир йўл нозирлиги тузилади ва бу нозирлик айти вақтда тоғ-кон саноати билан ҳам шуғулланади.

Бухоро Халқ Совет Республикасининг бўлажак маориф нозирлиги лойиҳада мактаб ва таълим масалаларига ҳам махсус эътибор қаратган. Лойиҳада келтирилишича, аҳоли ўртасида маориф ишларини ривожлантириш учун Маориф нозирлигини ташкил этиб, барча вилоятларда хазина ҳисобидан икки босқичли халқ мактаблари ва олий ўқув юртларини очиш, бу мактабларни ўқувчилар билан таъминлаш, барча турдаги мактаблар учун дастурлар ишлаб чиқиш ва бу мактаблар устидан назорат олиб бориш ишлари маъмур нозирликка юкланади.

Нозирлар Кенгаши, лойиҳага кўра, қуйидаги ўн та нозирликдан ташкил топади:

Ер ишлари нозирлиги.

Вақф ишлари нозирлиги.  
Ҳарбий ишлар нозирлиги.  
Молия нозирлиги.  
Ички ишлар нозирлиги.  
Адлия нозирлиги.  
Милиция нозирлиги.  
Темир йўл ва тоғ-кон саноати нозирлиги.  
Маориф нозирлиги.  
Ташқи ишлар нозирлиги.  
Ҳар бир нозир ҳузурида маслаҳатчи бўлади.

Бухороликлар орасидан мутахассислар тайёрлангунига қадар Россия, Озарбайжон ва Туркиядан таклиф этилган мусулмон миллатларига мансуб билимдон кишилар Бухоро нозирлари ҳузурида маслаҳатчи бўлиб хизмат этадилар.

Лойиҳада қайд этилишича, Россия ва бошқа давлатлар билан ташқи алоқага доир масалалар билан Нозирлар Кенгаши раисининг ўзи шахсан шуғулланади.

Лойиҳанинг мухтасар баёни шулардан иборат.

Афсуски, "Ёш бухороликлар" амирни тахтдан ағдариб, "шарқона зулм ва зўравонликка асосланган тузум"ни барта-раф этишда Фрунзе қўшинлари мададига суянмоқчи бўлдилар. Лекин натижада амир ҳам, "ёш бухороликлар"нинг ўзлари ҳам қувгинга учраб, Фитратнинг Бухорони ислоҳ этиш лойиҳаси амалга ошмади. Орадан бир неча йил ўтиб, Совет давлати Бухоро Халқ Совет республикасини "ютиб юборгач", Фитратнинг Марказий Қўмита томонидан маъқулланган мазкур дастурида хатолар занжирини ахтариш ва лойиҳа муаллифини анархия тузумига мойилликда айблаш ишлари авж олиб кетди.

Фитрат, Бехбудий сингари, Бухоро амирлик тузумини ағдариш ва унинг ўрнида маърифатли демократик давлатни барпо этиш тарафдори эди. Буни ҳозиргина кўриб ўтганимиз лойиҳа ҳам тўла тасдиқлайди. Лекин Фитрат фантаст ёзувчи бўлмагани, ўтган асрнинг 20-йиллари арафасидаги Бухоро ва

бухороликларни яхши билгани учун ўз олдига реал бажариш мумкин бўлган вазифани қўйган.

Бугун, орадан 85 йил ўтгандан кейин ҳам "Бухоро ислоҳоти лойиҳаси" билан яқиндан танишган киши лойиҳада бир қатор ажойиб ғоялар илгари сурилганини ҳамда бу ғоялар амалга ошган тақдирда Бухоро ва бухороликлар ҳаёти Фитрат тасаввур этган даражада яхши, маданий ва фаровон бўлишига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Фитрат ушбу лойиҳани тузганидан кейин кўп ўтмай, большевиклар Қўқонда барпо этилган Туркистон Мухторият ҳукуматини қонга ботирдилар. Фитрат, агар Туркистон аҳолиси улуғ мақсад йўлида бирлашмаса, уни шундай фожиа кутишини биларди. Шунинг учун ҳам у 1917 йил февраль-октябрь ойлари орасида ўзининг "Юрт қайғуси" деган сочмаларини яратиб, халқни бирлашиш, эрк ва ҳуррият йўлида курашишга чорлаган эди.

Унинг ва умуман жадидларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари деганда, улар қаламига мансуб шундай асарларни ҳам кўз олдимишга келтириб, жадид маърифатпарварларининг ижтимоий қарашлари заминида халқ ва Ватан озодлиги ҳамда миллий тараққиёт ғоялари ётади, десак, адолатдан бўлади.

#### **4-фасл. Аҳмад Донишнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари**

Ўз сиёсий-ҳуқуқий қарашлари билан давлат бошқарувини ислоҳ қилиш ҳақидаги ғоясини илгари сурган мутафаккирлардан бири 1827 йилда туғилган Аҳмад Донишдир.

Ўтган асрнинг ўрталарида Бухоро амири саройида бош хаттот ва рассом бўлиб иш бошлаган. Кейинчалик амирликдаги сиёсий-ижтимоий вазиятдан норози бўлиб, саройни тарк этган, ҳамда узоқ йиллар давомида қози бўлиб ишлаган.

Аҳмад Дониш сиёсий қарашларининг муҳим жиҳати - адолатта асосланган давлат бошқарувини амалга ошириш ғоясидир. Шунинг учун ҳам давлат бошлиғи бўлиш учун у давлат бошлиғига нисбатан қуйидаги талабларни-илм-маъ-

рифатли, тажрибага эга бўлишлиликини, адолатлиликини кўяр экан, демак, ҳар қандай киши ҳукмдор бўлолмаслигини таъкидлайди. Унинг фикрича, «Адолатга асосланган ҳокимиятгина мустаҳкам бўлади. Агар давлат тартибларидан, салтанат сиёсатидан халқ норози бўлиб, галва кўтарар экан, подшоҳни хазина ҳам, лашкар ҳам сақлаб қололмайди. Агар халқ ундан рози бўлар экан, аниқ билсинки, ҳеч ким унга қарши бош кўтара олмайди. Агар кўтарса, тор-мор бўлади».

Унинг «Ўзаро ёрдам ва маданийлик тартиби ҳақида рисола» асарида Бухоро амирлигидаги амалда бўлган бошқарув тизими танқид қилиниб, бундай тузумни ислоҳ қилиш гоёси илгари сурилган.

Ўзбекистонда бугунги кунда амалга оширилаётган сиёсий жараёнларда парламент институтларининг ташкил топиши, уларнинг ҳуқуқий мақоми, ваколати, вазифаси белгиланган бўлиб, бундай институтларнинг халқ манфаатига хизмат қилиши гоёсини Аҳмад Дониш ҳам ўз сиёсий қарашларида кенг таҳлил этган. Жумладан, унинг фикрича, давлат бошлиғи, яъни амирга берилган ваколатларга, яъни кенгаш аъзоларини, бошқа мансабдор шахсларни, элчиларни тайинлаш ва мансабидан бўшатиш, қонунларнинг ижросини текшириш, кенгаш қарорларини тасдиқлаш, бошқа давлатнинг элчиларини қабул қилиш ҳуқуқлари киради. Шунинг учун давлат бошлиғи қошида маслаҳат кенгаши ташкил этишни таклиф этади. Бу кенгаш аъзолари мамлакатдаги турли ижтимоий қатламлар вакилларида иборат бўлиб, амир томонидан тайинланиши ва вазифасидан озод этилиши кўзда тутилади. Амир кенгашга илмли кишини бошлиқ этиб тайинлаши лозим. Кенгаш аъзолари вақт-вақти билан йиғилиб, мамлакатни ободонлаштириш, фуқаролар манфаати билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилади, давлатнинг даромад ва харажатларини текширади ва муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилади.

Агар давлат бошлиғи кенгашнинг қарорларига қўшилса, уни тасдиқлаши ва ҳаётга татбиқ этиш йўлини топиши керак.

Айнан, Аҳмад Донишнинг ушбу фикрлари бугунги кунда амалга оширилаётган парламент институти ҳақидаги гоёдир.



Бундан ташқари, мутафаккирнинг фикрича, давлат бошлиғи салтанат ишларини маслаҳат ила юритиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Аҳмад Дониш бу ҳақда: «Султон кўпчилик халқ ризолиги ва давлат уруғларининг маслаҳатлари билан ўзига икки вазири доно сайлаб олсин. Улардан бири мамлакат кирими, иккинчиси эса мамлакат чиқимини ҳисоб қилсин. Бу икки вазирдан ташқари ҳарбий ишлар вазири, йўллар вазири, ички ишлар вазири, девонхона бошлиғи, сув тақсимловчи лавозимларини ҳам бўлишини таъкидлайди.

Унинг фикрича, бундай лавозимга кишилардаги қобилият, илм, фаросат, иқтидор давлат бошлиғи томонидан қаттиқ эътиборга олинishi керак. Бундан ташқари, ҳар бир киши лавозимга кўтарилишдан олдин, синовдан ўтмоғи керак, шундан сўнг юқори мансабга тайинласа бўлади. Ҳар бир мансабдорнинг ҳуқуқий ҳолати, ваколати, бурчи аниқ белгиланган бўлиб, улар вақт-вақти билан ёзма шаклда ҳукмдорга ўз ишлари юзасидан ҳисобот бериб туришлари лозим.

Шу учун давлат хазинасидан уларга маош белгиланишини уқтиради. Аҳмад Дониш мамлакатда тартиб, қонунқоида амал қилиши учун, энг аввало, салтанат ишларини ташкил этиш ва йўлга қўйиш ҳақидаги давлат низомномаси бўлиш керак-лигини таъкидлайди.

Аҳмад Донишнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларига кўра, салтанат ишларини ташкил этишда Низомнома, яъни Давлатнинг бош қомуси бўлиши таъкидланган, ҳамда барчанинг қонунларга риоя қилиши қатъий қилиб белгиланиши лозим. Шундагина халқ ўз ҳукмдорларига ва қонунларга тўлалигича амал қилишлари мумкин.

## **5-фасл. Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари**

Туркистондаги ушбу давр сиёсий-ҳуқуқий фикрларни янада ривожланиши бевосита Мунаввар қори Абдурашидхонов номи билан боғлиқдир. Туркистонда илм-фан, маърифат, маданиятни ривожлантириш бўйича, жамиятни ислоҳ

қилиш тўғрисида ўз илгор фикр ва мулоҳазаларини илгари сурган адиблардан бири Мунаввар қори Абдурашидхонов бўлиб, у 1878 йилда Тошкент шаҳар Шайх Хованди Тахур даҳа Дархон маҳалласида туғилган. Ота-онаси илмли, зиёли бўлишган. Мунаввар қори Абдурашидхонов дастлабки билимини онасидан олиб, хат-саводи чиқгач, ўз даврининг таниқли домлаларидан сабоқ ола бошлаган. 1898 йилда Бухорода ҳадис, фикҳ, илми тафсир бўйича ўқишни давом эттирган.

Мунаввар қори сиёсий-ҳуқуқий қарашларининг шаклланишига ушбу даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, шу билан бир қаторда Туркия, Мисрдан келган хорижий ташвиқотчиларнинг фикрлари таъсир этган. Унинг фикрича, жамиятда янги усулдаги мактабларни очиш, халқни маърифатли қилиш, бу учун эса дастур ва дарсликлар яратиш биринчи галдаги вазифа бўлиб, бу вазифани кечиктирмаслик зарур масала эди. Ўзи ҳам 1901 йилдан бошлаб илк мактаб оча бошлаган. Мунаввар қори миллий мактаб очиш билан бирга чет элга болаларни ўқишга юборишга ҳам катта эътибор берган. Халқ дорилфунуни очиш ишлари билан шуғулланган.

Мунаввар қори ўзининг «Тошкентда мусулмонлар жамияти» мақоласида ёшларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳақида шундай ёзади: «Тошкент жамиятининг исмини унутган ёки ҳеч бир «жамият» деган сўзни эшитмаган Тошкент мусулмонларининг етти яшаридан етмиш яшаригача жамиятнинг вужудидан хабардор бўлди, рус, яҳудий ва арманлар фойдаланиб юрган ўринлардан фойдаланмоқ мусулмонларга ҳам мумкин эканлиги очиқ билинди, бу эса Тошкент мусулмонларининг хийли руҳлари кўтарилмоғига ва жамиятга муҳаббат ила қарамоқларига сабаб бўлди».

Ўз даврининг қоқоқлигини танқид қилар экан, бундай ҳолат учун дин аҳлларини қоралаб, хусусан, имомлар ҳақида:

«Имомларимизнинг вазифалари қавмларига ваъз ва насиҳат бирла аҳком шариатни билдириб, ғайри машруъ ишлардан қайтармоқ бўлган ҳолда ўз вазифаларини адо қил-

моққа тўй ва маърака ахтармоқдан қўллари бўшамас. Агар қавмлари олдига тушиб, тўй ва маъракага юрмасалар, ўшал куни имоматдан маъзул бўлур эмишлар. Чунки авомуннос эътиқодида имомлик қавмни олдига тушиб, тўй ва маърака ахтармоқдан иборатдир ва аъёни қавмга хушомад қилиб, гирдин экмақдан киноятдир», - деб ёзган.

Бу вазиятни янада кескинлаштириш ниятида бўлган Чор ҳукуматининг масжид ва мадраса, қозихона, сайлаш ишларига, вақфларига ўзларича аралашиб, хўжайинлик қилиб, қозиларни «народнўй судя» атаб, ишни ўз қўлларига олиб, ўзбошимчалик ила иш тутишларини таҳлил этган.

Мунаввар қори нафақат ўзининг сиёсий-ҳуқуқий қарашларини илгари сурган, балки бевосита ўз фикрларини тарғиб қилиш, шу билан бир қаторда мухториятни қўлга киритиш учун фаол курашганлардандир. У Қўқонда ташкил этилган Туркистон Мухтор Республикасининг тузилишида қатнашиб, хайъат аъзоси этиб сайланди, Топкентда 1917 йил декабрида ўтган митингда мухториятни қўллаб-қувватлади. Лекин у большевикларнинг ҳеч нарсадан тап тортмайдиган шафқатсиз бир тоифа эканини кейинчалик тушуниб етган эди. Шунинг учун ҳам у «Хуррият берилмас, олинур. Ҳеч нарса ила олиб бўлмас, фақат қон ва қурбон илагина олиб бўлур» деган фикрни таъкидлаган.

Мунаввар қори ўз қарашларида кўпгина миллий, ижтимоий, сиёсий масалаларни таҳлил қилар экан, давлатни бошқариш учун миллий кадрларнинг етишмаслигини тушуниб етган. Шу боис ҳам «Нашри маориф» жамиятини тузишга киришган. Бу жамият давлат томонидан расмий руҳсат берилган уюшма бўлиб, ватанпарварлар томонидан ташкил этилган «Туркистон» ширкати томонидан иқтисодий жиҳатдан таъминланган. 1923 йил 4 март куни ушбу жамиятнинг очилиш маросими муносабати билан шу жамиятнинг аҳамияти ҳақида мақола ёзган, жумладан:

«Маданий мамлакатларнинг ҳар бирида маориф-маданият ишларини одатда халқ ўзи олиб борадур. Ҳукумат эса ёлғиз раҳбарлик ва ёрдамчилик вазифаларнигина адо этиб турадур. Шул сабабли онгли миллатлар ўзаро илм-фанни, адабий ва ижтимоий уюшмалар ва «Нашри маориф» жамиятлари тузиб, ҳукуматларининг раҳбарлик ва миллатларининг ёрдами орқасида халқни маориф ва маданият жиҳатларидан юқори кўтарилишига, оқартирилишига хизмат ва ҳаракат қилурлар.

Мана бу йўллар билан бугун Оврупа ва Амриқо халқлари ҳавода учар, денгиз остида сузар, дунёнинг энг нариги бўлаклари билан воситасиз хабарлашар бир ходға, бир маданиятга етишдилар», - деб ёзган.

Мунаввар қори Абдурашидхонов ушбу даврда ўзининг илғор қарашлари билан ажралиб турган. Унинг барча орзу истаклари, ҳуррият, мустақиллик, тенглик ва адолат каби гоёлари амалга ошмоқда.

#### IV боб

### Туркистондаги янги давлат тузуми жадидлар талқинида

1917 йил 7-15 апрель кунларида Тошкентда Ишчи ва солдат депутатлари советларининг I Туркистон ўлка съезди бўлиб ўтди. 263 делегат иштирокида ўтган съезд Россияда кучли марказий органи бўлган демократик республика тузиш зарурлигини ёқлаб чиқди.

Ўша йилнинг 9-16 апрель кунлари Туркистон ўлкаси ижроия кўмиталарининг съезди бўлиб, унда 171 делегатдан 99 нафари европалик ва 72 нафари маҳаллий аҳоли вакиллари эди. Россиядаги давлатчиликнинг келгусидаги шакллари атрофида бўлиб ўтган мунозарада турли-туман фикрлар билдирилди. Жумладан, "Россиядаги барча халқларга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи"ни берувчи шакл сифатида федератив республика гоёси кенг муҳокама этилди. Федератив республика тарафдорларининг бир қисми мухторият бериш тўғрисидаги масалани халқларнинг маданий ва сиёсий савиясини ҳиобга олган ҳолда ҳал этиш лозим, деб топди. Шу муносабат билан, Туркистон халқларига кейинчалик мухториятдан фойдаланиш имконияти берилиши уқтириб ўтилди. Федератив тузум тарафдорларининг иккинчи қисми эса мухторият миллий эмас, аксинча, ҳудудий бўлиши лозим, деган фикрни илгари сурди.

"Умуман, - деб баҳо беради "Ўзбекистоннинг янги тарихи" биринчи китобининг муаллифлари, - бу фикрнинг мазмуни қандай бўлишидан қатъий назар, уларнинг ҳаммаси асл моҳияти билан ўлканинг кўп миллионли аҳолиси манфаатларига менсимай қарашдан, унинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига беписандлик билан муносабатда бўлишдан иборат эди. Съездда сўзга чиққан миллий демократия раҳбарлари буни алам билан таъкидладилар. Маҳмудхўжа Бехбудий ўлка халқи манфаатларини ҳимоя қилиб, энг қадимий тарих ва маданият соҳиби бўлган (уларнинг ютуқлари бутун

инсониятнинг маданият ҳазинасига кирган), дунёга таниқли олимларни, ҳуқуқшуносларни, юксак меъморлик намуналарини берган, ўз турмуш тарихига, юксак деҳқончилик, боғдорчилик, ҳунармандчилик маданиятига эга бўлган ана шу халқлар тўғрисида фахр билан гапириб, халқнинг ҳозирги аҳволи учун, унинг жаҳолатпарастлиги ва нодонлиги учун айбни чоризмга юклади.

Муҳокама қилинган масала юзасидан қабул қилинган қарорда съезд озчиликнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, баъзи ҳолларда тўла федеративлик бериш йўли билан давлатнинг айрим вилоятларига кенг мухторият бериш принциплари асосида Россияда демократик республика ўрнатиш бирмунча мувофиқ эканини тан олди. Яъни съезд ўзининг ноаниқ, мужмал ва бетайин таърифида миллий мухториятдан кўра кўпроқ ҳудудий мухториятни ёқлаб фикр билдирди".<sup>89</sup>

Бу катта парчани кўчирма тарзида келтиришдан мақсад шуки, биринчидан, жадидлар 1917 йил февралдан кейин фақат "Шўрои Уламо" тўфайлигина ажралиб кетмадилар, балки шу ойлarda пайдо бўлган "йигирмага яқин" ташкилот ва партияларга аъзо бўлиб кириб, ягона сиёсий кучни ташкил этиш ўрнига, кези келганда, ўз маслакдошларига ҳам қарши курашдилар. Қисман шундай келишмовчилик ва ички зиддият жадидларнинг 1917 йил февраль-октябрь ойларида пайдо бўлган тарихий имкониятни бой беришларига сабабчи бўлди. Иккинчидан, зикр этилган съезднинг 1917 йили Тошкентда чоп этилган қайдномаси ва кўчирмада айтиб ўтилган "миллий мухторият" ва "ҳудудий мухторият" атамаларига эътибор берсак, бир нарса равшанлашади. Бу - Туркистон Мухторият ҳукуматининг Қўқонда "ҳудудий мухторият" шаклида барпо этилишидир. Тахминимизга кўра, Мухторият ташаббускорлари ўз муҳолифларининг сиёсий гоёлари билан яхши танишибгина қолмай, улардаги айрим "рационал мағиз"ни олишга ва улардан фойдаланишга ҳам интиланлар.

<sup>89</sup> Кўрсатилган китоб. - Б 28.

## 1-фасл. Янги давлатнинг ҳуқуқий асосларини яратиш йўлида

Маълумки, совет тузуми даврида шаҳар ва ҳатто марказий давлат идораларининг раҳбарлик ҳақ-ҳуқуқлари ҳам коммунистлар партияси томонидан тортиб олинди. Ҳолбуки, ҳар қандай давлат тизими кичик ҳокимият идораларидан бошланади. Шунинг учун ҳам, февраль инқилобидан кейин Туркистонда сиёсий-ижтимоий ислохотларни ўтказиш масаласи кун тартибига қўйилганда, шаҳарнинг ўзини-ўзи идора қилишни ислох қилиш муҳим аҳамиятга эга эди. Н.Т.Маллицкий худди шу масалада маъруза билан чиқиб, шаҳарни ўзини-ўзи идора этиш бўйича янги бир таклифни киритди. Бу таклифга биноан, шаҳар ўзини-ўзи идора этадиган икки мустақил органдан иборат бўлиши, уларнинг бири европалик, иккинчиси эса туб аҳолининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиши лозим эди. Маллицкийнинг бу лойиҳаси европалик аҳоли кам сонли бўлгани учун яқин келажақда маҳаллий аҳоли томонидан тазйиқ остига олинishi мумкин эди, шунинг учун ҳам, унинг назарида, биринчи навбатда, шу кам сонли европалик аҳолининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ҳокимият органининг бўлиши шарт эди. Ушбу лойиҳа муҳокамада қаттиқ қаршилиқларга сабабчи бўлди. Муҳокамада иштирок этган нотиклар шаҳарнинг ўзини-ўзи идора қилиш бирлигини ҳимоя қилиб, Туркистон ўлкасида яшаётган барча миллат ва элатларнинг ҳокимият органида мутаносиблик принципи асосида ўз вакиллари бўлишини тўғри, деб топдилар. "Маҳаллий демократия вакиллари, айниқса, муросасиз йўл тутдилар. Аҳмад Заки Валидий Тўғон бу лойиҳани русларни маҳаллий аҳолидан ажратиб қўйиш, мустамлакачилик сиёсатини давом эттириш йўли, деб таърифлади. Бехбудий шаҳарнинг ягона ўзини-ўзи идора қилишини ташкил этишни ёқлаб гапириб, уни аҳолининг маданий жиҳатдан анча ривожланган

қисмининг, кам ривожланган қисмига таъсирини кучайтирувчи орган, деб билди".<sup>90</sup>

Зақи Валидий ўз хотираларида ушбу тарихий воқеанинг айрим нуқталарига ойдинлик киритиб, бундай маълумотни берган:

"...Улар шаҳар идорасининг рус қисмини бир томонга, маҳаллий халқ қисмини иккинчи томонга ажратиб, муниципалитет тузиб, бутун идорани рус муниципалитетига ўтказмоққа йиғилдилар. Туркистоннинг умумий вакилот мажлисига, асосан, рус муниципалитет вакиллари сайлаш, жойлар сонини камайтириш, хотин-қизларни сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш фикрида эдилар. 13 апрель йиғилишида бу масала Маллицкий тарафидан катта маъруза ҳолида тушунтирилиб, олдиндан тайёрланган қарор ҳам ўқилгач, мен ўзим тайёрлаб келган режа ва қарорларни тавсия этдим... Бу, руслар учун қутилмаган иш бўлди. Чунки мен русларнинг Туркистонда муниципалитет ва земство тузишга бағишлаб, кейинги бир неча йил мобайнида эълон қилган барча нашрларини синчиклаб ўрганган эдим... Мен 14 апрелдаги йиғилишга бу китобларни ҳам олиб келдим. "Бутун Россияда вакиллар ва бошқарма идора масалалари қандай мезондан чиқиб ҳал этилса, Туркистонда ҳам шундай бўлажак. Туркистонликларнинг кўпчиликини ташкил қилишидан кўрқиб ярамайди. Сайловда ерли аёллар ҳам рус аёллари каби қатнашади, бу ерда ҳеч қандай чеклаш ва ҳадиксираш бўлиши керак эмас," - дедим".<sup>91</sup>

Маллицкий билимдон сиёсатчи бўлгани учун ўз фикрларини етарли даражада асослаб, ҳатто йиғилишда иштирок этган бирдан-бир ўзбек юристи Тошпўлатбек Норбўтабеков билан Мустафо Чўқаевни ўз тарафига оғдириб олади. Улар Валидийнинг гувоҳлик беришича, "Ўлка вакиллари мажлисида ишлайдиган кўзга кўринган кишиларимиз ҳозирча йўқ,

<sup>90</sup> Кўрсатилган китоб. - Б. 29.

<sup>91</sup> Аҳмад Заки Валидий Тўтов. Кўрсатилган асар. - Б. 45.



табий, биз идорада озчиликни ташкил қиламиз, русча ўқи-ганлар кўпайса, ўлка идораларида ҳам ўрнимиз кўпайиб боради", деб ўзларига-ўзлари таскин бердилар. "Ўзкин, - деб давом этади Валидий,- Беҳбудий билан мен Туркистон парламентида фақат русча сўзлаш тўғри эмас, турк ва рус тилларининг ҳуқуқлари тенг бўлиши керак, деб чиқдик".<sup>92</sup>

Хуллас, Валидий русларнинг Туркистонда олиб борган сиёсатлари инглиз мустамлакачиларининг Ҳиндистонда олиб борган сиёсатидан мутлақо фарқ қилмагани ва фарқ қилмаётганини асослаб берди. Натижада вазият Беҳбудий билан Валидий фойдасига ҳал бўлди.

Съезд кўпчилик овоз билан ўз-ўзини идора қилиш ягона тизимини ёқлаб, овоз берди. Маҳаллий аҳоли вакилларининг съездда ўз қарашларини дадил асослаганлари ва ҳимоя қилганлари Туркистондаги турли сиёсий кучларни бир оз сергаклартириб қўйди, вужудга келаётган янги сиёсий вазиятнинг асл моҳиятини улар олдида очиқ ташлади.

Муваққат ҳукуматнинг 1917 йил 6 март куни умумхалқ олдида эълон қилган мурожаатномаси асосида Туркистон ўлкасини барпо этиш, ўлкани идора қилиш соҳасида вужудга келадиган масалаларни "ўша жойнинг ўзида" ҳал қилиш ва мустаҳкам тартиб ўрнатиш мақсадида 1917 йил 7 апрелда Туркистон қўмитасининг 9 кишидан иборат таркиби тасдиқланди. Қўмитанинг биринчи таркибига маҳаллий аҳолига мансуб 4 киши киритилди. Булар - I - III чақириқ Давлат Думаси аъзоси А.Букейхонов, II чақириқ Давлат Думаси аъзоси М.Тинишпаев, III чақириқ Давлат Думаси аъзоси С.Мақсудов ва генерал-майор А.Давлетшин эдилар. Муваққат ҳукумат бу кишиларни Туркистон қўмитаси таркибига кири-тиб, маҳаллий аҳоли манфаатини кўзлаётгани ва шу йўналишда фаолият олиб бормоқчи бўлганини билдирди. Аммо бу шахсларнинг аксари Туркистонда рўй берган шароитни яхши

---

<sup>92</sup> Кўрсатилган асар. - Б. 46.

билмайдиган кишилар бўлгани учун, ўлкада содир бўлаётган воқеалар ривожига таъсир ўтказа олмадилар.

Туркистон қўмитасининг Н.Н.Шчепкин раислигидаги биринчи таркиби маҳаллий вазиятни билмаган ҳолда айрим йўриқномаларни чиқарди, ўлкани идора қилишга оид ўз вазифаларини белгилаб олишга қийналди. Туркистон ўлкаси ижроия қўмиталари делегатларининг 1917 йил ўрталарида бўлиб ўтган қурултойида Маҳмудхўжа Бехбудий делегат Ельпатьяевскийнинг нутқида жавобан бундай деган эди: "Йўриқномаларни ким чиқаради, нашр этади? Бизми ё Туркистон қўмитаси? Демократик асослар йўқ бўлиб кетди, биз нима учун бу ерга тўпландик ва жойларга нима билан қайтиб борамиз? – Буни тушуниб бўлмайди. Туркистон қўмитасининг аъзолари бизнинг ҳаётимизни билмаганлари ҳолда идора қилиш учун йўриқномалар чиқарармишлар".<sup>93</sup>

Муваққат ҳукумат томонидан тузилган Туркистон қўмитаси маҳаллий халқнинг ишонч ва умидини оқлолмади: қўмига билан маҳаллий жамоат ташкилотлари ўртасида зиддият пайдо бўлиб, кундан-кунга кучайиб борди.

Февраль инқилобидан кейинги вазиятни тушуниш учун, 1917 йилнинг 16-21 апрелида Бутунтуркистон мусулмонлари қурултойида сўзга чиққан Крепс исмли Туркистон ўлка ижроия қўмитаси аъзосининг қуйидаги монологи билан танишайлик. Қуни кеча маҳаллий халқни назар-писанд қилмаган бу арбоб қурултой минбарига чиқиб, бундай деган:

"Мусулмонлар! Сиз бутун ер юзидаги мусулмонларнинг ҳури бўлдингиз!.. Эски ҳукумат сиз билан сўйлашканда сағир бола ила сўйлашкандек сўйлашар эди. Сизни ҳамиша бир ёшли боладек кўруб ўқсатар эди. Ҳозирги ҳукумат ўзининг азиз фарзандидек кўруб, сағир бола эмас, кабир киши ила, қул эмас, озод киши ила сўйлашкандек сўйлашур. Ҳам шундай муомила қилур".<sup>94</sup>

<sup>93</sup> Қарағ: Ҷабежистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. – Б. 30-31.

<sup>94</sup> "Нажот" газетаси, 1917 йил 21 апрель.

Давлат Думаси аъзоси кадет Н.Шчепкин эса ушбу қурултойда бундай шакаргуфторлик қилган:

"Мен аминманки, агар ҳаракат қилинса, оз замон ичида Туркистон бўстонга айланадир. Биласизми, Туркистон вилояти Русиянинг бриллианти (гуҳари, қимматбахоси)дур. Мен китобларда ўқуғонман, илгари замонда бу мамлакат шундай обод бўлгон эканки, мушук бир тарафидан том-батом юруб, иккинчи тарафига келар экан. Иншолло, озгина ҳаракат ила Туркистонни шундай обод қилмоқ мумкин дур".<sup>95</sup>

Бундай атр-упалар суртилган сўзларни тингловчиларнинг қарсақларига мушарраф бўлиш, лақма ватандошларимизни яна ўзларининг ҳақиқий улуг ога эканликларига ишонтириш учун айтилган бўлиши шубҳасиз. Туркистондан жудо бўлиш истиқболи кўрина бошлаган айёмда Крепс, Шчепкин каби кимсаларнинг қўзичоқ ниқобига киришлари тактик бир йўл эди, холос. Чамаси, улар қурултой қатнашчиларининг қарсақларига эришиб, уларда ўзларига нисбатан хайри-хоҳлик ва ишонч пайдо бўлганини кўришлари биланок, яна ўз муддаоларига кўчганлар. Муваққат ҳукуматнинг Туркистон билан "ўз фарзандидек", "кабир киши ила", "озод киши ила" гаплашаётганини айтгач, Н.Шчепкин бундай деган: "Янги ҳукумат сизларни Русиядан ажралмаслигингизга ишонадир".<sup>96</sup>

Маъна шакаргуфторлик замирида ётган бўрининг мақсади.

"Шўрои Ислом" ташкилоти ташаббуси билан ўтказилган қурултой ишида маҳаллий аҳоли вакилларида 150 нафар делегат иштирок этди. Қурултой раёсати таркибига Мунаввар қори Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжаев, Мустафо Чўқаев, Тошпўлатбек Норбеков, Аҳмад Заки Валидий Тўғон, Шерали Лапин ва бошқалар кирдилар. Кун тартибига қуйидаги масалалар қўйилди:

<sup>95</sup> Ҷша ерда.

<sup>96</sup> Курсатилган китоб. - Б. 30.

- Муваққат ҳукуматга муносабат;
- Россиядаги идора қилиш усули тўғрисида;
- Таъсис мажлисига тайёргарлик кўриш;
- Туркистондаги маҳаллий фуқаролар муассасалари;
- Туркистонда дин ва шариат муассасалари;
- Туркистонда барча мусулмонларга раҳбарлик қилувчи ислом диний бошқарувини тузиш тўғрисида;
- Урушга муносабат, жабҳа ортида хизмат қилувчилар ҳақидаги масала;
- "Шўрои Ислom"ни ўлка миқёсида бирлаштириш масаласи;
- "Шўрои Ислom"нинг ижроия қўмиталарга муносабати ва бошқалар.

Таниқли публицист Мирмуҳсин Шермуҳамедов "Турон" газетасининг 1917 йил 25 апрель сонидан эълон қилинган мақоласида қурултой минбаридан туриб айтилган сўзларни келтиради. Унинг берган маълумотига кўра, қурултой қатнашчиларидан Қори Сомеъ, Тугусуев Фарид, Заки Валиев, Маҳмудхўжа Бехбудий ва бошқа бир неча обрў-эътиборли кишилар сўзлаб, "ҳозирги берилган ҳурриятдан фойдаланиб, ўзимизга афтонўмия олуб қолишимиз керак! Ҳозирги вақтни қўлимиздан берсак, иккинчи вақт афтонўмия оламиз, деб кўб талофатлар берурмиз, кўб қонлар тўкурмиз," – деганлар.

Демак, ўзбек халқининг юқорида тилга олинган пешқадам кишилари ва уларнинг маслакдошлари Н.Шчепкин каби кимсаларнинг ниятларини тўғри тушуниб, қурултой аҳлини тўғри йўлга бошламоқчи бўлганлар. Лекин, афсуски, ўзини ўзбек халқининг дўсти, деб ҳисоблаган айрим кимсалар ана шундай вазиятда халқнинг илғор соғлом фикрли кишиларини эмас, балки рус мустамлакачиларини қувватлаб чиқдилар. Татаристон "Шўрои Ислom" ташкилотининг вакили сифатида қурултойда қатнашган Кабир Бакир ("Вақт" газетаси таҳририяти аъзоси) сўзга чиқиб, "Туркистонга автономия бериш эрта, ҳозирча демократик республика учун

ҳаракат қилишимиз керак, автономия олиб, тажрибасиз-лигимиз орқасида ҳалокатга учрамайлик”, деган шубҳа уругини сочди. Унинг фикрича, Туркистонга автономия берилган тақдирда ҳам ўлкани сиёсий-ижтимоий жиҳатдан идора қила оладиган маҳаллий кадрлар ҳали етишиб чиқмаган ва уларнинг яқин вақт ичида етишиб чиқиши ҳам гумон эди.

Хуллас, қурултой қатнашчилари мухторият масаласида, бир томондан, рус мустамлакачилари, иккинчи томондан, Кабир Бакир сингари қурултой меҳмонлари сочган шубҳа-гумон туфайли ягона фикрга кела олмадилар. Қурултой Туркистоннинг идора усули қандай бўлишини ҳал этиш учун 9 кишидан иборат ҳайъат сайлаш билан кифояланди. Кейинчалик бу ҳайъатга яна тўрт киши киритилиб, аъзолар сони 13 тага етказилди. Ушбу ҳайъат Туркистоннинг келажакдаги идора усулига оид маромнома устида 1917 йилнинг сентябрь ойига қадар иш олиб борди.

Қурултой кун тартибидаги масалалар кўп бўлишига қарамай, Россиядаги бошқарувнинг келгусидаги шакли ва Туркистон мусулмонларининг таъшилий жиҳатдан бирлашуви масаласи диққат марказида турди. Съезд муваққат ҳукуматга ишонч билдириб, унинг дастурини маъқуллади, шунингдек, барча вилоятларга, шу жумладан, Туркистонга ҳам мухторият бериш шарти билан Россияда федератив демократик республикани барпо этиш ғоясини яқдиллик билан қўллаб-қувватлади.

Модомики, биз XX асрнинг биринчи чорагида Туркистоннинг ижтимоий ҳаётида муҳим роль ўйнаган жадидчиликнинг сиёсий ва ижтимоий асосларини ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, бу нарсанинг сиёсий кураш жараёнида туғилиб ва шаклланиб борганини айтишимиз лозим. Афсуски, шу даврнинг бошқа шохидларидан хотиралар қолмагани учун, биз яна Заки Валидийнинг шу масала бўйича айтган фикрларини қуйида келтиришни лозим, деб топамиз. Негаки, 1917 йилда, айниқса, Февраль

инқилобидан кейин давлат қурилиши масаласи жадидларни жиддий равишда қизиқтирган. Уларнинг фақат демократик давлат эмас, балки федератив демократик давлат гоёсига келишлари мавжуд тарихий вазиятнинг барча жиҳатларини ҳисобга олганликларидан шаҳодат беради.

Валидий бундай маълумотни келтиради:

“Давлат идораси ва идорани ташкил қилиш масалалари бўйича маърузачи мен бўлдим, федерация гоёсини ҳар томонлама ёқлаб, тарихий далиллар билан исбот этдим. Маҳмудхўжа Бехбудий ва қозоқ муҳандис Муҳаммаджон Тинишбоев ҳам шу гоёни ёқладим... Ерли зиёлиларга кадетларнинг таъсири кучли бўлди. Шу жиҳатдан, федерация ва Туркистонда бир парламент, бир “земство” фикрини қабул қилмасликка ҳаракат қилдилар. Конгресс (Қурултой – Р.И.) га келган вакилларнинг юздан тўқсони русча билмас эди. Садри Мақсудийбек ва татарлар номидан гапирган Кабир Бакир, бир савдогар ва қандайдир бошқа бир кишилар федерацияга қарши чиқиб, “фақат демократик Россия жумҳурияти” фикрини қатъий олға сурдилар. Бу орада Мунаввар қори, Убайдулла Хўжаев каби зиёлилар аввал федерация фикрига қўшилмадилар, буни хаёл бўлса керак, деб ўйладилар. Бу масала ўша дамда Маҳмудхўжа Бехбудий ва Қўқонлик Обиджон Маҳмудовнинг иккиланмасдан мен томонда бўлишлари туфайли ҳал этилди”.<sup>97</sup>

Сиёсий онги ва ҳуқуқий билимлари етарли даражага эришмаган кишилар орасида, ўз вақтида Давлат Думасига мусулмонларнинг вакили сифатида кирган Садри Мақсудий (Мақсудов) ва ҳатто Мунаввар қори Абдурашидхонов билан Убайдулла Хўжаев ҳам бор эдилар. Бу ҳол уларнинг федерализм гоёсини англаб етмаганлари сабабли эмас, балки Россия империясидаги вазиятнинг ола-чипор бўлганлиги билан ҳам изоҳланади. Чунончи, Туркистондаги 1917-1918 йиллардаги иқтисодий аҳвол, йғжимой-маданий шароит, халқнинг

<sup>97</sup> Аҳмад Заки Валидий Тўғон. Қўрсатилган асар. - Б. 48.

пешқадам кишилари назарида, кўпроқ демократик республика тузумини тақозо этган. Аммо Россиядаги демократик республиканинг ҳуқуқий асослари Туркистонга зарур бўлган мухториятни бериши амри маҳол эди. Шунинг учун ҳам, инглизларнинг Ҳиндистондаги идора усулини яхши ўрганиб чиққан Заки Валидий федератив демократик республика гоёси учун изчил кураш олиб борди.

Қурултойнинг сўнги кунда Туркистон ўлка мусулмонлар шўросини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўлка мусулмон шўросига Мустафо Чўқаев раис, Заки Валидий бош котиб этиб сайланди. Марказий шўронинг Тошкент бўлимига Мунаввар қори Абдурашидхонов раис этиб тайинланди. Марказий шўронинг органи сифатида “Кенгаш” номли газета чиқа бошлади. Ўлка мусулмонлар шўроси шу пайтгача тарқоқ ҳолда яшаб келган, бир-бири билан ўзаро боғланмаган мусулмон жамиятлари, қўмиталари ва иттифоқларини бирлаштиришни назарда тутди. Шу мақсадда шўронинг 1917 йил 12 июнь куни бўлиб ўтган йиғилишида Низом қабул қилинди ва бу Низомга мувофиқ “Шўрои Ислом”, “Равнақ ул-ислом”, “Мирваж ул-ислом”, “Муаллимлар жамияти”, “Талабалар жамияти” сингари жамоат ташкилотлари ички зиддиятлари ва фарқларига қарамай, мусулмон депутатлари вилоят, уезд ва шаҳар шўроларига бирлашишлари, айти пайтда уларнинг ҳаммаси биргаликда мусулмон депутатлари Туркистон Марказий Шўросига бўйсунishi лозим эди.

Шундай қилиб, 1917 йилнинг ўрталарида Туркистон халқларининг бирлашиши йўлида муҳим қадам қўйилди. Бу тараққийпарвар кучларнинг халқ менталитетига хос парокандалик ва ноаҳиллик устидан қозонган катта ғалабаси эди.

Бутунтуркистон мусулмонлари I қурултойининг ўтказилиши ҳамда Туркистон ўлка мусулмонлари шўросининг тузилиши мухторият масаласини кун тартибига қўйиш имконини берди. Бинобарин, халқнинг турли табақаларида

мухторият масаласи баҳс ва муҳокама учун асосий мавзуга айланди.

Кези келганда айтиш жоизки, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг "Мухторият ёки автономия" деган сахна асари бор. Ҳамза "Ўзбек совет адабиёти"нинг асосчиси деб юритилган даврда таниқли ҳамзашунос олимлар бу асарнинг яратилиш тарихи ва гоёвий мазмунини мутлақо ўзгача талқин этиб келдилар. Айрим хотираларга кўра, Ҳамза Қўқоннинг Гишткўприк маҳалласида жойлашган Маҳмуд тарашанинг меҳмонхонасида сахна ясаб, гўё ушбу асарини намойиш этган. Таниқли театршунос Мамажон Раҳмонов шу "факт"дан келиб чиқиб, ҳатто бундай хулоса чиқаради:

"Қўқон мухторияти"нинг расвосини чиқарган бу спектаклнинг овозаси халқ ўртасига тез тарқалган. Бундан газабланган мухториятнинг ҳарбий нозири Эргаш қўрбоши Ҳамзани тутиб қамашга буйруқ берган ва уни қидира бошлаганлар. Ҳамза ўртоқларининг ёрдами билан Бешариққа қочиб, у ердан Тошкентга келади. Бу ерда ҳам қўлга тушиш хавфи бор бўлганидан Туркистон шаҳрига бориб, ...қочқинликда юришга мажбур бўлади".<sup>98</sup>

Худди шу фикр бошқа ҳамзашуносларнинг тадқиқотларида ҳам айнан такрорланган. Бу мутлақо асоссиз фикр бўлиб, у Туркистон Мухторият ҳукумати совет тарихчилари томонидан қораланган даврга мосланган ва тарих фактларига хилоф равишда тўқиб чиқарилган. Гап шундаки, Туркистон Мухторият ҳукумати 1917 йил октябрининг сўнги кунларида Қўқонда эълон қилинганда, Ҳамза, чиндан ҳам, Туркистонда бўлган. У Туркистон Мухториятининг эълон қилинганини шу ерда, таниқли маърифатпарвар ва миллий иттиҳодчи Саидносир Миржалиловнинг уйида (эҳтимол ундан олган хат орқали) эшитади. Бундан руҳланиб, "Туркистон мухториятина" деган бағишлов шеърини ёзган. Бу шеър мухториятни олқишловчи куйидаги сатрлар билан бошланади:

<sup>98</sup> Раҳмонов М. Ҳамза ва ўзбек театри. - Т., 1959. - Б. 125.



Тўрт юз йиллик Романов битгач давлати,  
Кўтарилди асорат, хўрлик зиллати,  
Насиб ўлди миллата қайтиб ҳавкати,  
Қутлуғ бўлсин Туркистон мухторияти!

Бу шеър, тахминимизга кўра, Қўқонга, мухториятчилар ва қўқонликларнинг ашула қилиб айтишлари учун юборилган. Шу мақсадда ёзилган бўлса керакки, унда хор учун ёзилган бундай нақорат сатрлари ҳам бор:

Қутлуғ бўлсин Туркистон мухторияти!  
Яшасун энди бирлашуб ислом миллати!<sup>99</sup>

Туркистон Мухториятини шундай жўшиб куйлаган шоирнинг айна пайтда, Совет даврида айтилганидек, уни масхаралаб сахна асари ёзиши асло мумкин эмас.

Чиндан ҳам, агар "Мухторият ёки автономия" пьесаси матнини диққат-эътибор билан ўқисак, унда бутунлай бошқа бир воқеанинг тасвир этилганига ишонч ҳосил қиламиз. Ҳамзанинг эътирофига кўра, пьеса "Туркистонда хуррият (Февраль инқилоби-Р.Ш.) бўлуви муносабати ила ёшлар ва уламолар орасида ихтилоф ўлароқ уламолар(нинг) айрилиб кетувлари руҳоний мажлисин тасвиридир".<sup>100</sup>

Ушбу пьесада бой афандининг уйига тўпланган уламо-ларнинг демократик республика ва автономия моҳиятини мутлақо билмаганлари ҳолда, бу сиёсий-ижтимоий ҳодисаларга қарши бўлганлари, шариатда бўлмагани учун уларни рад этишлари кулги остига олинади. Масалан, автономия билан автомобилнинг фарқига бормайдиган бир уламо бундай дейди: "У ҳафтаномиyasi ҳам бутун фалокат ахир, янги келган вақтда отлар хуркиб, ипин узуб, аробалар олиб қочуб, неча одамларни босиб ўлдирмайдими?"<sup>101</sup>

<sup>99</sup> Ҳамза Ҳакимзода Ниязий. Тўла асарлар тўплами. Иккинчи жилд. - Т.: 1988. - Б. 155.

<sup>100</sup> Ҳамза Ҳакимзода Ниязий. Тўла асарлар тўплами. Учинчи том. - Т.: 1988. - Б. 52.

<sup>101</sup> Курсатилган асар, 60-бет.

“Шўрои Ислом” аъзолари ва умуман марказий шўро аъзолари ана шундай савияга эга бўлган уламолар билан курашда мухторият ғоясини шакллантириб, уни рўёбга чиқариш йўлида қизгин фаолият олиб бордилар.

Мухторият тушунчаси ва ғояси нафақат дин аҳллари, балки халқ оммасини ўз ортидан эргаштириш даъвоси билан чиққан кишилар учун ҳам янги эди. Шунинг учун, 1917 йил майида Москвага йигилган Бутунроссия мусулмонлари 1-курултойи делегатлари орасида ҳам бу масала жиддий баҳсларга сабаб бўлди. Натижада қурултой раҳбарларининг бу масалада ягона фикр ва хулосага келишлари мураккаб-лашди. Мухторият хусусидаги қаттиқ баҳс ва тортишувлар қурултойни икки соҳилга ажратиб юборди. Биринчи соҳилни “федералистлар”, иккинчи соҳилни эса “унитаристлар” деб аталган сиёсий гуруҳлар эгаллаб олдилар. Агар Туркистон, Қозоғистон, Қрим ва Кавказдан келган делегатлар федератив республика тарафдорлари сифатида федерализм ғоясини олға сурган бўлсалар, Волга бўйи ва Ички Россия мусулмонлари республика тарафдорлари сифатида унитаризм ғоясига мойиллик билдирдилар. Яъни, бу икки гуруҳнинг ҳар бири ўз ўлкаларидаги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий шароитдан келиб чиққан ҳолда мухторият ғоясига ёндошди.

Қурултой ички кураш ва майда низоларга қарамай, умуман, демократик руҳдаги қарорни қабул қилишга эришди ва бу ҳол Туркистонда кечаётган воқеалар ривожига ижобий таъсир ўтказди.

1917 йил 12-14 июнь кунлари Скобелев (Фаргона) шаҳрида бўлиб ўтган вилоят мусулмон ташкилотларининг қурултойида турли мусулмон ташкилотларидан 137 киши иштирок этди. Ушбу қурултойда Туркистон федералистларининг “Турк адами марказият” деб номланган партияси тузилди. Қурултой томонидан қабул қилинган дастурий ҳужжатда “Турк адами марказият” партияси Туркистон, Қозоғистон, Бошқирдистон ва Кавказ учун миллий-худудий

мухторият, Волга бўйи ва Қрим татарлари, шунингдек, Ички Россия мусулмонлари учун эса миллий-маданий мухториятни талаб этади, деб ёзилди. “Дастурда ёзилганича, мухтор жумҳуриятлар парламенти ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув ташкилотига сайловлар умумий асосда, яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Миллатнинг 20 ёшга етган барча аъзолари, қайси жинс, синф ёки динга мансублигидан қатъий назар, тенг сайлов ҳуқуқига эга бўлиб, ўзлари ҳам сайлана оладилар. Мусулмон аёлларининг сайловдаги иштироки эса, дастурда “шариат қонун-қоидалари асосида ўтиши лозим”, деб ёзилган”.<sup>102</sup>

Қурултойнинг дастурий ҳужжатларида мухториятга эришган ўлкалар ўз-ўзини бошқарув масаласида, молия, шариат, маданият, адлия ва халқ маорифи масалаларида мустақил бўлмоқлари керак, деган фикр олға сурилган. Бу фикрга кўра, ҳар бир республика ўз навбатида вилоят ва уездларга бўлиниб, уларга “маҳаллий ўз-ўзини бошқарув ҳуқуқи” берилиши, Ички Россия мусулмонларига эса тегишли масалаларни ҳал этиш бўйича “умумий миллий-маданий уюшмани ташкил этиш ҳуқуқи” берилиши лозим эди.

Қурултой ишига йўналиш бериб турган федералистлар дин масаласида ҳам аниқ-тайин мавқени эгалладилар. Уларнинг фикрига кўра, бу масалада “Маҳкамаи шариа” ташкилотининг тузилиши зарур. Вилоятларда ўз бошқармаларига, қишлоқларда эса қуйи бўлинмалари – қозихоналарга эга бўлган бу ташкилот аҳоли ўртасида диний масала бўйича юзага чиққан муаммони ҳал этиши мумкин.

Дастурий ҳужжатда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳам четлаб ўтилмаган:

“Жумҳуриятнинг бутун аҳолиси, дини ва миллатидаги фарқидан қатъий назар, қонун олдада бир хил жавобгардир”.

Шунингдек, дастурда: “Виждон эркинлиги кафолат берилиб, ҳеч кимса ўзининг эътиқоди учун таъқиб қилин-

<sup>102</sup> Қаран: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. – Б. 34.

майди”, бунинг устига, “хукумат тарафидан бирор-бир дин ёки мазҳаб оқими бошқалари олдида алоҳида мавқега эга эмас”,<sup>103</sup> деб қайд этилади.

Туркистон федералистлари қурултой қарорларида сўз ва матбуот эркинлиги, йиғилиш, уюшма ва жамиятлар тузиш эркинлиги, шунингдек, шахс дахлсизлиги тўғрисидаги фикр ва қарашларини ҳам аниқ ифодалашга эришдилар. Шунга кўра, бирор шахс тегишли идора буйруғи билан ҳибсга олинса, унга 24 соат ичида айбнома, албатта, эълон қилиниши лозим. Ушбу ҳужжатларда паспорт тартибини бекор қилиш ва ҳар бир фуқаронинг мамлакат ичида ва ундан ташқарида ҳам эркин ҳаракат қилишига руҳсат берилиши лозим, деб ёзилди.

Кўрамизки, федералистлар ўзларининг Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган қурултойларига катта тайёргарлик билан келганлар. Шунинг учун ҳам, улар халқ ҳаётининг турли муҳим масалалари бўйича қарашларини аниқ-тайин дастур ҳолига келтирганлар. Масалан, ер масаласида улар барча давлат мулкларини мусодара қилиб, аҳолига ижара учун бериш ёки сотишни таклиф қилганлар. Туркистонда жуда катта ер эгаллиги мавжуд бўлмаганлиги учун улар, федералистларнинг фикрига кўра, мулкдорларнинг ўз қўлида қолади. Федералистлар ўзларининг ер сиёсати билан боғлиқ қарашларини бу сўзлар билангина ифодалаб қолмай, айти пайтда, “баъзи бир воқеалар туфайли” зўрлаб тортиб олинган ерларни ўз эгаларига қайтариб беришни ҳам лозим, деб ҳисобладилар.

Ана шу тарзда федералистлар ишчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, аёллар ва болалар меҳнатини ҳимоя қилиш, шунингдек, саломатлик учун зарур бўлган ишлаб чиқариш соҳасидаги иш соатларини тартибга солиш, мактаб ва маориф масаласи ҳамда фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқи ва бошқа ижтимоий муҳим масалалар бўйича ўз қарашларини изчил бир

---

<sup>103</sup> Ўша китоб, 35-бет.

тизим тарзида шакллантириб, уларни қурултойнинг дастурий хужжатига асос қилиб олдилар.

"Мухтор жумхуриятнинг қонуний тизимини дастур муаллифлари қуйидагича ёритадилар: суд ва юстиция (адлия) ташкилотлари бирор кимсанинг аралашувидан холи бўлиб, фақат шариат ва қонунга бўйсунмоғи даркор. Яъни, суд томонидан ҳукм чиқарилгунга қадар айбланувчини ҳеч ким жазога торта оламайди. Ҳокимиятнинг ижрочи ташкилотлари судьяларнинг тайинланиши, жойини ўзгартириш ёки бўшатиш, шунингдек, уларнинг ишларига аралашилари мумкин эмас. Жазо тизими парламент томонидан ишлаб чиқилган асосий қонунлар негизида белгиланиши керак. Суд ишлари, қонун ҳимояси, албатта, адвокат иштирокида олиб борилиши лозим".<sup>104</sup>

Қўрамизки, қурултой қарорлари асосида федералистларнинг Туркистоннинг келажаги билан боғлиқ гоялари ётади.

Кўп ўтмай, 1917 йил августида "Шўрои ислом"нинг "Кенгаш" газетасида Мухторият дастурининг лойиҳа нусхаси эълон қилинди.

Ушбу дастур билан танишишдан аввал яна бир масалага назар ташлаш лозим. Гап шундаки, Туркистон шу даврда Умумроссия мусулмонлари оламининг бир қисми эди. Ички Россиядаги мусулмонлар, Қрим ва Кавказ мусулмонлари Туркистон мусулмонларидан муайян масалаларда фарқланган бўлса-да, улар олдида 1917 йил Февраль инқилобидан кейин турган мақсад ва вазифалар муштарак эди. Шунинг учун ҳам, Умумроссия мусулмонлари қурултойида Туркистон мусулмонларининг вакиллари иштирок этганидек, Туркистон мусулмонлари қурултойида ҳам Ички Россия мусулмонларининг вакиллари қатнашиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Ана шундай йиғилишларда турли баҳс ва келишмовчиликлар ҳам пайдо бўлгани табиий ҳолдир. Аммо Туркистон мусулмонлари

<sup>104</sup> Қўрсатилган китоб. — Б. 36.

шундай қурултой ва учрашувлар, баҳс ва мунозараларда муайян тажриба тўпладилар, уларнинг сиёсий-ижтимоий оламига янгича қарашлар кириб келди. Улар Туркистон Мухторият ҳукуматини барпо этганлари тақдирида қайси сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий, диний ва ташкилий масалаларни биринчи навбатда ечишлари лозимлигини аниқлаб олдилар. Шу маънода, уларнинг 1917 йил 21-31 июль кунлари Қозонда бўлиб ўтган Умумроссия мусулмонлари II қурултойида ишгирик этиб, қурултойда қабул қилинган ҳужжатлар билан танишишлари ҳам фойдали бўлди, деб ўйлаймиз. Ушбу қурултойда қабул қилинган асосий ҳужжат “Миллий-маданий мухториятнинг асослари”дир. Филология фанлари номзоди Бойбўта Дўстқораев “Туркистоннинг усули идораси қандай бўлмоғи керак эди?” деган мақоласида “Эл” газетасининг 1917 йил 12 май сонида эълон қилинган ушбу “Асослар” нусхасидан қуйидаги парчани келтирган:

**“Миллий-маданий мухторият”нинг  
асослари**

1) Ҳукумат бизнинг динимиз ва тилимизга оид ишларимизга, таълим, тарбия ва бошқа маданиятга муталлуқ ишларимизга ҳеч бир турли қотишмайдур. Миллий ишларимизни идора этув учун керак бўлгон муассасаларни ясов, оларни не равишда ташкил этув, оларнинг иқтидорларини таҳдид этув, турли муассасаи миллиялар орасиндаги муносабатларини тайин этув – булар ҳар бири Дохийий Русиядаги мусулмон турк-татарларнинг қўлинда, ўз ихтиёридадир;

2) Русия ҳукумати мусулмонлар тарафиндан ясалган миллий муассасаларнинг ҳар қаюсин, яъни марказларинда, вилоятлариндагиларин-да, расмий ҳуқуқли муассасалар этуб танур. Ул муассасалар оларга муқобил мамлакатдаги бошқа умумий идора муассасалари билан бир даражада ҳуқуқлидир.

## Тил ҳуқуқи

3) Бизнинг туркий тили Русияда рус тили билан бир даражада ҳуқуқли саналур. Бу эса бизнинг тилимизнинг:

а) бутун мактабларда,

б) маҳкамаларда,

в) идора ишларида истеъмол этилуви билан вужудга чигор”.<sup>105</sup>

Юқорида кичик бир парчаси келтирилган ҳужжатнинг “Миллий-маданий мухториятнинг асослари” деб аталгани Умурроссия мусулмонларининг мухторият учун курашишдан аввал масалани чуқур илмий асосда ўрганиб чиққанларини намойиш этади. Умурроссия мусулмонларининг I ва II қурултойларида қатнашган Убайдулла Хўжаев сингари ўзбек жаидларининг бундай ҳужжатлардан андоза олмасликлари, уларни Туркистон халқларининг шарт-шароитлари билан боғлиқ масалалардан келиб чиққан ҳолда таҳрир этмасликлари ёки янги моддалар билан бойитмасликлари мумкин эмас эди.

Биз Туркистон мусулмонлари деганимизда шу вақтда ўлканинг сиёсий ҳаётида катта мавқени эгаллаган жаидларни кўпроқ назарда тутамиз. Аммо юқорида айтиб ўтганимиздек, 1917 йил мартдан бошлаб Туркистонда турли-туман фирқалар, уюшмалар, жамиятлар майдонга келган ва бу ташкилотлар ҳам Туркистоннинг яқин келажакдаги усули идораси ҳақида ўз таклифларини ўртага ташлаган эдилар. Хусусан, “Шарои Уламо” жамиятининг консерватив қисми “Мусулмонобод” ғоясини ўртага ташлаган. 30-йилларда қатгон этилган аксар ватандошларимиз ҳам, тергов ҳужжатларида айтилишича, немис фашистлари Иккинчи жаҳон уруши йилларида ғалаба қозонганлари тақдирда Ўзбекистонни СССРдан ажратиб олиб, унинг тасарруфида Мусулмонободни барпо этишни орзу қилганлар.

<sup>105</sup> Қаранг: “Жамият ва бошқарув” (журнал). - 1997, 2-сон. - Б. 16.

“Турк адами марказият” (федералист) фирқаси маромномасининг тўққиз бўлими орасида биз учун энг муҳими – “Давлат ва мухторият ташкилоти” деб аталган 1-бўлиמידир. Гарчанд биз юқорида бу бўлимнинг айрим моддаларини шарҳлаб ўтишга ҳаракат қилган бўлсак-да, уни қуйида яхлит ҳолда келтиришимиз Туркистон федералистларининг келажакдаги миллий давлат тузумини қандай тасаввур этганларини кўрсатиб ўтишдир.

Мана, маромноманинг ўша 1-бўлими:

## **“I. Давлат ва мухторият ташкилоти**

**Фирқанинг мақсади:** 1 - Русияда маҳаллий ва миллий марказият (федерасия) асоси узра халқ жумҳурияти ташкил этмакдур.

2 - Фирқа Туркистон, Қирғизистон, Қофқоз ва Бошқирдистон қитъалари (ўлкалари) учун ва бошқа миллий ва маҳаллий мухторият, Идил бўйи ила Қрим тоторлари учун ва бошқа, Русияда яшайдургон турк қавмлари (халқлари) учун миллий мухторият талаб қиладур.

**Қайд:** Бошқа мусулмон ватандошлар ҳам ўзларига мухторият талаб қилсалар, фирқа онларга ҳам ҳар жиҳатдан ёрдам берадур.

3 - Мухторият қитъаларда очиладургон мажлис мабъуюнга (депутатлар палатаси), маҳаллий идораларга ва бошқа бутун ташкилотга сайланадургон аъзолар умумий, баробар, ёшурун ва бевосита сайлов усули ила сайланадур.

4 - Миллатнинг йигирма ёшига етуб, аҳлият пайдо қилгон ҳар бир фарди: ер бўлсун, хотун бўлсун – синф, дин ва мазҳаб айирмасига боқмасдан сайламак ва сайланмак ҳақина моликдур.

**Қайд:** Мусулмон хотинларнинг сайловга иштироклари доираи шаръия дохилинда (шариат доирасида) бўлур.



5 - Юқорида мазкур барча мухториятли қитъалар марказий ҳукумат ила ватан мудофааси, пул чиқармоқ, бож ва хорижий ҳукуматлар ила муносабатда бўлмоқ хусусларида алоқа ва иртиботини (боғлиқликни) муҳофаза қилур.

6 - Мухториятли қитъалар дохийий масалалар (идорайи, молиявий, шаръий, маданий, адлий ва маориф ишлари)да мустақилдур.

7 - Ҳар бир мухториятли қитъанинг марказида қонун ясайдурғон бир мажлиси мабъусон ва ул қонунни ижро қиладурғон бир хайъати вукало (вакиллар хайъати) бўлур.

8 - Ҳар бир мухториятли қитъалар маҳаллий ишларда кенг имтиёз ва ҳуқуқларга молик вилоят (область), санжоқ (уезд) ва ноҳия (участка)ларга бўлину.

9 - Ҳар бир мухториятли қитъанинг расмий тили аксар халқнинг сўйлагон тили ва шеvasи бўлмоқ ила баробар вилоят ва санжоқларда ерли халқнинг сўйлашадурган тил ва шевалари истеъмол қилину.

10 - Ҳар бир мухториятли қитъаларда ватан муҳофазаси учун халқ милитсияси ташкил қилинуб, ҳозирги ташкилоти аскария (ҳарбий ташкилотлар) усули битирилур".<sup>106</sup>

Демак, Туркистон федералистлари партияси ўз олдига, жуйидаги масалаларни қўйган:

Биринчидан, халқ жумхуриятини, яъни халқнинг ўзи идора этадиган республика тузумини барпо этиш. Бу давлат тузуми тарихий шароит тақозоси билан миллий ва маҳаллий мухторият шаклида бўлиши лозим эди.

Иккинчидан, халқ жумхуриятининг бош органи этиб депутатлар палатасини ташкил этиш. Депутатлар палатасига ҳам, маҳаллий идоралар ва бошқа ташкилотларга ҳам йигирма ёшга етган эр ва хотинлар (шариат қонун-қоидаларига риоя этган ҳолда) яширин ва бевосита сайлов усули билан сайланиши ҳамда сайловда иштирок этишлари мумкин.

<sup>106</sup> "Фан ва турмуш" (турмуш), 1990, 7-сон. - Б 6-7.

Учинчидан, бу ҳукумат: а) ватан мудофааси билан шуғулланиши, б) пул чиқариши, в) бож масалалари билан машғул бўлиши ва хорижий давлатлар билан алоқа ўрнатиши мумкин.

Тўртинчидан, бу ҳукумат маъмурий, молиявий, диний, маданий, адлиявий ва маориф ишларини мустақил бошқариш ҳуқуқига эга.

Бешинчидан, ҳукумат қонун чиқарувчи орган – депутатлар палатаси билан бирга қонунни ижро этувчи орган – вакиллар ҳайъати томонидан идора этилади.

Олтинчидан, маҳаллий идоралар вилоят, шаҳар, санжоқ ва туманлардан ташкил топади ҳамда бу бўлинмалар маҳаллий ишларни ҳал этишда кенг имтиёз ва ҳуқуқлар билан кафолатланади.

Еттинчидан, аксар халқ сўзлашадиган тил давлат тили мақомига эга бўлади, вилоят ва шаҳарлар аҳолисига эса маҳаллий шевада сўзлашув ҳуқуқи берилади.

Ниҳоят, саккизинчидан, ўлкадаги чор ҳокимиятнинг ҳарбий ташкилотлари тугатилиб, улар ўрнига халқ милицияси ташкил этилади, ватан мудофааси ва жамоат тартиби масалалари билан халқ милицияси шуғулланади.

1917 йил Февраль ва Октябрь воқеаларидан кейин жунбушга келган миллий озодлик ҳаракатининг илк қалдирғочлари ўзларига ана шундай сиёсий вазифани дастур қилиб олдилар. Турк адами марказият партиясидан кейин сиёсий саҳнада кўринган бошқа ташкилот, жамият ва уюшмалар ҳам асосан ана шу дастурга таянган ҳолда фаолият олиб бордилар. Ўйлаймизки, агар XX асрнинг 20-йиллари арафасида қардош халқларнинг ҳурриятсевар зиёдилари иштирокида тузилган бу дастур амалга ошганида Туркистонда ўша йиллардаёқ сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан даврнинг энг илғор ғояларини ўзида мужассамлантирган давлат тузуми майдонга келган бўларди.

Юқорида тавсиф этилган Туркистон федералистлари талқини ва тасавуридаги давлат тузумини қуйидаги схемага тушириш мумкин:



Жадидлар Туркистон Мухторият ҳукумати тузилмасини шундай тасаввур этганлар.

**2-фасл. Янги давлат ҳуқуқий асосларининг "Туркистон адми марказият" маромномасида шаклланиши**

Мухторият ҳукуматининг давлат мақомига эга эканлигини белгиловчи муҳим омиллардан бири, шубҳасиз, тилдир.

Туркистон Чор ҳокимияти томонидан забт этилиши билан шу пайтгача мавқеи пасаймай келаётган маҳаллий халқ тили кундан-кунга ўз қимматини йўқотиб борди. Тўғри, ўзбек халқи тарихида шундай даврлар кечганки, масалан, Навоийгача бўлган ва Навоий яшаган даврда муайян даврларда (чунончи, сарой аҳли, адабиёт ва санъат намояндалари орасида) ўзбек тилига нисбатан форс тилининг обрў-эътибори

катта бўлган. Ҳатто Ҳусайний (Ҳусайн Бойқаро), Амирий (Амир Умархон) ва Феруз (Муҳаммад Раҳимхон) ҳукмдор бўлган даврларда ҳам давлатнинг расмий ҳужжатлари асосан форс тилида юритилган, адлияга оид баъзи бир ҳужжатлар (никоҳ, талоқ ва ҳоказо) эса араб тилида расмийлаштирилган. Туркистон Россия томонидан босиб олингач, эса давлат ишлари рус тилида олиб борилди. Большевиклар тарих саҳнасига чиққанларидан кейин гўё бу адолатсиаликни бартараф этмоқчи бўлдилар. 1918 йилнинг апрель ойида бўлиб ўтган Туркистон Советларининг V қурултойида ўлкага совет автономияси мақоми берилиши билан бирга маҳаллий халқ тилини рус тили билан бир қаторда давлат тили сифатида эътироф этиш масаласи қурултой қарорида махсус қайд этилди. (Бу ташаббус Туркистон большевиклари қурултойида бондланган.) Шу умидбахш воқеа муносабати билан “Улуғ Туркистон” газетасида “Туркистон мусулмонлари учун давлат лисони” деган мақола эълон қилиниб, унда, жумладан, бундай сўзлар ёзилди:

“Кўпдан тугул Тошкентда бўлгон большевик коммунистлар қурултойида мазкур партиянинг бошлиқларидан Таболиннинг таклифи бўйича Туркистон жумҳуриятида яшаган мусулмонларнинг она тилларини рус тили қаторинда давлат лисони этуб танилгон ва бундан сўнг маҳаллий халқ тилини расмий (давлат) лисони этуб эълон қилурга қарор берилган эди”.<sup>107</sup>

Мазкур қарорлар асосида давлат ҳақидаги декретнинг лойиҳаси тайёрлана бошланди. “Улуғ Туркистон” газетасининг хабарига кўра, “ушбу хусусда лойиҳа ҳозирлаб киритмак учун уч кишидан иборат бир комиссия сайлонгон эди. (Комиссия аъзолариндан бириси рус бўлуб, қолгон иккиси мусулмон Бўлабоев ва Шарафиддинов афандилардан иборатдур)”.<sup>108</sup>

<sup>107</sup> “Улуғ Туркистон”, 1918 йил, 17 май  
<sup>108</sup> Ушбу жойда.

Бу сатрларда эслатилган рус кишиси таниқли шарқшунос Н.С.Ликошиндир. Нил Сергеевич Ликошиннинг таржимаи ҳолида бу ҳақда қуйидаги маълумот мавжуд: "МИҚ, - деб ёзган эди у, - менга ўлкада давлат тилини жорий этиш тўғрисидаги декретни ишлаб чиқишни топширди. Комиссияда муҳокама қилинган, мен В.Н.Кучербаев билан биргаликда декрет матнини ишлаб чиқдим".<sup>109</sup>

Дарвоқе, давлат тили ҳақидаги декрет лойиҳаси махсус комиссия мажлисларида кенг муҳокама этилиб, турли баҳс ва мунозараларга сабабчи бўлди. "Улуғ Туркистон" газетаси 1918 йил сонларида давлат тили ҳақидаги декрет муҳокама этилган комиссия мажлисларидан бири ҳақида бундай ҳисоботни берган:

"Ушбу комиссиянинг ташаббуси билан 22 июлда Миллий ишлар комиссариати маҳкамасида кенгаш мажлиси ясалди. Мажлисда миллий ишлар комиссари Тошхўжа, хорижий ишлар комиссари Крилов, халқ дорилфунунининг ректори Попов, этнография мутахассисларидан Цветков, Н.С.Ликошин, мусулмон жамоат ходимларидан Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Кабир Бакир афандилар ҳамда комиссия аъзолари бор эдилар.

"Туркистон мусулмонлари учун қаю тил давлат лисони саналурға тейиш?" масъаласи музокарага қўйилди.

Бу суолга (саволга - Р.Ш.) қарши Н.С.Ликошин Туркистон мусулмонлари орасинда бунга қадар энг маъруф бўлуб келган бир лисон - Тошкентда сўйлашадиган ўзбек тили бўлгонлигин сўйлади:

- Бунга қадар расмий қоғазлар кўбрак ўзбек тилинда ёзилиб келдилар. Бу тилни қозоқларда, туркманларда англаб келдилар. Биноан алайх, агар бу лисон давлат лисони эълон этилса, ҳар ким буни англаяжак,- деди.

<sup>109</sup> Қаранг: Луния Б.В. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. - Т., Фан, 1965. С. 208.

Маҳмудхўжа Бехбудий:

- Туркистон ўлкасиндаги халқнинг кўбраги ўзбек, қирғиз-қозоқ ҳам туркман халқлариндан иборат. Бошқалар бўлса-да, оз. Биноан алайх, ўзбек (сартия) учун ўзбек тили, қирғиз-қозоқлар учун қозоқ тили, Туркменистон учун туркман тили (баъзи шевалари) расмий тил саналурга тейиш,- деди.

Кабир Бакир:

- Бир Туркистондагина тугул, бутун Россияда бўлгон мусулмонлар ўзларининг тилларини туркий тил, деб биладилар... Шунлиқдан Туркистон мусулмонлари учун давлат лисони бўлгон тил туркий тили, деб эълон этилурга тейиш,- деди.

Ҳозирундан комиссар Тошхожа, Н.С.Ликошин афандилар ҳам бу фикрни тақвия қилдилар. Бошқалар-да шуни муносиб кўрганликларини англадилар. Фақат этнография олимлариндан Цветковгина бунини муносиб кўрмади. Ул: қозоқларнинг тиллари ҳеч бир вақтинда турк тили аталурга ярамаганлигини, балки мўнгул тили на дохил бўлурга тейишлигини баён этди...

Шундан сўнг бу масъалани ҳал қилмоқ учун қирғиз-қозоқ ва ўзбек халқлариндан бир неча вакил ила қозоқ этнографиясина вокиф Абубақр Афанди Диваев ва бошқа бир неча зотларни даъват этуб, иккинчи мажлис ясарга қарор берилди".<sup>110</sup>

Хуллас, шундай давомли мунозара ва музокаралардан кейин 1918 йил 9 августда Туркистон жумҳурияти Марказий Ижроия Қўмитаси давлат тили ҳақида махсус буйруқ қабул қилади. Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ Комиссарлар Совети бу буйруққа асосланган ҳолда давлат тили ҳақидаги низомни тасдиқлайди. Ушбу низомнинг мазмун-моҳияти қуйидаги сўзларда ифодаланган:

"Россия Советлари Федерациясинда яшовчи айрум халқларнинг ўз ёмишларин ўзлари ҳал қилув ҳуқуқларин ҳам

<sup>110</sup> "Улуғ Туркистон", 1918 йил, 27 июль.

умумийисолийат тараккоийисинга қўйилмур учун бошда ўзларининг ома тилларинида ва сўнгра чет тилларини ўқув ҳуқуқларини эътироф этгани ҳолда Туркистон жумҳуриятининг Марказ қўмитаси турмушини маданий йўлга сомув йўлинидаги вуқудга чиқорув учун керакли бўлгон ҳақида чораларини ўз устини ола.

Жумҳуриятини Марказ қўмитаси мамлакатда яшовчи ҳар бир миллатга, керак ул сон жиҳатидаи нақадаргина оз бўлмасин, ўзининг ома тили ила фойдаланурга ихтиёр бера. Лекин шунинг ила баробар Марказ қўмита халқини қўчилигини бир овозга жойини олуралиқ бир умумий тил ўриашдурурга мажбурдир".<sup>111</sup>

Маҳаллий халқ тилини давлат тили даражасига қўтариш кун тартибига махсус масала қилиб қўйилган пайтда маҳаллий халқ тилиниг ўзи қандай тил эканлиги мавуқум ва моаниқ эди. Гарчақд Бехбудий: "Туркистон ўлкасинидаги халқини қўбраги ўзбек, кирғиз-қозоқ ҳам туркман халқларинидаи иборат... Биноан алайлиқ, ўзбек (сартин) учун ўзбек тили, кирғиз-қозоқлар учун қозоқ тили, Туркменистон учун туркман тили ... расмий тил саналурга тейиш", деб Туркистоннидаги ўзбеклар истиқомат қилаётган ўлкада ўзбек тилиниг давлат тили, деб эълон қилинишини лозим деб тошган бўлса-да, мажлис аҳли униг эмас, балки Кабир Бақирниг "туркий тили" давлат тили сифатида эътироф этилиши мумкинлиги ҳақидаги фикрини ёқлаб овоз берди. Бу ўша вақтда кучга тўлган паятуркистик гояларниг тантанасигина бўлиб қолмай, айна пайтда ўзбек тили ҳақидаги илмий тасаввурниг шаклланмагани ва кенг қанот ёзмаганиниг оқибати ҳам эди.

Туркистон федералистлариниг маромномаси "Турк адами марказият" партиясини (ташкिलоти) ташкил этилган 1917 йили Тошкентда Фуломҳасан Орифқонов босмаҳонасида нашр этилган. Винобарин, бу маромномада ўз ифодасини

<sup>111</sup> "Улу Туркистон", 1918 йил, 27 август.

топган давлат қурилиши масалалари, шу жумладан, давлат тили тўғрисидаги фикрлар ҳам Кабир Бакир ва унинг маслакдошларидан бирмунча вақт олдин ишлаб чиқилган. Катта ишонч ва фахр туйғуси билан айтиш мумкинки, мамлакатимизда XX асрнинг 90-йилларида ўзбек тилининг давлат тили мақомига эришиши йўлида олиб борилган жасоратли ҳаракатни Совет давлатининг тонгидаёқ миллий федералистларимиз бошлаб берган эдилар.


Шубҳасиз, давлат қурилишининг сиёсий ва ижтимоий масалалари юқорида баён этилганлар билангина яқунланмайди. Модомики, ўша пайтдаёқ Ўзбекистонда бир қанча туркий миллат вакиллари яшаган эканлар, миллий масалани ҳал этмай ва бу масалада ўз режаларини ишлаб чиқмай туриб, федералистларнинг замонавий давлат тузумини барпо этишлари мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам улар маромномада махсус бўлимни миллий масалаларга ажратиб, унда, биринчидан, Россия тасарруфида яшаган туркий миллатларнинг барча қавмларига оид умумий масалаларни ҳал этиш учун миллий ва маданий иттифоқ ташкил этишни, иккинчидан, бу иттифоқнинг қандай шаклда бўлиши, унинг ҳуқуқ ва вазифаларини мухториятли ўлкаларнинг биринчи қурултойида белгилаб олишни лозим, деб ҳисоблаганлар. Европа миллатига мансуб аҳоли бу даврда ҳар томонлама, хусусан, ҳуқуқий имтиёзларга ҳам эга бўлганлиги учун улар тилининг мавқеи масаласида баҳс юритиш шарт, деб ҳисобламаган.

Мустамлака халқларининг **диний эътиқоди** давлат аҳамиятига эга бўлган масалалар жумласига киради. Мустамлака Туркистонда яшаган мусулмон аҳолининг ислом дини олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари махсус ташкилот томонидан назорат этиб келинган. “Маҳкамаи шаръия” (“Шариат маҳкамаси”) деб аталган бу ташкилот Октябрь тўнтариши арафасида ўз фаолиятини муайян бир камчиликлар билан бўлса-да, изчил равишда амалга оширган. Шунинг учун ҳам маромнома муаллифлари келажакда ҳам шу ташкилотнинг



сақланиб қолиши, вилоятларда шўъбалари бўлиши, шаҳар, қишлоқ ва уваларда эса унинг вазифасини қозихоналар бажаришини тўғри, деб ҳисоблаганлар. Бу – маромномадаги диний масалаларга бағишланган қисмнинг 1-моддасидир. Маромноманинг 2-моддасига биноан Россия тасарруфида яшаган барча мусулмонларни қавм ва мазҳабига кўра ажратмасдан диний масалаларни ҳал этиш учун сайланган “бир шайх ул-ислом тахти раёсати”нда, яъни ислом шайхи бошчилигидаги кенгаш қошида ҳайъати диния (диний ҳайъат) тузиш ва бу ҳайъатда мусулмон ўлкасидаги барча миллатларнинг вакиллари бўлишини таъминлаш тўғри, деб топилган. 3-моддага кўра эса, диний ҳайъатга вакилларини сайлаш пайтида улар мансуб бўлган миллат ё элатнинг нуфузи эътиборга олиниши, вакиллар сони шу миллат ё элатнинг сонига қараб белгиланиши лозим.

Демак, маромномага кўра, диний масала қуйидаги схемадаги муассасалар фаолияти давомида ҳал этилиб бориши керак эди:



Маромноманинг 5-бўлими фуқароларнинг ҳуқуқларига бағишланган. Бу ҳуқуқлар, маромнома муаллифлари фикрича, қуйидагилардан иборат:

1. Ҳар бир фуқаро қайси дин ва мазҳабга мансуб эканлигидан қатъий назар, қонун олдида баробардир.

2. Ҳеч бир киёса дини, мазҳаби ва эътиқоди учун таъқиб этилмайди; виждон эркинлиги кафолатланади.

3. Дин ва мазҳабларнинг бирортасига ҳукумат томонидан афзаллик ва имтиёз берилмайди.

4. Ҳар бир фуқаро эркин фикрлаш ва ўз фикрини ифодалаш ҳамда матбуот орқали эълон қилиш ҳуқуқига эга.

5. Фуқаролар хоҳ ўз уйларида, хоҳ бошқа жойларда истаган масалалари юзасидан фикрлашиш, баҳслашиш ва бир хулосага келишлари учун йиғилиш ўтказишлари мумкин.

6. Фуқаролар бирор жамият ёки иттифоқ тузишда тўла эркинликка эга; бунинг учун давлат идораларидан рухсат олиш шарт эмас.

7. Шахс эркинлиги ва оила дахлсизлиги давлаг томонидан ҳимоя этилиб, тегишли маҳкаманинг қарорисиз бирор кишининг уйига кириб тинтув ўтказиш таъқиқланади.

8. Ҳибсга олинган ҳар бир киши 24 соат ичида тегишли маҳкамага топширилиши лозим.

9. Паспорт тизими тутатилиб, ҳар бир киши хоҳ мамлакат ичкарисида, хоҳ хорижда бўлсин, хоҳлаган ерига ҳеч кимдан сўрамай бориш ҳуқуқига эга.

10. Юқорида баён қилинган барча ҳуқуқлар қонунлаштирилиб, “мудофаа ва муҳофазаи маҳкамаи олия”лар – олий мудофаа ва тартибот идораларига ижро ва назорат учун юборилади.

Кўрамизки, фундаменталистлар ўзлари яшаётган даврдаги энг илғор давлатларнинг демократик тажрибалари ва қонунларини чуқур ўрганганлар; шу асосда ўз ватанлари ва миллий шароитлари учун фойдали ҳамда зарур деб ҳисоблаган инсон ҳуқуқлари тизимини ишлаб чиққанлар. Бу ҳуқуқлар барпо этилажак давлатларидаги демократиянинг пойдевори бўлиб хизмат этишга умид болаганлар. Агар юқорида баён этилган фуқароларнинг ўн моддадаги асосий

ҳуқуқлари, маромномадаги бошқа муҳим масалалардек, шу пайтгача бўлган ўзбек давлатчилиги тарихида бирорта ҳужжат шаклида ифодаланмаганини эътиборга олсак, фундаменталистлар – XX аср бошларидаги жаҳид маърифатпарварларининг мухтор ўзбек давлатини қуришга жиддий тайёргарлик билан киришганлари ойдек равшан бўлади.

Давлат фақат сиёсат ва ижтимоиёт эмас, айти пайтда **ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ТИЗИМИ** ҳам яхши йўлга қўйилган идора органидир.

Маромнома муаллифлари бу масалани батафсил ўрганиш ва ҳужжатларида мукамал ёритишни ўз олдларига мақсад қилиб қўймаганлар. Улар масаланинг икки муҳим қиррасигагина эътибор берганлар, холос. Булар, биринчидан, мавжуд барча солиқларни бекор қилиш, фақат: а) ер-сув, б) тижорат (савдо-сотиқ) ва в) бошқа шаръий йўллардан (шариат йўли билан) келадиган даромад солиғини сақлаб қолиш. Бу солиқнинг миқдори даромаднинг ортиши ва озайишига қараб ўзгариб бориши мумкин.

Иккинчидан, ҳунармандлик ва деҳқончилик учун зарур бўлган асбоб ва машиналар, шунингдек, аҳоли томонидан ишлатиладиган энг зарурий нарсаларнинг кўп ва арзон бўлишлиги учун бож солиғини озайтириш.

Иқтисод ва молия масалалари бўйича кўзда тутилган бу икки тадбир аҳолининг моддий аҳволини яхшилашга қаратилганлиги билан эътиборлидир. Умуман, федералистлар келажакда, биринчи навбатда, мустамлака шароитида эзилган ва ҳўрланган халқ ҳаётини яхшилашга қодир бўлган давлат тизимини яратишни ўз олдларига асосий мақсад қилиб қўйганлар. Уларнинг бу хайрли мақсади маромноманинг ер масаласига бағишланган бўлимларида ҳам яққол кўзга ташланиб туради.

Ер масаласи, Фарб мамлакатларидан фарқли ўларок, Шарқда гоят муҳим ва бирламчи масала бўлиб келган. Зеро, Фарб асосан саноат қитъаси бўлса, Шарқ қишлоқ хўжалик қитъасидир. Қадимдан халқлар ўзларининг яшаш жойлари учун ерли-сувли ва экинбоп жойларни танлаб, кўчиб юрганларининг сабаби ҳам шунда. Инсоният жамиятининг муайян

тараққиёт босқичида қишлоқ хўжалигининг равнақ топиши билан ер масаласи ҳаёт-мамонт масаласига айланган.

Чор ҳокимиятининг Ўрта Осиёни – Туркистонни босиб олишдан мақсади фақат ўз ҳудудларини кенгайтириш, ер ости бойликлари – олтин, нефть ва бошқа қимматбаҳо маъдан конларини эгаллашгина эмас, балки айна пайтда пахта, бугдой, шолі етиштирилаётган майдонларни эгаллаш ҳам эди. Чор ҳокимияти Ўрта Осиёни босиб олганидан кейин ўзининг бу мақсадига эришибгина қолмай, маҳаллий аҳоли ихтиёрида бўлган хусусий экинбоп ерларни ҳам тортиб олиб, бу ерларни Ички Россиядан кўчириб келтирилган мужикларга бўлиб берди, айна пайтда энг серунум ерлар чор амалдорлари ва боёнлари ўртасида тақсимланди. Мустамлакачилик сиёсатининг ана шу даҳшатли кўринишлари меҳнаткаш халқ ҳаётининг издан чиқишига сабабчи бўлди. Ер-сувдан – яшаш манбаидан маҳрум бўлган қишлоқ аҳолиси шаҳарга иш қидириб кела бошлади; уларнинг иш топа олмаган қисми, большевиклар ифодаси билан айтганимизда, люмпен пролетариатга – қашшоқларга, тиланчиларга айланди. Агар тарихий шароитнинг ана шу муҳим томонини эътиборга олган ҳолда федералистларнинг ер масаласидаги қарашларини кузатсак, бу қарашлар ўз даври учун ниҳоятда муҳим ва инқилобий аҳамиятга молик бўлганлиги аён кўринади.

Демак, маромноманинг ер масаласидаги биринчи ва асосий моддаси қуйидагидир:

1. Чор ҳокимиятига қарашли, шунингдек, подшонинг шахсан ўзига қарашли хусусий ва князларга қарашли махсус ерларнинг барчасини бадалсиз (ҳақ тўламай) мусодара қилиб, етиштирилган ҳосилнинг лозим миқдорини сотиш ёки ижарага бериш шарти билан деҳқончилик орқасида кун кўраётган маҳаллий халққа тақсимлаб берилади.

Маромнома фақат Туркистон тасарруфида ташкил этилажак мухтор давлат тузилмасига оид бўлмагани учун муаллифлар муайян ҳудудлардаги маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда айрим масалаларга истисно тарзида аниқлик киритишни лозим, деб топганлар. Ер масаласига оид қуйидаги моддалар шундай характерга эга.

2. Туркистон ўлкасидан бошқа бутун Россия вилояти ўзларига мос қонунни қабул қилиш ҳуқуқига эга, аммо Туркистонда ҳаддан зиёд хусусий мулкка молик бойлар, пайшиқлар, ижарачилар кўп бўлмагани учун хусусий мулк бу ерда ҳозирча ўз эгалари ихтиёрида қолади.

3. Мингтепадаги Дукчи эшон кўзғолонига ўхшаш воқеалар туфайли жамоат қўлидан зўравонлик билан тортиб олинган ва бошқаларга тақсим қилиб берилган ер ва қишлоқларни аввалги эгаларига қайтариб беришга ҳаракат қилинади.

4. Ҳукумат ёки жамоат ихтиёридаги мусодара қилинган вақфларнинг барчасини вақфномага мувофиқ аслига қайтариш учун тегишли тадбирларга ҳозирданок кириштилади.

Маромноманинг ер масаласига бағишланган бўлимидаги барча моддалар мустамлакачилик асоратларини тугатишга қаратилганлиги билан муҳим аҳамиятга молик. Мустамлакачилик аввало ўзгалар ерини тортиб олишга асосланган сиёсат бўлгани учун мустамлакачиликка қарши мустақиллик учун, мухтор давлат тузиш учун кураш бой берилган ерларни қайтариб олишдан бошланиши табиий ва қонунийдир.

Маромноманинг ишчилар масаласига бағишланган 7-қисми беш моддадан иборат. Бу моддаларда ишчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муҳим масалалар ўртага ташланган. Масалан, сармоядорлар билан ишчилар орасида чиқадиган, бирорта қонун ва қоидада кўзда тутилмаган низонинг ҳар икки тараф вакилларида иборат тузилган ҳайъат томонидан ҳал этилиши ҳудди шунингдек, ишчи хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва уларнинг сиҳатларига зарарли ишлардан барча ишчиларнинг қонун билан ҳимояланиши лозимлиги ва бошқа ҳолатлар қайд этилган.

Ҳар бир жамият учун гоят муҳим масалалардан бири **адлия масаласидир**. Айниқса, янги типдаги давлатнинг нафақат келажаги, балки шаклланиш даври ҳам адлия ишларининг яхши йўлга қўйилишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам маромномада бу ижтимоий муҳим масалага алоҳида эътибор берилган.

Ушбу қисм олти моддадан иборат бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. Адлия масаласи фақат маҳкамаларнинг қонунлари ва шароитга тобе бўлиб, турли кучлар ва шахсларнинг аралашувидан холи бўлиши лозим.

2. Тегишли маҳкамаларнинг қарори қонуний кучга эга бўлмай (тасдиқланмай) туриб, ҳеч ким жазоланмайди.

3. Ҳайъати ижроия тарафидан ҳакамларнинг тайинланиши, бўшатилиши ва қайта тикланишига, шунингдек, маҳқамадаги ишларнинг боришига бирор баҳона билан аралашувига йўл қўйилмайди.

4. Жазолар Конституцияда кўзда тутилган, яъни депутатлар палатаси томоидан тасдиқланган қонунга мувофиқ белгиланади.

5. Тергов вақтида айбдорга оқловчи(адвокат)дан фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

6. Жиноят ишлари билан шуғулланувчи маҳкамалар иккига ажралиб, уларнинг бири бошланғич маҳқамадирки, ҳакамлари халқ ва жамоат тарафидан сайланади; иккинчи маҳқама эса бошланғич маҳқамада кўрилган ишларни ажрим этади.

Маромноманинг сўнги, 9-қисми **маориф ишларига** бағишланган. Ун беш моддадан иборат бу бўлимда маориф ишлари Адами марказиятда қабул қилинган қонун ва қоидалар асосида ташкил этилиши қайд этилган. Бу маърифий бўлимда фундаменталистларнинг ҳуқуқий-демократик жамият тузиш йўлидаги уринишларидан дарак берувчи моддалар ҳам борки, уларни қуйида қайд этамиз:

- Бошланғич ва тўлиқсиз ўрта мактабларда дарслар мухтор вилоятдаги кўпчиликни ташкил этган аҳоли тилида олиб борилади.

- Тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактабларда рус тили ва туркий халқлар тилининг дарс сифатида ўргатилиши шартдир.

- Олий мактабларда барча туркларнинг умумий адабий тили ва шеvasи бўйича дарс берилади.

- Агар озчиликни ташкил этган миллатлардан қирқ бола йигилса, улар учун бошланғич мактаблар очилиши ва дарслар шу миллатлар тилида олиб борилиши мумкин.

- Агар болалар сони етарли бўлса, озчиликни ташкил этган миллатлар учун тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаблар ҳам очилиши ва дарслар бу мактабларда ерли аҳолининг тилида олиб борилиши мумкин.

Кўрамизки, Адами марказият фирқаси (ташкilotи) ХХ асрнинг 20-йиллари арафасидаёқ ўз олдига бугунги ўзбек давлатчилигининг асосий тамойиллари билан уйғун бўлган ва ўз даври учун гоят илғор давлат тузумини барпо этиш режасини ишлаб чиққан. Гарчанд бу режа амалга ошмаган ва ўша вақтда амалга ошиши маҳол бўлган эса-да, маърифий ҳаракат сифатида майдонга келган жадидчилик ҳаракати вакилларининг 1917 йилга келиб, давлат ва жамият қурилиши масалаларида ҳам ўз даврига нисбатан илғорлаб кетганидан шаҳодат беради.

Эътиборлиси шундаки, фундаменталистлар мухтор ҳукуматнинг сиёсий ва ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишда халқ манфаатидан келиб чиқибгина ва халқ манфаатини ўзларининг таянч нуқталарига айлантирибгина қолмай, бу давлат тизимини халқ билан бирга, унинг иштирокида барпо этишни ҳам назарда тутганлар. Шунинг учун улар маромномани бундай сўзлар билан яқунлаганлар: «Маромномада баён қилинган жумла мақсадларга етишмак учун фирқа аввалаи жаноби Ҳақга ва сониян (иккинчидан – Р.Ш.) тамоми меҳнаткаш ва миллатпарвар ватандошларга суялиб ва такя қилур».<sup>112</sup>

Бу сўзлар шунчаки, арзон обрў-эътибор қозониш ва халқ оmmasига яхши кўриниш учун айтилмаган. Буни мазкур маромнома билан бирга эълон қилинган фирқа (ташкilot) низомномасининг қуйидаги 1-моддасидан ҳам билса бўлади. Бу модда эса қуйидагичадир:

"Турк адами марказият фирқасининг мақсади Русияда мухторияти маҳаллий ва миллий асоси узра жумҳурият аном (халқ жумҳурияти – Р.Ш.) ташкил этмақдир".<sup>113</sup>

Адами марказият фирқаси (ташкilotи) бу мақсадни ўз олдига қўйган ва эълон қилган пайт – 1917 йилнинг сентяб-

<sup>112</sup> Қўрсатилган журнал - В. 8.

<sup>113</sup> Ушга жойда.

рида ўзини кўзбўямачилик учун халқ ҳокимияти деб атаган Совет давлати ҳали барпо этилмаган эди.

Хуллас, Турк адами марказият фирқаси(ташкilotи)нинг мазкур маромномаси жадид маърифатпарварларининг давлат тузуми тўғрисидаги қарашлари ҳақида етарли даражада тасаввур беради. Бу маромнома Туркистон мусулмонларининг III ўлка қурултойи томонидан 1917 йил 27 ноябрда Қўқон шаҳрида эълон қилинган Туркистон Мухторият ҳукумати-нинг давлат тизимига асос бўлиши лозим эди. Мухторият эълон этилганидан кейин бўлиб ўтган қурултой иштирокчилари Умумтуркистон таъсис мажлисини чақиришга қарор қиладилар. Ана шу таъсис мажлисида Туркистон мухториятининг давлат тузуми қонуний асосда белгиланиши лозим эди. Таъсис мажлиси чақирилгунга қадар эса Туркистон Мухторият ҳукумати Туркистон Муваққат шўроси ва Туркистон халқ бошқаруви ихтиёрида фаолият юргизиши зарур эди. Аммо Туркистон Мухторият ҳукумати раҳбарлари ўз давлат тузумларининг асосий йўналишини қонуний йўл билан мустақамлашга улгурмадилар.

### **3-фасл. Янги давлатнинг ҳуқуқий ҳужжатларини мукамаллаштириш чора ва тадбирлари**

Мазкур дастурнинг ҳаётга тадбиқ этилиш ва этилмаслиги масаласида тарихий адабиётда турлича қарашлар мавжуд. Ҳатто ўша вақтда ҳам федералистлар гоё-мақсадларининг рўёбга чиқишига қаршилик кўрсатувчи кучлар Туркистоннинг ўзида ҳам йўқ эмас эди. “Туркистонда миллий-территориал автономия эълон қилинса, - деб ёзади адабиётшунос олим Бойбўта Дўстқораев, - А.Цаликов оғоҳлантирганидек, ҳокимиятни хон, бек, бой, уламолар реакцион қисмининг эгаллаб олишлари хавфи сақланиб қолмоқда эди. Бундан туркистонлик айрим зиёдилар, жадидлар ҳам хавфсирогандилар. Туркистонда консерватив кучга айланиб қолган



уламолар ва уларнинг ҳаммаслаклари мавжудлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди”.<sup>114</sup>

Б.Дўстқораев бу сўзлардан кейин уламолар тарихда фақат салбий роль ўйнабгина қолмай, ижобий ишларни ҳам амалга оширганларини унутмаслик лозим, деб билади. Аммо шунга қарамай, Туркистон тақдири ҳал этилаётган бир пайтда уларнинг яхши ниятли жадиждлар ишига тўғаноқ бўлганликларини ҳам ёддан чиқариб бўлмайди. Шунинг учун ҳам таниқли публицист Мирмуҳсин Шермухамедовнинг “Туркистоннинг усули идораси ҳақинда” сарлавҳали мақоласидаги уламолар ҳақида айтилган қуйидаги сўзларни асоссиз, деб бўлмайди:

“Ўзининг шахсий ва киса манфаати учун диний ва миллий ҳуқуқларимизни оёқ остига олиб тобтагон провақатор уламолар ила буржуаз золим бойлардир...

Яхши билинглари, агарда Туркистон ўзига мустақил идора бўлса, муътаассуф, ул вақт Туркистонда маданият, фунун ва маориф мутлақо емирилур. Чунки, “Алҳамдулиллоҳ, энди мусулмонобод бўлади”, деб иш бошинда турувчи ақлли бошлар қисқа кижом кийганларни, соқол қирғонларни, чоч, миқ (мийиқ, мўйлов – Б.Д.) қисқартмагонларни, янги усулда ўқиғонларни, русча сўзлаша билганларни “Булар биткофир, буларнинг жазоси зиндон ё ўлим”, деб миллатнинг энг суюклу азиз болаларин қоронғу зиндон ёки дор оғочларинда бирма-бир йўқ қилуб, ёшларнинг томирин қуритувлари бик маълум. Буларнинг қурғон плонлари ҳозирданок шул...”<sup>115</sup>

Мирмуҳсин Шермухамедовнинг бу сўзлари, биринчидан, уламоларнинг XX аср бошларидаги Туркистоннинг ижтимоий ҳаётида ўйнаган роллари ҳақида аниқ тасаввур берса, иккинчидан, жадиждларнинг ўз тараққийпарвар гояларини

<sup>114</sup> Дўстқораев Бойбўта. Туркистоннинг усули идораси қандай бўлмоғи керак эди? (Иккиюччи мақола). – Давлат ва жамият бошқаруви (журнал). – 1998, 1-сон – Б. 66.

<sup>115</sup> “Шўро” журналнинг 1917 йил 12-сонида эълон қилинган бу кўчирма Б.Дўстқораев мақоласидан олинди. – Ўша нашр. ўша бет.

халқ оммаси ўртасида катта обрў-эътибор қозонган, уни ўз ортидан етаклаган уламолар билан курашда ҳимоя қилганлари ва ҳатто олға сурганларидан далолат беради. Яқин ўтмишимиз тарихидан шу нарса маълумки, “Шўрои Уламо” жамияти Туркистон Мухторият ҳукумати галаба қозонган тақдирда шариат қонун-қоидаларига асосланган демократик республикани барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ва бу мақсади йўлида “Шўрои ислом” билан - жадидлар билан ҳар қандай курашга тайёр эди.

“Лекин, - деб ёзади Бойбўта Дўстқораев, - большевиклар билан тўқнашилиб, фожиа бошлангач, уламолар ўрушнинг учинчи кунинда Эргашни оқ кийизга солиб хон кўтардилар... Жадидлар европача кийимларини ечиб, салла-чопон кийишиб, уламолар орқасидан судралишга мажбур бўлдилар...”<sup>116</sup>

Бойбўта Дўстқораев бу сўнги сўзларни иқтибос тарзида келтирган бўлиб, уларнинг “Худосизлар” журналида (1928 йил, 9-10 қўшма сон, 40-бет) эълон қилинган мақоланинг Фиёсов фамилияли бир тарихчига мансублигини айтган.

“Туркистон мухториятининг қонли фожиалар билан тугашида, - деб давом этади у, - уламоларнинг хонликни қайта тиклашга бўлган уринишлари ҳам муайян даражада сабаб бўлди. Хонлик тузумига қайтиш, бунинг устига Эргашнинг оломон кўринишидаги аскарларига умид боғлаш - булар мухториятчиларни муқаррар ҳалокатга олиб боровчи омиллар эди”.

Таниқли адабиётшунос олимнинг бу сўзлари ёрдамида биз XX асрнинг 10-йилларида Туркистон (ҳозирги Ўзбекистон)да иккита сиёсий куч - жадидлар ва қадимлар, яъни уламолар ҳаракат қилгани, уларнинг бири демократик республика усулидаги давлат тузумини барпо этмоқчи, иккинчиси эса хонликни қайта тикламоқчи бўлганини айтмоқчимиз. Агар Туркистон ҳақиқларининг XX аср ўрталарига келиб хонлик тузumi туфайли оғир иқтисодий ва маданий аҳволга

<sup>116</sup> Сўнги манба. В. 67.

тушгани, давлат тузумининг чириб битганини эътиборга олсак, жадидларнинг сиёсий ва маданий майдондаги рақиблари – уламоларнинг тарихнинг бурилиш нуқтасида нотўғри позицияни эгаллаганлари ва тарихий тараққиётга тўғон бўлиб қолганлари маълум бўлади. Ана шу тарихий фонда жадид маърифатчиларининг янги жамиятни яратиш йўлида олиб борган фаолиятлари буюк жасорат ва донишмандлик намунаси сифатида баҳоланиши мумкин.

Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун олиб борган курашида фаол иштирок этган кишилардан бири Аҳмад Заки Валидийдир. У Туркияда чоп этилган “Хотиралар” ва шу китоб асосида ўзбек тилида эълон қилинган “Бўлинганни бўри ер” деган мемуар асарида қандайдир “Жадид тараққийпарварлари партияси”нинг 19 банддан иборат дастури ҳақида сўзлаб, бу банд(модда)ларнинг қуйидаги қисқача мазмунини келтиради:

1) Ўз миллий маданиятига эга бўлиб, мустақил миллат сифатида яшаш ҳаётнинг асоси бўлмоғи керак. Бу эса барча миллатларнинг орзусидир. Мақсадимиз Туркистонни мустақил қилиб, миллий ҳукумат тузишдан иборат. Миллат тил, дин маданият, адабиёт, урф-одатлар бирлигига асосланади.

2) Озод Туркистонда давлат тузилиши ва идораси жумҳурият шаклида бўлиб, ҳокимият асосини демократия йўли билан сайланган миллат мажлиси ёки вилоят ва шаҳарларда вилоят ҳамда шаҳар мажлислари (земство) ташкил қилади.

3) Марказий ҳукумат аъзолари миллат мажлисининг розилиги билан Жумҳурият раиси (Президент) томонидан, вилоятлардаги бошлиқлар эса марказий ҳукумат тарафидан тайинланажак. Вилоят ва шаҳар идора мажлисларининг раислари шу мажлиснинг ўзида сайланиб қўйилажак. Миллат мажлиси, Жумҳурият раиси, вилоят мажлисларини сайлаш тартиби мустақил Туркистоннинг биринчи қурултойи томонидан белгиланажак.

4) Туркистонда турк бўлмаган озчилик ҳам маданий ҳуқуқлардан фойдаланажак. Туркий халқлар Туркистон маданиятини кучли равишда яшнатиш учун яқдиллик билан фаоллик кўрсатишлари керак.

5) Туркистон миллий ҳукумати Туркистон миллий аскарига таянажак; ҳарбий хизмат мажбурий.

6) Ички осойишталикни сақлаш учун вилоят идоралари жойларда полиция ташкил қилади ва бу уюшма мамлакатнинг миллий муҳофаза уюшмаларига боғлиқ бўлажак.

7) Мамлакатда виждон эркинлиги тўла таъминланажак. Диний ибодат ва урф-одатларни эркин равишда бонқариш давлат йўли билан таъминланажак. Мамлакатда бошқа дин миссионерларининг иш олиб боришларига руҳсат берилмайдиги.

8) Матбуот ва нашриёт ҳуррияти ҳамда шахс эркинлиги давлатнинг асосий қонунлари тарафидан таъмин этилажак.

9) Мамлакатнинг асосий солиғи киришга қараб олинажак. Меросдан ҳам солиқ олинажак. Туркистонда эски замонлардан қолган ҳар қил олиқ-солиқлар бекор қилинажак.

10) Ер масаласида ер ости ва ер юзи бойликлари, ўрмонлар, ҳавзалар давлат мулкига ўтиши негиз ҳисобланади. Ер деҳқонларга (қишлоқ деҳқонларига) хусусий мулк қилиб берилажак.

11) Алоҳида шахслар ўзаро келишиб, ер ва сув олди-сотдиси масаласини ҳал этмаяжак. Бундай иш давлат йўли билан бошқарилажак. Ерга эгаллик ҳуқуқи маҳаллий шароитларга қараб қонун асосида белгиланажак.

12) Туркистоннинг озодлиги иқтисодий мустақиллик асосидагина амалга оширилур. Шунинг учун Туркистон бошқа қўшни давлатлар билан иқтисодий муносабатларнинг замонавий тузилиши асосида оёққа туриб, тобора ривожланиб боришини таъмин қилишга ҳаракат қилинажак.

13) Туркистонда ер масаласининг асоси сувдир. Шунинг учун миллатнинг барча кучи халқни сув билан таъминлаб,

турмушини яхшилашга сарфланажак. Сув идораси ишларини тартибга солишга катта аҳамият берилажак.

14) Туркистонда қозоқ, қирғиз, туркман халқларидаги энг муҳим масала – кўчманчи қавмларнинг ўтроқ ҳаётга ўтишидир. Бу масала катта дарёлар бўйлаб суғориш иншоотларини қуриш йўли билан ҳал этилажак. Туркистонда туркий халқлардан ҳамда мусулмонлардан бошқа кўчманчилар қабул қилинмаяжак.

15) Туркистонда ишчилар масаласи шу мамлакатдаги миллий саноатнинг ўсишига боғлиқ. Ишсизларнинг иш шарт-шароитлари, иш соаги, болалар ва аёлларнинг иш шарт-шароитлари, суғурта ва бошқа масалалар илғор мамлакатлардаги усулларда тартибга солинажак.

16) Адлия масаласида тўла мустақиллик ва ҳар ким учун тенг ҳуқуқлилиқ. Дини ва дунёқарашни қандай бўлишидан қатъий назар, ҳар бир киши ҳозирги замон қонунлари ҳимояси билан таъмин этилажак.

17) Маориф соҳасида бецул бошланғич таълим олиш имкониятлари яратилажак. Мамлакатнинг ўз фуқаролари, давлат манфаатларига қарши келмаган ҳолда, хусусий мактаблар очишга ҳуқуқли.

18) Туркистонда энг аввало хунар мактаблари йўлга қўйилажак. Оврупога ўқувчилар юборишга аҳамият берилажак.

19) Қадимий маданият ўчоғи бўлган Туркистонда асрлар мобайнида юзага келган маданият ёдгорликлари ҳимоя остига олинажак. Улар миллий маданиятнинг ўсишига хизмат этаяжак".<sup>117</sup>

Заки Валидий "Хотиралар"ида тарихий ҳужжат сифатида тақдим этилган бу дастур, бизнингча, "Турк адами марказият" фирқаси маромномасининг эркин талқинидан бошқа нарса эмас. Шунинг учун ҳам бу "Хотиралар"даги "Жадид тараққийпарварлари партияси" сўзларини "Турк адами мар-

<sup>117</sup> Аҳмад Заки Валидий. Булинггани: бун ер. – Т.: Адолат, 1997. – Б. 112-113.

казият" - федералистлар партияси, деб ўқишимиз тўғри бўлади.

Заки Валидий юқорида келтирилган дастурга изох бериб, бундай сўзларни ёзган:

"Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Туркистонда келажакда биринчиси радикал миллий ва иккинчиси социалистик бўлган икки партияли тизим идораси фикри чет мамлакатлар таъсири билан изоҳланмайди. 1921 йилда Туркистондаги қавм ва қабилаларнинг бошлиқлари ва зиёлилари узоқ маслаҳатлашиб, турли жойлардаги кўп турли шартларни ҳисобга олганларидан сўнг, юқоридагига ўхшаш, икки партияни ва Алаш Ҷўрадек учинчи бир партияни тузиш керак, деган фикрга келдилар. Англиядаги ёки Америкадаги икки партияли тартиботдан Туркистон раҳбарлари хабардор эмас эдилар".<sup>118</sup>

Шуни айтиш керакки, 1917-1918 йилларда Туркистонда бир қанча партиялар фаолият кўрсатган. Маҳаллий зиёлилар бу партияларнинг аниқ сиёсий қиёфаси ва мақсади ҳақида етарли тасаввурга эга бўлмаганлари учун бирлари эсерлар, иккинчилари кадетлар, учинчилари эса коммунистлар (большевиклар) партиясига аъзо бўлиб кирганлар. Айни пайтда ўзбек зиёлилари Заки Валидий сингари Марказий Россиядан ё Туркистондан келган зиёлилар таъсирида янги миллий партияларни ҳам тузиб, қисқа умр кўрган бу партияларда ўз фаолиятларини давом эттирганлар.

"Хивадаги миллий ҳукумат, - деб ёзган эди Заки Валидий, - уларнинг айрим вакиллари яширин равишда Бухорога келдилар. Улар билан учрашиб, сўзлашилди. Қозоқлар маслаҳатларнинг узоққа чўзилишидан, ёш Бухоро ҳукумати арбобларининг иккиланишларидан норози бўлдилар. Ниҳоят, маслаҳатлар оқибатида Ўзбекистонда социалистик бўлмаган ва динга таянувчи жаҳидлар фирқаси, социалистик "Эрк" партияси, қозоқларнинг "Алаш Ҷўра" фирқасидан иборат уч

<sup>118</sup> Кўрсатилган китоб. - Б. 113-114

партия бирлашиб, етти банддан иборат мен тайёрлаб берган "умум платформа"ни қабул этдик. Бу бандлар моҳияти қуйидагилардан иборат эди:

1) Миллий мустақиллик; 2) Демократик жумҳурият; 3) Миллий аскарлик (армия); 4) Иқтисодий идора, темир йўллар қуриш, каналлар қазилар, Туркистоннинг асл мустақиллиги манфаатларига мос тушмоғи лозим; 5) Маорифни тамоман бугунги кун камолотига кўтариш ҳамда Оврупо маданиятига Россия воситачилигисиз ҳам ошно қилиш чораларини қидириш; 6) Мактаблар ва мамлакатнинг табиий бойлигидан фойдаланиш, умуман миллий масалаларни мамлакатда яшаётган миллатларнинг сонига қараб ҳал қилиш; 7) Динга тўла ҳуррият бериб, дин билан дунё ишларини бир-бирига аралаштирмаслик.

Қозоқлар Диншенни вакил қилиб қолдириб, юртларига қайтгандан кейин "Жадид" ва "Эрк" партияларининг алоҳида-алоҳида дастурлари кўриб чиқилди... Умуман, мамлакатда бири либерал, иккинчиси социалист бўлган икки партия тартиботи тузилиб, умумий дастур асосида уларни бирлаштирувчи бошқарув мезони қабул қилинди. Бундай қарор ҳаммага маъқул тушди..."<sup>119</sup>

"Эрк" партиясининг дастури, Заки Валидийнинг ёзишича, 27 банд (модда)дан иборат бўлиб, Бухородаги кенгаш жараёнида бу дастур қисқартирилиб, 9 банд (модда)га келтирилган. Бу банд (модда)лар эса қуйидагилардир:

"1) Иқтисодий соҳада: ерни, сувни, ер ости бойиклари, катта ариқларни давлат ихтиёрига бериб, қишлоқни умумлаштириш – социализмни амалга оширишнинг асоси қилиб олинажак.

2) Саноати юқори даражада тараққий этган мамлакатлардаги сингари ички ташкилотлардан Туркистондаги ташкилий ишларда режали равишда фойдаланилажак, ишчиларга

<sup>119</sup> Қўрсатишган китоб. Б.105-106

Туркистондаги деҳқонларнинг уюшиш ҳуқуқлари тушунтирилажак.

3) Туркистон мустамлакачилар қўлидап қутқарилиб, мустақил идора этилишига эришилажак. Бу эса ўлкада синфий табақаланишнинг ўсиши учун шароит яратиб, деҳқонларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олиш даражасигача ривожланишига имкон беради.

4) Озод Туркистонда деҳқонлар синфи ва ислохотнинг бошқа тарафдорлари тўсиқсиз фаолият кўрсатувини таъмин этувчи демократик тартибот ўрнатилажак ва у демократик бошқарув йўли бўлиб хизмат қилажак. Туркистон парламенти, вилоят ва шаҳар советлари умумий сайлов асосида шаклланади.

5) Давлатни идора қилишни ва социализм қуришни таъкил этиш учун миллий қўшинлар тузилажак.

6) Туркистонда миллий ва бошқа озчиликни ташкил этувчилар масалалари халқ хоҳишига биноан махсус бўлимларда ҳал этилажак.

7) Маориф ишлари маҳаллий аҳолининг жойлардаги идоралари қўлида мужассамланажак. Ҳозирги бутун давлат муассасалари, алоқа тизими, темир йўл, почта ва телеграф, қишлоқ хўжалиги ҳамда саноат корхоналари миллий ҳукумат қўлига топширилажак. Маданият соҳасида четдан келганлар (яъни руслар) таъсиридан холи бўлган кучли миллий маданиятни юзага келтиришни уюштириш иши бошланажак. Мактаблар, айниқса, ҳунар мактаблари, болаларни таълимга жалб этиш маърифатнинг асосини ташкил этажак.

8) Дин ишлари дунё ва давлат ишларидан тамоман айрилажак.

9) Келажакда Туркистон социалистлари эзилган синфлар манфаатларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда мазлум халқлар ҳуқуқлари учун курашиш тамойилларини асосий мезон қилиб олган байналмилалчилар сафига қўшилажак".<sup>120</sup>

<sup>120</sup> Кўрсатилган китоб. - Б. 110-111.



Заки Валидийнинг қайд этишича, бу дастур тўла ҳолда унинг "Турк халқи тарихи" китобининг 411-414-бетларида эълон қилинган.

Афсуски, на Заки Валидийнинг бизга маълум асарларида, на ўзбекистонлик тарихчи олимларнинг асарларида "Эрк" партиясининг фаолиятига, шу жумладан, партиясининг дастуридаги давлат ва жамият қурилишига оид бирор аниқ маълумотни учратмаймиз. Бу ҳол, шунингдек, юқорида келтирилган 9 банд (модда)лик дастур "Эрк" партиясининг XX аср 20-йилларидаги Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида "Турк адами марказият" фирқаси (ташкilotи)дек сезиларли ролни ўйнамаганидан дарак беради. Гарчанд "Турк адами марказият"нинг ижтимоий-сиёсий умри узоқ давом этмаган бўлса-да, Туркистонда бу фирқа (ташкilot)дан кейин майдонга келган сиёсий ташкilotлар унинг маромномаси (дастури)да белгиланган тадбирларни амалга оширишни ўз олдларига асосий вазифа қилиб қўйдилар. Умуман, туркистонлик жадиждлар "Турк адами марказият" фирқаси (ташкilotи)нинг маромномаси (дастури)ни ишлаш жараёнида ўзларининг сиёсий ва ҳуқуқий қарашларини шакллантириш, ривожлантириш ва дастур (тизим) даражасига келтириш имкониятига эришдиларки, бу уларнинг ижтимоий-илмий тафаккури муайян босқичга кўтарилганидан, халқ оммасига сиёсий ва ижтимоий раҳбарликни амалга оширишлари мумкин бўлганидан шаҳодат беради.

Жадид маърифатпарварларининг давлат тузуми ҳақидаги қарашларини ифодаловчи ҳужжатлардан яна бири Фитрат томонидан тузилган "Ислоҳотлар лойиҳаси"дир. 1917 йили тузилган бу ҳужжат "Ёш бухороликлар" партиясининг Марказий Қўмитасида муҳокама этилган ва муайян тузатишлар билан ижро учун қабул қилинган бўлиши мумкин. Фитрат қомусий олим бўлишига қарамай, чамаси, Бухородаги тарихий шароитдан ва "Ёш бухороликлар" партиясининг халқ ўртасида эгаллаган мавқеидан келиб чиққан ҳолда бу "лойиҳа"да

мамлакатни идора этишнинг монархия (амирлик) шаклини ўзгартириш масаласини кун тартибига қўймаган. У асосан икки мақсадни кўзда тутганки, бу ҳужжатга жамоатчилик эътиборини биринчи бўлиб қаратган тарих фанлари доктори Марат Ҳасанов "Фитратнинг "Ислоҳотлар лойиҳаси" деган мақоласида бундай ёзади:

"Бухорода ҳуқуқ асосига қурилган давлатчиликни жорий қилиш ўрта асрдан қолган Шарқ деспотизминини европача маърифатли монархия билан алмаштириш ҳамда Бухоро меҳнаткашлар оммасининг фаровонлиги ва маданийлигини ошириш негизида Бухорони иқтисодий-сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан мустақкамлашдан иборат эди".<sup>121</sup>

Тарихчи олимнинг бу сўзларига таянган ҳолда айтишимиз мумкинки, Фитрат "Ислоҳотлар лойиҳаси"да, биринчидан, Бухорода ҳуқуқ асосига қурилган давлат тизимини барпо этишни "Ёш бухороликлар" партиясининг асосий вазифаси, деб билган. Иккинчидан, унинг тушунчаси ва тасаввуридаги ҳуқуқий давлат, бир томондан, Шарқ деспотизмига асосланган амирликдан фарқли ўлароқ Европа русумидаги маърифатли монархияга ўтиш, иккинчи томондан, Бухоро ҳудудида яшовчи халқ оммасининг фаровонлиги ва маданий даражасини ошириш негизида Бухоро давлатини иқтисодий-сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан мустақкамлашни лозим, деб ҳисоблаган.

Бугунги кунда Фитратнинг Европача маърифатли монархия тарафдори бўлганлиги қўпчиликка эриш туюлиши мумкин. Агар XX асрнинг 10-йилларида Бухорода ҳукм сурган диний фанатизм ва аҳолининг умумий савиясини назар-эътиборга олсак, Бухородаги мавжуд вазиятда дастлаб давлат тепасида маърифатли, аммо қаттиққўл ва иродали кишининг бўлиши тўғридир. Биз Фитратга Бухоро амирлигида парламентар республиканинг барпо этилишига қарши бўлган киши, деб эмас, балки Бухорода бундай давлат тизимининг

<sup>121</sup> "Ҳаёт ва иқтисод" (журнал). - 1992, 11-сон. - Б. 21.

барпо этилиши учун етарли шарт-шароитлар йўқлигини эътиборга олган сиёсий арбоб, деб қарашимиз адолатдан бўлади.

Заки Валидий "Хотиралар"ида Туркистон Миллий бирлигининг тузилиши ва унинг конгресс (қурултой)лари тўғрисида кўпгина сўзлар айтилган. Юқорида баён этилган Туркистондаги миллий мустақиллик учун кураш тарихидан шу нарса маълумки, зикр этилган даврнинг ижтимоий ҳаётида "Миллий иттиҳод" ташкилоти муҳим роль ўйнаган. "Миллий иттиҳод" дегани - "Миллий бирлик" деганидир. Аммо Заки Валидий "Хотиралар"идаги Туркистон Миллий бирлиги "Миллий иттиҳод" ташкилотидан мутлақо бошқа жамоат муассасидир.

Заки Валидий мазкур ташкилот тўғрисида сўзлар экан, уни партия деб атайти ва бу партия дастури ҳамда платформаси ишлаб чиқилгани ҳақида маълумот беради. Унинг қайд этишига кўра, 1920 йил 30 июль куни Бухорода бўлиб ўтган йиғилишда Туркистон Миллий бирлиги "умумий қўмитаси" раиси этиб, Заки Валидийнинг ўзи сайланади. Марказий Қўмита таркиби ҳам шаклланиб, ўша йилнинг 20 августида Миллий бирликнинг 1-қурултойи бўлиб ўтади. Янги ташкил этилган қўмитага Ўрта Осиё Миллий мусулмон жамиятлари федерацияси номи берилиб, низоми ва муҳри тасдиқланади. Ушбу ташкилотнинг гарчанд Туркистонда, кейинчалик эса хорижда ҳам бир неча қурултойлари ўтказилганига қарамай, унинг сиёсий дастури (ёхуд низоми) бизга маълум эмас. Заки Валидийнинг кўп сонли асарларида ҳам бу ҳақда тайинли маълумот йўқ.

Дарвоқе, Заки Валидий жамиятнинг Самарқандда бўлиб ўтган 6-қурултойида ҳам жамиятнинг янги низоми, шунингдек, байроғи ҳақида маълумот бериб, бундай ёзган:

"Самарқанд конгресси йиғилишларида жамиятнинг 24 банддан иборат низоми қабул қилинди ва Туркистон байроғи тасдиқланди. Байроқни тайёрлаган комиссияда мен, Мунав-

вар қори, Жонузоқ ўғли ва яна бир киши иштирок этдик. Байроққа асос қилиб салжуқийлар ва қорахонийларнинг XI асрдаги турк олими Маҳмуд Кошғарий асарида тасвирлаб берилган байроғи олинди. Алвон рангдаги бу миллий байроқни Темур ва унинг ўғиллари замонида ёзилган қўлёзма асарлардаги миниатюраларга суяниб ишлатдик.

Ҳозирги кунда бу рангдаги турк байроғининг асл намунасини 1449 йилда темурий Шоҳрух замонида ёзилган китобда кўриш мумкин. Бу қўлёзма Истанбулда, Тўпқоқи саройида 781 рақами остида сақланади. Байроққа 5 қизил, 4 оқ йўл чизилган, чети кўк тасма билан ҳошияланган. Биз бу байроқ қабул қилинган кунни (6 сентябрь) миллий байрам деб эълон қилишга қарор қилдик. Шу тариқа миллатимизнинг руслар зўравонлигига қарши, Туркистоннинг кўпгина жойларида авж олаётган озодлик учун кураш байроғи қабул қилинди".<sup>122</sup>

Туркистонда олиб борилган истиқлолчилик ҳаракатида жадид маърифатпарварлари Россия ва Туркиядан келган маслакдошлари билан бирга мухториятга эришилгандан кейин барпо этмоқчи бўлган давлатларини шундай тасаввур этганлар. Ҳар бир замонавий давлатнинг ўз тимсоллари бўлганидек, бу давлатнинг ҳам ўз тимсоли – байроғи бўлган. Бу байроқ тасодифан ўйлаб топилган шакл ва рангларга эга бўлмай, унда ўзбек давлатчилиқ тарихининг қадимий илдизларини эслатувчи тасвирий ғоялар бўлгани, айниқса, эътиборга сазовордир. Байроқ муаллифлари 1449 йили, Шоҳрух замонида битилган қўлёзмадаги миллий байроқни андоза сифатида олибгина қолмай, салжуқийлар ва қорахонийларнинг XI аср ёзма обидаси – Маҳмуд Кошғарийнинг "Девони луғатит турк" асарида тасвирланган қадимий байроқни асос қилиб олганларида катта маъно бор.

Энг муҳими шундаки, жадид маърифатпарварлари мухтор ёки мустақил ўзбек давлатининг идора усули, бошқарув тизими ҳақида баҳс юритганларида, XX аср бошларидаги

<sup>122</sup> Кўрсатилган китоб. - Б. 122.

илгор Европа давлатларининг ижтимоий-сиёсий тизимини яхши ўрганиб чиқиб, улардаги энг халқчил, энг замонавий ғояларни олиш ва шу ғояларга асосланган ҳуқуқий-демократик давлатни барпо этиш йўлида қизгин фаолият олиб борганлар. Уларнинг Туркистондаги янги давлат идора усулига оид фикрлари ва шу йўналишдаги фаолиятларини кузатиш жадид маърифатпарварларининг XX аср бошларида Туркистон халқларининг мустақиллик учун олиб борган курашини ташкил этганлари, келажакда барпо этилажак ҳуқуқий-демократик давлат тизимини ишлаб чиққанлари, ҳатто 20-йиллар тонгидаёқ миллий истиқлол байроғини таъсис этиб, Туркистон халқларини шу байроқ остида бирлаштира бошлаганларини кўрсатадики, бу уларнинг тарихий хизматлари ва тарихий жасоратларидир.

Хуллас, "жадидларнинг давлат тўғрисидаги қарашлари ўша пайтдаги Русияда мавжуд сиёсий-ижтимоий ва инқилобий аҳвол билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Улар мазлум халқларнинг Русиядан бутунлай мустақил бўлиб чиқиб кетишларини ҳали кун тартибига қўёлмаган эдилар. Бу қонуний ҳол эди, албатта. Чунки Русиядек қудратли империя чанғалидан аста-секинлик билан, оқилона сиёсат юргизиш орқали бутунлай мустақилликка эришиш мумкинлигини улар яхши англаганлар".<sup>123</sup>

Адабиётшунос Бойбўта Дўстқориев, тўғри қайд этганидек, жадид маърифатпарварларининг давлат тўғрисидаги сиёсий-ҳуқуқий қарашларининг ҳаётга тадбиқ этилмай қолишига сабаб шундаки, большевиклар отни илгарироқ қамчилаб, Туркистондаги ҳокимиятни ўз қўлларига олишга эришдилар. "Маълумки, большевиклар, - деб ёзади олим, - муваққат ҳукуматни қуролли куч билан ағдариб, ҳокимиятни эгаллаб олишгач, Таъсис мажлисининг ўтказилишига йўл бермадилар. Таъсис мажлиси бўлгандагина халқ вакиллари Русияда қандай тузум, усули идора бўлишини қонуний

<sup>123</sup> Давлат ва жамият бошқаруви (журнал), 1998, 1-сон. - Б.67.

белгиларди. Большевиклар эса қонунсиз ҳолда ҳокимиятни босиб олдилар".<sup>124</sup>

Жадид маърифатпарварларининг давлат қурилиши ҳақидаги сиёсий-ҳуқуқий қарашлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин республикамизда янги ўзбек давлатчилигига пойдевор қўйиш ва унинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини белгилаш масаласи кун тартибидан ўрин олганида жадидларнинг бу борадаги мерослари катта аҳамиятга молик бўлди. Бу нарса, айниқса, мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясини яратишда муҳим манба бўлиб хизмат этди. Зеро, жадидларнинг биз кўриб ўтган ва уларнинг Туркистон Мухторият ҳукуматини ташкил этишларида қибланома ўлароқ хизмат қилган маромномалари илғор Европа давлатларининг тажрибалари билан бирга Туркистон халқларининг миллий манфаатлари, орзу ва умидларини тўла ҳисобга олган эди.

Шунинг учун ҳам мустамлакачилик йилларида мамлакатимиз мустақиллиги учун курашган аجدодларимиз, шу жумладан, жадид маърифатпарварларининг янги типдаги давлат ва жамиятни қуриш йўлида олиб борган фаолиятларига тўғри баҳо бериш, уларнинг мураккаб тарихий жараёнда эришган ижобий тажрибаларини ўрганиш, улар йўл қўйган хато ва камчиликлардан сабоқ чиқариш ота-бобола-римиз орзу қилган халқпарвар ва ҳақпарвар давлатни, адолатли жамиятни барпо этишга киришган ҳозирги авлоднинг муқаддас бурчидир.

---

<sup>124</sup> Уша жойда.

## ХУЛОСА

Нафақат ўзбек халқи, балки умуман Марказий Осиё, Қрим, Кавказ ва Волга бўйларида жойлашган туркий халқларнинг XX асрдаги тарихида жади́дчилик ҳаракати катта ва ғоят муҳим бир даврни ташкил этади. Исмоилбей Гаспиралининг "Таржимон" газетаси орқали бу ўлкаларга етиб борган жади́дчилик ғоялари илғор ёшларнинг басир кўзларини очибгина қолмай, ҳаётнинг ич-ичига кириб, амалий натижалар ҳам берди: усули жади́д мактаблари пайдо бўлди; жади́д матбуоти, адабиёти ва театри вужудга келди. Жади́дчилик ҳаракатининг бу минбарлари орқали маърифатпарварлик ғоялари жамият ҳаётидан муҳим ўринни эгаллай бошлади.

Бир томондан, XVI-XIX асрларда Туркистонда ҳукм сурган ижтимоий тузум – феода́л давлатнинг инқи́розга юз тутиши, жамият тараққиётида турғунлик ҳолатининг юзага келиши, иккинчи томондан, Туркистоннинг Чор қўшинлари томонидан босиб олинishi ва мустамлакага айлантирилиши натижасида ўлкада шундай бир мудҳиш шароит вужудга келдики, муайян ижтимоий, иқтисодий, маданий ва маърифий заминсиз халқни уйғотувчи, жамиятни силкитиб, ларзага келтирувчи бирон-бир ҳаракатнинг пайдо бўлиши маҳол эди.

Агар жади́дчилик ҳаракатининг юзага келиши учун Туркистоннинг ўзида зарур ижтимоий ва маданий замин (ички шароит) бўлмаганида ўзбек жади́дчилик ҳаракатининг пайдо бўлиш ва шаклланиш жараёни бу қадар интенсив тус олмаган бўларди. Бундай замин бўлиб эса Сатторхон Абдуғаффоровнинг маърифатпарварлик фаолияти, Муқимий, Фурқат, Дилшод Барно, Аҳмад Дониш сингари шоир ва ёзувчиларнинг ижодлари хизмат қилди.

Юқорида қайд этилган манбалар туфайли ва Туркистондаги оғир ижтимоий, иқтисодий ва маданий шароит

тақозоси билан XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида ўлкада жадидчилик ҳаракати вужудга келди.

Жадидлар XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистоннинг Чор мустамлакасига айланиши ва Туркистон халқлари ачинарли аҳволининг ижтимоий илдизларини таҳлил этиб, биринчи навбатда таълим тизимини ислоҳ этиш ва халқ оммасини маърифатлаштириш лозим, деган қарорга келдилар. Улар назарида, Туркистондаги мавжуд тарихий шароитни ўзгартиришнинг бирдан-бир йўли маърифат ўчоқларини барпо этиш ва халқ оммасининг кўзини маърифат нурлари билан ювиш эди.

Агар маърифат ўзбек халқи ва маданияти тарихининг аввалги даврларида халқ оммасини билимли қилиш воситаси бўлиб хизмат қилган бўлса, жадидлар маърифатдан ижтимоий қурол сифатида ҳам фойдаланмоқчи бўлдилар. Уларнинг фикрига кўра, маърифатлашган халқ яқин келажакда ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун, Ватан ҳурлиги ва мустақиллиги учун курашиши ҳам лозим эди. Бинобарин, жадидлар маърифатнинг халқ ва ватан тақдиридаги ролини мумкин қадар оширишни лозим, деб топдилар.

Улар шу мақсадда усули жадид мактабларини очишга катта эътибор бердилар. Усули жадид мактаблари, улар назарида, бир томондан, давр талабларига жавоб бермай қолган эски мактаб ва мадрасаларнинг, иккинчи томондан, маҳаллий ёшларни руслаштириш вазифасини ўз олдига қўйган рус-тузем мактабларининг ўрнини секин-аста эгаллаши ва ёшларни ўз бағрига мумкин қадар кўпроқ тортиши лозим эди.

Шунинг учун ҳам жадидчилик, энг аввало, янги типдаги мактабларни очиш, таълим тизимини ислоҳ этиш ишлари билан бошланди.

Усули жадид мактаблари учун ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларни тузишда муаллифлар ўқувчиларни қисқа муддатда саводли қилишдан ташқари, шарқона ахлоқ



ва одоб руҳида тарбиялаш, фаннинг турли соҳалари, жумладан, табиий фанлар бўйича билим бериш, айниқса, ер юзидаги бошқа мамлакатларнинг табиати, давлат қурилиши, маданияти, шунингдек, бу мамлакатларда яшовчи халқлар тўғрисида тасаввур беришни ўз олдидарига мақсад қилиб қўйдилар.

Шубҳасиз, бу мактаблар ўқувчи ёшларга фақат дастлабки билимнигина берган. Уларнинг бу мактабларда олган билимларини мустаҳкамлаш ва янада бойитишнинг, шунингдек, халқнинг бошқа қатламларини маърифатлаштиришнинг бирдан-бир йўли замонавий маданиятнинг муҳим тармоқлари – жадид матбуоти, адабиёти ва театр санъатини яратиш эди. Жадидлар ана шу уч минбар орқали ўз гоёларини тарқатишга ҳаракат қилдилар. Туркистон (Тошкент, Самарқанд, Фарғона)да нашр этилган газета ва журналлар ўлка ҳаётига оид мақолалардан ташқари, хорижий мамлакатлардаги давлат тузуми, сиёсий партия ва ташкилотлар, мактаб ва маориф ишлари, адабиёт ва санъат янгиликлари тўғрисида, халқ ҳаётининг турли жабҳалари тўғрисида ҳикоя қилувчи материалларни эълон қилдилар. Матбуот, адабиёт ва театр санъати халқнинг маиший, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги қолоқликларни шафқатсиз равишда очиб ташлаб, уларни Европа ва Осиёдаги тараққий этган халқлар даражасига кўтаришни ўзининг мураккаб ва муқаддас вазифаси, деб билди.

Исмоилбей Гаспиралининг "Таржимон" газетасида олға сурилган қуйидаги гоёлар Туркистон жадидлари мактаб ва маориф соҳасидаги фаолиятларининг ҳам асосий йўналишини ташкил этди:

- миллий маориф тизимини ислоҳ этиш;
- янги маориф тизимини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва истеъдодли ёшларни илғор хорижий мамлакатларга ўқишга юбориш учун "Жамияти хайрия"ларни ташкил этиш;

- миллий зиёлиларни етиштириш, фан, саноат ва халқ хўжалигининг турли соҳалари бўйича, шунингдек, давлат ишларини юритувчи мутахассисларни тайёрлаш;

- қизлар учун алоҳида мактаблар очиш.

М.Бехбудий "Таржимон" газетасида ифодаланган бундай фикрларни Туркистондаги маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, қуйидаги "моддалар" билан бойитди:

- болаларни мусулмон мактаблари билан бирга рус-тузем мактаблари ва гимназияларида ҳам ўқитиш; бунинг учун ҳар бир болани икки йил давомида русча ўқитиш ва тарбия қилиш; шу икки йил учун тўланажак 600 сўм миқдоридаги пулни тўй-маъракалар учун жамланган маблағдан олиш;

- болаларни тарбиялайдиган пансионатлар очиш ва болаларни ҳукумат мактабларига тайёрлаш учун "Нашри маориф" ёхуд "Жамияти хайрия", ёки "Жамияти атфол" сингари жамиятларни очиш;

- бу жамиятлар ёрдамида юқори малакали ўқув юртларида ўқитиш орқали ноёб соҳалар бўйича мутахассислар билан бирга Давлат Думасига депутат бўла оладиган, банкларда ишлаб биладиган ҳар тарафлама истеъдодли мутахассисларни етиштириш ва ҳ.к.

Чор ҳокимиятининг рус-тузем мактабларини ташкил этишдан кўзда тутган мақсадларидан бири Ислом динини бузиш, маҳаллий ёшларни ислом таълимотининг таъсир доирасидан ажратиб олиш ва шу йўл билан руслаштириш эди. Жаҳидлар Ислом динининг халқни бирлаштирувчи ва унинг ўзлигини сақлаб қолувчи муҳим омил эканини инobatга олган ҳолда ёшларни исломий руҳда тарбиялашга ҳам катта эътибор бердилар.

Туркистон жаҳидчилиқ ҳаракатининг шаклланишида халқаро алоқалар муҳим аҳамиятга молик бўлди. Бехбудийнинг Яқин Шарқ мамлакатларига қилган сафари, Қозон, Нижний Новгород, Москва, Петербург сингари Россиянинг марказий шаҳарларига бориши, Фитратнинг Туркияда бир

неча йил бўлиши нафақат бу ёзувчилар, балки умуман ўзбек жадидлари ижтимоий-сиёсий ва маърифий қарашларининг шаклланишига катта таъсир ўтказди. Айниқса, Фитратнинг Туркияда ёзган “Мунозара” ва “Ҳинд сайёҳи баёноти” асарлари ўзбек жадидлари учун бир неча йиллар мобайнида гоёвий дастур вазифасини бажарди.

Агар ўзбек жадидчилиги ўз тарихининг биринчи босқичида асосан маърифий оқим сифатида намоён бўлган ва бу даврда жадидларнинг таълим ислоҳоти билан боғлиқ қарашлари тўла шаклланган бўлса, кейинги даврда уларнинг маърифий ғоялари миллий тараққиётнинг бошқа муҳим ва долзарб масалалари билан бойиди.

Жадидлар ўлканинг миллий тараққиёт йўлидан дадил бориши учун фақат маърифатнинг ўзи камлик қилишини сездилар. “Туркистон Эски дунёнинг Амеракасидур. Пахта, маъдан, ғалла, хулоса, ҳар нимарса бор. Туркистон олтиндур”<sup>125</sup>. М.Бехбудийнинг бу сўзлари тагида катта маъно бор эди. Туркистоннинг миллий бойлигидан фойдаланиш - ер ости бойликларини илм-фан ёрдамида қазиб олиш, қайта ишлаш ва уни маҳсулот сифатида сотиш, бир томондан, тижоратнинг ривожланишига, миллий сармоядорларнинг кўпайишига имконият туғдирса, иккинчи томондан, ўлканинг миллий тараққиёт йўлидан боришига кенг йўл очган, шарт-шароитларни яратган бўларди.

Ана шу тарзда маърифат миллий тараққиётнинг ўзак масалаларини ҳам ўз қамровига ола бошлади.

Биринчи жаҳон уруши арафасида Туркистонда янги темир йўлларининг қурила бошлаши билан ернинг нархи кўтарилди. Ўрта ҳол деҳқонлар арзон-гаровга ерларини сота бошладилар. Шундай вақтда “Садои Туркистон” газетаси Убайдулла Хўжаев ва Чўлпоннинг мақолалари ёрдамида халққа ернинг қадр-қимматини тушунтирувчи мақолалар

<sup>125</sup> Қаранг: Ватан ва миллат муқаддаслар (Миллий уйғониш даври эҷодкорларидинг эътирофлари). - Т.: 2000. - Б. 9.

билан чиқди. Пул ўткинчи, ер эса абадий қадрият эканини исботлаб берди. Уларнинг бундай чиқишлари халқ оммасини она Ватанга, Ватан ва авлодлар олдидаги бурч масалаларига ҳушёрлик билан қарашга ўргатди.

Жадидлар усули жадид мактаблари ва умуман маърифатни тарғиб этар эканлар, халқнинг бадавлат қисмини ортиқча сарф-ҳаражат қилмасликка, агар ортиқча маблағлари бўлса, бу маблағни мактаб ва мадраса тизимини яхшилашга, ёшларни хорижга ўқишга юборишга, дорулсаноат сингари ўқув юртларини ташкил этиб, инженер, геолог ва бошқа мутахассисларни етиштириш йўлида сарфлашга чақирдилар. Бу ҳам уларнинг миллий тараққиёт йўлидаги саъй-ҳаракатлари эди. М.Бехбудий сингари илғор жадидлар айрим хорижий мамлакатларнинг конституцияларини, давлат идоралари ва сиёсий партиялар фаолиятини ўрганиб, жадидчилик ҳаракатини янги босқичга олиб чиқдилар. 1905 йил рус инқилоби, шунингдек, Туркия ва Эрондаги инқилобий ҳаракатлардан сўнг жадидлар ўз олдларига сиёсий вазифаларни ҳам қўя бошладилар. Айниқса, Биринчи жаҳон уруши йилларидаги Чор Россиясининг ташқи ва ички аҳволи жадидларда мустақил яшаш умидини уйғотди. 1917 йил Февраль инқилоби эса бу умидни янада мустаҳкамлади.

Жадидларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларини ўрганишда М.Бехбудий томонидан Давлат Думасининг Мукулмон фракциясига йўллаган “Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси” гоят катта аҳамиятга эга. Мазкур лойиҳа Туркистон жадидларининг 1907 йилидаёқ мухториятга эришиш учун ҳаракат бошлаганларини ва бу ҳаракат тепасида М.Бехбудийнинг турганини кўрсатади. Лойиҳада олға сурилган гоёларнинг асосий қисми бир нарсага – Туркистонда Идораи руҳония ва дохилия деган тузилмани тузиш ва ўлкани бошқариш билан боғлиқ барча ишларни шу идора зиммасига юклашга қаратилган. Бошқарув тизимининг маҳаллий маъмурлари ихтиёрида бўлган бир қатор ваколатларнинг Идораи руҳония ва

доҳилияга олиб берилиши Чор Россияси таркибида Туркистон Мухторият ҳукумати ба барпо этиш билан баравар эди. Бошқача қилиб айтганда, М.Бехбудийнинг мазкур лойиҳасида ўз ифодасини тошган айрим сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари 1917 йил октябрида Қўқонда Туркистон Мухториятининг эълон қилинишида пойдевор вазифасини ўтади.

М.Бехбудий юқорида тилга олинган лойиҳа остига “Иттифоқи муслимин идора марказияси аъзоларидан муфтийи дорулқазо Самарқандий Маҳмудхўжа Бехбудхўжа ўгли”<sup>126</sup>, деб имзо чеккан. Бу сўзлардан маълум бўлишича, у ушбу лойиҳани ўша йилларда ярим ошқора ва ярим яширин фаолият олиб борган “Иттифоқи муслимин” ташкилоти марказий идорасининг аъзоси сифатида тузган. Маълумки, 1917 йил октябрь тўнтарилишидан кейин Туркистоннинг мустақиллигига эришиш мақсадида бир неча сиёсий ташкилотлар тузилган. Тарих фанлари доктори Р.М.Абдуллаев берган маълумотга кўра<sup>127</sup>, “Иттифоқи муслимин” ташкилоти 1905 йил 15 августда Нижний Новгородда ўз ишини бошлаган Бутунроссия мусулмонларининг биринчи қурултойида тузилган. Ташкилотнинг “Каспий” ва “Ҳаёт” газеталари муҳаррири Алимардонбек Тўпчибошев томонидан тузилган 23 моддадан иборат Низоми эса Бутунроссия мусулмонларининг иккинчи қурултойида тасдиқланган (Санкт-Петербург, 1906 йил, январь). Ҳиҷоят, 1906 йил 16-21 август кунлари Давлат Дума-си мусулмонлар фракцияси ташаббуси билан Нижний Новгородда ўтган учинчи қурултойида “Иттифоқ”нинг дастури ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Дастурда партиянинг асосий вазифаси мамлакатдаги ички ва сиёсий ҳаётни ҳуррият, ҳақиқат ва инсонпарварлик қонунлари асосида янгилашга интилади, деб белгиланган.

Даврнинг шиддатли ҳаракати жадидлардан сиёсий ва ҳуқуқий қарашларини кундан-кунга янада шакллантириб ва

<sup>126</sup> Қаранг: “Жаҳон адабиёти” журнали, 2003 йил, 8-сон. – Б. 149.

<sup>127</sup> Қаранг: Жадидчилик: ислохот, янгилаш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. – Б. 69-75.

ривожлантириб боришни тақози этди. Энди жадидлар таълим ва тарбия масалаларини четга суриб қўймаган ҳолда Туркистоннинг мухторият давлат сифатидаги келажаги ҳақида, бу давлатнинг сиёсий тузилмалари, фуқароларнинг инсоний ҳуқуқлари, сўз эркинлиги ва демократик жамият қурилишининг бошқа муҳим масалалари устида бош қотира бошладилар. Шу маънода “Турк адами марказият” партияси дастурида мужассамланган жадидларнинг давлат ва жамият қурилишига оид қарашлари улар дунёқарашининг янада кенгайгани ва назарий баҳслардан амалий ишларга ўта бошлаганини намоиш этди.

Шубҳасиз, жадидларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида мустақил Туркистон давлатини қуриш билан боғлиқ режалар ўз аксини топмаган. Бундай мақсадни қўйиш шу кечя ва кундузда эришиш мумкин бўлган дастлабки ғалабани ҳам йўққа чиқариш билан барабар эди. Шу маънода, жадидлар ўзларининг амалий ҳаракатларида сиёсий хушёрлик намуналарини кўрсатиб, керак бўлган вақтда вазият талаби билан кураш тактикаларини ўзгартириб турдилар.

Жадидчилик ҳаракати Туркистон халқларини мустақилликка олиб чиқа олмаган бўлса-да, феодал қолоқлик ва мустамлакачилик шароитида мудраб ётган халқни уйғотиб юборди. Бу ҳаракатнинг тарих олдидаги хизмати шундадир.

Р.М.Абдуллаев ёзганидек, “1905-1906 йилларда Россия империяси тарихида биринчи марта бўлиб ўтган Бутунроссия мусулмонлари қурултойлари ва бу анжуманларда қабул қилинган қарорлар Россия мусулмонларини юқорида қайд этилган вазифаларни бажаришга сафарбар этди. Мусулмон оламидаги интеграция жараёнлари, шунингдек, мусулмонларнинг дастлабки қурултойларида ишлаб ичкилган таклиф ва тавсиялар жадидизмни секин-аста Туркистонда яшовчи ерли халқларнинг шаклланган сиёсий ҳаракатига айланишига олиб келмай қўймади. Туркистоннинг тараққийпарвар жадидлари (Мунаввар Қори, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Убайдалла

Хўжаев ва бошқалар) дастлабки миллий ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг шаклланишида иштирок этганлар”<sup>128</sup>.

XX асрнинг сўнги ўн йиллигида Ўзбекистоннинг Президент И.А.Каримов раҳбарлигида сиёсий мустақилликни қўлга киритиши ва мустақил ўзбек давлатининг ташкил этилиши чинакам тарихий воқеа бўлди. Ўзбекистон Республикасида демократик-ҳуқуқий давлат, чин маънодаги фуқаролик жамиятни барпо этиш ишлари қизғин тус олган ҳозирги кунда жаҳидларнинг маърифий, сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари ҳам муайян аҳамиятга моликдир.

---

<sup>128</sup> Қўрсатилган китоб. - Б. 75.

## Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, Шарқ, 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент, Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Тошкент, Ўзбекистон, 1999.
4. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Тошкент, Ўзбекистон, 2000.
5. Авлоний А. Танланган асарлар. Тошкент, Маънавият, 1998.
6. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, Ўқитувчи, 1992.
7. Айний С. Таърихи инқилоби Бухоро. – Душанбе: Адиб, 1987. – 80 б.
8. Аъзамхўжаев С. Туркистон бирлиги учун (мустақиллигимиз тарихидан саҳифалар). Тошкент, Фан, 1995.
9. Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти. Тошкент, Маънавият, 2000.
10. Алимова Д.А. Джадидизм в Средней Азии. Пути обновления, реформы, борьба за независимость. Тошкент, Ўзбекистон, 2000.
11. Алимова Д.А. Женский вопрос в Средней Азии (история изучения и современные проблемы). Тошкент, Фан, 1991.
12. Алимова Д., Рашидова Д. Махмудхўжа Бехбудий ва унинг тарихий тафаккури. Тошкент, Академия, 1999.
13. Бехбудий М. Танланган асарлар. Тошкент, Маънавият, 1999.
14. Долимов У. Исоқхон Ибрат. Тошкент, Шарқ, 1994.
15. Жади́дчи́лик: ислохот, янгила́ниш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. (Даврий туплам, №1). Тошкент, Университет, 1999.



16. Жалолова А., Ўзганбоев Ҳ. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг ўрни. Тошкент, Фан, 1993.

17. Зиёев Х. Тарих - ўтмиш ва келажак кўзгуси. Тошкент, Адабиёт ва санъат, 2000.

18. Зиёев Х. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Тошкент, Шарқ, 1998.

19. Зиёев Х. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи. Тошкент, Шарқ, 2001.

20. Зиёева Д. Туркистон миллий озодлик ҳаракати. Тошкент, Адабиёт ва санъат, 2000.

21. Иброхимов А. ва бошқалар. Ватан туйғуси. Тошкент, Ўзбекистон, 1997.

22. Историческое мировоззрение джадидов и их проекция будущего Туркестана. Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. Тошкент, Фан, 1996.

23. Ишанов А. Файзулла Ходжаев. Очерк жизни и деятельности. Ташкент, Узбекистан, 1972..

24. Каримов Н. Абдулҳамид Чўлпон. Тошкент, Фан, 1991.

25. Каримов Н. Чўлпон. Тошкент, 1991.

26. Мамажонов С. Бизнинг Чўлпон. Тошкент, 1997.

27. Махмудов Ф. Жаҳид адабиётда миллий истиқлол мавзуи. Тошкент, Ўзбекистон, 1999.

28. Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари. Тошкент, Университет. 1993.

29. Мўминов И. Избранные произведения. Ташкент, Узбекистан, 1976.

30. Мўминов И. Ўзбекистон ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихидан. Тошкент, 1960.

31. Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар Тошкент, Маънавият, 2003.

32. Ризаев Ш. Жаҳид драмаси. Тошкент, Шарқ, 1997.

33. Рўзимухаммад Б. Чўлпон- тонг юлдузи. Тошкент, 1997.

34. Садриддин Айний ҳаёти ва ижоди Тошкент, Ўқитувчи 1994.
35. Сидқий-Хондайликий. Танланган асарлар Тошкент, Маънавият, 1998.
36. Ташкулов Д. и др. Правовое государство – независимость, нация, экономика, идеология, политика. Т. Адолат. Т-4.
37. Ташкулов Д. Дониш. Москва. “Юридическая литература” 1990.
38. Туркистон жадидчилиги ва истиқлол муаммолари (илмий мақолалар тўплами). Самарқанд, 1996.
39. Тўлаков И. Чўлпон маҳорати. Андижон, 1997.
40. Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги мулоҳазалар. Тошкент, Фан 1997.
41. Фитрат А. Танланган асарлар (2 том). Тошкент, Маънавият, 2000.
42. Фитрат А. Чин севиш: Шеърлар, драмалар, мақолалар. Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1996.
43. Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. Тошкент, Маънавият, 1998.
44. Чўлпон А. Адабиёт надир. Тошкент, Чўлпон, 1994.
45. Чўлпон А. Гўзал Туркистон; Шеърлар. Тошкент, Маънавият, 1997.
46. Чўлпон А. Яна олдим созимни. Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1991.
47. Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. Тошкент, Ёзувчи, 1994.
48. Шарафиддинов О. Чўлпон. Тошкент, 1991.
49. Қосимов Б. Исмоилбек Гаспирали. Тошкент, Мерос, 1992.
50. Қосимов Б. Маслакдошлар (Беҳбудий, Ажзий, Фитрат). Тошкент, Шарқ, 1994.
51. Қосимов Б. Чўлпоннинг бадиий олами. Тошкент, 1994.
52. Қосимов Б. Излай-излай топганим. Тошкент, 1983.

53. Қосимов Б. Миллий уйғониш. Тошкент, Маънавият, 2003.
54. Қуронов Д. Рухий дунё тадқиқи. Тошкент, 1995.
55. Қуронов Д. Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. Тошкент, 1997.
56. Қуронов Д. Жаҳидчилик ва янги ўзбек адабиётининг шаклланиши. Андижон, 1999.
57. Ҳамза Ҳ.Н. Тўла асарлар тўплами: 5 томлик. Тошкент, Фан, 1988.
58. Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий ижоди ва проблемалари (тадқиқотлар). Тошкент, Фан, 1988.
59. Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий (ҳужжатлар тавсифи). Тошкент, Фан, 1979.
60. Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Жаҳидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар (давра суҳбати материаллари). Тошкент, Эълдинур, 1998.
61. Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар (даврий тўплам, №2). Тошкент, Шарқ, 1999.
62. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар (М.М.Хайруллаев таҳрири остида). Тошкент, Ўзбекистон, 1995.
63. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Тошкент, Шарқ, 2000.



**Рустам Хусиддинович ШАРИПОВ** - филология фанлари номзоди, доцент. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент Давлат юридик институтининг проректори.

1961 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1983 йилда Тошкент Давлат университетининг филология факультетини муваффақиятли тавомлаган. 1983-1992 йилларда ЎзФА Тил ва адабиёт институтида, 1992-1998 йилларда эса Тошкент Давлат университетидека кафедраси мудири, декан муовини вазифаларида ишлаган.

1998 йилдан Тошкент Давлат юридик институтида ишлаб келади. 2001 йилнинг сентябрь ойидан эъланборан Ички назорат ва мониторинг хизмати раҳбари-проректор.

1990 йилда профессор Овоб Шарафиддинов раҳбарлиги остида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. Шу йилнинг ўзига АҚШнинг Гарвард университетидека ўзбек маданияти тарихи бўйича маърузалар ўқиб қайтган. 1995-1997 йилларда Туркия Жумҳуриятида ишлаган.

Рустам Шарипов етмишдан ортиқ илмий ва оммабоп нашрлар муаллифи. Унинг "Замон. Шейрият. Услуб" (1982), "Туркистон жаҳидчилик ҳаракати тарихида" (2002) монографиялари, "Туркия маърафатлари" (1998) илмий-оммабоп маърузалари тўплами, "Аҳмад Заки Валидий Тутол" (1998), "Жаҳидчилик ҳаракатининг сарчашмалари" (1999), "Жаҳидчилик ҳаракатининг сиёсий ва ҳуқуқий дастурлари" (2000), "Туркистон жаҳидларининг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари" (2002) каби ўқув қўламавлари нашр этилган.



**Феруза Абдурашидовна МУХИДЖАНОВА** - юридик фанлар номзоди. Тошкент Давлат юридик институти «Давлат ва ҳуқуқ тарихи» кафедраси юзта ўқитувчиси.

1964 йил Бухоро вилояти, Когон шаҳрида туғилган. 1996-1999 йилларда Тошкент Давлат юридик институти аспиранти «Абу Наср Фаробий давлат ва ҳуқуқ ҳақида таълимоти» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

«Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқ тарихи», «Сиёсий-ҳуқуқ таълимотлар тарихи» фанларидан маъруза ва амалий машғулотлар олиб бормоқда.

Феруза Мухиджанова ўнлабдан ортиқ илмий ва оммабоп нашрлар муаллифи. Унинг «Фаробийнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти» монографияси, «Сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи», «Ўзбекистон ҳалқларини сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи», «Фаробийнинг ҳуқуқий қарашлари» рисолиси нашр этилган.

Холлари қанда Феруза Мухиджанова «Фаробийнинг сиёсий-ҳуқуқий таълимоти» мавзусида илмий илманишлар олиб бормоқда.